

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги**

Қарши Давлат Университети

Иқтисодиёт назарияси кафедраси

**Иқтисодиёт назарияси
(Маърузалар матни ўқув қўлланма)**

Қарши 2005 йил

Ушбу маърузалар матни ўқув қўлланма профессор Ш.Шодмонов томонидан 2004 йилда тайёрланган ва Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дастур бўйича тайёрланди ва ундаги мавзуларни иқтисодиётда тутган ўрни кейинги йиллар статистик маълумотлардан фойдаланиш асосида тушунтириб беришга ҳаракат қилинди.

Мазкур услубий қўлланма олий ўқув юрти талабаларига мўлжалланган ва ундан умумий ўрта мактаб ўқувчилари, коллеж ва лицей талабалари ҳамда малака ошириш курсида ўқиётган ўқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тўпловчи ва тузувчи:

проф. Н.Узоқов.

Такризчилар:

Проф. И.Рўзиев.

Доц. С.Исломов.

Катта ўқитувчи Э.Жумаев.

Кафедра йиғилишининг 2005 йилдаги 8
баённомасининг қарорига биноан чоп этишга
қарор қилинди.

Сўз боши

Кишилиқ жамияти ва унинг тарракиёти босиб ўтган даврлар иқтисодийётнинг шакллантириш ҳамда уни барқарорлигини таъминлаб бориш йўлидаги тинимсиз меҳнат жароёнларидан иборат бўлган. Маълумки, ишчи кучи меҳнати ишлаб чиқаришни ташкил этувчи, иқтисодийётни яратувчи бош омилдир.

Инсон меҳнати туфайли ишлаб чиқариш воситалари ёрдамида моддий неъматлар яратилади ва у кишиларни ҳамда жамиятни истеъмолини узлуксиз таъминлаб боради.

Моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқаришни қўпайтириб бориш инсонларни билими, малакаси, тажрибаси ва иқтисодий тафаккурини етуклик даражасига бевосита боғлиқдир.

Хусусан, мулкчиликни турли шакллариغا асосланган бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий билим ва иқтисодий тафаккурни ривожлантириш объектив заруриятга айланади.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳужалиқ юритишнинг янги шакли булган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти барпо этаётган Ҳозирги кунда замонавий бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган кадрларни тайёрлаш долзарб вазифалардан бири сифатида диққат эътиборга турмоқда.

Президент И.Каримов курсатиб утганларидек “Бугунки кунда олдимизга қўйган буюқ мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараккиёти ва истикболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдир буларнинг барчаси авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз”.

Ҳозирги вақтда ўсиб келаётган ёш авлод ўқувчи ва талабаларга ҳаётнинг асоси булган иқтисодийёт илми асосларини ва назарий томонларини ургатишда иқтисодийёт назарияси муҳим аҳамиятга эгадир. “Иқтисодийёт назарияси” фани фундаментал фан бўлиб, иқтисодийётнинг сир асрорларини, иқтисодий жароёнларни, иқтисодийётдаги узгаришларни билиб олишга, иқтисодийётни моҳиятини англаб етишга хизмат қилади.

Иқтисодий билимлар иқтисодийётнинг ўзи каби доимо ривожланиб, янги таълимотлар, гоёлар, қарашлар билан тулдириб, кенгайтириб борилмоқда. Бу билимлар қанчалиқ чуқурлашиб борса ва у ўқувчи-талабалар томонидан урганиб, узлаштириб борилса, бозор иқтисодиёти шароитида фаолият курсатиш осонлашади ва самарали натижалар беради.

“Иқтисодийёт назарияси” фанидан дарслиқлар, ўқув қўлланмалари билан ётарли даражада ўқувчи, талабалар таъминланмаганлигини эътиборга олган ҳолда, маърузалар матни қўлланмасини тайёрлаш ва талабаларни мумкин даражада таъминлаш иқтисодийёт назариясидаги мавзуларни урганишга ёрдам бериши мумкин.

Мазкур маърузалар матни ўқув қўлланмаси профессор А.Улмасов, академик М.Шарифходжаев, профессор Ш.Шодмонов, профессор Д.Тожибоева, доцент П.Хошимов каби муаллифларнинг дарслиқлари, ўқув қўлланмалари асосида тайёрланди ва профессор Ш.Шодмонов томонидан 2004 йилда ишлаб чиқилган дастурда киритилган бўлимлардаги мавзуларни мазмунини умумлаштириб беришга ҳаракат қилинди.

I-бўлим. ИҚТИСОДИЙ ТАРАККИЁТНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ.

1-маву. ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА БИЛИШ УСЛУБЛАРИ.

Режа:

1. Иқтисодийёт тушунчаси ва унинг бош масаласи.
2. Эҳтиёжлар ва иқтисодий ресурслар тушунчаси
3. Эҳтиёжларнинг турлари чексизлиги ва ресурсларнинг турлари
4. Иқтисодий билимларнинг шаклланиши ва уни ривожланишдаги меркантилизм, физиократлар, Англия классик иқтисодий мактаби гоёлари.
5. Иқтисодийёт назарияси фанининг предмети ва вазифалари.
6. Иқтисодий қонунлар, категориялар ва қонунлар тизими.
7. Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни урганиш усуллари.
8. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммолари-ни ҳал этишда иқтисодийёт назарияси фанининг роли.

Кишилиқ жамияти мавжуд экан, унда яшовчи истикомат қилувчи инсонларни ҳаёти учун зарур воситалар қерак. Бу воситалар табиатда мавжуд булсада, уларни инсон эҳтиёжига яроқли ҳолатга келтириш лозим. Ҳозирга қадар кишилиқ жамияти 5 та ишлаб чиқариш усуллари босиб утади. Ҳар бир тизимнинг узига ҳос булган турмуш тарзи шаклланди. Кишиларни актив фаолияти ишлаб чиқаришда намоён булган, маҳсулотлар яратганлар, истеъмоллари таъминлаш мақсадида меҳнат фаолиятларини натижаси булган маҳсулотлари ва хизматлари айирбош қилинган улар уртасидаги узаро алоқаларда иқтисод сузи ишлатила бошланди. «Иқтисод» сузи турли маъноларни билдиради. Яъни, тор маънода кишилар яратган барча моддий ва маънавий неъматларни, табиатдаги барча бойлиқларни ҳамда одам меҳнатини тежаб ишлатишини ифодалайди. Кенгрок маънода иқтисодийёт инсонни тирикчилигини утқизишга қаратилган ҳужалиқ фаолияти бўлиб, бу фаолият ишлаб чиқаришдан бошланиб, яратилган

махсулотларни истеъмол килиш ва жамгариш билан якунланади. Шундай экан, иқтисодиётни инсон ҳаётини, инсон фаолиятини асоси дейиш мумкин. Шу боис, айтадиларки, «Аввал иқтисод» ёки «Аввал таом, сунгра калом» деган иборалар қадим замонлардан бўён ишлатилиб келмоқда. Шунинг учун ҳам одамлар доимо иқтисодиёт билан шуғулланадилар. Иқтисодиёт қанчалик кучли булса, одамлар фаровон яшайдилар, давлат бақуват булади ва аксинча. Шунинг учун ҳам одамларни иқтисодиётга қизиқишлари кундан-кунга кучайиб бормоқда.

Иқтисодиёт ривожланиб борган сари қиррали алоқалар вужудга келади, яъни махсулот ишлаб чиқариш учун ҳар хил корхоналар, фирмалар шаклланади, улар уртасида нафакат миллий, балки халқаро алоқалар урнатилиши объектив заруриятга айланиб боради бундай шароитда кишилар уртасида оддий иқтисодий алоқалар етарли бўлмайди. Тадбиркор, ишбилармонлар учун иқтисодий ходисаларни, иқтисодий жараёнлар, қоида-қонунларни урганиш зарур бўла бошлайди. Ана шундай қоида қонунларни, категорияларни ҳаётий Фан бўлган иқтисодиёт назариясидан урганиб билиб олиш мумкин. Назарияни ишлаб чиқарувчилар, истемолчилар ҳуллас иқтисодий иш билан шуғулланувчилар билишлари керак. Ҳар бир киши ва оила аъзоларининг бюджетини шакллантиришда иқтисодни билиш зарур. Умуман олганда ҳеч бир киши иқтисодий муносабатларга қиришмай яшай олмайди.

Абдулла Авлоний шундай деб ёзган: «Иқтисод деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоққа айтилур», яъни иқтисод сузи, иқтисод илми қадим замонларнинг махсулотидир. Одамлар уз эҳтиёжларини (масалан сиёсат, санъат, адабиёт, фан, маърифат, маъданият, таълим ва ҳоказолар) қондириш мақсадида турли тармок ва соҳаларда фаолият курсатиб келмоқдалар. Бу фаолиятлар ичида энг асосийси, моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар курсатишдаги иқтисодий фаолиятдир.


Демак, жамият ва табиатдаги чекланган иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиб, кишиларни яшашлари учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратиш ва бу ерда инсонлар меҳнат қобилиятини бирлаштирувчи иқтисодий тизим яхлит ҳолда иқтисодиёт деб аталади. Қадим замонларда иқтисодий фаолиятнинг шакли уй хужалиги қурилишидаги доирада амал қилинган. Ҳозирги кунда йирик хусусий хужалик жамоа, ҳиссадорлик жамиятлари, давлат хужаликлари, корпорациялар, концернлар, қушма корхоналар, давлат уртасидаги иқтисодий фаолият шаклларида амал қилмоқда, яъни мураккаб организм вужудга келди. Аммо, табиий бойликлар, ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат ашёлари, пул маблағлари, малакали ишчи қучлари чекланган миқдордадир.

Турли мамлакатларда иқтисодиёт турлича бўлиши ва қуйидаги турларга ажратилиши мумкин.

1. Анъанавий иқтисодиёт. 2. Маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт. 3. Бозор иқтисодиётидир ёки уларни яхлитлаштириб, микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиёт деб айтиш мумкин.

Бундан ташқари жаҳон иқтисодиёти, мамлакат иқтисодиёти, миллий иқтисодиёт, тармок иқтисодиёти, функционал иқтисодиёт, минтақа иқтисодиёт, корхона ёки фирма иқтисодиёти, оила иқтисодиёти деб ҳам юритиш мумкин. Мақсад битта, у ҳам булса, кишиларни моддий ва маънавий эҳтиёжларини туларок қондириш, жамиятни ривожланишга имкониятлар яратиб беришдан иборат.

Инсоннинг иқтисодиётдаги ўрни бёқиедир. Ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол жараёнларида бевосита иштирок этади. Уни қуйидагича ифодалаш мумкин.



Ишлаб чиқариш жараёнида товарлар ва хизматлар яратилади. Агар ишлаб чиқариш фазаси булмаса, тақсимот, айирбошлаш ҳамда истеъмол булмайди. Тақсимот босқичида - ишлаб чиқариш воситалари, капитал ва ишчи қучи, товар хизматларнинг алоҳида турлари корхоналарда, тармоклар уртасида, соҳаларда тақсимланади.

Айирбошлаш энг муҳим босқичдир, чунки меҳнат тақсимога кура кишилар товар ва хизматларин бир-бирлари билан айирбош қиладилар. Иқтисодиётда охириги фаза истеъмол бўлиб, бунда товарлар ва хизматлар кишилар томонидан истеъмол қилинади ва уларни эҳтиёжлари қондирилади.

Истеъмол икки турли булади: Шахсий истеъмол ва ишлаб чиқариш истеъмоли.

Ишлаб чиқариш истеъмолида ишлаб чиқариш воситалари (капитал) ва иш қучидан ишлаб чиқаришда унумли истеъмол қилинади. Шахсий истеъмолда истеъмол буюмлари истеъмол қилинади. Бу фазаларни барча иқтисодий фаолиятни ташкил этади. Демак, иқтисодиётнинг доимий ва бош масаласи (муаммоси) эҳтиёжларнинг чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигидир. Энди эҳтиёжларни моҳияти ва мазмунини тушунтириб беришга ҳаракат қиламиз.

Ҳаёт кечириш инсон эҳтиёжларин қондирилишини билдиради.

Эҳтиёж иқтисодий категория бўлиб, одамларни яшаши, истикомат қилиши ва ривожланиши учун керак бўладиган иқтисодий ва маънавий заруриятлар мажмуасидир. Маълумки, ҳаётий эҳтиёжлар турли туман булади. Яъни, иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий, маънавий эҳтиёжлардан иборатдир.

Эҳтиёжлар қуйидаги турларга бўлинади.

1. Яқка тартибдаги эҳтиёж; 2. Гуруҳий эҳтиёж; 3. Умумжамият эҳтиёжи.

Эхтиёж кишининг жисмоний ҳолати, меҳнати, диди, одамларга боғлиқ.

Маълум гуруҳга бирлашган кишиларнинг умумий эхтиёжидир. Масалан, оилавий эхтиёж-телевизор, уй, автомашина, озик-овкатлар истеъмоли ва хоказо.

Умумжамият эхтиёжи-бу яққа ва гуруҳий эхтиёжларнинг йигиндисидан иборат бўлади. Масалан, табиий ресурсларни авайлаш, иқтисодий захиралар ҳосил қилиш, мудофаа ва хоказо.

Эхтиёжлар турларидан катъий назар:

1. Жамият иқтисодий тараккиётида эришилган даража;
2. Жамиятнинг социал-иқтисодий тизими;
3. Хаёт кечиришнинг табиий- жутрофий шароити;
4. Тарихий-миллий аналар ва одатлар билан боғланиб келади.

Эхтиёжлар таркибидаги социал-иқтисодий эхтиёжлар 3 қисмга бўлинади.

1. Моддий эхтиёжлар;
2. Социал-маънавий эхтиёжлар;
3. Меҳнат эхтиёжи;

Моддий эхтиёжлар табиий бўлиб уларга озик-овкат, кийим-кечак, тураржой, транспорт, алоқа, тиббий эхтиёжлар ва бошқалардан ташкил топади.

Моддий эхтиёжлар - моддий қурилишга эгадир. Масалан, пальто, кийим-кечак, қўйлак, туфли ва бошқалардан иборат бўлади. Масалан, Укутувчи, врач, санъат арбоби ва хоказолар. Бундай хизматлар моддий қурилишга эга эмас.

Меҳнат эхтиёжи инсонни узида мужассамлашган фаолиятидир, уни ҳам моддий шакли йук. Эхтиёжлар кишиларнинг ёши, жинси, оилавий аҳоли, касби, меҳнатининг тури каби омилларга боғлиқ.

Эхтиёжлар ҳар қандай жамиятда ҳам ушиб, узғариб боради ва у юксалиш хусусиятига эгадир. Агарда эхтиёж ушиб тухтамайдиган бўлса, унда жамият ҳаёти тухташи мумкин. Бу эса мутлақо мумкин эмас, эхтиёж ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, такомиллаштиришга, уни янгиланишига сабаб бўлади. Демак, эхтиёжни юксалиши объектив иқтисодий қонун бўлиб, умумиқтисодий қонунлар жумласига қиради. Жамиятнинг тараккиётини барча босқичларида амал қилади.

Бу қонунга қўра жамият аъзоларининг, бутун аҳолининг эхтиёжлари узлуксиз юксалиб боради, эхтиёж миқдори ушиб, таркибан янгиланиб туради, эски эхтиёжлар урнига янгиси келади, эхтиёжларнинг ривожланиши мураккаб тарзда юз беради.

Эхтиёжларнинг бирини урнига иккинчисини қелиши, бири билан иккинчисини алмашиш трансформация деб юритилади. Бу қонун ишлаб чиқариш билан эхтиёж уртасидаги алоқа-боғланишларни ифода этади. Ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ ишлаб чиқариш бўлмаса, эхтиёж ҳам бўлмайди, улар бир-бирини етаклайди. Масалан, телевизор яратилмаганда эди, эхтиёж бўлмаган бўлар эди. Бу эса яна янги эхтиёжни вужудга келтиради, яъни рангли телевизорга эхтиёж пайдо бўлади.

Умумжамият миқёсидаги эхтиёжларни ривожланиши техника тараккиётига боғлиқ. Дастлаб оддий эхтиёжлар-янги табиий инъомларидан таъминланган бўлса, ҳозир фан-техника тараккиёти даврида эхтиёжлар мураккаблашиб, тез-тез янгиланиш содир бўлмоқда. Бундан ташқари аҳоли сонининг ушиб, унинг таркибидаги узғаришлар, малакали меҳнат билан банд бўлганларнинг қўпайиши ҳам эхтиёжга таъсир қўлатувчи омиллардир.

Эхтиёжлар занжирли реакция сингари бир-бирини тақазо этади. Масалан, автомобилга эхтиёж кетидан уни гаражда сақлаш, таъмирлаш, техникавий хизматдан утқизиш, ёнилғи билан таъминлаш, уни мукамал бошқаришни урганиш эхтиёжлари пайдо бўлади. Ушиб бораётган эхтиёжларни таъминланиши ортидаги ҳолатлар билан ифодалаш мумкин:

1. Ишлабчиқаришнинг ҳолати ва уни ривожланиш ифодасига;
2. Ишлаб чиқарувчилар истемолчилар ва бошқарувчилар уртасидаги муносабатларга;
3. Аҳолининг даромадларининг миқдори ва жамгармасига, ҳажмига;
4. Бой ва узига тук кишиларни саҳийлигига;
5. Қўлида катта бойлик тўплаган одамларнинг хайр-саховатига.

Эхтиёжлар юксалиб боришини 4 томони бор.

1. Эхтиёж қенгайиб миқдори ушиб боради. Мисол. Газламага эхтиёж 1,5 млрд м³ бўлса, кейинчалик 3 млрд м³ га етиши мумкин

2. Мутлақо янги эхтиёжлар пайдо бўлади. Масалан, телевизор ва видео аппаратури пайдо бўлиши билан театр ва кинога бориш эхтиёжи қисқаради.

3. Эхтиёжлар нисбати узғаради. Масалан, умуман транспорт эхтиёжи сақланган ҳолда, транспортнинг аниқ турларига эхтиёж узғаради. Яъни темир йўл транспорти урнига, ҳаво транспортига, сув транспорти урнига автомобил транспортга эхтиёж қўпаяди.

4. Бир эхтиёжни иккинчиси билан алмашиши. Масалан, шакар, қанд, конфет, торт, новот, асал ширинликка бўлган эхтиёжни қондиради, лекин улар бир-бирини урнига босиш мумкин. Хуллас, эхтиёжларни қондирилиши-ишлаб чиқаришга ишлаб чиқаришни таъминлаб турадиган моддий бойликка ва уни ҳаракатга келтирадиган инсонни меҳнат фаолиятига бевосита боғлиқдир бу жараён таркибидаги моддий борлик чегараланган бўлиб, иқтисодий ресурслар деб юритилади.

Жамият, кишилар, табиат, турли хил қўрхоналар ва оила эхтиёжларида бўлган барча имкониятлар, захиралар, манбалар иқтисодий ресурсларни ташкил этади. Яъни, табиий ресурслар (ер, сув, урмон, ер ости бойликлари), ишчи қўчи ва моддий ресурслар (бинолар, дастгоҳлар, машиналар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, қўрилишлар, сотишга тайёр товарлар, уларнинг захиралари, пул маблағлари ва бошқалар) шулар жумласидандир.

Маълумки, иқтисодий ресурслар чекланганлиги туфайли, эҳтиёжни бирданига ёки тула-туқис таъминлашга тускинлик килади.

Иқтисодий ресурслар, ишлаб чиқариш ва эҳтиёжларни кондиритиш даражаси уртасида доимий ва мустахкам алоқадорлик мавжуд ва уни куйидагича изохлаш мумкин.

Иқтисодий ресурслар, Имкониятлар	Ишлаб чиқариш ёки Хизмат курсатиш да-ражаси	Эҳтиёжларни даражаси	кон-дирилиш
-------------------------------------	--	-------------------------	-------------

Шундай қилиб, иқтисодий ресурсларни 3 турга бўлиш мумкин:

1. Моддий ресурслар - бунга табиий бойликлар, асбоб-ускуналар, машина-механизм, бино-иншоот ва хокозо.
2. Меҳнат ресурслари - меҳнатга лаёқатли кишилар.
3. Ишбилармонлик қобилияти.


Бу турлардан икkitаси ишлаб чиқаришнинг шахсий инсоний омили ҳисобланади.

Ресурсларнинг камёблиги умумий ҳодиса. Бу экиладиган ерларнинг, ер ости ва ер усти бойликларининг, меҳнатга яроқли аҳоли сонининг чекланганлиги, энергия ресурсларининг етишмаслигида куринади. Масалан, кейинги 200 йил ичида ер қуррасида истеъмолчилар сони 5 марта қупайган, лекин ер сатҳи табиий бойликлари қупайгани йук.

Ер қуррасининг 72 фоизи океанлардан, 28 фоизи эса қуруқликдан иборат.

Эҳтиёжлар турли-туман бўлганидан уларни кондиритиш ҳам турлича йуллар, билан амалга оширилади, яъни иқтисодий фаолиятини талаб килади.

Иқтисодий фаолият деганда инсон тирикчилигини таъминлаш ишлари, тадбирлари, воситалари ва усуллари мажмуасидан иборат. Яъни:



Одамлар уз эҳтиёжини кондирмаса, иш қобилиятини тиклай олмай-ди. Истеъмолсиз ишлаб чиқариш ҳам бўлмайди. Ишлаб чиқариш турлари жуда ҳам қуп. Ҳозир дунёда 25 млн. хил махсулот ва уларни бутловчи қисмлар ва деталлар яратилади. Дунёни, жамиятни, ҳаётни, турмушни урганиш қадим замонлардан бўён давом этиб қелмокдаки, уни турли фанлар урганади, таҳлил қилади, синтез қилиб, илмий ва амлий ҳулосалар қикаради. Иқтисодиёт ва уни назарияси ҳам антик дунёнинг таникли олимлари Ксинафонт, қадимги Миср, Хитой, Хиндистон, ҳамда Марқазий Осиё олимлари яратган асарларида иқтисодга доир назариялар берилган.

Авлодларимиз Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек қолдирган илмий меросларда инсоннинг яшаши учун табиат эҳсонларидан эҳтиёж учун фойдаланиш мақсадида табиат ва уни сирларини урганиш, бунинг учун сермашаққат қилиш лозимлиги қайта-қайта курсатиб берилган. Улар доимо ҳужаликларнинг барча турларида (уй, қишлоқ, шаҳар, давлат) даромад билан ҳаражат мувозанатида алоҳида эътибор берилган, пулнинг мазмуни ва уни қелиб қикиш сабаблари ёритиб берганлар. Улар иқтисодиётни изчил урганиш асосида, унинг қоида-қонунларини, тушунчаларини курсатиб берган бўлсаларда, у даврда иқтисодиёт назарияси фан сифатида шаклланмаган эди.

Кейинчалик, қупгина мамлакатларда миллий бозор шаклланган ва жаҳон бозори қарор топаётган даврдан бошлаб, Ҳозирги иқтисодиёт назарияси «Сиёсий иқтисод» номи билан шакллана бошлаган.

«Сиёсий иқтисод» (политическая экономия) фанининг номи грекча суздан олинган бўлиб, «политика» ва «ойкономиа» сузларини бирикмасидан иборат. «Политийа» сузинингмаъноси «ижтимоий тузим» демақдир. «Ойкономиа» сузи икки суздан: «Ойкос»- уй, уй ҳужалиги ва «номос»- қонун сузларидан тарқиб топган. «Сиёсий иқтисод» фанининг номи XVIIасрнинг бошларида пайдо бўлган.

Француз иқтисодчиси Антуан Монкретён (1575-1621) йилларда яшаб ижод этган. У биринчи марта 1615-йилда «Сиёсий иқтисод трактати» номи қичик илмий асар ёзиб, бу фанни мамлакат микёсида иқтисодиётни бошқариш Фани сифатида асослаб берган.

Жамият таракқиётининг кейинги босқичларида етишиб қиккан классик иқтисодчилар бу назарияни туғри эканлигини тасдиқлаб, сиёсий иқтисод қенг маънода моддий неъмат ва маънавий ишлаб чиқариш ва айирбошлашни бошқарувчи қонунлар туғрисидаги фан деб ёзган эдилар.

Бу фанни шаклланишида бир қанча гоъвий оқимлар, мактаблар хизмат қилганлар. Улар «Меркантилизм», «Физиократлар», «Классик» мактаблардир.

«Меркантилизм» мактаби иштирокчилари ва намоёндалари- қишиларнинг, жамиятнинг бойлиги пулдан, олтиндан иборат бойлик савдода, асосан ташқи савдода муомала қараёнида пайдо бўлади, қупаяди, савдода банд бўлган меҳнат унумли меҳнат, бошқа меҳнатлар эса унумсиздир, деб фикр юритдилар.

Меркантилизм (итальянча «Мерканте» суздан олинган бўлиб, савдогар, тожир) савдо жамият бойлигининг манбаи деган маънони билдиради. Кейинчалик фанни таракқиёт айирбошлаш, яъни савдо қараёнида ҳеч қандай бойлик яратилмаслиги, қийматни қупаймаслигини аниқлаб берди.

Кейинги оким «физиократлар». Улар бойлик кишлок хужалигида яратилади ва купаяди деган гоёни бердилар. Бу мактаб вакили Ф. Кенэ томонидан машхур жадвал ишлаб чиқилди.

Кейинчалик иктисод фанининг классик мактаб намоёндалари А. Смит, У. Петти, Д. Рикардо каби машхур иктисодчи олимлар бойлик факатгина кишлок хужалигидагина эмас, балки шу билан бирга саноат, транспорт, курилиш ва бошқа хизмат курсатиш соҳаларида ҳам яратилганини исботлаб бердилар. А. Смитнинг «Куринмас кул» тамойили Ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. «Халклар бойлигининг табиати ва сабаблари тугрисида тадқиқот» (1776) деган китобида инсонни фаоллаштирадиган асосий рағбат шахсий манфатидир деб курсатган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб «Маржинализм» деб аталган оким вужудга келди. У инглизча суздан олинган булиб, охири кушилган деган маънони билдиради. Унинг асосчилари Австрия иктисодий мактабининг вакиллари (Карл Менгер, Фретрих фон Визер, Бем Баврик ва бошқалар) булиб, улар томонидан кушилган товар нафлигини, кушилган меҳнат ёки ресурс унумдорлигини пасайтириб бориши қонуни деган назарияни ишлаб чиқдилар. Маржинализм назарияси аниқ олинган товарга булган талаб ва унинг баҳоси уртасидаги боғлиқлик ва узаро таъсирини таҳлил қилишда фойдаланади.

Инглиз иктисодчиси Жон Кейнс 1936-йилда «**Бандлик, фоиш ва пулнинг умумий назарияси**» деган китобида макроиктисодий курсаткичлар: миллий даромад, капитал, харажатлар, истемол ва жамғаришнинг узаро боғлиқлигини таҳлил қилади, инвестиция ва истемолнинг энг мақсадга мувофиқ тарзда ташкил топиши иктисодий таракқиётнинг муҳим омили деб курсатади.

Ҳозирги замон иктисодиёт назариясининг муҳим йуналишларидан бири **Монитаризм** деб аталади. Бу назариянинг асосчиларидан бири америкалик иктисодчи Милитон Фредмен ҳисобланади. У, иктисодиётни барқарор қилишда пул омили асосий рол уйнайди деб курсатади.

Демак, Маржинализм, Монитаризм, Кейнсчилик йуналишидаги иктисодий назариялар мамлакатимизда ва МДХ давлатларида «Иктисодиёт назарияси» атала бошланди.

Иктисодиёт назарияси фанининг предметини аниқлашда турли назарий қарашларни урганиб, сингитез қилинади, кейин яхлит тушунча берилади.

Демак, иктисодиёт назарияси фанининг предмети нима? Бу фан асосан нимани тадқиқ қилиб, одамларга нимани ургатади деган саволларга иктисодчи олимлар турлича фикрлар билдирганлар:

1. Айирбошлаш; 2. Ишлаб чиқариш-хусусан деҳқончилик киритилган; 3. Назария-бойлик яратиш, уни айирбошлаш ва уни истемол этиш ҳақидаги фан деб талқин этилди; 4. Иктисодчилар провард натижада иктисодий назария ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбош ва истемолни урганади деган ҳулосага келишди.

Гарбдаги йирик иктисодчилар назария қандай фан деганда унга қисқа ва лунда жавоб бериб булмайди деб ҳисоблайдилар. П. Самуэльсон қуйидагиларни ёзган:

1. Иктисодиёт назарияси айирбошлаш, пуллик битимлар билан боғлиқ иктисодий фаолият турлари ҳақидаги фан.

2. Хар хил товарларни (бугдой, мол гушти, польто, йулар, қичик кемалар) ишлаб чиқариш мақсадида қишидан (ер, ишлаб чиқаришга мулжалланган товарлар, меҳнат, машинани, техникавий битимлар) фойдаланиши тугрисидаги фан.

3. Қишиларнинг қундалиқ ишбилармонлик фаолияти, қишиларнинг тирикчилик маблағи топиши, ундан фойдаланиши тугрисидаги фан.

4. Инсоният истемол ва ишлаб чиқариш борасида уз вазифаларини қандай бажараётганлиги тугрисидаги фан.

5. Иктисодиёт назарияси бойлик тугрисидаги фан.

Мазкур таърифларда иктисодиёт назарияси предмети қисмларга булиб баён этилган. Бу ерда асосий масала фан предметига қишилар бутун жамият иктисодий фаолиятининг киритилишидир.

Хуллас, иктисодиёт назарияси жамиятда юз берадиган иктисодий ҳодисалар, жараёнлар, уларга ҳос булган алоқа боғланишларни, уларнинг қонун қоидаларини ва қишилар фаолиятида намоён булишини ургатувчи фандир.

Иктисодиёт назарияси фанининг предмети иктисодий ресурслар чекланган шароитда жаиятнинг чексиз эҳтиёжларини қондириш мақсадида моддий нёъматларни ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истемол қилиш жараёнида вужудга келадиган иктисодий муносабатларни ижтимоий хужалиқни самарали юритиш қонун қоидаларини урганишдан иборат, деб айтиш мумкин.

Хар бир фан маълум вазифани бажаради, жумладан иктисодиёт назарияси ҳам бир қатор вазифаларни бажаради.

1. Иктисоднинг сир асрорларини билиб олиш, уларни оммага етказиб, уларнинг иктисодий билим савиясини оширади.

2. Барча иктисодий фанларга илмий-услугий асос булиб хизмат қилади.

3. Амалий тавсиялар беради.

6. Иктисодиёт назарияси умумиктисодий қонунлар ва категорияларни таҳлил этиш ва изоҳлаш орқали уз предметини урганади.

Хар бир фан уз предметини категориялар ёрдамида текширади.

Иктисодий категориялар бу иктисодни урганишда қулланадиган назарий тушунчалар булиб, улар реал иктисодий воқеяликнинг илмий инъикоси, ифода этилишидир.

Масалан, маҳсулот, товар, ишчи қучи, бозор, капитал, ишбилармонлик, тадбиркорлик, баҳо, молия, кредит ва бошқалар категориялар деб юритилади.

Категориялар гуруҳларга булиниб урганилади.

1. Умумиктисодий категориялар иктисодий жараёнларнинг барча босқичларида ҳосдир. Масалан, ишлаб чиқариш, мулк, меҳнат жараёни, маҳсулот, иш вақти, меҳнат тақсимоги, эҳтиёж қабилар.

2. Формацион, махсус категориялар-иктисодиётнинг муайян тарихий боскичига хос категориялардир. Масалан, эксплуатация, рента, ортикча аҳолии кашшокланиш, монополия, моносония, олигополия ва хоказо.

3. Даврий-оралик категориялар, масалан, товар, пул, талаб, таклиф, маркетинг, нарх, инфляция ва хоказо.

Иктисодиёт назариясида иктисодий ходисаларининг белгилари умумлаштириш асосида қонунларда тарифланади. Иктисодий қонунлар-иктисодий жараёнларнинг турли муҳим томонлари уртасидаги муҳим тақдорланиб ва юзага келиб турадиган узвий иктисодий заруратни тақазо этувчи сабаб-оқибат, алоқа боғланишларидир.

Қонунлар ҳам гуруҳларга бўлинади:

1. Умумиктисодий қонунлар, иктисодий тараққиётнинг ҳамма боскичларида амал қилади. Масалан, меҳнат тақсимоли, жамғариш, меҳнат унумдорлиги усиб бориши, эҳтиёжларнинг юксалиши ва хоказо.

2. Формацион-махсус қонунлар унга махсус иктисодий қонунлар қиради. Масалан, феодализм, капитализм қонунлари шулар жумласидандир.

3. Даврий-оралик қонунлар бунга бозор иктисоди қонунлар-рақобат қураши, талаб ва таклиф, пул муомаласи ва қиймат қонунлари шулар жумласидандир.

Иктисодий жараён ва ходисаларни урганишнинг бир қанча усуллари мавжуд.

1. Иктисодий жараёнлар ва ходисаларни урганиш учун маълумотлар (фактлар) тупланади. Бу эмпирик боскич ҳисобланади.

2. Жамланган маълумотларга бир қатор умумий тарзда баҳо берилади, яъни синаб қурилмаган ҳулоса гипотеза олга сурилади.

3. Илмий абстракция усули-иктисодий ходиса ва жараёнларни урганишда инсонни абстракция фикрлашдан фойдаланилади.

4. Таҳлил ва синтез усули-таҳлил бу урганилаётган бир бутунни алоҳида қисмларга ажратиш ва уларни изчиллик билан таҳлил қилиш. Синтез -бу урганилаган қисмлардан олинган ҳулоса ва натижаларни бир бутун яхлит жараён деб қараб, умумий ҳулосалар чиқаришдир.

Иктисодиётни назарий таҳлил қилишда микроскоп ва кимёвий реактивлардан фойдаланиб бўлмайди, уларни урнида абстракция қучидан фойдаланилади.

Булардан ташқари индуктив ва дедуктив усуллар ҳам ишлатилади. Индуктив усул деганда империк билимдан абстракцияга ўтиб, назарий ҳулосалар чиқарилади ва кейин иктисодий сиёсатга утилади.

Дедуктив усули қўлланганда назариядан иктисодий фактлар таҳлиliga утилади. Дастлаб олга сурилган ғоялар, ҳулосалар қайтадан фактлар асосида текшириб қурилади. Ҳар иккала усул бир-бирини тулдириб беради. Булардан ташқари иктисодий назарияда қонуниятларни баён этиш учун эгри чизик чизмалари статистик жадваллар ҳам қўлланилади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида бир қатор муаммоларни бўлиши муқаррар. Бу муаммоларни назарий ечимларини беришда иктисодиёт назарияси муҳим аҳамият касб этади. Иктисодиёт назариясини талабалар, иктисодчи мутахассислар яхши билса чекланган турли хил ресурслардан самарали фойдаланиб, унинг ҳар бир бирлиги ҳисобига қупрок товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар курсатишни таъминлайдилар. Фаолиятни ҳар бир турига сарфланадиган харажатларни миқдорини эришилган ютуқлар билан таққослаб қурадилар, харажатларни қамайтириш йўллариини излаб топадилар.

Президент И. Каримов курсатиб ўтганидек, иктисодиёт назарияси Фани «Кишиларда янгича иктисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг Дунёқарашиини ўзгартириш» вазифасини ҳам бажаради. Президент И. А. Каримовнинг маърузалари, сузлаган нутқлари ва асрларида курсатиб берилган, бозор иктисодиётига ўтиш даври тамойиллари ўтишнинг узига хос йўлини, узининг иктисодий қонунларини, йўл-йўриқларини, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қонунлар ва қарорлар асосида мамлакатимиз олдида турган иктисодий муаммолар ва вазифаларнинг чуқур таҳлилини, уни ҳал этиш йўллариини курсатиб бермоғи лозим, ҳамда ўтиш даври иктисодиётининг узига хос хусусиятлари, қуп ўқладли иктисодни вужудга қелиши, турли шаклдаги мулкчиликни қарор топиши қонуниятларини очиқ бериши ва уни қенг жамоатчиликка ўзлуқсиз тушунтриб боришда иктисодиёт назарияси асосий манбалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу фан умуминсоний фан бўлиб, иктисодиётнинг барча йўналишларидан мутахасис олувчилар учун махсус фан, ноиктисодий йўналишидаги мутахасисликлар учун умумий фанлар таркибига қиритилади.

Асосий таянч тушунчалари:

1. Иктисодиёт-бу ҳар бир жамятда объектив тизим бўлиб, чекланган ресурслардан мақсад йўлида оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали ҳаётий воситаларни яратиш ва уни истеъмолчиларга таъминлашга қаратилган фаолият бирлигини билдиради.

2. Эҳтиёж-кишиларни истикомат қилишлари, ва яшашлари ва ўлғайишлари учун зарур бўлган ҳаётий воситаларга талабдир.

3. Иктисодий ресурслар-инсонларни яшати. Мамлакатни ривожланиши ва тараққий қилиши учун ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш соҳаларида истемол қилинадиган воситалар захиралар, имқониятлар ва манбалардир.

4. Иктисодий қонунлар-турмуш ва ҳаётнинг барча соҳаларида, иктисодий ходиса, жараёнларда амал қиладиган, тақдорланиб турадиган, барқарор сабаб-оқибат алоқаларини, уларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлигини ифода қилади.

5. Иктисодий категориялар. Иктисодий жараёнларда доимо тақдорланиб турадиган ва уларни айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий тушунчалардир.

6. Услугият-иктисодий жараёнларни илмий қилишнинг йўллари, қонун-қоидалари, тамойиллар тизимидир.

7. Илмий абстракция-иқтисодий жараёнларни илмий билишда қулланиладиган усуллардан биридир.

Асосий адабиётлар:

1. И. А. Каримов- асарлари 11-том.
2. Дарслик ва қулланмалар:
3. А. Улмасов, М. Шарифхужаев. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Меҳнат», 1995 йил. Дарслик.
4. Ш. Шодмонов, Р. Алимов, Т. Жураев. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Молия» 2003 йил. Қулланма.
5. Д. Тожибоева. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Шарқ» 2003 йил 1-2 китоб. Қулланма.
6. К. Абдурахмонов ва бошқалар. Экономическая история. Т. «Ўзбекистон» 1999 йил. Дарслик (рус тилида).
7. Данилов, З. Юлдошев. Национальная экономика. Т. «Янги аср авлоди» - 2003 йил. Ўқув қулланма.
8. Президент Фармонлари, Олий мажлис қонунлари, сессиялари, ВМнинг қарорлари.
9. И. А. Каримов нутқлари, маърузалари, ҳар бир йилнинг социал-иқтисодий ҳисоблари.

2-мавзу. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.

Режа:

1. Ишлаб чиқариш омиллари ва унинг таркиби
2. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни.
3. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари.
4. Ишлаб чиқариш имкониятлари ва унинг чегараси.
5. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унинг курсаткичлари.

Кишилиқ жамиятини тараккиёти ва инсонларни яшашлари учун зарур бўлган моддий – неъматлар табиатда мавжуд бўлсада, уларни инсон эҳтиёжларига мослаб тайёрламок, етиштирмак, ишлаб чиқармок ва қайта ишлаб, уларни тайёр истеъмол маҳсулотларига айлантирмак лозим. Бунинг учун эса, энг аввало ишлаб чиқариш учун зарур бўлган унсурларни бўлиши, уларни узаро бириктириши шакллантириш лозимдир. Хуллас ишлаб чиқаришни ташкил этмок керак. Шундан кейин ишлаб чиқаришни мақсади, моҳияти, вазифаси ва унинг натижаларини тушунмок керак бўлади. Мақсад аниқ бўлгандан кейин эса, ишлаб чиқаришни узлуксизлигини таъминлаш, самарадорлигини ошириб бориш ушвор вазифага айланади. Ушбу мавзуда ишлаб чиқаришни, ҳужалиқни ташкил қилиш ва уни юритишга таалукли таянч иқтисодий тушунчалар ва иқтисодий қонуниятлар берилган бўлиб, улар талабаларга атрофлича тушунтирилади. Жамиятда ҳужалиқ юритишнинг ва мулкчилик шакллари турличадир, лекин ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган соҳаларда ишлаб чиқаришни ташкил этишда катнашадиган унсурлар (эмменитлар, иқтисодий категориялар) бир хил бўлади. Улар таркибини қуйидаги унсурлар ташкил этади. Яъни: 1. Меҳнат (ишчи қучи); 2. Меҳнат предмети; 3. Меҳнат қуроллари 4. Меҳнат воситалари. Бу туртта унсурни ишлаб чиқариш омиллари деб аталади. Уларни ҳар бирига алоҳида тушунча ва таъриф бериб утаимиз.

Меҳнат (ишчи қучи) иқтисодий категория бўлиб, меҳнатга лаёқатли бўлган ҳар бир субъектнинг мақсадлар йулидаги жисмоний ва ақлий қобилиятининг мажмуасидир. Масалан, Ўзбекистон Республикасида 25 млн 115 минг аҳоли буладиган бўлса, унинг 51,6 фоизи меҳнатга яроқли бўлган кишилардир.

Кишилар меҳнати йуналтирилган ва меҳнат таъсир қиладиган нарсаларга **меҳнат ашёлари** деб аталади. Масалан, ер ва ундаги маҳсулотлар, хомашёлар, металллар, сув, ҳар хил материаллар ва ҳоказо.

Инсон меҳнати билан меҳнат предмети ва табиатга таъсир қиладиган нарсаларга **меҳнат қуроллари** дейилади. Яъни, ҳар хил турдаги машиналар, асбоб-ускуналар, қуроллар, станоклар ва ҳоказолар. Мисол, инсон уз меҳнатини меҳнат қуроли бўлган аррага бириктириб, урмон хомашёсини қирқиши мумкин, эшик ясаши мумкин ва ҳоказо.

Бевосита ишлаб чиқаришга катнашмайдиган, лекин унга қумаклашадиган нарсалар **меҳнат воситалари** деб аталади.

Масалан, қуриклар, каналлар, темир йуллар ва ҳоказолар. Энди учта омилни бириктириб жараёнларини тушунтирамиз. Меҳнат қуроллари билан меҳнат ашёлари (предметлари)ни қушилиши натижасида ишлаб чиқариш воситалари ҳосил бўлади. Ишлаб чиқариш воситаларига инсон меҳнати қушилса, ишлаб чиқарувчи қучлар ҳосил бўлади. Шу учала омилни бириктириб туфайли ишлаб чиқариш ташкил этилади. Бунда инсон омили ва унинг қобилияти асосий омил ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнини қуйидаги йигиндиларни натижаси деб қаралади.

Яъни,

$I/ч = A + B + C$.

Бунда: $I/ч$ – ишлаб чиқариш,

A – меҳнат қуроли,

B – меҳнат предмети,

C – инсон меҳнати (ишчи қучи).

Меҳнат қуролларини меҳнат ашёларига таъсир қурсатишига қараб, уларни 3 та гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Машиналар, станоклар, асбоб-ускуналар, мосламалар ва ҳоказо.

2. Хомашёлар, хар-хил ёкилгилар, материаллар ва бошқа меҳнат воситаларини саклайдиган омборлар, кувурлар, цистерналар, ховузлар ва бошқалар.

3. Ишлаб чиқаришга кумаклашадиган меҳнат воситалари – каналлар, куприклар бинолар, йуллар ва бошқалар.

Умумлаштирилган ҳолда олдинги, сиёсий иқтисод дарсликларида ишлаб чиқаришни икки омили мавжудлиги, яъни, моддий омили (ер, ер ости бойликлари, сув, ресурслар ва табиат бойликлари), шахсий омили (ишчи кучи, меҳнат) айтилар эди. Бозор иқтисодиёти билан боғлиқ булган купгина адабиётларда ишлаб чиқариш омили 4 катталиқдан иборат деб курсатилмоқда, яъни, меҳнат, капитал, ер-сув, тадбиркорлик ишидир. Бундай қарайдиган бўлсак, ишлаб чиқаришда меҳнат эмас, балки ишчи кучи иштирок этади, у ёлланади меҳнат бозорида сотилади ва сотиб олинади, у товардир. Меҳнат эса инсондаги қобилият булгани сабабли, уни инсон танасидан ажратиб олиш мумкин эмас, сотилмайди ва сотиб олинмайди ва товар ҳам булмайди. Профессор Ш. Шодмонов курсатиб утганидек, меҳнат бозори тушунчасини ишчи кучи бозори билан, меҳнат ресурслари сузини – ишчи кучи ресурслари билан алмаштириб ишлатиш мақсадга мувофиқроқ булади.

Ишлаб чиқаришни омили таркибига кирган «Капитал»га турлича маъно берилган. Айрим адабиётларда капитал эгасига қушимча қиймат келтирувчи қиймат, уз – узидан купайиб келувчи қиймат дейилади. Гарб иқтисодчилари Дж. Кларк, Л. Валрас, И.Фишерлар капитални даромад, фойза ва фойда келтирувчи қиймат деб тушунтирадилар. И. Ф. Д профессор В. Д. Камаев томонидан тайёрланган дарслиқда «Ҳақиқатан ҳам капитал уз-узидан купаювчи қиймат» деб ёзган. Европа мамлакатлари ва Америкада қулланилаётган «Экономика» дарслигида ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларида қулланилаётган ишлаб чиқариш воситалари, асбоб – ускуналар, фабрика – заводлар, объектлар, иншоотлар транспорт воситалари, омборлар, моддий ашёлар ва ҳақозалар капиталдан иборат деб курсатилади.

Юқорида капиталга берилган таърифни эътиборга оладиган бўлсак, бизнинг фикримизча ишлаб чиқариш моддий омилини ташкил этадиган нарсалар уз – узидан купаювчи қиймат усувчи яратувчи, ёки даромад, фойда, фойза келтирувчи деб қаралган. Бизнинг фикримизча капитал таркибига киритилган нарсаларга ишчи кучи таъсир этса, моддий воситалар уз эгаларига даромад фойда келтириши мумкин.

Ишлаб чиқариш воситаларига эғалик қилган, шу воситалар ёрдамида ишлаб чиқаришни ташкил этган ва иш бажарган, иш бажариш жараёнида уз меҳнати ва бошқа кишилар меҳнатини қуллаб, даромад ёки фойда олган кишини **тадбиркор** деб айтиш мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёни курсатиб утилган омилларни бир – бири билан бирикиши, қушилиши ва узаро таъсири ёрдамида шаклланади. Ишлаб чиқаришни натижасида махсулот ишлаб чиқариш функцияси дейлади.

Хулоса қилиб айтганда, ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омиллари вақт утиши билан миқдор ва сифат жиҳатидан узғариб боради. Яъни, янги-янги мураккаб техника ва технологиялар вужудга келади, уни бошқариш учун ходимлар билимларини, малакаларини ошириб борадилар.

Маълумки кишиларни эҳтиёжлари қуп қиррали бўлиб, у чексиздир бу эҳтиёжни таъминлаб бориш, ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш соҳаларининг ривожланиш даражасига боғлиқ булади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш узини мақсадига ва мазмунига эга булади. Ишлаб чиқариш туфайли моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқарилади лекин у чекланган иқтисодий ресурслар билан бажарилади. Ресурслар чекланганлиги сабабли улардан тежаб-тергаб фойдаланишдан мақсад ундан унумли фойдаланишга эришишни таъминлаб, кишиларни қундалик ва ундан кейинги моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириб бориш асосий мақсад ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни мақсади ва мазмуни ҳам шундан иборат булмоғи лозим. Ишлаб чиқаришни заминида инсон меҳнати ётади. Меҳнат туфайли ишлаб чиқариш вужудга келтирилади, меҳнат туфайли махсулотлар ишлаб чиқарилади, хизматлар курсатилади. Шу сабабли иқтисодчилар таъкидлаб утганларидек, меҳнат кишилар ҳаётининг асоси ҳисобланади умуман олганда инсон меҳнати билан табиатга таъсир курсатади, уни яъни табиат моддалари узғариши учун меҳнат билан янги техника, технологиялар яратади, бу йулда узини илмини, малакасини ҳам, ошириб боради.

Масалан, оддий дастлабки тош ва ёғоч қуролларини ва Ҳозирги даврдаги мураккаб ишлаб чиқариш воситалари ҳам, инсон меҳнати туфайли табиатдаги бойлик моддалардан яратилгандир. Бунда меҳнат тақсимооти ҳам муҳим роль уйнайди. Ҳозирги пайтда меҳнат тақсимотдан вужудга келган ишлаб чиқаришнинг купгина соҳалари – саноат, қишлоқ ҳужалиги, қурилиш, транспорт, тайёрлов ташкилотлари, савдо, моддий техника таъминоти, савдо шаҳобчалари коммунал ва уй – жой ҳужаликлари каби тармоқлар фаолият курсатиб, махсулотлар ишлаб чиқармоқдалар ва хизмат курсатмоқдалар. Бир суз билан айтганда ялпи ички махсулот яратмоқдалар.

Ҳозирги пайтда миллий иқтисод яратишни бозор йули билан ривожланаётган мамлакатлар учун мулкчиликни қуп мулкчилик шакллари маъқул булмоқда.

Моддий ишлаб чиқариш тармоқларида моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқарилади ва хизматлар курсатилади.

Республика иқтисодиёти ҳам бозор йулидан ривожланиб товар ишлаб чиқармоқда ва хизматлар курсатмоқда, яъни ялпи ички махсулот ҳосил қилмоқда. Масалан, 1999 ва 2000 йилда яратилган ялпи ички махсулотда товарлар ва хизматлар қиймати қуйидагича булган. Яъни: 1999 йилдан ЯИМ – 2128,7 млрд сум 100%. Шу жумладан, ишлаб чиқарилган товарлар қиймати 1070,5 млрд сум ёки 50,2 фойза. Курсатилган хизматлар қиймати 772,4 млрд сум ёки 36,4 фойзни ташкил этган бўлса, 2000 йилда ЯИМ-3194,5 млрд сум, 100 фойза бўлди, шундан ишлаб чиқарилган товарлар қиймати 1614,2 млрд сум ёки 50,5 фойзни, курсатилган хизматлар қиймати 1173,9 млрд сум ёки 36,8 фойзга купайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида деҳқон ҳужалигини таркибидаги уй ҳужалигини ривожланишига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, ҳунармандчилик, қандолатчилик, қонвойлик, уй – боғча ва яслиларни купайтириш шулар жумласидандир. Чунки, бу соҳа қушимча иншоотлар қуришни, қушимча маблағларни сарфлашни талаб қилмайди. Шунинг билан бир қаторда, аксинча кишилар узларини вақтларини қуп қисмини уй ҳужаликларида

марфлайдилар, маблагларни тежайдилар ҳамда кишлок хужалик махсулотларини, турли чикиндиларни кайта ишлаб, аҳолига хизмат курсатадилар шу сабабдан ҳам кейинги йилларда ЯИМда курсатилган хизматларни киймат усмокда.

Моддий неъматлар ишлаб чиқариш жараёни икки булинмага булинади. Биринчи булинмада ишлаб чиқариш воситалари (машина, станок, асбоб-ускуналар, хомашёлар ва хакозалар) ишлаб чиқарилади, иккинчи булинмада эса халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади. Хар иккала булинма уртасида товар–махсулотлари айирбош қилинади.

Ишлаб чиқариш жараёни икки томони мавжуд, яъни истеъмол киймат ва киймат яратиш томонидир уни қуйидагича тасвирлаш мумкин.

Иш кучи ва ишлаб чиқариш воситалари (буюм шакллари)	Меҳнат жараёни истеъмол киймат яратиш жараёни	Истеъмол киймати яъни нархлашган
Ишлаб чиқариш омиллари	Ишлаб чиқариш жараёни	Натижа: товар ва хизматлар
Капитал: ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи киймати	Кийматнинг усиш жараёни	Сарфланган ва қушилган киймат

Моддий ашёвий омиллар (ер, сув, капитал) билан шахсий-инсоний омиллар (меҳнат, тадбиркорлик)ни қушилиши натижасида моддий махсулотлар ва хизматлар яратилади. Моддий жараённи ҳосил қилиш учун ишлаб чиқариш 2 ҳолатга боғлиқ бўлади яъни:

1. Бевосита бирикиш, -бунда моддий омиллар эгаси бошқа киши, иш кучи эса унга эга эмас иккаласини бирикиши билвосита бўлади.

2. Моддий ва шахсий омиллар бир кишини қулида бўлиб улар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида қушилса, бевосита бирикишини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш учун, маълумки, ишлаб чиқариш воситалари мавжуд бўлиши лозим. Мисол келтирадиган бўлсак қуйидаги қуриниш содир бўлади. Яъни: нон ишлаб чиқариш учун 2 тонна унни 150 минг сумга сотиб олинди. Нон тайёрлаш учун ишлатиладиган техника сарф қилинган энергия харажатлари сарфи (амартизацияси) учун 40 минг кетса, иш хақи $50+40+50+50=290$ минг сумни ташкил этади. Бунда $50+50=100$ сум янги киймат ҳисобланади.

3. Маълумки, халқ хужалиги турли туман тармоқлар ва соҳалар мажмуасидан иборат. Шунга биноан турли туман корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ҳам мавжудки, уларда ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш амалга оширилади, улар бир-бирлари билан узвий боғлиқда бўладилар. Барча индивидуал ишлаб чиқаришларни жамиси.

Ишлаб чиқарилаётган товарлар ва курсатилаётган хизматлар ҳажми миллий махсулотни вужудга келтиради.

Республикада 2001 йилда рўйхатга олинган хужаликлар сони 203,3 минг тани ташкил қилган. Ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси ялпи миллий махсулотда ифодаланади.

Муайян вақт ичида яъни бир йилда ишлаб чиқарилган махсулотлар йигиндиси ва курсатилган хизматлар ҳажмини бозор кийматида ҳисобланадиган миқдорлари ялпи миллий махсулот (ЯММ) деб юритилади.

Ишлаб чиқариш натижалари (ҳажми) икки усулда ҳисобланади биринчиси – натурал моддий улчам мисол. Тоннада, (кумир, нефть, металл, пахта, дон ва хакоза), кубометр (ёғоч, тахта, газ ва хакоза).

Ишлаб чиқариш ҳажми яратилган махсулотлар ва хизматлар миқдорини уларни бозор нархига қупаймасидан иборат. ЯММ пировард махсулот ва хизматларни билдиради, истеъмолга тайёр ҳаётий неъматларни жамиси эканлигини билдиради. Бундан ташқари ялпи ички махсулот ҳам бор. Ялпи миллий махсулотни ялпи ички махсулотдан фарқи шундаки, унинг таркибига мамлакат ташқарисида бўлган корхоналарда вужудга келтирилган махсулотлардан олинандиган улиш ҳам қиради.

Ялпи миллий махсулотга мамлакат ичида ҳудудларида хорижий мамлакатлар уларни фуқаролари томонидан қурилган корхоналарда ишлаб чиқарилган махсулотларда уларнинг ҳиссаси ҳисобга олинмайди. Ички миллий махсулотда эса мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган ҳамма товар ва хизматлар қушилиб, ҳисобга олинади. Маълумки, ишлаб чиқарилган товар махсулотларни барчаси истеъмолга яроқли бўлмайди, у қайта ишлашни, ундан кейин қайта сотишга мулжалланган бўлади. Жами ижтимоий махсулот ҳам бор, у пировард ишланадиган оралик махсулот мавжуд бўлади. Бир неча бор қайта ишланадиган махсулотлар киймати ахсулотди ЖИМдан айриб ташланади, қолган махсулотлар киймати ялпи миллий махсулотни ташкил этади.

Мисол келтирамиз фермер 1 кг. пахтани заводга 15 сумга сотса, уни завод қайта ишлаганда 4 сумлик киймат қушилади ва у $15+4=19$ сум бўлади уни йигирув ва туқимачилик фабрикаси олиб газламага айлантирганда 7 сумлик киймат қушилади ва газлама $19+7=26$ сум бўлади. Газлама тиқувчилик фабрикаси олиб, қуйлак тикканда 8 сумлик киймат қушилади. Қуйлакни нархи $26+8=34$ сум бўлади.

Бу ерда пахта 1. завод; 2. йигирув туқимачилик фабрикаси; 3. тиқувчилик фабрикасидан утади. Бу ерда ялпи миллий махсулот $15+4+7+8=34$ сумни ташкил этади.

Жами ижтимоий махсулот эса $15+15+15+4+7+8=64$ сумдан иборат бўлади.

ЯММ нинг ҳажми унинг яратиш учун кетган жами меҳнатни эмас, балки унинг бозорда тан олинган, бозор нархига қирган қисмини билдиради. Мисол келтирадиган бўлсак, товар махсулотнинг маълум массасига, айтайлик 120 сум сарф қилинган, лёкин у бозорда 110 сотилган бўлса, ана шу сумма ЯММга қиради.

Миллий махсулот натурал (буюм), киймат (пул), қуринишда ифода қилинади. Киймат қуринишидаги тузилиши қуйдагилардан иборат бўлади:

1. Ишлаб чиқариш воситаларининг махсулот ишлаб чиқариш жараёнида махсулотга утган қисми (с).

2. Махсулот ишлаб чиқаришда янгидан яратилган, вужудга келтирилган махсулотнинг ёки кийматининг бир қисми. Бу махсулот икки қисмга булинади, зарур махсулот ва қушимча махсулот. Зарур махсулот, уни яратувчиларга тегишли бўлиб, ундан иш хақи, меҳнат берилади. Уни V харфи билан белгилаш мумкин;

3. Янги кийматни иккинчи қисми мулкдорларга, тадбиркорларга, жамиятга тегишли бўлади, уни қушимча махсулот (М) номи билан аталади. Бу катталиклар буйича ЯММ ни қуйидаги қуринишда ифодалаш мумкин.

ЯММ =МС+СММ (1) Бунда СММ-соф миллий махсулот булиб, Ялпи миллий махсулотдан амортизация ажратмаларини ажратиб олгандан кейин колган кисми хисобланади. Яъни:

$$СММ=ЯММ-Аа (2)$$

Мисол. Бир йилда ишлаб чиқарилган ЯММ нинг киймати 120 млн. сумни ташкил этса, унда амортизация (машина, асбоб ускуна, иншоат-биноларни, ейилган кисмини киймати) ажратмаси 20млн булса, СММ=120-20=100 млн. га тенгдир.

СММ-нинг мохияти шундан иборатки, у биринчидан халқ истеъмолини кондирса, иккинчидан ишлаб чиқариш омилларининг ортиб боришини таъминлайди. СММ-инсон меҳнатининг махсули булиб, янгидан яратилган киймат, у пул билан улчанади.

СММ-икки кисмдан иборат, яъни зарур махсулот ва кушимча мр. Зарур махсулот унинг яратувчисига иш хаки, меҳнат хаки килиб берилади, кушимча махсулотидан ер эгаси рента, капитал эгасига фойда ва фоиз шаклида берилади.

$$СММ=3М+КМ (3) 3М+КМ ни йигиндиси жамиятнинг Миллий даромади (МД)ни ташкил этади.$$

МД=3М+КМ (4) Миллий даромад моддий жихатдан унинг тузилиши Ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат булади. Миллий даромадни микдори узгармаса, лекин нархи ошса, унинг пулдаги хажми ортиб боради.

Масалан 120 млрд. сумлик махсулот яратилган булса, хар бирининг нархи 10 сум булган булса, унинг хажми 120 млрд. сум 19 сум=1 млрд 150 млрд сум булади. нархи 2 сумга купайса, 1 млрд. 200 млн. х 2- 1 млрд. 400 млн. сум булади. ЯММ икки куринишда, яъни номинал ва реал булиши мумкин.

ЯММ ни пулда ифодаланган ва муайян нархларда хисобланган махсулотга номинал ЯММ дейилади. Номинал махсулот хажми махсулотнинг моддий микдори ва нархига боғлиқ булади. Реал ЯММ-нарх узгариш назарда тутилиб хисобланган, ишлаб чиқаришнинг амалдаги микёсини ифодаловчи индекси кулланади.

Нарх индекси-муайян йилдаги нисбатан кейинги ифодаловчи курсаткич хисобланади. Масалан, 2003 йилда нарх индекси 1,0 булса, кейин у 0,90 ёки 1,2 булиши мумкин демак реал ЯММ=
$$\frac{\text{Номинал ЯММ}}{\text{Нархлар индекси}} (5)$$
 кушимча

махсулот факат иқтисодий жамоа тузумида булмаган кейинчалик пайдо булиб, мулк эгаларининг ихтиёрида булган ва хусусий мулкни купайтириш манбаи хисобланади кушимча махсулот куйидаги омиллар таъсирида купаяди.

1. Иш кунини узайтириш; 2. Ходимлар сонини купайтириш; 3. Иш вақтини белгиланган чегараси узгармаганда унинг зарурий иш вақтини кискартириш; 4. Кушимча иш вақтини купайтириш.

Белгиланган иш кунини маълум соатларга узайтириш йули билан олинган кушимча махсулот абсолют кушимча махсулот номи билан юритилади. Масалан, иш вақти 8 соат булса, уни 2 соат узайтирилса 2 соатда яратилга махсулотни абсолют кушимча махсулот дейиш мумкин.

Зарур иш вақтини маълум соатларга камайитириш иш хисобдан кушимча вақтини купайтириш эвазига олинган кушимча махсулот нисбий кушимча махсулот деб аталади.

Мисол: Иш вақти 8 соат, шундан зарурий 4 соат, кушимча иш вақти 4 соат булса, зарурий иш вақти 2 соатга камайитрилса, уша 2 соат кушимча иш вақтига кушилади. К. И. В=4+2=6 соатни ташкил этади.

Кушимча махсулот купайтиришни ҳам чегараси бор, ёки нормаси мавжуд. Йил давомида яратилган кушимча махсулотлар йигиндиси, массасини зарурий махсулот нисбатини фоизда ифодаланиши кушимча махсулот нормаси дейилади ва куйидагича ёзилади.

$$m' = \frac{m}{v} \times 100\% (6)$$

Кушимча махсулот бозор иқтисодиёти шароитида кушимча киймат (М) шаклида юзага чиқади. У ишлаб чиқариш жараёнида содир булади, махсулотлар – товарлар сотилганда кушимча киймат фойда (р) га айланади. Хосил булган фойда (р) дан ер эгалари рента, Ссуда капитал эгалари фоиз, тадбиркорлар даромад, давлат солиқ куринишда уз улушларини оладилар. Фойданинг колган кисми хусусий тадбиркорларнинг соф фойдаси булади. ундан уз эхтиёж ва максадлари учун фойдаланадилар.

Яъни, шахсий истеъмолга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, инвестициялашга, жамгарма куринишда, ижтимоий йуналишларига, хайрия куринишларида сарфланиши ва фойдаланиш мумкин.

Ишлаб чиқариш натижаларини микёси ва хажми асосан икки омилга бевосита боғлиқ булади.

1. Меҳнатга ярокли булган ходимлар ва уларни сонига;
2. Меҳнат унумдорлиги.

Меҳнат унумдорлиги иқтисодий категория сифатида вақт бирлигида ишлаб чиқарилган, яратилган тайёрланган, кайта ишланган махсулотлар микдори ва сифати ҳамда курсатилган хизматлар хажми ёки махсулот ва хизматлар бирлигини хосил килиш учун сарфланган иш вақтидир.

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосан уч омили бор:

1. Меҳнат куроллари, ишлаб чиқариш техникаси;
2. Ходимларининг мутахассислик даражаси, малакаси, иш тажрибаси.
3. Ишлаб чиқаришнинг табиий шарт-шароитлари, табиий ресурсларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланишнинг кулайлиги.

Мамлакат иқтисодиётининг самарадорлигига асос килиб олинади. Бу баҳо жамият микёсида сарфланган меҳнат эвазига яратилган ЯММ ёки миллий даромад – Мдни канча эканлигини билдиради.

Ижтимоий меҳнат унумдорлигини аниклаш учун бир йилда яратилган реал ЯММни ишчилар сонига булиш лозим. Уни формула куринишда куйидагича ёзиш мумкин:

$$ИМУ = \frac{ЯММ}{ИС}; \quad ИЖМ = \frac{МД}{ИС} \quad (7)$$

Бунда

ИМУ – Ижтимоий меҳнат унумдорлиги;

ЯММ – Ялпи миллий маҳсулот;

ИС – ишчилар, ходимлар сони;

МД – Миллий даромадни билдиради.

Мисол. ЯММ=4 млн. сум; ИС=200 киши;

$$ИЖМ = \frac{4 \text{ млн. сум}}{200} = 2 \text{ млн. сум га тенг.}$$

Меҳнат умумдорлиги канчалик юкори булса, маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф килинадиган вақт кам булади, яъни вақтни тежашга, қисқаришига эришилади. Бу эса ходимларни буш вақтини қупайишга сабаб булади, имконият яратиб берилади.

Масалан, ерни оддий меҳнат курули (бел) билан оғдарганга нисбатан транспорт билан хайдаш учун сарф килинган меҳнат уртасида ҳам катта фарқ мавжуддир.

Меҳнат умумдорлиги ошиб борган сари вақт қисқариб, тежалади, камроқ вақт сарфлаб кишиларнинг эҳтиёжларини туларок қондириш мумкин булади. вақтни тежалиши умумий иқтисодий қонун ҳисобланади.

Маълумки, табиатда иқтисодий, табиий, меҳнат ресурслари чекланган, лекин шунга қарамадан инсонларнинг, жамиятнинг чексиз ушиб бораётган эҳтиёжларини туларок қондириш лозим. Иқтисодчи олимлар, иқтисодиёт назарияси ушбу муаммо устида тинимсиз изланишлар олиб борадилар. Бу изланишлар шуни қурсатмоқдаки, биринчидан, ресурслар чекланганлигини эътиборга олиб, халқ учун энг зурур булган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади иккинчидан, ишлаб чиқаришда турли хил муқобил вариантлар танлаб олинади, учинчидан, иқтисодий ресурсларни тулик бандлигини таъминлаш лозим булади, яъни меҳнатга яроқли кишиларни иш билан таъминлаш, ерлар, капитал усқунлар буш қолмаслиги керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш имкониятларининг маълум чегараси булади, чунки ресурсларнинг қамлиги, етарли даражада бўлмаслиги натижасида ишлаб чиқаришда тулик ҳажмида ҳам товар ва хизматларни чекланмаган миқдорда ишлаб чиқаришни таъминлай олмайди. Ресурслар чекланган бўлишига қарамадан, жамиятни ва унинг эҳтиёжларини мумкин қадар қондириш учун ишлаб чиқариш узлуксиз амал ошириб бориши лозим.

Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш доимий равишда қайтарилиши, янгилашиб туриши лозимдир. Шундай жараён мавжуд булса, тирикчилик воситалари узлуксиз яратилиб боради.

Ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксиз равишда давом этиши, янгилалиши, такрорланиб туриши такрор ишлаб чиқариш дейилади ва у икки турга бўлинади. Яъни, оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш.

ЯММнинг ҳажмини ортиб, қупайиб боришга эришиш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш деб айтилади. ЯММ дан кишиларни фаровон яшашлари учун инвестициялар ажратилади. Инвестиция – Ялпи инвестиция ва соф инвестицияга бўлинади.

Ялпи инвестиция – ишлаб чиқаришга киритилиши учун товарлар- маҳсулотлар ва хизматлар харид қилиш учун ажратилган умумий пул суммадир.

Соф инвестиция ялпи инвестициянинг моддий ресурсларни устириш учун, уларни жамғариш учун ишлатиладиган қисмдир.

Ишлаб чиқаришни барқарор усишини таъминлаб бериш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотни бир қисmini жамғариб, соф инвестицияни таъминлаш лозим булади.

Мисол келтирамиз, 2003 йилнинг утган даврида 600 млрд. сумлик ЯММ яратилди. Бу маҳсулотни яратиш учун 100 млрд. сумга тенг машина асбоб – усқуналар ишлатилди, яъни амортизация газ берди. Яратилган 600 млрд сумлик маҳсулотдан 120 млрд суми инвестицияга ажратилди, бунда соф инвестиция 20 млрд сум булади. (120 – 100 = 20). Утган йили соф инвестиция 16 млрд сумни ташкил этган десак, бу йилги фарқ (20-16=4)ни ёки 25 фоизни ташкил этади. Агарда соф инвестициянинг бир фоизга усиши ЯММ нинг 0,4 фоизга усишини таъминлайди деб фараз қилсак, у ҳолда 25х0,4=10 фоиз булади. Бугун ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоизга усган булади.

Агарда соф инвестиция ҳосил бўлмади, фақат Ялпи инвестиция 100 млрд. сум бўлиб қолди, десак у ҳолда (100- 100 млрд. сум = 0) булади. 0* 0,4=0. Ишлаб чиқаришда усиш бўлмайди. Ёки ялпи инвестиция 80 млрд. сумга тушиб қолди, кетган моддий ресурслар урни қопланмади, яъни (100-80=20). Бунда ишлаб чиқариш 8 фоизга қисқаради. Ялпи миллий маҳсулотни яратиш ушиб бориши билан инвестиция ҳажми ҳам мутлоқ усади, лекин у маҳсулотнинг камроқ улушини узига жалб қилади.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги деганда, ишлаб чиқаришнинг провард натижасидан уни яратишда сарф килинган ҳаракатлари уртасидаги нисбатни фарқни тушунмоқ керак. (ишлаб чиқаришга авансланган ресурслар, маблағлар ҳаракатларни ташкил этади).

Маълумки, ишлаб чиқаришни мақсад, ишлаб чиқариш натижалари ҳисобидан килинган ҳаракатларни қоплаш ва ортада олишга эришишдир. Хусусан, фойда олиш бозор иқтисодиёти шароитида долзарб вазифадир. Олинадиган фойдани ҳам меъёри мавжуд. Ишлаб чиқариш самарадорлигини олинган фойда деб қарасак, у ҳолда

$P' = \frac{\Phi}{ИХ} \times 100\%$ (8) куринишда ифода килинади. Бунда p' -фойда нормаси, ИХ-иқтисодий ресурслар харажатлари.

Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш соҳасини натижасини асосий курсаткичи ҳисобланади. Уни иқтисодиётда турлича талкин киладилар. Яъни асосий мезон фойда олиш, ялпи миллий маҳсулот яратиш, соф маҳсулот ҳосил қилиш, миллий даромадни қупайтириш, қушимча маҳсулот олиш кабилар унинг бош мезони деб қарайдилар. Айтилган фикрлар бир-иккинчиси билан боғлиқ. Умуман олганда, ишлаб чиқаришга сарф қилинган харажатларга нисбатан олинган натижа – фойда (Φ), рентабеллик, фойдалилик бош мезон ҳисобланади. Самарадорликка эриш учун ишлаб чиқариш омиллари (ишчи кучи ва моддий ресурслардан) вақт мобойида умумли фойдаланишга бевосита боғлиқ. Ёки ишлаб чиқаришга сарф қилинган вақт мобойида эришилган натижа билан аниқланади. Буни меҳнатни унумдорлиги дейилади.

Ишчи кучининг вақт бирлиги мобойида маҳсулот яратиш қобилиятига меҳнат унумдорлиги деб аталади. У куйидаги омилларга боғлиқ бўлади. Ёки ишлаб чиқаришни самарадорлигини оширувчи омиллар дейилади.

1. Ишлаб чиқарувчи ходимларни билиши, тажрибаси, малакаси;
2. Ишлаб чиқаришни техник – технологик таркиби;
3. Моддий, табиий, иқтисодий, молиявий ресурсларни мавжудлиги ва улардан фойдаланиш;
4. Иқтисодиётнинг таркибий тузилишлари;
5. Ишлаб чиқаришда рақобатни мавжудлиги;
6. Рағбатлантириш механизмларидан уринли фойдаланиш.
7. Ходимлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.
8. Ишлаб чиқаришда илгор тажрибалар, янги технологияларни қўллаш ва ҳақозалар.

Меҳнат унумдорлигини куйидаги куринишда ифодалаш мумкин. Яъни:

$$МУ = \frac{M}{B}; \quad (9) \quad \text{Бунда } МУ - \text{меҳнат унумдорлиги; } M - \text{яратилган маҳсулот, } B - \text{сарф қилинган иш вақти.}$$

Меҳнат унумдорлиги белгиланган иш вақтида маҳсулот ишлаб чиқариш учун ёки маҳсулот бирлиги сарф қилинган жонли меҳнатнинг ҳар бир бирлигидир, яъни, соат, кун, ҳафта, ой ва ҳақоза.

Самарадорликни аниқлашда яна бир муҳим омил капитал унумдорлиги курсаткичи ҳам муҳим ҳисобланади. Яъни ишлаб чиқаришга сарф қилинган (аванс - бунақ) капитал ҳар бир бирлиги ҳисобидан олинган маҳсулот даромадда ифодалаш мумкин.

$$КУ = \frac{M}{K}; \quad КУ = \frac{ЯД}{K}; \quad КУ = \frac{\Phi}{K} \quad (10)$$

Бунда КУ=капитал унумдорлиги, М-маҳсулот, К-капитал, ЯД-ялпи даромад, Φ -фойдани курсатади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ер самарадорликни муҳим омили ҳисобланади. Уни аниқлаш учун маълум улчовдаги ердан олинган ҳосилни ер майдонига – гектарга бўлинади.

Самарадорлик билан боғлиқ бўлган курсаткичлар меҳнат сигими, материал сигими, энергия сигими каби омиллар ҳам мавжуд.

Асосий таянч тушунчалари:

1. Эҳтиёжлар- инсон талабини қондирувчи моддий ва номоддий неъматларга бўлган ҳаётий заруриятидир.
2. Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар-кишиларни яшаши, тирикчилик воситаларига эга бўлиши, улғайиши, қамолотга етиши ва меҳнат қилишга зарур бўлган маҳсулотлар ва хизматлар мажмуасидир.
3. Гуруҳий эҳтиёжлар- у ёки бу жамоага бирлашган инсонларни умумий истеъмолидир.
4. Умумжамиат эҳтиёжи- бу яққа шароитдаги ва яхлит ҳолдаги жамият истеъмолининг йигиндисидир.
5. Иқтисодий манфаат –бу кишиларнинг иқтисодий соҳадаги эҳтиёжларининг бир куринишидир.
6. Турмуш даражаси- аҳоли эҳтиёжларининг қондирилиш меъёридир.
7. Ресурсларнинг қамёблиги- эҳтиёжларнинг чексизлиги ва узғариши туфайли уни таъминлаб бориш учун керак бўлган ишлаб чиқариш ресурслари (табиий ресурслар, меҳнат ресурслари, техника ва технология) чекланганлигини билдиради.
8. Эҳтиёжларнинг трансформацияси-у ёки бу эҳтиёжни бошқа эҳтиёжга айланиб кетиши билан, янги эҳтиёжни пайдо бўлишини билдиради.
9. Эҳтиёжларни юқсалиш қонуни- бу умумиқтисодий қонун бўлиб жамият аъзоларининг бутун аҳолининг эҳтиёжлари узлуқсиз юқсалиб боради, эҳтиёж миқдор жихатидан усади, таркиби янгилашиб боради, эҳтиёжларнинг янғиси пайдо бўлади ва мураккаблашиб боради.
10. Иш кучи -меҳнат қилишга лаёқатли бўлган инсоннинг ақлий ва жисмоний қобилияти йигиндисидир.
11. Меҳнат предмети (ашёси)- инсонни меҳнати таъсир қиладиган, маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ишлатиладиган нарсалардир (ер, сув, материаллар, хомашёлар ва бошқалар).
12. Меҳнат қуроллари- инсон меҳнати билан меҳнат ашёларига, табиатга таъсир қилиш учун ишлатиладиган турли хилдаги машиналар, асбоб ускуналар, тракторлар, комбайнлар ва ҳар хил қуролмалар мажмуасидир.
13. Капитал- ишлаб чиқариш ва хизмат қўлатиш соҳаларида ишлатилиб даромад ва қупайиб келган даромад қелтирувчи ишлаб чиқарувчи воситалари, товарлар ва пул маблағларидир.

14. Ишлаб чиқариш жароёни- бу моддий ва маънавий неъматлар яратиш учун ишлаб чиқариш воситалари билан иш кучининг кушилишидир.

15. Ижтимоий ишлаб чиқариш- бу узаро бир бири билан узвий боғланган барча индивидуал ишлаб чиқаришларнинг бирлигидир.

16. Тадбиркорлик қобилияти- кишида мужассам булган ташаббускорлик, ташкилотчилик, ишбилармонлик, соҳибкорлик, иқтисодий ҳафдан, жавобгарликдан қурқмайдиган хислатлардир.

17. Ялпи ижтимоий маҳсулот- бу маълум вақтда бир йил мобайнида ишлаб чиқарилган, яратилган моддий неъматлар ҳажмидир.

18. Ички миллий маҳсулот-бу бир йил давомида мамлакат ҳудудларида ҳосил қилинган ва бевосита харидорларга етиб борадиган барча тайёр товарлар ва қурсатилган хизматларнинг талаб ва таклиф асосида шаклланадиган бозор баҳосидаги қийматидир.

19. Соф миллий маҳсулот- ишлаб чиқаришда ва хизмат қурсатиш соҳаларида банд булган ходимларнинг сарфланган меҳнати билан вужудга келтирилган янги маҳсулот. Янги маҳсулот барча яратилган маҳсулот ички, миллий маҳсулотдан ишлаб чиқариш жароёнида истеъмол қилинган асосий воситалар амортизациясини ажратиб олингандан қолган қисмидир.

20. Зарурий маҳсулот- ишчи ва ходимларни зарурий иш вақтида яратилган ва уларга бериладиган маҳсулот ёки пул шаклидир.

21. Қушимча маҳсулот- ишлаб чиқарувчиларнинг қушимча иш вақтида яратилган маҳсулоти бўлиб, соф маҳсулотнинг зарурий маҳсулотдан ортиқча қисмидир. Бу маҳсулот тадбиркорларга, мулкдорларга ва давлатга тегишлидир.

22. Уртача маҳсулот- жалб қилинган иш кучи ва капиталнинг бир бирлигига туғри келадиган маҳсулот миқдоридир.

23. Қушилган маҳсулот- сунги қушилган омил: капитал капитал ёки ишчи кучи ҳисобидан ошган, қупайган маҳсулот.

24. Қушилган капитал- ишлаб чиқаришга сарфланган капитал устига яна қушилган капитал.

25. Ишлаб чиқариш функцияси-ишлаб чиқариш омиллари билан унинг самаралари уртасидаги боғлиқликни билдиради.

26. Ер-сув-бу тупроқ унумдорлиги, утлоқлар, сувлар, урмон, қазилма бойликларидан иборат булган табиий ресурслардир.

Асосий адабиётлар:

1. И. А. Қаримов Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йулида. Т., Ўзбекистон 1995 йил.
2. И. А. Қаримов Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда. Т., Ўзбекистон 1999 йил.
3. А. Улмасов, М. Шарифхўжаев. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Меҳнат», 1995 йил. Дарслик.
4. А. Улмасов. Иқтисодиёт асослари. Т., «Меҳнат», 1997 йил. Дарслик.
5. К. Умаров ба бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т., «Университет», 1998 йил. 4 мавзу 4-22 бетлар.
6. Ш. Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Молия» 2002 йил. Ўқув қуланма.
7. П. Хошимов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т., «Университет» 2003 йил. Ўқув қуланма.
8. Д. Тожибоева. Иқтисодиёт назарияси. Т., «Шарк» 2003 йил 1-2 қитоб. Қуланма.
9. Экономическая теория. Учебник под редакцией В. Видяпина, Г. Журавлевой М., Российская экономическая академия 2000 год.

3-мавзу. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР ВА МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ.

Режа

1. Ижтимоий-иқтисодий таракқиёт босқичлари.
2. Иқтисодий тизим ва мулкчилик муносабатларининг иқтисодий моҳияти.
3. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг турли шакллари ва уларининг иқтисодий мазмуни. Мулкчилик муносабатлари ва унинг моҳияти.
4. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг мақсади.

Кишилиқ жамияти ва унинг таракқиёти ҳозиргача бир қанча босқичларни босиб утди. Унинг босиб утган йули бир қанча узғаришлар ва иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб келган. Бу жараёнларни урганишга турлича қарашлар мавжуд бўлиб, улар инсонлар фаолияти, техника ва технологик узғаришлар билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Инсонлар ҳаётининг моддий асоси бу ишлаб чиқаришдир. Ишлаб чиқаришнинг 2 тури мавжуд. Яъни қул меҳнатига ва машина меҳнатига асосланган ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқариш туфайли яратилган маҳсулот иқтисодий шакли жиҳатидан 2 хил қуринишда бўлади, яъни натурал (буюм, нарса) ва товар шаклидир. Шунга қура хужалиқ алоқалари туппадан-туғри маҳсулот етказиб бериш ва бозор-пул муомаласи орқали амалга оширилади. Ҳаёт учун, таракқиёт учун ишлаб чиқариш моддий ва маънавий асос яратиб беради. Демак, иш кучи билан меҳнат ашёлари ва меҳнат қуролларини бириктириш ишлаб чиқаришни ташкил этади, ёки уни ишлаб чиқарувчи қушлар деб аташ мумкин. Ишлаб чиқарувчи қушлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг бирлиги ишлаб чиқариш усули

деб аталади. Ишлаб чиқариш усулида хал килувчи омиллар иш кучи ва меҳнат воситалари муҳим рол уйнайди. Иш кучи (шахсий омил), меҳнат воситалари (моддий омил) ҳисобланади. Бу иккаласи бириктириш натижасида иқтисодий жараёнлар содир бўлади, табиатга тасир қилади, яшаш учун шароитлар яратилади.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва эришган даражаси ижтимоий тараккиётнинг меъзони ва умумий курсаткичи ҳисобланади.

Кишилар ишлаб чиқариш жараёнида, табиат ашёлари, моддий ашёлар билан боғланиб қолмасдан балки бу жараёнда улар уртасида ҳам узаро муносабатлар вужудга келади. Бу муносабатлар ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, у моддий неъматлар ишлаб чиқаришда, тақсимлашда, айирбошлашда ва истемол қилишда вужудга келади. Ишлаб чиқарувчи кучлар жамиятнинг иқтисодий базисини яратса, муносабатлар эса уни устқурмасини яратади.

Базис ва устқурмани бирлиги ишлаб чиқариш усулини вужудга келтиради. Ишлаб чиқариш усули ва жамият устқурмаси ижтимоий-иқтисодий формацияни ташкил этади.

Кишилиқ жамияти тараккиёти даврларида қуйидаги ижтимоий-иқтисодий формациялар амал қилган бўлиб, улар бир-бирларини уринларини эгаллаганлар, яъни ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодал ва капиталистик муносабатлар таркиб топган.

Жамият тараккиёти ва унинг иқтисодиёти ана шу формациялар билан белгиланади.

Жамият тараккиёти босқичлари техника ва технологик жараёнлар билан ҳам бевосита боғлиқдир. Меҳнат воситалари, материаллари, технология, энергия, ахборотлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг технологик усули дейилади. Ишлаб чиқаришни технологик усуллари-оддий кооперация, мануфактура ва машиналашган ишлаб чиқаришдан иборат бўлади. Оддий кооперация-бу бир хил ишни ёки хизматни бажарувчи кишиларни уюшмаси ёки қосиблар гуруҳидир.

Мануфактура-меҳнат тақсимотига асосланган кооперация усулидир, машиналар бўлмаган даврдаги меҳнат жараёнидир.

Мануфактура аста-секинлик билан ривожланиб, этник машиналашган ишлаб чиқаришга асос яратади.

XVIII асрнинг 30-йилларига қелиб, саноат инқилоби натижасида йирик машиналашган ишлаб чиқариш вужудга келган. Фан-техника, технология ва ахборот тизимидаги тараккиётни олимлар-Р. Арон, Дж. Голбрейт, У. Ростоу 3 босқичга ажратганлар.

Яъни, Индустриалашган давргача бўлган жамият, Индустриалашган жамият, юқори индустриалашган жамият ёки ахборотлашган жамиятга бўлганлар.

Ривожланишнинг 1-босқичини хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқаришда қул меҳнати;
2. Аҳолини қишлоқ хужалиқ ишларида бандлиги.
3. Меҳнат тақсимоти-қорвачилиқ, дехқончилик, ҳунармандчилик, савдодан иборат бўлганлиги;
4. Натурал хужалиқни ҳукмронлиги.

Тараккиётнинг 2-босқичи: а) Ишлаб чиқариш машиналашганлиги; б) саноатни ривожланганлиги; в) ишлаб чиқаришда фан-техникани қўлланганлиги; г) ишлаб чиқаришда ишчилар сонини қўпайганлиги; д) Шаҳар аҳолисининг қўпайиб бориши;

Тараккиётнинг йуқори даражаси индустриалашган жамиятнинг асосий белгилари: 1. Хизмат қўрсатиш соҳаларининг ривожланиши; 2. Аҳолининг 60-70%ни хизмат қўрсатиш соҳаларда ишлаши; 3. фанни ишлаб чиқарувчи кучга айланиши; 4. Иқтисодиётни барча соҳаларида ахборот ва ҳисоблаш техникалари-ни қўлланиши; 5. Товарлар ва хизматлар ҳажмини қўпайиши ва сифатини яхшиланиши; 6. Иқтисодий ресурсларнинг ҳамма турларини тежаш имкониятини яратиш;

Умуман, фан-техника тараккиёти кейинги 250-300йилда, товар хужалигини ривожланиши даври билан боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам Иқтисодчилар жамият тараккиёти босқичлари (оддий кооперация, мануфактура, машиналашган)ни иқтисодий тизимларга бўлиб урганадилар.

2. Жамият тараккиётини амалга оширишда қўлланиладиган умумтехнологик ва иқтисодий жараёнларда турли социал-иқтисодий тизимлар вужудга келади ва уларни уринлари алмашиб туради, чунки ҳар бир тизим маълум давлатларда амал қилади, уша тизимни мавжуд имкониятлари тугамагач унинг урнига янгиси келади. Жамиятнинг социал-иқтисодий тузилиши шу тузилишни ташкил этувчи механизмлар бир-бири тақаззо этувчи ва узаро тасир этувчи унсурлар мажмуаси тизим деб аталади. Ёки ҳар хил унсурлар таъсирида пайдо бўладиган умумийлик-тизим деб юритилади. Тизим таркибини ишлаб чиқаришнинг шахсий ва моддий омиллари (шахсий-инсоний, моддий, ашёвий) ташкил этади ва уларни узаро бирикмаси ва узаро бири-бирига таъсири жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари деб юритилади.

Жамиятда, ҳаётда ва иқтисодиётда инсон меҳнат қўроллари ёрдамида табиатга танҳо тасирда бўлса, у ҳолда иқтисодий ривожланишни самараси жуда кам бўлади, фақат қўн кечириш учун тирикчилик қилинади, ҳолос. Бу таъсир кишиларни биргаликда амалга оширишса, улар уртасида алоқалар шаклланади, ривожланади, етуклик даражасига боради.

Бундай муносабатлар ишлаб чиқариш муносабатларини вужудга келтиради. Бу муносабатлар ишлаб чиқаришда, тақсимотда, айирбошлашда ва истемолда содир бўлиб, уларни яхлитлиги содир бўлади.

Шунинг билан бир қаторда тизимни номоддий муносабатлар ва мафқуравий муносабатларда ҳам қўриш мумкин. Бу муносабатлар сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний шаклларда бўлади. Уларни ҳар бирида иқтисодиётни урни бор. Бозор тизими гоёси эркинлик ва демократиядан иборат бўлади. Йирик ингилиз иқтисодчиси Дж. М. Кейнс (1884-1946)нинг гоёсига асосан дунёни иқтисодчилар ва сиёсатчилар бошқариши лозим деб қўрсатиб утилган.

Иқтисодиётни ташкил этилиши, бошқарилиши дунё иқтисодиёти тажрибаси курсатиб утганидек, иқтисодий тизимни 3 қуриниши маълум. Биринчиси, Аънавий иқтисодий, иккинчиси маъмурий буйруқбозлик иқтисодиёт, учинчиси Бозор иқтисодиёти тизимларидир.

Аънавий–иқтисодий дунёдаги деярли барча мамлакатларда амал қилган ва улар босиб утган тарихий тизимдир. У, ҳозир ҳам иқтисодиёт кам ривожланган мамлакаларда амал қилмоқда. Унинг мазмуни натурал ёки майда товар ҳужалигидан иборат. Бу ерда ишлаб чиқариш, айрбошлаш, даромадларни тақсимлаш урнатилган урф одатларига асосланади, ишлаб чиқаришда техника таркиёти ва янгиликларни қўллаш кескин чекланади, чунки янгиликлар, аънавлар билан зиддиятли бўлади. Иқтисодий -иҷтимоий турғунлик ҳуқуқ суради, чунки иқтисодиётда диний тартиблар бирламчи бўлади.

Маъмурий – буйруқбозлик иқтисодиёти – мавжуд бўлган ва у бозор иқтисодиётига қарама – қарши тизимдир. Бу тизимда барча модий неғматлар, моддий борлик иҷтимоий бўлади. мулкчиликни давлат ва жамоа турлари амал қилиб, иқтисодиёт режалар бўлади, бутун фаолият марказлашади ва маъмурий буйруқлар билан бошқарилади.

Бозор иқтисодиёти тизими - иқтисодий ривожланишнинг муҳим босқичи ҳисобланади. бу икки босқичга бўлинади: 1. Эркин рақобатга асосланган классик (соф капитализм иқтисоди) бозор иқтисодиёти: 2. Ривожланган Ҳозирги замон бозор (аралаш иқтисодиёти тизими) иқтисодиёт ёки аралаш иқтисодиёти.

Эркин рақобатга асосланган бозор иқтисодиётини хусусиятлари қуйидагича:

Барча ресурслар (табиий, иқтисодий, молиявий, капитал, ер –сув ва ҳоказо) хусусий мулк;

Тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркин;

Иқтисодий тартибсизликлар, иқтисодиётни уйғунлаштириш, тартибга келтиришда бозор механизмлари қўлланилади:

Бозор иштирокчиси ва ҳар бир фуқаронинг фаолиятида шахсий манфаат бирламчи ҳисобланади.

5. Иқтисодий фаолиятга давлат аралашуви чекланади.

Ҳар бир фуқаронинг иқтисодий ва иҷтимоий фаолият Давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Ҳозирги иқтисодиёт учун аралаш бозор иқтисодиёти мақсадлидир. Бунда соф бозор механизмлари ҳамда режалар иқтисодиёти механизмлари умумлашган бўлади. Бундай иқтисодиётда мулкчиликни турли шакллари, хусусий тадбиркорликни ҳар хил турлари, режалаштириш, аҳолини иҷтимоий ҳимоялаш, истикболни белгилаш уз ифодасини топан бўлади. Яъни бунинг қуринишлари қуйидагича бўлади. мулкни бир қисми давлат қўлида бўлади, мулкчиликни турли шаклларига асосланган ишлаб чиқариш моддий неғматларни етарли даражада таъминлай олмади, даромадларни тақсимлаш ва узғартириш, товарлар ва хизматлар билан таъминлашда намоён бўлади.

Хусусий мулкчилик ва бозор тизими ҳамда иҷтимоий мулкчилик ва марказдан режалаштиришга асосланган ҳужалиқ юртиш фаолиятлари ҳар доим ҳам бир вақтда амал қилмаслиги мумкин. Масалан, Германия иқтисоди, авторитар капитализм бўлиб, мулкчилик хусусий бўлсада, давлат иқтисодиётни қаттиқ назоратга олган ва марказдан бошқарган ёки Швеция иқтисодиётида 90 фоиз ҳужалиқ фаолияти хусусий фирмаларда амал қилади ва давлат иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ҳамда даромадларни қайта тақсимлаш функциясини уз қўлида сақлаган.

АҚШ олими У. Ростоу яратган «Ривожланиш босқичлари» назарияси бўйича жаҳиятни икки типга бўлишганлар. Яъни аънавий жаҳият, индустриал жаҳият. Шунга биноан иқтисодий ривожланиш босқичларини 6 га бўлганлар яъни: традицион жаҳият, уткинчи жаҳият, индустриал жаҳиятга утиш, индустриал жаҳият, янги турмуш сифати бор жаҳият.

Традицион жаҳиятга хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Кишлоқ ҳужалиғи иқтисодиётда устиворлиги;
2. Техника ва технологияни ривожлаш даражасини пастлиги;
3. Меҳнат унумдорлиги ривожланмаган;
4. Жамғариш имкониятини начорлиги.

Бу хусусиятлар ҳар иккала традицион ва уткинчи жаҳиятга хосдир.

Ана шу тизимлар заминиде индустриал жаҳият учун имкониятлар яратиш учун ҳаракат қилинади ва ният индустриал жаҳият вужудга келади. Унинг хусусиятлари қуйидагича:

1. Техника ва технология вужудга келади;
2. Ишлаб чиқаришни инфраструктураси (транспорт, энергетика, алоқа, йул ҳужалиқлари) ривожланади.
3. Қўл меҳнат машина меҳнатига алмашади;
4. Меҳнат унумдорлиги усабошлайди;
5. Жамғариш фондлари яратилади.

Бу тизимни ривожланиши оммавий истеъмол жаҳияти учун моддий асос яратади, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш устиворга айланади. Кейинги босқичда ишлаб чиқариш юксак даражада ривожланади, мулкчилик яратилади, сифатга эришилади. Истеъмол учун товарлар ва хизматлари манфаати биринчи уринини эгаллайди.

Ишлаб чиқариш воситаларига мулккий муносабат шаклида қараладиган бўлса, социал – иқтисодий тизимлар икки гуруҳга ажратилади.

Биринчи, моноструктуралли (бир таркибли) тизимлар. Буни асосида бир мулк шакли ҳуқуқрон бўлади. Яъни, хусусий ёки давлат мулки танҳо ҳуқуқронлик қилади. Масалан хусусий мулкка асосланган тизим XVIII асрнинг охиридан бошлаб, XX асрнинг иккинчи ярмигача амал қилди, давлат мулкчилигига асосланган тизим 1917 йилдан 1990 йилгача яшади. Бундай иқтисодиёт монотизм ёки моноиқтисодиёт дейилади.

Иккинчиси, қўп мулкчиликка шаклларига асосланган социал- иқтисодий тизимлар. Бу тизимни политизм, унга манон бўлган иқтисодни қўп иқтисодиёт дейилади.

Политизм эркин бозор иқтисодиёти шароитида, шаклланади, ҳар қандай моноқўпияларга қаршидир. Полииқтисодиёт–аралаш иқтисодиёти деб юритилади.

Жахон мамлакатларидан ривожланган мамлакатлар учун аралаш иқтисодиёт устувор ҳисобланади. Унинг асосида турли хил мулкчилик муносабатлари, бозор иқтисодиёти ётади, мазмуни поли иқтисодиётни ташкил этади. Аралаш иқтисодиётнинг асосий белгилари қуйидагича бўлади: 1. такомиллашган техника ва технология; 2. юксак меҳнат унумдорлиги; 3. маҳсулотлар мул – қуллиги; 4. товар маҳсулотларини сифати; 5. юқори даромадлиги; 6. Малакали, ихтисосли иш кучини яратиши; 7. Майда Бизнес мавжудлигидан ходимлар ёлланиб ишлайди, узлари тадбиркорлик билан шугулланадилар; 8. Яратилган янги маҳсулотда ёки янги қийматда зарур маҳсулотни чегараси, миқдори қупаяди, қушимча маҳсулот чегараси тораяди; 9. Фойдани миқдорини ошириш ҳам чегараланади; 10. Мулккий монополия ҳукмронлигига барҳам берилади; 11. Аралаш иқтисодиёти мулкчиликни аралаш шаклидир; 12. Аралаш мулкчиликда асосан уч хил мулк урин олади. Хусусий мулк, жамоа мулки, давлат мулки.

Хусусий ва жамоа мулкчилиги заминида корхоналар ташкил топади, улар фермерлар, фирмалар, компаниялар хужаликларидан иборат бўлади. Мисол келтирадиган бўлсак, Ўзбекистонда 85 мингта фермер хужаликлари, 240 дан ортиқ кичик ва урта бизнес корхоналари мавжуддир. Бир насага эътибор бериш керакки, зарурий маҳсулот ва қушимча маҳсулотларни қупайиб бориши яхши натижадир, лекин уларни тақсимлаш ва узлаштиришда мувозанат урнатилиши керак. Бу миллий даромадни ишлаб чиқаришнинг узида унинг иштирокчилари томонидан узлаштирилиши қонун ҳисобланади.

Бу қонунга қура меҳнатга қараб тақсимлаш, яъни ҳақ тулаш шаклидаги даромад устиворликка эга бўлади. Тадбиркорлар даромади (фойда), ҳимоя қилувчи даромадлар ҳам маълум мувозанатда бўлиши лозим.

Ишлаб чиқаришда самарадорликка эришиш таъминлаб борилса, иш ҳақини ошириш ва фойда миқдори ҳам ушиб бориши мумкин.

Мисол: Ойлик иш ҳақи уртача 30 минг сум, фойда 20 минг сум (бир кишига) десак, самарадорлик ортиши туфайли қушимча 15 минг сум даромад олинди. Унинг 70 фоизи фодага айланса, 30 фоизи иш ҳақи қилиб берилади.

Аралаш иқтисодиётда манфаатлар мувозанатлашиб боради, чунки биринчидан, мулк шакллари қилма-қилдир, иккинчидан, моддий омилдан инсон омилини устунлиги, учинчидан, ишлаб чиқарувчиларнинг узлари мулк соҳибларидир, туртинчидан, мулк эгасига айланган ва улар мулкдор сифатида даромаднинг бир қисмини узлаштиришни таъминлайдилар.

Аралаш иқтисодиётда ҳам иқтисодий ушиб жамғаришни талаб қилади, соф инвестиция шаклига айланади. Жамғаришда тадбиркорлар, Давлат ва оддий фуқаролар ҳам иштирок этадилар. Агар индивидуал даромад шахсий истеъмолдан ортиб қолса ёки тежаб сарф қилиниши натижасида фуқаро пулини банкка қуяди, қимматбаҳо қозғалар (акция, облигация) сотиб олади ва молиявий жамғаришни ташкил этади.

Аралаш иқтисодиётнинг энг муҳим хусусиятларидан бир—бу фаровонликни ушиб қонундир. Бу қонунга қура қилма-қил мулкчиликка асосланган жамиятда ишлаб чиқаришни ривожланиши ва унинг самарадорлигини ошиб бориши натижасида оммавий фаровонликни таъминлаш имкониятлари ва шарт шароитлари яратилади. Бу қонун интегратив қонун ҳисобланади, чунки у иқтисодиётнинг барча соҳаларини қамраб олади, бошқа қонунлар ҳаракатини бирлаштиради ва уларни сентезлайди. Аралаш иқтисодий бозор иқтисодиётнинг талабидан қелиб қикади, бозорга мос муносабатлар амал қилади, шунинг билан бир қаторда бозордаги айрим муносабатларга ҳос бўлмаган муносабатлар ҳам бўлади. Масалан, бозордаги рақобатдан ташқариш иқтисодиётда интеграция ва муазанатлашув муносабатлари ҳам мавжуд бўлади.

Мононотизмда эксплуатация доимий бўлса аралаш иқтисодиётда эксплуатация доимий бўлмайди, вақти-вақти билан юзага қикиши мумкин. Агарда аралаш иқтисодиётда эксплуатация қучайса, ишловчиларни манфаатига путур этади, бундай ҳолатда ишлаб чиқаришни устиришга самарадорликни оширишга, қизқиқиб юқолади. Фаровонликни устиришда иборат бўлган бош иқтисодий қонун юзага қикмасдан қолади. Бунинг учун давлат эксплуатацияни олдини олади, иш вақтини узайтирилишга йул қуймайди, иш ҳақини пасайиб қетишга сабаб бўлувчи қамчиликларни қорасини қуради, ишсизликни қора тадбирларни ҳал қилади, янги қасбларга ургатиш имкониятларини яратиб беради. Қуллас аралаш иқтисодиёт барча ишлаб чиқарувчиларни мулкдорлар қилишга, даромадларни қупайтиришга, оммавий фаровонликни таъминловчи иқтисодий тизим ҳисобланмоқда.

Мулкчилик ва мулккий муносабатлар иқтисодий тизимларни асосий тушунчаси ҳисобланади. Инсон пайдо бўлгандан эътиборан табиат ином қилган бойликлар, инсонлар меҳнати билан яратилган барча моддий ва маънавий неъматлар мулк бўлган. Мулкчилик ва мулкчилик муносабатлари моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш, азалдан ином этилган бойликларни узлаштириш қараёнида шаклланади. Демак, мулкчилик муносабатлари — бу мулкка эғалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ва узлаштириш қараёнида вужудга қеладиган иқтисодий муносабатлар ифодасидир.

Мулкка эғалик қилиш — бу инсонга мулкка эғалик қилиш ҳуқуқини қелигайди шаклдан қейин мулк яққа тартибда ва ижтимоий шаклда узлаштирилади. Мулк эғаси—шу мулкдан иқтисодий фаолиятида қуллаб, ундан манфаат қурса, мулкдан фойдаланган бўлади.

Мулкни эғаси, уз мулкни тақдирини узи ҳал қилса, сотиб юбориш, меросга қолдириш, ижарага бериш, бировга қадия қилиш, йукотиб юбориш қаб иркинликларга эга бўлиши, мулкни тасарруф этиш деб аталади.

Хусусий мулк меҳнатга мажбур қилиш йули билан топилса, у қулдорчилик ва феодал жамиятига ҳос хусусият ҳисобланади, уз меҳнати билан яратилган хусусий мулк майда товар ишлаб чиқаришга ҳос хусусиятни қилдиради, агар мулк ёлланма меҳнатни эксплуатация қилиш эвазига яратишга бўлса, бундай мулк қапталистик хусусиятни ифодалайди.

Мулкчилик объекти барча моддий ва номоддий бойликлар ҳисобланади. Масалан, машиналар, усқуналар, қонлар, сув, урмонлар, усимликлар, қайвонот дунёси, тарихий-маданий ёдқорликлар, товар-маҳсулотлар, қизматлар, қоялар, ақлий-қисмоний қобилиятлар ва ҳоқозолар. Ана шуларни узлаштириш юзасидан мулккий алоқалар шаклланади.

Мулкчилик субъекти–мулк хисобланган барча мулк объектларини узлаштиришда иштирок этувчи, катнашувчи – айрим субъектлар, оилалар, гуруҳлар, хар хил жамоалар, ижтимоий, диний ташкилотлар ва давлат киради. Мулкни узлаштириш икки куринишда булади: Биринчиси, ишлаб чиқариш ресурслари воситаларини узгартириш. Ишлаб чиқаришнинг моддий ва меҳнат ресурслари мулкка айланган булса, уни эгаси томонидан узлаштирилади. Бу иккала омил бирлашади, ишлаб чиқариш содир булади, моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқарилади ва мулк эгасига тегишли булади. Иккинчиси, ишлаб чиқариш натижаларини узлаштириш. Яъни ишлаб чиқарилган товарлар, махсулотлар, хизматлар айирбош килинади, даромад вужудга келади. Мулк эгаси уни узининг истеъмол эҳтиёжини кондиритиш учун узлаштиради.

Мулкка ким эгалик килса, фойдаланса, тасарруф этса ва улар яхлит булса, узлаштириш юз беради.

Мулкчилик – бу масъулият билан манфаатнинг узвий бирлигидан келиб чиқади. Мулкдорнинг иқтисодий манфаати – унинг бойлик эгаси сифатида хаёлий эҳтиёжидир. Уни мулкдорни хатти-харакати, феъл-атвори, иқтисодий манфаат мотивацияси (сабабини) юзага чиқаради.

Мулкдорни манфаати – бу шахсий эҳтиёжни кондиритиш ва бойлик туплашдир. Ижтимоий хаётда мартабали булиш, обрӯ-эътибор орттиришдир.

Инсонни шахс сифатида манфаати билан мулкдор сифатидаги манфаати фарк килади. Мулкдор билан мулксизни манфаати бир хил эмас. Инсоннинг манфаати унинг хаётий эҳтиёжлари билан чегараланади, мулкдор эса бойлик орттиришни ҳам мақсад килиб қуяди.

Бойлик эгаси булган киши билан иш қучи эгасини манфаатини тенглаштириш мукин эмас.

Жамиятда кишиларнинг мулкка эгалик қилишларига (мақомига) қараб, индивидуал (шахсий), корпоратив-гуруҳий, умумдавлат ва миллий манфаатлари мавжуд булади. Шунга қараб, хусусий, жамоа, давлат ва миллий мулк шаклланган булади.

Индивидуал (якка) манфаат мулк эгасининг шахсан узига теккан даромадда ифодаланади.

Гуруҳий манфаат мулк эгаси булган жамоанинг ҳамжихатлик билан узлаштирадиган даромади туфайли шаклланади.

Миллий манфаат – жамиятдаги миллий бойликнинг қупайишини билдиради. Бунда индивидуал, гуруҳий ва давлат манфаатлари бирлиги жамланган булади.

Умумдавлат манфаати–давлат бюджети даромадларида уз ифодасини топади.

Манфаат– мақсадга эришиш– мулкнинг уз эгаси учун реализация этилиши (амалга ошириш)дир ва у хар хил усуллар билан амалга оширилиши мумкин: яъни

Уз мулкни капитал сифатида ишлатиши;

Тадбиркорлик билан шугулланиши;

Кишилар меҳнатидан фойдаланиши;

Мулкни ижарага бериб, ижара хақи учун даромад олиши; Бунга Лизинг ҳам киради, яъни – машина, ускуналарни ижарага бериш;

Мулкни қимматга сотиш – чайковчилик қилиб даромад топиш;

Мулкни ишлатиб, уз меҳнати билан даромад топиш;

Пулни банкларда жамғариш йули билан, ундан фоиз (қарз хақи) олиш;

Ёлланиб ишлаш, йули билан даромад олиш;

Уз мулки булган иш қучидан даромад топиш, иш хақи олиш.

Мулкдорлик номинал ва реал булади.

Номинал – шунчаки ҳужақурсин шаклида, реал эса амалда тасарруф этишдир. Бойлик уз эгаси қулида булса, у авайлаб-асраб ишлатилади, масъулиятли булади. Табиий ресурслар фирма, қорхоналарга қарашли булса, улардан тежаб фойдаланиш масъулияти юзага чиқади ва аксинча, масалан, ер, сув, ҳаво эгасиз булса, масъулият булмайди. Орол денгизи шунга мисол булади.

Мулкка эга булишнинг қуйидаги йуллари мавжуд: Биринчиси, мулкни ишлаб топиш, топилган даромаддан акциялар сотиб олиш, пулни бошқа йул билан мулк объектига айлантирилади;

Иккинчиси, давлат мулкидан уз улушини олиш, яъни давлат мулки приватизациялашганда уни сотиб олиш.

Мулкка эгалик қилиш азалдан мавжуд булиб, у турлича қуринишларда булган.

Уз меҳнати натижасини узлаштириш, узгалар меҳнат билан яратилган бойликни текинга узлаштириш, якка тартибда жамоа болиб, шерикчилик асосида узлаштириш мавжуд. Шунга қараб мулкчиликни хар хил шакллари қилиб чиқади.

Маълумки, ибтидоий тузумда, дастлаб уруғ - жамоа мулки пайдо булган, кичик хусусий мулк қилиб қиккан. Хусусий мулк турли қуринишда эксплуатацияга асосланган социал - иқтисодий тизимларга ҳукмрон булган хусусий мулкдан давлат мулки ушиб қиккан, монополлашган давлат мулки пайдо булган. Жамият таракқиёти монополиядан мулкий демократия томон болиб, турли мулкларнинг мувозанати вужудга келади. Яъни, мулкий моноструктура (танҳо мулкчилик) урнига мулкий полиструктура (хар хил мулкчилик) шаклланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкий полиструктура ҳос болиб, у аралаш иқтисодиёти тизимини вужудга қелтиради.

Ўзбекистон Республикаси конституциясида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулкчилик ташкил этади», деб қурсатиб қуйилган шунга биноан «Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тугрисидаги» Қонунида турли – туман мулклар қуйидаги шаклларига қиритилади: давлат мулки, жамоа мулки, хусусий мулк, шахсий мулк, аралаш мулк ва бошқалар. Давлат мулки- хусусий ва жамоа мулкидан ушиб чиқади, уларга тегишли болиб қелган моддий ва маънавий неъматлар давлат қулига утади ва умумдавлат мақсадларида фойдаланилади. Мулкни давлатлаштириш қуйидаги йуллар билан амалга оширилади:

Мулкни национализация (миллийлаштириш) килиш давлат мулкига айлантириш;
 Давлат маблаглари хисобидан мулк яратиш иншоотлар куриш, завод фабрика барпо этиш, корхоналар ташкил этиш ва хакозо;

Бошка мулкларга тегишли булган даромадларни бир кисмидан соликлар ундириб олиш билан давлат бюджетига киритиш.

Ўзбекистонда Фукаролик Кодексига мувофик давлат мулки Республика мулкидан ва маъмурий-худудий (муниципал) тузилмалар мулкидан иборат деб курсатилган. Шунга биноан, Ер, ер ости бойликлари, сув, хаво бушлиги, усимлик ва хайвонот дунёси, табиий ресурслар, давлатга карашли маданий ва тарихий бойликлар, бюджет маблаглари, олтин захираси, валюта фонди, давлат фондлари республика мулки хисобланади.

Ўзбекистонда давлат мулкни тасарруф этишга Олий Мажлис ва ундан ваколат олган органлар ҳақлидир.

Давлатнинг иқтисодиётдаги роли давлат мулкни талаб қилади, чунки давлат умуммиллий манфаатларни ифодалайдиган катта куч сифатида, иқтисодиётда салмоқли урин эгаллайди. Давлат даромадларни, моддий ресурсларни, иш кучини тақсимлашда фаол катнашади.

Бозор иқтисодиётига утаётган мамлакатларда иқтисодиётни эркинлаштириш вазифаси давлат мулки монополиясини қисқартириб боришни такозо этади. Чунки соғлом бозор иқтисодиёти давлат монополияси билан чиқишмайди. , монополия рақобатига йул бермайди. Аммо бозор иқтисодиётига утиш даврида давлат мулкнинг мавқеи кучли булади.

Чунки, кучли давлатлаштирилган мулкдан хилма-хил мулкчиликка утиш осон иш эмас. Масалан, Ўзбекистонда 1990 йилдан бошлаб, давлат мулки хиссасини камайтириб бориш таъминланди, 1993 йилда у 60 фоизини ташкил этди, 2000 йилда 10. 4 фоизи, 2001 йил эса 12. 3 фоизини ташкил этди. Давлат мулкнинг хиссаси ва унинг даражаси турли мамлакатларда турлича булиши мумкин. Масалан, Венгрия, Чехославакия, Польшада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш тез амалга оширилди, Хитойда эса давлат мулкни устуворлиги сақланиб келмоқда.

Жамоа мулки-мавжуд бойликларнинг жамоага бирлашган кишилар томонидан узлаштирилганлиги ва улар тасаруф қилинишидир. Жамоа мулки давлат мулкни маълум сондаги кишилар томонидан сотиб олиш, бадал тулаб корхона куриш, акция чиқариб, уларни сотиш эвазига пайдо булади.

Жамоа мулкига-кооперативларнинг, ижара ва жамоа корхоналарнинг, акционерлар жамияти, хужалик жамиятлари, ширкатларнинг жамоа ташкилотлари, маҳаллалар, диний ташкилотларнинг мулки қиради.

Жамоа мулки меҳнатсиз узлаштирилишини инкор этади, меҳнатга хисса қушишни талаб қилади. Меҳнатдан яратилган даромадни бир қисми индивидуал узлаштирилади, бу узлаштириш ҳам ҳар қимми меҳнатини натижасига қараб ва мулкдаги хиссасига қараб берилади.

Натижанинг қолган қисми умумий талаб-эҳтиёжлар мақсадида ишлатилади. Жамоа мулки эксплуатацияни инкор этади. Бу мулк ишлаб чиқарувчиларни мулкдор қилади. Мулк эгалари ва ишловчилар бир хил кишилардир. Жамоа мулки 2 йул билан қупайиб боради яъни 1-йул - жамоага янги кишиларни уз мулклари билан қелиб қушилишлари, 2-йул - жамоа даромадларини бир қисмини моддийлаштириб бориш ишлаб чиқаришни қенгайтириш хисобига амалга оширилишини беради.

Жамоа мулки ичида қуйидаги турлари, усуллари булади. Яъни, кооператив мулки – жамоа мулкни асосий тури ҳар хил кишиларнинг бирлашган мулки, мулкдаги хиссадорликка асосланган булиб, гуруҳий мазмунга эга булади.

Ижарага олинган корхона жамоаси мулки ижарачилар жамоаси узи ишлаб топган мулк. Бу корхонада мулк 2 қисмдан иборат булади.

Биринчиси, корхона эгасига қарашли мулк.

Иккинчиси жамоага қарашли умумий мулк.

Корхона жамоаси мулки- фуқаролар жамоаси давлатдан, хусусий мулк эгаларидан сотиб олинган мулкларини биргаликда эгаллик қилиши ва узлаштиришига асосланган мулкдир.

Корхона ва ташкилотлар уюшмаси (ассоциацияси) мулки-мулкдорлар мулкни маълум мақсад йулидаги бирлаштирган мулкдир. Масалан, савдо-сотик, ишлаб чиқариш, бошқаришни ташкил этиш мақсадида турли хил мулк ёки бир мулкка оид корхоналар ва ташкилотлар ажратган моддий ва пул маблаглари хисобидан ташкил этилади.

Ижтимоий-ташкилотлар мулки – партиялар, қасаба ташкилотлари, халқ ҳаракатлари, турли фондлар мулкдир. Бу мулк бадал пули, ҳар хил ажратмалар, хужалик фаолиятидан тушган даромадлари хисобидан шаклланади.

Диний ташкилотлар мулки- диндорлар ташкилотларининг мол-мулки. Бу мулк ҳам биргаликда тасарруф қилинади. Бу мулкка хайрия ёрдамида сифатида кишилар, корхоналар, ташкилотлар, тадбиркорлар уз улушлари билан ёрдам беришлари мумкин. Оила ва маҳалла мулки ҳам мавжуд. Оилавий корхона ва хужаликлар қурилишида шаклланади, у ердаги мол-мулк ишлатилади, даромад топилади ва биргаликда узлаштирилади. Бир хил қондош оилалар уюшмаси жамоа булиб, мулкларини бирлаштирадilar, оила мулкни объектлари уларга қарашли булган мол-мулклар, ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмларидан иборат булиб, микроиқтисодиётнинг бир тури- оила хужалигини ташкил қилади.

Маҳалла мулки- маълум ҳудуд ва унга қарашли булган чегарасида яшовчи кишиларни бирлашган мулкига эгаллик қилишларидир. Бу мулк давлат мулкни хусусийлаштириш туфайли уларга берилган қисмидан, маҳаллада ташкил этилган ҳар хил мулкдан иборат. Бу мулкка бинолар, иншоотлар (кутубхона, идора биноси), маросимларга хизмат қилувчи асбоб-анжомлар қиради ва унинг объектлари хисобланади, унинг субъекти маҳалла аъзоларидир. Маҳалланинг пул маблаглари, давлат (маҳаллий ҳокимият) берган маблаглар, маҳаллада жойлашган корхона ва ташкилотларининг хайрия қурилишида берган маблаглари, айрим тадбиркорларни ва узи тук кишиларни берган маблаглари ташкил топади.

Шахсий мулк- фукаралар ихтиёридаги мулк булиб, у хар бир кишини меҳнати билан ва оила аъзоларини меҳнати эвазига яратилади. Бу мулк шахсий эҳтиёжларни кидириш ва истикболдаги эҳтиёжлар максатида купайтирилиб жамгарилиб борилади. Ундан ташқари бу мулк иш хаки, меҳнат хаки ҳамда оиладаги томорка хужаликларидан ҳосил килинган даромадлардан ташкил топади ва купайиб боради.

Бозор иқтисодиёти шароитида шахсий мулк акциядан олинган даромад (дивиденд), банк фоизлари, тадбиркорлик даромади, хусусий соҳибкорлик даромади, интеллектуал меҳнати билан топилган даромадлар ҳисобидан ҳам ташкил этилади.

Шахсий мулк объектлари- уй-жойлар, бог ховли уйлари, транспорт воситалари, уй-рузгор буюмлари, истеъмол буюмлари, ишлаб чиқариш воситалари ва пул маблағлари ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тугрисида»ги қонунда курсатилганидек, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳасидаги, халқ хужалигидаги майда корхоналар фуқаро ва уларнинг оила аъзоларини мулки бўла олади. Шахсий мулк эҳтиёжни қондиради, даромад келтиради, жамгарилади. Совға қилинади, ҳадия, хайрия қилинади ва меросга қолдиради. Шахсий мулк амалдаги қонунлар билан бошқа мулклар қаторида ҳимоя қилинади ва қўллаб қувватланади.

Хусусий мулк - айрим кишларга қарашли булиб, ёлланма меҳнат яратган даромадларни узлаштиришга асоаланган бўлади. Унинг 2 қуриниши бўлади. : 1 чиси индивидуал-хусусий мулк; 2 чиси, кооператив -гуруҳий хусусий мулк. Масалан, корхона бир кишига қарашли бўлса топилган фойдани корхона эгаси узлаштирган, ижарага бериш ёки уни аукционер жамиятига айлантириш танҳо мулкдор ихтиёрида бўлади.

Корпаратив хусусий мулк деганда бойликни индивидуал тарзда узлаштириш мулкдорлар шерикчилиги асосида гуруҳларга бирлашиб узлаштиришлари ҳам мумкин, у ҳиссадорликка асосланади. Мулкдор узининг индивидуал ҳиссасини пай (улуши) қуринишида умумий, яъни гуруҳий ишга қуяди. Биргаликда топилган хар бир мулкдорнинг улушига қараб индивидуал қуринишига тақсимлаб беради, яъни узлаштиришнинг яқка тартибдаги-гуруҳий шакли юзага чиқади, аукционерлар мулки шаклланади. Бу ерда индивидуал капиталларни бирлаштиришга асосланган жамиятлар корпаратив хусусий мулкни ҳосил қилади. Аукционер жамиятда давлат ва жамоа мулкни ҳам бўлиши мумкин. Хусусий-корпаратив кенг қўламдаги ишларни бажара олмайди, чунки капитали ва сармоясини миқдори озлик қилади. Корпаратив мулкчиликни яратиш зарур булиб қолади ва давлат мулкидан фойдаланиш зарурият бўлади.

Хусусий-корпаратив мулкнинг муҳим қуриниши монополистик мулкдир. У шерик мулкдорларни бирлашмаси булиб, иқтисодиётнинг у ёки бу соҳаларига танҳо ҳукмронлик қилади, катта бойлик озчилик кишилар томонидан узлаштирилади. Бу мулк амалиётда корпорация деб аталади ва монополлашган бозорни вужудга келтиради. Индивидуал хусусий мулк XIX асрда ривожланиб, XX асрнинг биринчи ярмида монополистик хусусий мулк ривож топган эди.

Ўзбекистонда ҳам хусусий булган Туркистон улқасида индивидуал мулк эгалари булган дехқонлар ва қосиблар бир миллион кишини ташкил этган.

«Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (1990 йил 31 октябрда қабул қилинган) хусусий мулкка руҳсат берди, чунки бозор иқтисодиёти хусусий мулкни ҳам тан олади. Ўзбекистонда асосан майда индивидуал хусусий мулк мавжуд, яъни яқка тартибда ишловчилар қорхонаси, фермер хужаликлари (Республикада 85 минг вилоятда 9401 та фермер хужалиги мавжуд) томорка хужалиги, ёлланма меҳнатга таяниб иш юритувчи хусусий қорхоналардан иборат бўлмоқда. Хусусий ва шахсий мулк биргаликда фуқаролар мулки деб юритилади. Кишининг топган пули уз эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни харид қилишга сарф қилинса, истеъмол қилишга ишлатилса, у шахсий мулкка айланади. Агар уни акцияга айлантириб, даромад топилса, хусусий мулкка айланади.

Маълумки, Ўзбекистонда ҳам мулк давлатлаштирилган эди. Ўзбекистон мустақил давлат булгандан кейин мулкчилик масаласини ҳал қилиш асосий муаммолардан бири булган эди. Чунки, ягона мулкчилик билан бозор иқтисодиёти, сигиша олмаслиги маълум. Бозор иқтисодиётига утишининг асосий шарти қуп укладди иқтисодиётни ва рақобатлашувчи муҳитни шакллантириш учун шарт-шароитини вужудга келтиришдан иборат булган эди. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда салмоғи катта булган давлат мулкни маълум қисмини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш лозим эди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш кенг тушунча булиб, бу мулк ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шакллариининг вужудга келтиришни ҳам назарда тутати. Хусусийлаштириш эса давлат мулкига эгалик қилиш ҳуқуқини давлатдан хусусий шахсларга берилишидир. Хусусийлаштириш бир қатор йўллар билан амалга оширилади:

1. Давлат мулки ҳисобланган қорхоналарни акционерлар (ҳиссадорлик) жамиятига айлантириш, давлат молу-мулки ҳисобидан чиқарилган акцияларни фуқароларга сотиш ва уларни мулкдорларга айлантириш.
2. Ижарада булган давлат қорхонасини ижарачилар жамоаси томонидан ўзи ишлаб топган пулга ёки қарзга сотиб олиб, уни жамоа мулкига айлантириш, жамоа қорхонаси иштирокчиларини мулкдорга айлантириш.
3. Мулкни қиймати бўйича чиқарилган чеклар, сертификат, ваучерларга биноан халққа бепул бериш. Мулк халқ уртасида тарқатилади, чунки ваучер ва сертификат қорхона акциясини олиш ҳуқуқини беради.
4. Мулкни тадбиркор, соҳибкор ва ишбилармонларга сотиш.
5. Айрим давлат қорхоналари ва айрим мулкларни чет эл фирма ва фуқароларга сотиш ёки қарзга бериш.
6. Давлат мулкни аукционларда қимошди савдоси йўли билан сотиш ва ҳоказо.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш шароитга қараб пулли, пулсиз ёки имтиёзли тарзда утқазилади.

Давлат мулкни преватизация хусусийлаштириш йўли билан, унинг ҳақиқий эгаси булган фуқароларга берилишидир. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни давлат дастурлари ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич амалга ошириб бормоқда. Мамлакатда 1992-1993 йиллар хусусийлаштиришнинг

биринчи боскичини уз ичига олади. Дастлаб уй-жой фондини, савдо-махаллий саноат, хизмат курсатиш корхоналарини махсулотларини ҳамда кишлоқ хужалик корхоналарини қайта ишлаш тизимини уз ичига олади. Енгил, маҳаллий саноатга, транспорт ва қурилишга, урта ва йирик корхоналар кейинчалик сотиб олиниш ҳукуки билан купрок ижара ҳамда жамоа корхоналарига, ёпик турдаги акционерлик жамиятларига айлантирилди. Биринчи боскичда кичик хусусийлаштириш тугалланди.

Давлат ижтимоий дастурида белгилаб берилган иккинчи боскич 1994-1995 йилларга тугри келди. Куплаб урта ва йирик корхоналар хиссадорлик жамиятларига айлантирилди ва республикада кимматбаҳо коғозлар бозори шаклланди. Кичик хусусий бизнес корхоналари ташкил этилди. Шу боскичда очик турдаги акционерлик жамиятлари шаклланди, давлат мулкни танлов асосида кимошди савдоси йули билан сотиш жорий қилинди. Давлат мулкни хусусийлаштириш бошланиши билан 1994 йилда 54 мингта корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди. Шулардан 18,4 таси хусусий, 26,1 мингтаси акциядорлик, 8,7 мингтаси жамоа мулкига ўтди, 661 таси ижара корхоналарига айлантирилди. (Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Т. «Ўзбекистон», 1995. 56 бет).

Мамлакат иқтисодиёти 1996 йилдан бошлаб мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг 3 боскичига ўтди. Бу боскичда хусусийлаштирилмайдиган объектлар рўйхатига қирмаган барча объектлар ва корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилади.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг муҳим хусусияти уни дастурлар асосида боскичма-боскич амалга оширилганлиги; хусусийлаштиришни адресли йўналтирилганлиги унинг яна бир хусусиятидир; хусусийлаштиришнинг туловлиги унинг энг муҳим хусусиятидир.

Хусусийлаштиришнинг Ҳозирги боскичидаги йўналишлари ислохотларни чуқурлаштириш талабларидан келиб чиқиб белгиланмоқда. Шунга биноан, кичик ва урта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилмоқда. И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Кичик ва урта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бугин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омили ҳам бўлиши даркор». (Каримов А. жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш тараққиёт гарови). «Халқ сузи» газетасида. 2001 йил 18 июнь, 140-сон.

Иқтисодиётни эркинлаштириш билан биргаликда, хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш бу борада ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, бу жараёнга тармокнинг асосини ташкил қилувчи йирик корхоналарни жалб этиш, ислохотларни чуқурлаштиришда алоҳида уринга эга бўлади деб таъкидлаган эди И. Каримов (миллий истиклол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент «Янги аср авлоди» 2001 йил, 63-бет).

Хусусийлаштирилган корхоналарга эркин иқтисодиёт юритиш учун ҳукукий асослар яратиб берилмоқда, давлат секторига нисбатан бу корхоналардан олинадиган солиқлар ставкаси қамайтирилмоқда ва айримларидан маълум муддатгача солиқдан озод қилиш имкониятлари берилмоқда.

Асосий таянч тушунчалари:

1. Ишлаб чиқариш усули- бу ишлаб чиқарувчи қучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг бирлиги ва узаро таъсири;
2. Ишлаб чиқарувчи қучлар-иш қучи билан ишлаб чиқариш воситаларининг бирлиги ишлаб чиқаришнинг шахсий ва моддий омилларининг қушилиши;
3. Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар-бу ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий алоқалар бирлигидан иборат;
4. Технологик усул- меҳнат воситалари, технология, материаллар, энергия, ахборотлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш демакдир.
5. Мулкчиликмуносабатлари-мулкка эгаллик қилиш, уни тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва узлаштириш жараёнидаги узаро боғланишлар тизимидир.
6. Мулкдан фойдаланиш-мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятида ишлатилиши, қулланилиши ва истеъмол қилиниши;
7. Мулкни тасарруф этиш-мол-мулкка бўлган муаммолар ва уни тақдирини мустақил ҳал қилиш;
8. Мулкка эгаллик қилиш-Мулкдорлик ҳукуқини унинг эгаси қулида сакланиб туришини билдиради.
9. Мулкни узлаштириш-узига қарашли бўлган ва яратилган моддий бойликларни уз эҳтиёжини қондириш учун ишлатиш ва истеъмол қилиш.
10. Мулк объектлари-мулк ҳисобланган барча нарсалар ва бойлик турларидир;
11. Мулк субъектлари-мулк эгалари, мулкни узлаштиришда қатнашувчилар ҳамда мулккий муносабатлар иштирокчилари;
12. Хусусийлаштириш-мулкка эгаллик ҳукуқининг давлатдан бошқа шахслар (хусусий)га ўтиши;
13. Давлат тасарруфидан чиқариш-давлат мулкни нодавлат мулк шаклларига айлантириш демакдир.

Асосий адабиётлар:

1. И. А. Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Т. , Ўзбекистон 1995 йил.
2. И. А. Каримов Ўзбекистон XXI аср бусагасида: Хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т. , Ўзбекистон 1997 йил.
3. И. А. Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т. , Ўзбекистон 1999 йил.
4. А. Улмасов, М. Шарифхужаев. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Меҳнат», 1995 йил. Дарслик.
5. Камаев Р. и др. Учебник по основам экономической теории. М. Владос 1994 г.
6. Экономическая теория. Учебник для студентов высших учебных заведений обучающихся по экономическим специальностям. Т. , Шарк 1999 год.
7. Экономическая теория. Учебник под редакции В. Видяпина, Г. Журавлевой М. , Российская экономическая академия 2000 год.

8. А. Улмасов, М. Шарифхужаев. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Меҳнат», 1995 йил. Дарслик.
9. Ш. Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Молия» 2002 йил. Ўқув қулланма.
10. П. Хошимов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т. , «Университет» 2003 йил. Ўқув қулланма.
11. Н. Узоков ва бошқалар. Ижарачи нималарни билиши керак? Қулланма. Т. , Меҳнат 1991йил.

II-булим. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ НАЗАРИЯСИ.

4-мавзу: ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАКЛЛАНИШИ ВА АМАЛ КИЛИШНИНГ АСОСИДИР.

Режа:

1. Натурал ишлаб чиқаришдан товар ишлаб чиқаришга ўтиш.
2. Меҳнат маҳсулининг товар шакли ва унинг хусусиятлари.
3. Кийматнинг меҳнат назарияси товарда гавдаланган меҳнатнинг хусусияти.
4. Пулнинг пайдо бўлиши, моҳияти ва вазифалари.

Жамиятнинг тараккиёти босқичлари бир неча ишлаб чиқариш усуллари ва ишлаб чиқаришнинг бир неча шакллари билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш усуллари:

1. Ибтидоий
2. Қулдорлик
3. Феодализм
4. Капитализм

5. Социалистик ишлаб чиқариш усуллари. Улар узларига хос хусусиятларига эга бўлиб, бу хусусиятлар мулкчилик шаклларига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Ишлаб чиқариш натурал шаклида ва товар шаклида бўлган.

Натурал-маҳсулот ишлаб чиқариш ҳужалик юриштининг биринчи шакли бўлиб, меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар шахсий эҳтиёжларига сарф қилинади, яъни сотиш учун мулжалланмайди.

Натурал ҳужаликнинг асоси ер ва ҳунармандчилик бўлган. бу ҳужалик шаклида ижтимоий меҳнат тақсимоли етарли даражада ривожланмаган бўлади, хусусан, ибтидоий жамоада амал қилган ва у тарқок, бир хил типдаги ҳужаликлар тупламидан, яқка дехкон, оилавий, давлат ва жамоа ҳужаликларида иборат бўлган.

Натурал ҳужалик Хитойда «Конфуцийчилик», Хиндистонда «архашастра» гоёлари билан боғлиқ қадимга юнонистонда Платон, Аристотель гоёлари бу ҳужаликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган.

Платон ўзининг «Сиёсат ва давлат» асарида натурал ҳужаликни асослайди ва пул ҳар қандай душманликни келиб чиқишига саба бўлади деб айтган эди. Аристотель эса натурал ҳужаликни сақлаган ҳолда товар ҳужалигини ҳам ривожлантириш керак деган эди. Демак натурал ҳужалик заминидан товар ҳужалигини ривожлантириш мумкин бўлган.

Натурал ҳужаликда дехкон ер эгасига қарам бўлган, ҳужаликка маҳкам бириктириб қўйилган, қучиб юриш имконидан маҳрум этилган. Улар зироат қорвачилиқ маҳсулотларини етиштириб, уларни қайта ишлаган ва тайёр маҳсулотга айлантирганлар. Ҳунармандлар меҳнат қуроллари ишлаб чиқарган, қурувчи бино қурган, тиқувчи қийим тиккан, уларни ўз меҳнатлари билан яратганлар ва истеъмол қилганлар, бир-бирларига натурал формада айрибош қилганлар.

Натурал ҳужаликда мулк эгалари, масалан, феодал ўз мулки ишлаб чиқариш воситаларини вақтинча ишлатиш учун дехконга берган ва бунинг эвазига натура формасида ҳақ олганлар.

Натурал ҳужалик асосан қул меҳнатига асосланади, ишлаб чиқарувчидан қатта билим, маҳорат ва малакани талаб қилмайди, ишлаб чиқаришни моддий омили ривож топмайди, шахсий омил ҳам ривожланмайди, бунинг натижасида меҳнат унумдорлиги ўсмайди. Маҳсулотни қупайишига 2 та омил сабабчи бўлади.

1. Қул меҳнاتини қупрок қуллаш туфайли;
2. Табиий омил, яъни табиат ином этган ресурсларни қупрок ишлатиш ҳисобидан маҳсулот қупайтирилади.

Натурал ҳужалик консерватив, эскиликка мойил бўлади ва янгилик ярата олмайди, иқтисодий автаркизмга асосланади, яъни ўзини маҳсулот билан таъминлайди, бошқалар билан қамдан-қам алоқа бўлмайди.

Ҳозирги вақтда ҳам қишлоқ жойларида натурал ҳужалик мавжуд. Масалан, дехконлар томорқа ҳужаликларида, дала ховлиларида етиштирган маҳсулотларни дала ховлиларида етиштирган маҳсулотларни бир қисмини ўзлари истеъмол қиладилар, ортиқчасини бозорда айрибош қиладилар. Бу жараёнда маҳсулот натурал маҳсулотга ва товар маҳсулотига ажратилади. Аста-секинлик билан товар ҳужалиги шаклланиб, ўсиб боради. Бу эса бозор иқтисодини пайдо бўлишини билдиради. Бозор иқтисоди натурал ҳужалик билан боғлиқ эмас, у товар ишлаб чиқаришни талаб қилади. Маҳсулотнинг натурал шакли товар шакли билан ўрин алмашади.

Товар ҳужалиги бозорда маҳсулот ва хизматни сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқариш билан ифодаланади. Товар ҳужалиги натурал ҳужалигидан тўб фарқи шундан иборат бўладики, товар ёки хизмат яратувчисининг истеъмоли учун эмас, балки бозорга сотиш учун ишлаб чиқарилади. Қишлоқ уртасидаги алоқа муносабатлари нарсалар, бўюмлар орқали, улар меҳнати маҳсулотларини олди-сотди қилиш йўли билан шаклланади.

Товар хужалигида вақт ва моддий ресурслар тежалади, меҳнат унумдорлиги усади, ихтисослашув пайдо булади, айрибошлаш ривожланади, у зарургина булаб қолмасдан балки фойдали бўлиб боради.

Товар ишлаб чиқаришни объектив зарурлиги қуйидагилар билан ифодаланади:

1. Ижтимоий меҳнат тақсимооти-меҳнат турлари ихтисослашади, бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқараётганлар, маҳсулотни айрим турини ишлаб чиқаришга мослашадилар. Маҳсулотлар эҳтиёжни қондириши мақсадида айрибош қилинади.

2. Ишлаб чиқарувчиларнинг бир-биридан алохидалашади ва мустақил фаолият юритишади.

3. Мулкчилик шакллари ва мавжудлиги.

4. Ишлаб чиқарувчи қўллар таракқиётининг ривожланиш даражасининг бирмунча пастлиги;

5. Экспорт ва импортнинг (ташки савдонинг) мавжудлиги;

Товар ташки буюмдир, инсон меҳнатининг муҳсулидир. У моддий қурилишдан Бирон-бир нафликка эга, қиймат жиҳатидан у айрибошлашга мулжалланган маҳсулотдир.

Товар нафлилик ва фойдалилик жиҳатидан истеъмол қийматга ва қиймат жиҳатидан алмашувга мулжалланган, бозор учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматлар массасидан иборатдир. Товар ишлаб чиқариш умуминсоний ҳодиса бўлиб, у барча иқтисодий тизимларда мавжуд бўлган, меҳнат маҳсули товарга айланади, ишлаб чиқарувчилар товар ишлаб чиқарувчига айланади.

Маълумки, товар ишлаб чиқаришдаги меҳнат ижтимоийдир, товар бозорда харидорлар томонидан сотиб олинса, меҳнат ижтимоий характерда эканлиги намоён булади. Товар ишлаб чиқарувчиларни алохидалашуви меҳнатни алохидалашувини талаб қилади. Меҳнатни ижтимоийлиги ва уни алохидашуви уртасида зиддият мавжуд. Маҳсулот бозорда харидорлар томонидан эътироф этиб сотилгандагина унга сарф қилинган меҳнатнинг ижтимоийлиги кишилар томонидан тан олинади ва бу зиддият бартараф этилган булади. Ана шунда товар ишлаб чиқариш учун сарф қилинган индивидуал меҳнат жами ижтимоий меҳнат таркибига қиради. Демак, товар ишлаб чиқарувчиларнинг индивидуал тартибдаги меҳнатларини йиғиндиси жами ижтимоий меҳнатни ташкил этади.

Товар ишлаб чиқарувчиларни меҳнати ва меҳнат маҳсулотини бозорда тан олиниши бу утқир муаммодир, чунки талаб ва эҳтиёжлар тез-тез ўзгариб туради. Бундай шароитда бозорни қўзатиб қўрилмаса, товар ўз харидорини тополмай қолиши ҳам мумкин, товар сотилмай қолса, унинг эгаси хонавайрон булади, меҳнати бефойда кетади.

Ҳозирги вақтда товар ишлаб чиқарувчиларга фирма, компания, бирлашма, завод, фабрика, яқка тартибда ишловчи, фирмер хужалиги, дала ховли эгаси, томорка хужалиги соҳиблари, кооперативлар, жамоа ва давлат хужалиги жамоат ташкилотлари ва бошқалар қиради. Бу типдаги субъектлар товар ишлаб чиқариб, уни сотиб даромад олишлари керак, ҳар бирининг мақсади шунга қаратилган булади. Товар ишлаб чиқарувчилар индивидуал (яқка) ва жамоа (корхона)дан иборат булади.

Товар меҳнат маҳсулининг бир қурилиши бўлиб товар энг аввало ишлаб чиқарувчининг ўз истеъмоли учун эмас, балки бозорда сотиш йўли билан бошқа товарга айрибош қилиш учун яратилган меҳнат маҳсулидир. Бунда пул айрибош қилишда воситачилик қилади.

Маҳсулот билан товарнинг фарқи бор. Маҳсулот товар бўлмоғи учун талаб-эҳтиёжни қондирмоғи лозим. Масалан, қийинчи, овқатланиш, ўқиш дам олиш, турар жойга эга бўлиш ва ҳақоза.

Биринчидан, товарнинг истеъмол қиймат ҳоссаи бўлиши шарт ва у ижтимоий нафлик ҳисобланади.

Иккинчи, товар бошқа товарга алмашиш ҳоссаига ҳам эга. Бу эса унинг алмашув қиймати деб юритилади.

Киши эҳтиёжини қондирадиган ҳар қандай нарса ҳам товар бўла олмайди. Масалан, меҳнат сарф қилинмаган мевалар (дулана, жийда ва бошқалар) бўлоқ сувлари, ҳаво гарчан истеъмолга яроқли бўлса-да, лекин товар бўлолмайди, чунки истеъмол қиймати бор, аммо қийматга эга эмас.

Демак, инсон меҳнатининг маҳсули бўлган маҳсулот товар бўлиши учун:

Биринчидан, истеъмол қийматга;

Иккинчидан, қийматга эга бўлиши лозим. Истеъмол қиймат инсонни Бирон-бир эҳтиёжини қондирса, қиймати эса алмашиш хусусиятини билдиради. Шу сабабали кишилар товарларни сотишда, сотиб олишда бозор орқали алоқа боғлайдилар ва ўзаро муносабатда буладилар.

Товарларни ўлчовдош қиладиган нарса уни яратишга, ишлаб чиқаришга сарф қилинган меҳнатдир. Товар қийматининг миқдори эса, ижтимоий зарурий иш вақти билан ўлчанади.

Товарларни айрибош қилишда бир-бирига тенглаштирадиган асос-ўларни ишлаб чиқариш учун сарф қилинган меҳнатдир. Қиймат иқтисодий категория бўлиб, товар ишлаб чиқарувчилар уртасидаги иқтисодий муносабат ҳисобланади.

Товар ишлаб чиқаришда икки хил меҳнат сарф қилинади.

Биринчиси, аниқ меҳнат бўлиб товарнинг истеъмол қийматини ярашади.

Иккинчиси, абстракт меҳнат товарнинг қийматини ҳосил қилади.

Меҳнатнинг аниқ шаклдан қатъий назар товар ишлаб чиқариш учун умуман сарфланган иш қучидир, жами ижтимоий меҳнатнинг қисмидир. Меҳнатнинг бу хусусияти абстракт меҳнат (мавхум) деб аталади. Мавхум меҳнатда инсон ақлий ва жисмоний қувватини сарф қилади. Товар хужалиги бўлмаса, абстракт меҳнат ҳам бўлмайди.

Товар ишлаб чиқаришга ҳос категория абстракт меҳнат бўлиб, у товарларни олди-сотди қилиш жараёнида ақлий ва жисмоний қувватларни ўзида ифода этади.

Товарларни ишлаб чиқариш учун сарф қилинган вақт иккига бўлинади.

Биринчиси, Индивидуал иш вақти – бу бирор бир турдаги товарни ишлаб чиқариш учун айрим ишлаб чиқарувчининг сарф қилган вақтидир.

Мисол келтирайлик, стул ишлаб чиқарадиган 3 та фирмани олиб қараймиз. Ўларни бири яхши, иккинчиси урта, учинчиси ёмон фирма дейлик. Уртача корхона белгиланган столни 70 фоизини ишлаб чиқаради ва ҳар бир столга 4 соат, яхши корхона (фирма) столнинг 20 фоизини яратади, ҳар бирига 2 соат, ёмон фирма столнинг 10 фоизини

тайёрлади ва ҳар бирига 6 соат сарф килди. Бундай ҳолда товар-стол киймати уртача фирмани меҳнат сарфи билан белгиланади, чунки, биринчидан, товарларни куп қисми фирмада яратилади, иккинчидан, талабни қондирди. Учинчидан, у ижтимоий зарурий иш вақтини ташкил этади. $(4\text{ с} + 2\text{ с} + 6\text{ с} = 12\text{с})$ уртача иш вақти $12:3=4$ соатни ташкил этади. Демак, товарни киймати индивидуал иш вақти билан эмас, балки ижтимоий зарурий иш вақти билан белгиланади, чунки бу вақт жамият эҳтиёжини қондириш учун керак булган вақтдир.

Бу вақт уртача билим, малака, тажриба, маҳорат, ихтисос, уртача техника даражаси ва уртача меҳнат интенсивлиги (тигизлиги, шиддати) шароитида меҳнат сарфи билан белгиланади.

Киймат микдори меҳнат сарфининг қупайиши ёки камайишига боғлиқ. Бу эса меҳнат унумдорлигига тескари муносаббатдир.

Унумдорлик ошса, киймат камаяди ва аксинча булади.

Кишилиқ жамияти турли тараққиёт босқичларини босиб ўтган ва нисбатан товар ҳужалиги вужудга келган. Бунда дастлаб Т-Т алмашув қилинган. Бундай жараёни товар кийматини бир-бирига тенглаштирилиши кийматнинг оддий ёки тасодифий шакли деб аталган. $T - 1\text{ болта} = T - 4\text{ коп бугдойга}$. Товар ҳужалигининг ривожланиши товар кийматининг ифодаси булган пулни келтириб чиқарди.

Айрибошлашни ривожланиши натижасида тасодифий киймат шаклидан Тула ёки кенгайган шаклга ўтилган.

$$\text{Масалан; } 10\text{ коп туз} = \begin{cases} = 10-15\text{ куй} \\ = 20-30\text{ парранда} \\ = 2\text{ та кора молга} \end{cases}$$

Кийматнинг кенгайган шакли аста-секин кийматнинг эквивалент шаклига айланади. Бунда бир неча товарлар ўз кийматини битта товарга ифодалаган яъни: бунда умумий эквивалент булган товар родини куй бажарган

$$\begin{aligned} 1\text{ коп бугдой} &= \\ 10\text{ кг чой} &= \\ 40\text{ кг кофе} &= \\ 0,5\text{ т темир} &= \\ 2\text{ унция олтин} &= \\ \text{унция } 35,6\text{ грамм} &= \end{aligned} \quad \left. \vphantom{\begin{aligned} 1\text{ коп бугдой} \\ 10\text{ кг чой} \\ 40\text{ кг кофе} \\ 0,5\text{ т темир} \\ 2\text{ унция олтин} \\ \text{унция } 35,6\text{ грамм} \end{aligned}} \right\} 10\text{ та куй.}$$

Иқтисодий зарурият алмашувнинг оддий, тасодифий ва тула-кенгайтирилган шаклларида унинг эквивалент шаклига олиб келади. Умумий эквивалент шаклини пул товари ёки пул шакли эгалайди. Яъни;

$$\begin{aligned} \text{Бир коп бугдой} &= \\ 10\text{ та куй} &= \\ 10\text{ кг чой} &= \\ 40\text{ кг кофе} &= \\ 0,5\text{ т. Темир} &= \end{aligned} \quad \left. \vphantom{\begin{aligned} \text{Бир коп бугдой} \\ 10\text{ та куй} \\ 10\text{ кг чой} \\ 40\text{ кг кофе} \\ 0,5\text{ т. Темир} \end{aligned}} \right\} 2\text{ унция олтин}$$

Бунда олтин пул қурилишини олади. Пул қурилишидаги товар қуйидагилар билан фарқ қилади. Биринчидан, умумий эквивалент родини бита товар (пул) бажаради, иккинчидан, пул тор ички бозордан чиқиб, давлатлараро ҳатто халқаро миқёсга чиқади.

Шундай қилиб, товар ишлаб чиқаришнинг ва товар муомаласининг махсули булган пул ҳамма товарлар учун умумий эквивалент вазифасини бажарувчи махсус товардир. Пул алоҳида товардир, у ижтимоий кийматга эга, ҳамма товарлар пул билан сотиб олинади, ишлаб чиқариш ва айрибошлаш жараёнида кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ифода этади. Шу муҳим белгилар асосида товар пул муносабатлари пайдо булади. Дастлаб пул родини қандай товарлар бажарган деган савол тугилади?

Қадимги Юнонистон, Римда, араб ва ҳинд қабилаларида чорва пул родини бажарган. Лотинлар пулни «ресиния» деб атаганлар. Бунинг маъноси «ресия»-«чорва» дегани. «Капитал» сузи ҳам пул сингари «чорва» сузи билан боғлиқ. Чорва мол бошига қараб ҳисоблаган ва «капитал» сузи лотинча «капит» - бош (қупчиликда катта) сузидан олинган.

Тинч Океан ва Африка халқларида қимматли чиганоклар пул вазифасини бажарган Марказий Африкада фил суяги, қадимги Мисрда – бугдой Хитойда туз, мугилистонда чой айрибошлаш жараёнида пул вазифасини бажарган. Қумуш пуллар милоддан олдинги 2 минг йиллари Осиё мамлакатларида кенг тарқалган. Рубль деган пул XII-XIII асрларда пайдо бўлиб, қумушни бўлиш, булақларга ажратиш (рубить) деган маънони билдиради.

Танга пулнинг (майда пул) ватани кадимги Лидия давлати хисобланади.

Нима сабабдан олтин пулга айланди?

1. Олтиннинг ноёблиги;
2. Кийматининг юқорилиги;
3. Олтинни булакларга булиш осон булса-да, унинг сифати бутунлигидай қолади.
4. Савдода уни майда тангалар қуринишида булиш мумкин;
5. Яхши сақланади, сифати бузилмайди.


Мамлакатларни пул бирликлари мавжуд. Доллар, динар, рубль, лира, рупий, фунт, марка, сум, танга каби пуллар бор.

«Доллар» - «тахлер» сузидан олинган булиб, бу катта қумуш тангаларни билдиради ва Голландия, Венгрия, Германия бозорларида муомалада юрган.

XIX асрнинг охирида мамлакатлар олтин валютага, яъни монеметалл тизимига аста секин ута бошлаганлар. Австрия – 1892 йил, Япония-1897 йил, Россия-1898 йил, АКШ-1990 йилда шу тизимга утган.

Ўзбекистон ҳудудида Шайбонийхон Самарқандни забт этгандан кейин, 1507 йилда пул ислохоти утказган ва қумуш, мис тангалари муомалага чиқарилган. Шайбонийхон (1501-1610) ва Абдуллахон (1583-1598) зарб этган (олтин ва қумуш) тангалар Бухорода марказлаштирилган булган. 1695-1709 йилларда олтин танга зарб қилиш ривожланган, унинг оғирлиги 4,8 гармм, сифат соғлиги жуда юқори 958 булган. шундан кейин товарлар дунёси иккига бўлинган. Яъни:

Товарлар дунёси



Пул қуйидаги вазифаларни бажаради.

1. Киймат улқови;
2. Муомала (вазифаси) воситаси;
3. Тулов воситаси;
4. Бойлик туплаш (жамғариш) воситаси.

Товарнинг алмашув киймати уни улқаш учун муайян миқдордаги пул материалини бирлик қилиб олинади. Бундай бирлик баҳолар улқови (масштаби) деб айтилади.

Товар муомаласи жараёнида нақд пул булиши керак, чунки товарлар сотилганда уларни баҳолари реал пулга айланмоғи лозим бўлади.

Олтин пуллар, узлуксиз муомалада булиши натижасида, яъни олтин тангалар ейилиб кетади, уз массасини бир қисмини йукотади ва Тула кийматли булмаган пулга айланади. Шунга қура, муомалага олтин урини босувчи пул сифатида Тула кийматли булмаган киймат белгилари, яъни қозғол пуллар чиқарилган.

Пул муомаладан чиқарилганда бойлик туплаш вазифасини бажара олади. Натурал ҳужалиқда бойлик сифатида маҳсулот жамғарилган эди. Товар ҳужалиғида пул қуринишида бойлик тупланади ва жамғарилади. Пул банкларда қуйилади ва жамғарилади, кредит берилади.

Товарлар насияга сотилганда, муддати қечиктириб сотилганда пул тулов воситасини бажаради. Қарзни тулаш, иш ҳақи туловлари, солиқ туловларида ҳам пул тулов воситасини бажаради.

Тулов воситасини пул, вексел ва банкнотлар бажаради. Вексел (қарз мажбурияти) деган маънони билдиради. Банкнот ҳусусий шахснинг вексели урнига банк томонидан бериладиган векселдир. Банкнотлар билан бир қаторда муомаланинг кредит қуролларидан яна бир тури-чеклар иштирок этади. Чек омонат эгаси томонидан уз ҳисобидаги пулдан чекда қурсатилган шахсга бериш тугрисида банка ёзилган бўйруқлардир.

Пул тушунчасига икки жиҳатдан ёндошиш мумкин: тез алмашадиган (қадри) пул ва декрет (қонун билан белгиланган) пул сифатида тез алмашиш (ликвидность) тушунчаси, Ҳозирги замон қозғол пуллари (сум, танга, лира, доллар ва ҳ. к.) бевосита сотиб олиш қучига эга эканлигини билдиради. Демак, осонлик билан мақсадни рўёбга чиқаради.

Хулоса қилиб айтганганда ижтимоий меҳнат тақсмотини қупайиши ва уни ривожланиши ишлаб чиқарилган маҳсулотларни узаро алмашувига сабаб бўлди, яъни товар шакли пайдо бўлди, товар ҳужалиғи алмашувида воситачилик қилувчи пулни қелтириб чиқарди. Натижада товар-пул муносабатлари вужудга қелди, товар-пул муносабатлари бозор иқтисодиётини асоси ҳисобланади ва уни ривожланиши шарти ҳисобланади.

Товар ишлаб чиқариш ёки айнан товарни уз қиймат билан бевосита боғлиқдир, чунки товарни ҳусусиятларидан бири қийматга эга эканлиғидир.

Қиймат дейилганда маҳсулот ишлаб чиқаришга сарф этилган меҳнат миқдори тушинилади. Меҳнат сарфлари қонли (иш қучи сарфлари) ва бўюмлашган – (ишлаб чиқариш воситалари, қом ашё ва ҳақозо) турларидан иборат бўлади.

Товарни қиймати деганда, уни ишлаб чиқаришга қетган ҳаражатлар йигиндисидан иборат бўлади. Бу ҳаражатлар қийматда ифодаланади ва қиймат қонунини номи билан аталади.

Товар қийматининг миқдори ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан улқанади.

«Ижтимоий» деган суз- товар кийматининг миқдори у ёки бу ишлаб чиқаришнинг узига алоҳида келган меҳнат сарфлари билан эмас, балки ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари (ИЗМС) билан улчанади. Буни маъноси шундан иборатки, ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари ишлаб чиқаришнинг мавжуд ижтимоий нормал шароитда ва шу жамиятда меҳнат маҳоратининг ва интенсивлигининг уртача даражасида бирон истеъмол кийматини ишлаб тайёрлаш учун талаб қилинадиган иш вақти меҳнат сарфларидир. Агарда хусусий меҳнат сарфлари ижтимоий меҳнат сарфларидан кам бўлса, товар ишлаб чиқарувчини иқтисодий ахволи яхшиланиб боради. Демак, харажатлар сарфини камайтириб борган субъектлар фойда куради.

Киймат қонуни ижтимоий меҳнатни ҳисобга олади ва уни тартибга солиб боради.

Киймат қонуни қуйидаги вазифаларни бажаради.

1. Вақтни тежашни рағбатлантириб боради.
2. Товар ишлаб чиқарувчиларни табақалаштиришдир.
3. Товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат курсатувчилар сарф-харажатларининг камайтиришга ундайди.

Хуллас, киймат қонуни товар ҳужалигининг объектив иқтисодий қонуни бўлиб, товар пул муносабатларни ривожланиб боришида уз ифодасини топади.

Масъулумки, мустақил давлатларнинг ҳар бири узининг пул бирлигига эгадир. Масалан, доллар, фунт стерлинг ва ҳакозо. Бу бирликлар валюта номи билан юритилади. Валюта, ибораси ҳар бир мамлакатнинг, давлатнинг миллий пул бирлиги, бошқа давлат учун ишлатилади.

Ҳар бир мамлакатни пули бошқа мамлакат пулига эркин алмаштириш (конвертирлашувига) қурби етиши лозим. Бунинг миллий пул бирликлари етарли миқдорда товар захиралари билан таъминланган бўлиши лозим. Иқтисодий ёки юксалган ҳар бир мамлакат уз валютасини трансмиллий қувватда қасб етиши мумкин.

Ўзбекистонда миллий валютани муомиллага киришдан олдин утиш даврида (1993 йил ноябрдан-1994 йил июлгача) сум- купон жорий этилди. Бу татбир миллий валютани чиқариш ва муомиллага киритиш учун утказилган тадбирлардан бири эди. 1994 йилдан миллий пул муомиллага киритилди. Мақсад муомалага киритилган миллий пул-сумни кадрсизланишига йул қўймаслик, уни харид қувватини мустаҳкамлаш; кейинчалик (2003 йил 15 октябрь) сумни конвертирлашувига иқтисодий замин яратиш, халқаро миқёсида ўзбек пулининг эътироф этилишига, халқаро ҳисоб китоблар воситасига айлантиришга эришиш мақсад қилиб қўйилган.

Иқтисодийда муомила учун зарур булган пул миқдорларининг ифодаси қуйидагича аникланади. Яъни:

$$P_m = \frac{T_b - X_k + X_t - K_t}{O_t} \quad (1)$$

Бунда. P_m – маълум давда муомиллага керак буладиган пул миқдори;

T_b – реализация қилиниши лозим булган товарларнинг баҳосининг суммаси;

X_k – сотиш давридан бошқа вақтда туланадиган товарлар баҳосининг суммаси;

X_t – ҳақини тулаш муддати келган товарлар баҳосининг суммаси.

K_t – бир бирини қоплайдиган туловлар суммаси.

O_t – пул обороти тезлиги.

Асосий таянч тушунчалари:

1. Натурал ишлаб чиқариш бу шахсий меҳнатга асосланган бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг уз эҳтиёжларини қондириш ва ички ҳужалик эҳтиёжлари учун ишлатилади.
2. Товар ишлаб чиқариш ишлаб чиқарилган маҳсулот ишлаб чиқарувчининг эҳтиёжи учун эмас, балки бозорда айрибошлаш орқали бошқаларни эҳтиёжини қондиришга мулжалланади.
3. Товар ташки буюм инсон меҳнатини маҳсули бўлиб, айрибошлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотдир, у нафлиққа ва кийматга эгадир.
4. Нафлилик-товарни кишиларни истеъмолини қондириш хусусиятидир.
5. Алмашув киймати- бир товарни бошқа бир товарга алмашувининг миқдорий курсаткичдир.
6. Аниқ меҳнат -бирон товарни яратиш учун сарф қилинган жисмоний фаолияти тушинилади. Бунда товарни истеъмол киймати яратилади.
7. Абстракт меҳнат -товар ишлаб чиқариш учун инсон иш қучини сарфланишидир.

Асосий адабиётлар:

1. И. А. Каримов Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т. , Ўзбекистон 1999 йил.
2. А. Улмасов, М. Шарифхужаев. Иқтисодий назарияси. Т. «Меҳнат», 1995 йил. Дарслик.
3. Ш. Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодий назарияси. Т. «Молия» 2002 йил. Ўқув қўлланма.
4. Д. Тожибоева. Иқтисодий назарияси. Т. , «Шарк» 2003 йил 1-2 китоб. Қўлланма.
5. П. Хошимов ва бошқалар. Иқтисодий назарияси. Т. , «Университет» 2003 йил. Ўқув қўлланма.
6. Экономическая теория. Учебник под редакцией В. Видяпина, Г. Журавлевой М. , Российская экономическая академия 2000 год.

5-мавзу: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА АМАЛ КИЛИШИ. БОЗОР ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ.

Режа:

1. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва унинг туб белгилари.
2. Бозор иқтисодиётига утиш зарурати.
3. Бозор иқтисодиётининг муаммолари ва уни хал қилиниши.
4. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари.
5. Бозор ислохотлари.
6. Бозор тушунчаси ва бозорнинг вазифалари.
7. Бозорнинг турлари ва тузилиши.
8. Бозор нифратузилмаси ва унинг унсурлари.

Ушбу мавзуда товар ҳужалиги билан бевосита боғлиқ булган бозор ҳақида тушунча берилади, унинг мазмуни ва моҳияти ёритилади. Бозорнинг объектлари, субъектлари, ундаги зиддиятлар, муаммолар очиқ берилади. Маълумки, товар ишлаб чиқариш ва уни ривожланиши билан вужудга келган бозор ва бозор иқтисодиёти дунё мамлакатларида узок даврлардан буён амал қилиб келинмоқда. Ҳозирги даврда маданийлашган бозорга айланиб, ҳукмрон иқтисодий тизимга айлангандир.

Бозорнинг асосида, унинг негизида товар пул муносабатлари ётади.

Товар пул муносабатлари деганда, товар ишлаб чиқариш, товарларни айирбош қилиш ва пулга алмаштиришнинг узига хос хусусиятларини бирлиги, яхлитлиги тушунилади.

Ижтимоий меҳнат тақсимотини вужудга қилиши, хусусий мулкчиликни қарор топиши бозор иқтисодиётининг қилиб чиқишига сабаб булган ва унга шароит яратиб берган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни товарга айланиши, тақсимланиши, айирбошланиши ва нихоят истеъмолга етказилиши бозор орқали амалга оширилади. Демак, хусусий мулкчилик, ижтимоий меҳнат тақсимоти, ижтимоий ҳужаликнинг товар шаклини тақоза этади.

Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиёт бўлиб, унинг асосида товар-пул муносабатлари мужассамлашган, аҳолини ижтимоий химоя қилишга мулжалланган, иқтисодий танҳо ҳукмронликни инкор этувчи ва тартиблаштириб турувчи иқтисодиётдир. Бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларига асосланган иқтисодий муносабатлар мажмуасидир. бозор иқтисодиётини субъектлари мавжуд ва уларга қуйидагилар қиради.

1. Мулк эгалари-улар ер эгалари, капитал эгалари, ишлаб чиқариш воситалари эгаларидан ташкил топади. Улар уз мулкдан даромад топади, тадбиркорлик билан шугулланмайди.

2. Тадбиркорлик, фирма, корхона, ҳужаликлар қиради. Улар тадбиркорлик билан шугулланадилар, ишлаб чиқариш омилларини ишга солиб, фойда оладилар.

3. Давлат – ишлаб чиқариш билан ҳам истеъмол билан шугулланадилар. Уларга давлатнинг барча ташкилотлари ва муассасалари қиради. Улар бозор ва унда катнашувчилар фаолияти устидан назорат қиладилар.

Бозорни ва бозор иқтисодиётининг асосий туб белгиларига қуйидагилар қиради:

1. Иқтисодий плюрализм – (ҳужалик юритишнинг турли шакллари).
2. Мулкчиликни турли шакллари.
3. Хусусий мулкни устиворлиги.
4. Эркин иқтисодиётни мавжудлиги.
5. Нархларни либераллашуви – эркинлашуви.
6. Роқабат қурашининг мавжудлиги.
7. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чекланганлиги.
8. Тадбиркорлик ва танловнинг эркинлиги.
9. Корхона ва фирмаларнинг ички ҳамда ташқи шарт-шароитлар узғаришларига мослашувчанлиги.
10. Даромадларни чекланмаганлиги.

Бозор иқтисодиёти турли мулкчиликка асосланганлиги туфайли, ҳужалик юритиш шакллари ҳам турлича булади. Яъни:

Якка тартибда, жамоа-уюшмага бириккан ҳолда, шерикчилик-пайчилик ёки акционерлик асосида, уз маблағига ёки қарзга олинган маблағга таяниб ҳужалик юритиш, ер ва бошқа воситаларни ижарага олиш ва бошқарлар.

Эркин иқтисодиёт–кишиларнинг мулк эгаси бўлиши, мулкдорларни иқтисодий фаолиятининг мустақил бўлишидир. Эркинлик ҳар қандай монополизмни инкор этади.

Бозор иқтисодиётида нархлар либераллашади. Нарх-наво эркинлашади. Нархни давлат юқоридан туриб белгилаб бермайди, балки талаб ва тақлиф қараб, сотувчи билан сотиб олувчининг савдолашувига биноан юзага келади. Рақобат бозор иқтисодитининг ҳаракатланитирувчи асосий восита ҳисобланади. Рақобат – товарлар ишлаб чиқаришни қупайтиради, сифатини яхшилайти, жамият учун керак булган товарларни ишлаб чиқаради, ресурсларни тежаб фойдаланади, бозорни мувозанатга келтирувчи қуч ҳисобланади.

Рақобатда субъектлар манфаатлари ҳар хил булгани учун зиддият вужудга келади, лекин интеграция бу зиддиятни бартараф этади, маркетинг (ишлаб чиқариш билан бозорни боғлаш) орқали ишлаб чиқариш билан истеъмол боғланади, яъни манфаатларни уйғунлашуви юзага чиқади.

Бозор иқтисодиёти узининг регуляторига эга. Бозор регуляторлари-бозордаги узғаришларни ишлаб чиқаришга етказиб, унинг бозорга мослашувини таъминловчи воситалар ҳисобланади. Бу регулятор бозор нархидир. Нарх

ошиб, товарлар тез ва куп сотилса, фойда купаяди, улар купрок ишлаб чиқарилади ва аксинча булади. Бозор иқтисодиёти учун аралаш иқтисодиёт хос бўлиб, улар социал ҳимояни, социал мулжални, социал қафолатларни юзага чиқаради.

Бозор иқтисодиётини ривожланишини таъминловчи қонунлар мавжуд ва улар икки гуруҳга бўлинади:

1. Умум иқтисодий қонунлар.
2. Факат бозор иқтисодиётини узиға хос бўлган қонунлар.

Умум иқтисодий қонунлар – ишлаб чиқарувчи кучлар характериға, ишлаб чиқариш муносабатларини мос қилиш, меҳнат унумдорлигини усиб бориши, эҳтиёжларни юксалиб бориши, вақтни тежаш ва ҳақозо.

Қиймат қонуни, талаб ва таклиф, пул муамаласи қонуни, рақобат қураши қонунлари бозор иқтисодиётига хос қонунлар ҳисобланади. Бозор иқтисодиётини тартибға солиш механизмларига қуйидагилар қиради: Баҳо, талаб ва таклиф, рақобат.

Бозор иқтисодиёти иқтисодиётға эркинлик беради, уни ривожлантиради, барқарорлаштиради, товарларни ишлаб чиқаришни қупайтириб, сифатини яхшилаиди, тежамли ҳужалик юритишға олиб боради, меҳнатни ҳаётий заруриятға айлантиради.

Бозор иқтисодиётига утиб ҳужалик юритаётган еттилик мамлакатлари (АҚШ, Япония, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция ва Италия) да иқтисодий ривожланиш ва усишни таъминлайди. Бозор иқтисодиётига утиш XX асрга хос бўлган, глобал – умумжаҳон воқелигидир. Бу тизимға утиб ҳужалик юритаётган Тайланд, Тайван, Жанубий Курия, Сингапур каби мамлақтлар ҳам иқтисодий қолоқликдан қутулдилар. Кейинги йилларда аҳоли жон бошиға миллий даромад йилиға уртача 6,4 фоизға қупайгани маълум. Бозор иқтисодни жадал боришини таъминловчи 3 та қучни юзаға чиқаради:

1. Иқтисодий фаолият эркинлиги;
2. Рақобат қураши;
3. Даромадларни чекланмаганлиги.

Бозор иқтисодиётига утишининг 3 шакли ёки 3 та модели мавжуд:

1. Гарбий Европа мамлакатлари йули;
2. Мустамлақачилиқдан озод бўлган, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлар йули;
3. Собик социалистик мамлақтлар йули.

Биринчи йулда оддий товар ҳужалигидан классик капитализм томон ва ундан бозор иқтисодиёти томон борилади. Бу йул жуда узок давом этиб, оддий товар пул муносабатларининг капиталистик шаклга қучиши, унинг бозор иқтисодиётига трансформация (айлана бориши) орқали юз беради ва ниҳоят цивилизациялашган (маданийлашган) инсонпарвар иқтисодиёт вужудға қелган.

Иккинчи йулда – натурал ҳужалик бозор доирасига қиритилиб, товар ҳужалигига айлантирилди. Бунға чет элнинг ёрдами етакчи роль уйнаиди.

Учинчи йулда – собик ижтимоий мулкчилик тизимидан бозор тизимига утиш ҳисобланади. Бунда давлат мулкининг (90 фоизи) танҳо ҳукмронлиги амал қилган эди.

Иккинчи йулдан бораётган мамлақатлар учун:

1. Иқтисодиётни барқарорлаштириш;
2. Бозор инфра структурасини яратиш;
3. Бозор муносабатларига утиш.

Учинчи йулдаги мамлақатлар учун:

1. Бозор иқтисодиётига утишининг ҳуқуқий асосларини яратиш;
2. Бозор инфра структурасини яратиш;
3. Мулкни ҳусусийлаштириш (приватизация)
4. Нарх-навони либерллаштириш-эркинлаштириш.

Ўзбекистонда бу босқичлар тутатиб қетгани ҳолда икки босқичли тараққиёт юзаға қелади. Биринчи босқичда давлатлашган ва эркин бозор ҳужалигининг қоришмасидан иборат уткинчи иқтисодий тизим юзаға қелади.

Иккинчи босқичда–иқтисодиёт либераллаштирилади, ҳусусийлаштириш (приватизация) тугалланади, эркин бозорға утилади, рақобат амал қилади.

Бозор иқтисодиётида бир қатор умумий муаммолар борки, унинг саволларига жавоб бериш лозим.

1. Нима ишлаб чиқариш ва қанча ишлаб чиқариш зарур?
2. Қандай ишлаб чиқариш зарур?
3. Қим учун ишлаб чиқариш зарур?

Бунға жавоб қуйидагича булади:

1. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган миқдорда товар ва хизмат ишлаб чиқариш.
2. Мавжуд ресурслардан фойдаланиб, янги техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқариш;
3. Аҳоли истеъмолчи учун ишлаб чиқариш. Бу жавоблар жамият тараққиётининг ҳамма босқичлари учун берилган жавоблардир.

Бозор иқтисодиётида бу саволларға бошқача жавоб бериш мумкин. Яъни:

Ишлаб чиқарувчи қорхона зарар қурмаслиги, фойда олиш учун интилади, шунға қараб фаолият қурсатади, фойда қелтирадиган товарларни ишлаб чиқаради. Бунда 2 нарсға эътибор берилади:

1. Қорхонани умумий назорати
2. Қорхонани яратган умумий пул даромади.

Кандай ишлаб чиқарилади ёки ишлаб чиқаришни қандай ташкил қилинади? Бунда 3 та узвий бўғлиқ масалага эътибор берилади:

1. Алоҳида тармоқлар уртасида ресурслар тақсимланишига;
2. Ишлаб чиқаришни қандай корхоналар амалга ошира олишига;
3. Хар бир корхона ресурсларининг қандай уйғунлашувини ва қандай технологияни танлашига.

Хуллас, бозор иқтисодиёти шароитида:

Биринчидан: фойда берадиган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилади;

Иккинчидан, пули бор, юқори фойда олиш мумкин бўлган истеъмолчилар учун ишлаб чиқарилади;

Учинчидан, юқори фойда олишни таъминлайдиган техника ва технология ёрдамида товарлар хизматлари ишлаб чиқарилади.

Бозор иқтисодиётининг бир қатор афзалликлари мавжуд. Булар қуйидагилардан иборат:

Эркинлик бу мулкка эгаллик қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қобилиятини руёбга чиқариш. Шахслар ва корхоналарни иқтисодий фаолиятлари уйғунлашиб боради. У икки усулда амалга ошади.

Биринчиси-марказдан бошқариш ва мажбур қилиш тадбирларини қўллаш;

Иккинчиси – Бозор тизимига ҳос ихтиёрийлик ва ҳамкорлик.

Бозор иқтисодиётида хар бир корпорация, корхона, фирма ва шахс мустақил равишда изланишда бўлади.

Ресурслар тақсимлашнинг самарадорлиги Бозор иқтисодиётининг қуйидаги зиддиятлари мавжуд:

1. Рақобатларни қучсизланиши намоён бўлади.
2. Техника тараққиёти ҳам рақобатни заифлаштиради;
3. Катта миқдордаги реал капиталдан фойдаланиш;
4. Йирик бозорни бўлишини;
5. Хомашё манбаларини қўп бўлиши.

Бозор тушунчасини хар-хил таърифлаш мумкин. Бозор товарлар сотиладиган ва харид қилинадиган жой дейиш мумкин. Товар ҳужалиги ва уни айирбошлаш зарурияти бозор тушунчасини келтириб чиқарди.

Бозор дастлаб икки ёки бир неча кишиларни товарларни айирбош қилиш учун йиғиладиган манзилдир. Бозорда дастлаб Т-Т га алмаштирилган, кейинчалик Т-П-Т қўринишини олган. Яъни Т-П сотиш ва сотиб олиш П-Т шаклида бўлади. Ишлаб чиқарувчини сотиб олувчини савдо орқали боғлайди. Иқтисодиёт туртта фазаси (ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол)нинг айирбош қилиш фазаси билан бозор бевосита бўғлиқ бўлади, бозорда бойлик яратилмайди, ишлаб чиқарилмайди, балки ишлаб чиқарилган товарлар, хизматлар ва мулк сотилади, сотиб олинади. Бозорда қимлардир бойиб кетади, қимлардир зарар қўради. Бунинг сабаби шуки, бозорда тақлиф қилинаётган товарга бўлган талабга бевосита бўғлиқдир.

Бозорни вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Ишлаб чиқарилган товарларни яратилган хизматларни, иқтисодий ресурсларни истеъмолчиларга етказиш;
2. Ишлаб чиқаришни узлуксиз тасвирлаб туришга ёрдам беради;
3. Талаб, тақлиф ва рақобат ёрдамида бозорни тартибга солиб туради.

Бозор қилиб чиқиши тарихи ва ривожланиш даражасига қараб, биринчидан, ривожланмаган бозор, иккинчидан, классик (эркин) бозор, учинчидан, Ҳозирги замон ривожланган бозорларга бўлинади.

Ривожланмаган бозорда Т-Т муомаласи амал қилади, ривожланган бозорда Т-П-Т муомала шаклланади. Ҳозирги замон ривожланган бозорда давлат ҳам бозор иштирокчиси бўлади, у тартиблаштирилади ва бошқарилади.

Бозор ҳудудий жиҳатдан ҳам турлича бўлади. Булар маҳаллий бозорлар. Масалан; Қарши, Бухоро, Самарқанд, Термиз, Лондон, Пекин бозори, Россия бозори, Украина бозори, Америка бозори, Пекин бозори ва бошқалар;

Ҳудудий бозорлар (Марказий Осиё ёки Осиё бозори, ГАРбий Европа бозори, Жаҳон бозори).

Бозорқуйидаги турларга бўлинади:

1. Истеъмол товарлари ва хизматлар бозори;
2. Ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи қўчи (ресурслар) бозори;
3. Валюта бозори ва фонд биржалари бозори;
4. Илмий-техника қашфиёти ва ишламалар бозори.

Истеъмол товарлари ва хизматлар бозорида фуқаролар (уй ҳужаликлари) давлат ва корхоналар қатнашадилар. Бу бозорда интеллектуал товарлар ақлий меҳнат маҳсули бўлган товарлар илмий гоялар, техникавий янгиликлар, санъат ва адабиёт асарлари сотилади.

Ишлаб чиқариш воситалари бозорида машина, асбоб-ускуна, хомашё, ёқилғи ва материаллар (улгуржи) сотилади.

Иш қўчи бозори – меҳнат биржасида амалга оширилади. Бунда меҳнат биржаси ишчилар ва тадбиркорлар уртасидаги ишчи қўчини олди-сотди битимини тузишда воситачилик қилади ва ишсизларни рўйхатга олади.

Молия бозори – пул ва пулга тенглаштирилган қўғозлар сотилади. Буни икки қисмга ажратиш мумкин. Ссуда капитали бозори пул шаклидаги капиталнинг қўғиз тулаш шарти билан қарзга берилади.

Қимматли қўғозлар бозорида акция облигация, вексел, чек, депозит қабилар билан олди-сотди қилинади.

Бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатлари мавжуд бўлиб турган иқтисодий тизим заминида аста-секинлик билан шаклланади. Фаолият қилиб турган иқтисодий тизим ислох қилиниши туфайли бозор муносабатларига утилади.

Ислохотлар давлат ишлаб чиққан дастур асосида халқни бевосита иштирокида давлат томонидан амалга оширилиб берилади ва уни давлат назорат қилиб боради.

Бозорга утишнинг ислохотлар концепцияси ишлаб чиқилади, юридик қўнунлар мажмуаси яратилади, уларни ҳаётга қўлланилади.

Ислохотлар куйидаги сохаларда ва мулкка нисбатан утказилади:

1. Мулк ва мулккий муносабатлар ислохоти;
2. Аграр ислохот
3. Молия кредит тизими ислохоти
4. Ташки иқтисодий алоқалар ислохоти
5. Социал ислохотлар.

Бу ислохотлар аста-сёкинлик билан босқичма-босқич утказилади. Ислохотлар иқтисодийётни барча сохаларида утказилади, комплекс характерда булиб, стратегик, яъни узок истикболдаги мақсадларга мувожааланган булади.

Ўзбекистондаги бозор ислохотлари муваққиллик стратегиясига хизмат килади. Ислохотнинг бош йули мулкчилик шакллари тубдан узгартиришдир. Давлат мулкни приватизация килиш йули билан турли хилдаги хусусий мулкка айлантиришдир. Уни таъминловчи бир қатор қонунлар мавжуд. Мулк, тадбиркорлик, қорхона, ер, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, солиқлар, ташки иқтисодий фаолият, чет-эл инвесторлари, аудиторлик фаолияти, фермер хужалиги, банклар ва банк фаолияти туғрисидаги қонунлар қиради.

Аграр ислохотлар 3 йуналишда олиб борилди.

Биринчиси, дехқонларга ер берилади, улар шахсий томоркани ривожлантириб бозорга махсулот етказадилар;

Иккинчиси, қишлоқ хужалигини фермерлаштириш, зарар қуриб ишлаётган хужалиқларни фермер хужалиқларига айлантириш;

Учинчиси, Давлат ва жамоа хужалиқларини бозор муносабатларига жалб қилиш билан ривожлантириш. Ислохотлар туфайли нархлар ҳам эркинлаштирилади. Субъектлар узаро қелишиладиган шартномавий эркин нархларга утилади. Бозор иқтисодийёти тула маънода шаклланиши учун у билан боғлиқ булагн инфраструктураси мавжуд булиши керак ва бозорга хизмат қилмоғи лозим.

Бозор фаолияти узлуксиз ҳаракат қилиб туриши ва уни бир маромида ишлашини таъминлаб борувчи механизмлар бозор инфратузилмасини ташкил этади. Инфратузилмани куйидаги гуруҳларга булиш мумкин:

1. Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфратузилма. Бунга транспорт, алоқа, пул ҳаракати, омбор хужалиги, сув ва энергетика таъминоти ва ҳақозо.

2. Товарлар ва хизматлар муомаласига савдо-сотик ишларига хизмат қилувчи инфратузилма. Бунга биржалар, савдо уйлари, аукционлар, тижоратчилар идоралари ва ҳақозолар.

3. Молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи инфратузилма. (тижорат банклари, уз-узини кредитлаш идоралари, сугурта компаниялари, молия компаниялари, солиқ ундириш идоралари, хар-хил пул фонизлари).

4. Аҳолига хизмат қилувчи ёки социал инфратузилма. Бунга уй-жой, коммунал ва транспорт хизмати, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари ва бошқалар.

5. Ахборот хизмати бунга иқтисодий фаолият учун зарур булган хар-хил ахборотлар маълумотлар ва хабарларни туплаш, маслаҳат идоралари ва бошқалар. Бозор инфратузилмалари олдин ҳам булган, уларни ислох қилиш йули билан, тижорат хизматларига утқазил лозим булади.

Асосий таянч тушунчалари:

Бозор иқтисодийёти – товар ва хизматларни айирбошлашга асосланган иқтисодий муносабатлар мажмуасидир.

Бозор механизми – бозор иқтисодийётини амалқилишида, уни ҳаракатга қелтиришда ва шароитлаштиришда қулланиладиган воситалар бирлигидир.

Бозор –товарни пулга, пулни-товарга айлантириш жараёнидаги иқтисодий алоқалар бирлигидир.

Бозор субъекти-бозорда махсулотларни, товарларни айирбош қилишда қатнашувчи қисмлардир.

Бозор объекти-бозорда айирбошлашга тақлиф этилган товарлар, ресурслар, пул ва хизматлар миқдори ва массасидир.

Бозор инфратузилмаси-бозор ҳаракатини узлуксиз ва барқарор амалга оширишда хизмат қилувчи тузилмалардир.

Асосий адабиётлар:

1. И. А. Қаримов. Ўзбекистон бозор муносабатларига утишининг узиға ҳос йули. Т. , Ўзбекистон 1993 йил.
2. И. А. Қаримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни қуқурлаштириш йулида. Т. , Ўзбекистон 1995 йил.
3. И. А. Қаримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т. , Ўзбекистон 1999 йил.
4. А. Улмасов, М. Шарифхужаев. Иқтисодийёт назарияси. Т. «Меҳнат», 1995 йил. Дарслик.
5. Ш. Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодийёт назарияси. Т. «Молия» 2002 йил. Ўқув қуланма.
6. П. Хошимов ва бошқалар. Иқтисодийёт назарияси. Т. , «Университет» 2003 йил. Ўқув қуланма.

6-мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА УТИШ ДАВРИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Режа:

1. Бозор иқтисодиётига утишнинг модели ва хусусиятлари.
2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига утишнинг тамойиллари ва йули.
3. Бозор ислохотларини амалга оширишнинг асосий йуналишлари.
4. Бозор муносабатларига утиш жараёнида макроиқтисодий баркарорликка эришиш вазифалари.

Маълумки, жаҳон мамлакатлари бозор иқтисодиёти йули (модели) билан иқтисодий фаолият юргизиб ривожланмоқдалар. Бозор иқтисодиётига утиш йуллари, умумлаштирилиб, Ҳозирги вақтда 3 асосий модел билан ифоланмоқда.

1. Ривожланган мамлакатлар йули;
2. Ривожланаётган мамлакатлар йули;
3. Собик социалистик мамлакатлар йули.

Бу моделларни умумий томонлари булиб, улар куйидагидан иборат:

Барча мамлакатлар бозор иқтисодиётига утишни мақсад қилиб қуяди.

Бозор иқтисодиёти ҳужалигида деярли барча қонун-қоидалар умумий булади.

Даромадлар чекланмайди.

Эркин иқтисодиётга асосланади.

Шунинг билан бирга узиға хос хусусиятлари ҳам мавжуд:

Биринчидан: бозор муносабатларининг шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳолати;

Иккинчидан: тарихий шарт-шароитлари;

Учинчидан: миллий урфодатлари ҳар-хил булишидир.

Масалан, бозор иқтисодиётига утишнинг гарбча моделида оддий товар ҳужалигидан эркин, рақобатга асосланган классик ёки эркин бозор иқтисодиётига ва ундан Ҳозирги замон маданийлашган бозор иқтисодиётига утилган.

Мустамлақачилиқдан озод булиб, ривожланишнинг мустақим йули бозор иқтисодиётига утган мамлакатлар қолоқ, анъанавий иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига утдилар.

Собик социалистик мамлакатлар йулининг муҳим белгилиси марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан Ҳозирги замон ривожланган бозор тизимига утишдан иборат булади. Таҷрибалардан маълумки, бир тизимдан иккинчи тизимга утиш икки йул билан амалга оширилган.

Биринчиси революцион йул;

Иккинчиси эволюцион йул. Дунёдаги айрим мамлакатлар, Польша Чехословакия, Россия-бозор иқтисодиётига утишнинг «Шоковая трапея» (Қарахт қилиб даволаш) йулини танлаган эдилар. Россияда «300 кун», «500 кун» деган дастурларни ишлаб чиққан эди. Бу йул натижа бермади, ишлаб чиқариш пасайди, қорхоналар тухтаб қолди, ишсизлар қупайди, пулни қадри тушиб қетди.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига утишнинг узиға хос бўлган концепциясини ишлаб чиқди. Концепцияни мазмунда республиканинг иқтисодий, тарихий, маданий ва табиий хусусиятлари ётади ҳамда ижтимоий туқнашувларсиз, ижтимоий ҳимояларни қучайтириш асосида аста-сёкинлик билан, босқичма-босқич ривожланган бозор иқтисодиётига утиш концепцияда қурсатиб утилди ва унга амал қилинди. Бу концепция моҳияти шундан иборатки, марказлаштирилган иқтисодий бошқарув тизимидан, бозор иқтисодиёти ва унинг қоида-қонунларига амал қиладиган эркин ривожланишга асосланган иқтисодий тизимга утишнинг таъминловчи илмий назариялар йигиндисидан ва уни амалий ҳосиласини ташкил ётади.

Бу концепция И. Қаримов томонидан ишлаб чиқилди ва «Ўзбекистон бозор муносабатларига утишнинг узиға хос йули» (1993 йил), «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йуналишлари» (1993 йил) қабл асарларида уз ифодасини тоқган.

Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётига утиш И. Қаримов томонидан яратилган 5 та тамойилга асосланади:

Давлат бош ислохотчи;

**Иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш. Иқтисод устивор бўлиши;
Қонуларни устивор бўлишини таъминлаш;
Аҳолини ижтимоий химоялаш соҳасида кучли чора-тадбирлар қўллаб бориш;
Бозор муносабатларига босқичма-босқич утиш;**

Бозор иқтисодиётига утишнинг узига ҳос ҳусусиятлари мавжуд бўлиб, халқ ҳужалигини барча соҳаларини ислох қилиш билан боғлиқдир. Бу соҳада жуда қўп вазифаларни амалга ошириш зарурдир. Бу вазифалардан энг муҳими И. Каримов курсатиб утганидек, у қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, тоталитар тизимнинг қолдирган оғир оқибатларини енгитиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш.

Иккинчидан, узига ҳос шароитлари ва ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш. (И. А. Каримов Ўзбекистон иқтисодиётларни қўқурлаштириш йўлида Т. «Ўзбекистон» 1995 й. 19 бет).

Бунинг учун, иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

Биринчидан, иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асосини шакллантириш ва ҳуқуқий қонуний негизини мустаҳкамлаш.

Иккинчидан, маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат қўрхоналарини, уй-жой фондини ҳусусийлаштириш, қишлоқ ҳужалигида ва халқ ҳужалигининг бошқа соҳаларида мулкчиликнинг Янги шакллари вужудга келтириш;

Учинчидан, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш ишлаб чиқаришни қассийиб кетишини олдини олиш.

Мамлакатда бозор иқтисодиётига утиш жараёнида қишлоқ ҳужалигида амалга оширилди, қишлоқ ҳужалигида ҳужалиқ юритишнинг Янги тизими вужудга келтирилди, мулкчиликни турли шакллари қарор топди, нархлар тулик эркинлаштирилди, аҳолини ижтимоий химоялаш тизими яратилди, иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилди, бозор инфратузилмалари шаклланди.

Биринчи босқичидаги вазифаларни бажарилиши иккинчи босқичидаги вазифаларни белгилашга шарт-шароитлар яратиб берди.

Бу вазифалар қуйидагилардан иборат.

1. Иқтисодий ислохотларни янада қўқурлаштириш, рақобатбардош муҳитни яратиш тадбирқорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ва урта бизнес қўрхоналарини рағбатлантириш.

2. Макро иқтисодий барқарорликни таъминлаш.

3. Миллий валюта-сумла қадрини ошириш ва мустаҳкамлаш;

4. Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан узгартириш, хом-ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга утиш.

Шундай қилиб, биринчи босқичида давлат сектори ва бозор ҳужалигидан иборат бўлган ярим эркинлашган иқтисодий тизим вужудга келган бўлса, иккинчи босқичида иқтисодёт тулик эркинлашади, ҳусусийлаштириш тугалланади, нархлар эркин бўлади, монополизм барҳам топади.

Ҳозирги вақтда иқтисодиётимизда қуйидаги вазифалар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқлари эркинлаштириш жараёнлари давом эттирилмоқда;

Ҳусусийлаштириш қўқурлаштирилиб, мулкдорлар синфи шаклланоқда;

Хорижий сармоялар қириб келиб, иқтисодиётни ривожлантиришда ҳамқорлик қилинмоқда;

Қишлоқ ва урта бизнес иқтисодий тараккиётда устивор уринни эгалламоқда

Қонцепцияда курсатиб утилганидек, иқтисодиётни ривожлантирмай туриб, миллий мустақилликка эришиб бўлмайди. Ўзбекистонни утмишига назар ташлайдиган бўлсак, ресурсларга бой бўлишига қарамасдан аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунёда 70-80 уринларда турар эди. Бу қолоқликдан қутилиш учун бозор муносабатларини яратиш зарурати келиб қикди. Бозор иқтисодиёти бу қенгмаънода эркин монополлашмаган, юқсак ривожланган ва аниқ социал мулжалга эга бўлган иқтисодиётдир. Бунда иқтисодий фаолиятга эркинлик берилади, мулк шакллари турли туман бўлади ва уларни тенглиги таъминланади. Қишлоқлар меҳнати раҳбатлантириб борилади. Рақобат муҳитини вужудга келтиради, иқтисодий ҳамқорлик вужудга келади ва иқтисодиётни тартиблаштир меҳанизмлари амал қилади.

Ўзбекистоннинг уз йўли бу социал иқтисодий тараккиёт йўли, вужудга келган иқтисодий тизим замирида инсон манфаатини юзага чиқаради, меҳнатни қадрайди, аҳолининг қочор қатламларини ижтимоий химоялаб боришга қаратилган бўлади.

Бу имқониятларга эришмоқ учун, биринчидан, инсонни меҳнат ва ижодий потенциалини тулик ишга тушириш. Иккинчидан, текинхурлик ва боқимандликка қек қуйиш лозим. Учинчидан, ишбилармонлик, тадбирқорликни ривожлантириш. Туртинчидан, хар бир қиши яхши яшашини қафолати меҳнат натижаси билан белгиланиши билмоқ, англамоқ лозим.

Ўзбекистон ишлаб чиқариши даражаси жихатидан қам ривожланган мамлакатлар қаторида туриб келди, ишлаб чиқариши қўп жихматдан аграр-хом Аше қарактерига эга. Аҳолининг 62 фойзи қишлоқда яшайди, мамлакат миллий даромадини қарийб 48 фойзи аграр тармоқларида қосил қилинади. Аҳоли қони тез ушиб боради, унинг таркибида 55 фойзи ёшлар ва қўп болалар қиссасига тугри келади. Шунинг билан бир қаторда ишлаб чиқаришни 40 фойзи ташқаридан ресурслар олиб қелиш билан боғлиқ, истёмоқ этиладиган товарларнинг 60 фойзи ташқаридан келтирилар эди.

Маълумқи ислохотлар халқ ҳужалиқ соҳа ва тармоқларини бошқаришни тартибига қосиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар бўлиб, у турлича қуринишларда бўлади. Шулардан бири иқтисодий ислохотдир. Мамлакатда утқазилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳияти шундан иборатқи, халқ ҳужалигини бошқаришни тубдан қайта қуриш демақдир.

Иқтисодиёт соҳасидаги ислохотларни асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Мулк ва мулккий муносабатларни ислох қилиш;

Аграр ислохотлар;

Молия кредит ва нарх-наво ислохоти;

Ташки иқтисодий алоқалар ислохоти;

Ижтимоий ислохотлар;

Бошқариш тизимини ислох қилиш.

Бу асосий йўналишлар И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида курстаиб берилган.

- Иқтисодиётни ҳукукий негизини таъминловчи 100 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди, масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тугрисида; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси тугрисида, жойларда давлат ҳокимияти тугрисида, фуқароларнинг узини-узи бошқариш органлари тугрисида.

- Мулк ва мулкчилик муносабатларига асос бўладиган қонунлар тизими яратилди: масалан, Мулкчилик тугрисидаги, ер тугрисидаги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тугрисидаги, ижара тугрисидаги қонунлар шулар жумласидандир.

5. Социал ҳимоя вазифасини бажаради. Бунда аҳволнинг ночор ва қамбағал қатламларига товарлар арзонлаштирилган нархларда сотилади. Бу нархлар социал дотацияланган (қамбағаллашган) нархлар бўлиб, уни молиявий жихатидан давлат бюджети ёки турлича хайрия маблағлари таъминлайди. Арзонлаштирилган нархда аҳолига озиқ-овқат қийим-кечаклаш сотилади ёки уларга пул маблағлари берилади. Масалан, Ўзбекистонда 1991 йилдан бошлаб ун, гуруч, қанд шакар, гушт, совун, усимлик мойи, чой, макарон, арок, нон каби товарлар дотацияланган арзон нархларда ва қенланган миқдорда сотила бошлади. Ўзбекистон 1992 йилда бюджетидан нон нархига 29,2 млрд сум, ун нархига 37,0 млрд сум, шакар нархига 31,8 млрд сум гушт нархига 80 млрд сум маблағ берди.

Ижтимоий ҳимоя утиш даврида амалга оширилиши зарур бўлган чора тадбирдир. Бунини доимий равишда амалдага ошириб борса биринчилан, иқтисодий ўсишни рағбатлантирмайди. Иккинчидан тенг тақсимотга йўл қўймайди, учинчидан баҳолар эркинлашмайди, туртинчидан олиб сотарлик чайқовчиликни келтириб чиқаради. Бешинчидан боқимонданик иллатлари пайдо бўлади.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти ишлаб чиқарувчиларни қупайишига, мулкка эгаллик қилишларига ва уларни алоқидолашувига асос бўлиб хизмат қилсада, улар айирбош қилиш қараёнларида бир-бирлари билан учрашадилар, алоқа қўлайдилар, олди-сотди қиладилар ва нархларни юзағиша чиқарадилар. Бозор қўтувчи билан харидор уртасидаги иқтисодий муносабатдир. Бу ерда қўтувчи ва харидорлар учрашадилар, харидор товар ва хизмат истеъмол қилувчи қилилар, қўтувчи бу товарни ва хизматни ишлаб чиқарувчилардир. Иққала субъект уртасида товар айирбошлаш натижаси нарх юзага чиқади.

Харидорларга-қуқаролар, ишлаб чиқаришни юритиш учун ресурсларни сотиб олувчи фирмалар ва давлат ташкилотларидир. Қўтувчилар тарқибига товар хизмат эгалар, фирмалар, иш қучини қўтувчи ишчи ва хизматчилар,

капитал, иморат, иншоат ва ер эгаларидир. Кискаси бу субъектлар ҳам сотувчилар ҳам сотиб олувчилардир. Булар эркин бозорда учрашадилар. Бозор ракобатли бозордир. Ракобатли бозорда нархни ҳеч бир субъект алоҳида урната олмайди. Нарх ракобат жараёнида шаклланади. Харидор сотувчининг узаро алоқасидан бозор нархи вужудга келади, бу нарх мувозанат нархидир. Бозор иқтисодиёти, бозор турларидан катъий назар, харидор ва сотувчиларнинг хошиш истаки канча булмасин, шундай омиллар борки нарх учун объектив асос булади. Шундай омиллардан бири-товар киймати ҳисобланади. Нархни шаклланишида товарни ишлаб чиқаришдан тортиб истеъмолга етгунгача булган меҳнат сарфлари иштирок этади. Бунга ишлаб чиқариш ва тижорат харажатлари киради. Товар кийматига кушимча (КМ) махсулот киймати ҳам киради. У товар сотилгандан ҳам сунг товар эгаларига ва уни сотишни уюштирган фирмаларига фойда шаклида тегади. Нарх шундай даражада булиши керакки товар сотилгач, эл катори ишлаётган корхона уз харажатларини коплаб, бундан ташкари нормал фойда ҳам олиши керак. Нархни шакллантирувчи яна бир омил бу талаб ва таклиф нисбатидир. Бундаги узгариш нархни ҳам узгартиради.

Харидорни даромади (пули, давлати, бойлиги) етарли булса, бозор товарлар билан туйинган булса, харидор энг нафли товарларни танлаб олиши мумкин. Бунда харидорни товарни нархини баланд булиши эмас балки уни етарли даражада нафлилиги, сифати, чиройилиги, ноёблиги ва бошқа хусусиятлари кизиқтиради.


Демак, товарнинг наф келтириш канчалик юкори булса, шунчалик нарх кийматидан юкоридан караб интилади ва хатто унинг кийматидадан узилиши ҳам юз беради. Демак, товарнинг нафлиги канча юкори булса, унинг нархи ҳам шунча баланд булади.

Нархни шаклланишида вақт ҳам фаол иштирок этади. ишлаб чиқарувчилар, харидорлар, бошқарувчиларни, хизмат курсатувчилар, мутахассислар, нафақахур ва уй бекаларини вақт сарфлари ва топадиган даромадлари хар хилдир. Вақтнинг кадри ортиши билан истеъмол учун қулайлик бериш харажатлари купайиб, улар товар нархини шаллантиришида ҳисобга олинади.

Харидорлар куп булса, ракобат вужудга келади ва нарх юкори булиб кетади, агар сотувчилар куп булса, улар ракобатлашса нарх пасаяди, демак ракобат нархни шакллантиради.

Нарх омиллар

1. Киймат
2. Талаб ва таклиф
3. Ракобат
4. Нафлик



Нархни ташкил қилишда турт омил иштирок ҳиссаси турлича булади. Масалан, товарни нархи 120,90,140 ва 80 доллар қурилишида булса; бунда киймат 70; нафлик 20%; талаб ва таклиф 15% ва ракобат 15% ни ташкил этади.
 $T=70+20+15+15=120$ доллар

Иккинчи ҳолатда киймат 30 нафлик 10, талаб-ва таклиф 20, ракобат 30, нарх даражаси $30+10+20+30=90$

Учинчи ҳолатда киймат 90, нафлик 20, талаб ва таклиф 15, ракобат 15, нарх даражаси $=90+20+15+15=140$

Туртинчи ҳолатда киймати 15, нафлик 30, талаб ва таклиф 30, ракобат 5

$НД=30+30+15+5=80$ булади.

Агар бозорда товар таклифи танҳо бир фирма ёки озчилик фирмалар қулида тупланса ва харидорлар сони купчилик булса, бу монополияни келтириб чиқаради. Харидорни инобатга олиб ракобатлаштирилган нархлар диверсификациялашган нархлар деб аталади. Харидорни харид қурбига караб нарх фарк қилади.

Масалан, ресторанда тушлик овқатдан 1 та таом 50 сум булса, кечқурун 80 сум булади, чунки тушлик қилишда оддий одамлар, кечқурун эса пулдор одамлар келади. Хулоса қилиб айтадиган булсак, эркин ракобатли бозор ва монополиялашган ёки ракобат чекланган бозорда нархларнинг шаклланиши хар хил даражада юз беради. Демак, нархни шакллантирувчи асосий омиллар: товар кийматининг миқдори; талаб ва таклиф нисбати, товарнинг наф келтириш даражаси; ракобат ҳолат; давлатни нархга аралашуви; фирмаларнинг нарх белгилаш стратегиялари асосида нархлар шаклланади.

Бозор ракобатли товарлар ва хизматлар сотиш майдони булиб, унда куп мулкчиликка асосланган субъектлар иштирок этадилар ва савдо содик жараёни содир булади ва турлича нархлар амал қилади. Барча нарх турлари нархлар тизимини ташкил этади.

Нархлар тизими ва мажмуасини қуйидаги нархлар ташкил этади.

Нархлар мажмуаси. 1. мувозанат нарх; 2. Демпинг нарх; 3. Нуфузли нарх; 4. Миллий нарх; 5. Арзонлаштирилган нарх; 6. Жаҳон нархи; 7. Стандарт нарх; 8. Контракт (шартнома)улгуржи нарх; 9. Узгарувчан нарх; 10. Чакана нарх; 11. Эркин нарх; 12. Лимит нарх; 13. Яширин нарх;

Улгуржи нархлар — ишлаб чиқарувчилар томонидан ката партидаги товарлар бир йули қутарасига сотилса-қутара ёки улгуржи нархлар дейилади. Сотувчи ва харидорнинг розилиги билан белгиланадиган шартномавий

нархлар деб аталади. Истеъмолчиларга бевосита товарларни сотилиши чакана нархлар дейилади. Бу нарх таркиби улгуржи нарх, чакана савдо ташкилотлари, тижоратчиларни ҳаракатлари ва улар оладиган фойдаси киради.

Давлат нархларини тартибга солишда кулланадиган фаолияти чегараланган (лимитоанаган) ва дотацияли нархларни ташкил этади. чегараланган нархларда давлат нархларининг юкори ва куйи чегарасини белгилайди, улар шук доирада узгариши мумкин.

Дотацияланган нарх – бу давлат бюджети хисобидан махсус арзонлаштирилган нархлардир.

Бозорда сотувчилар уз мавкеини мустахкамлаш ва ракибларини сикиб чиқариш учун фирмалар махсус нархдан фойдаланадиларки, бу нархни бозорга кириб олиш нархи ёки демпинг нарх деб аталади. Бу нарх ракибни синдиришга қаратилади ва уни фирмалар яширин куллайдилар, давлат учун таъкиклайди. Бу нарх амалдаги жорий нархни бир кисмини кечиб юбориш шаклида кулланилади. Аҳолининг даромадлари юкори булса, улар нафли товарларни нархидан ҳам юкори нархларда сотиб оладилар ва у нуфузли нархларни ташкил килади. Масалан, янги моделдаги машиналар, охирги нусхадаги кийимлар, ноёб озик-овкатлар нархлари нуфузли булади. Талаб ва таклиф асосида қарор топадиган бозор нархлари эркин бозор нархларидир. Бозор ҳамжи, кулами хисобга олинганда худудий (минтакавий), миллий ва халқаро нархлар амал килади.

Худудий нарх фақат малъум худудий бозорга хос булиб у шу худуд доирасидаги омиллар таъсиридан хосил булади. Миллий бозор нархи бир мамлакат доирасида амал килувчи ва уларнинг хусусиятини акс эттирувчи нархлардир. Миллий нарх мамлакат доирасидаги ижтимоий сарф харажатларини миллий бозордаги талаб ва таклифни товар нафлилигини, унинг канчалик кадрланишни хисобга олади.

Товар ишлаб чиқаришдаги байналминал харажатлар, товарни жаҳон андозасига мос келиши ҳамда халқаро бозордаги талаб ва таклифни хисобга оладиган нархлар жаҳон нархини ташкил этади. сотувчи учун мулжал, харидор учун билдиргич ёки маълумотнома нархлар прејсткурант нархлар дейилади.

Нархлар фарқининг миқдорий ифодаси нарх диапозони дейилади. Нарх диапозони куйи уртача ва юкори нархлардан ташкил топади. Нархлар даражаси уларнинг улчамидир. Нарх даражаси икки турга булинади-бу нархнинг умумий миқдори булиб, товарнинг канча туришини курсатади ва у пулнинг кадрига ҳам боғлиқ булади. Нисбий даража-бу нархнинг харид қобилиятига нисбати ёки ундаги хиссасидир. У нарх харид пулнинг неча фоизини харид қилишини билдиради. иқтисодиёт назариясида нарх нисбати тушунчаси булиб, у нарх паритети деб ҳам юритилади. Демак нархлар турларини куп булиши бозорга хос хусусият булиб, улар узгариб туради. Нархларнинг юкори булиши сотувчи учун кулай булса, нархларни пасайиши харидор учун маъкул булади.

Бозор муносабатлари рақобат булишини талаб килади, уни учун шарт-шароит бўлиши керак. Бу шароит аста-сёкинлик билан шаклланади. Кейин эркин рақобат мухити келиб чиқади. Бунга давлат ҳам аралашади. Ўзбекистонда 1992 йил август ойида “Монопол фаолиятни чеклаш тугрисида”ги қонун қабул қилинди ва у қучга кирди.

Республикада монополиялар руйхатиға қирган қорхона “тармоқлар”нинг бозордаги мавкеини тартибга солишда давлат бир қатор усулларни куллайди яъни:

1. Монопол мавкеидаги қорхоналар махсулотларига нархларининг энг юкори даражасини ёки рентабелликнинг чегарасини белгилаб қуйиш.
2. Уз монопол мавкеини суистеъмол қилган монополистик бирлашмаларни булиб ташлаш ёки майдалаштириш. Бу усул вазимрлар Махкамасининг

1994 йил 18 июлдаги 366-сонли қарори билан тасдиқланган. Объектларнинг хужалик юритувчи жамиятлар ва ширкатлар таркибидан чиқариш тугрисидаги низом асосида амалга оширилади. 1994-0996 йиллар давомида монопол мавкеидаги акциядорлар жамиятлари, ижара ва бошқа жамоа қорхоналар таркибидан 14972 объект чиқарилиб мустақил қорхоналарга алмаштирилди. Мамлакатда монопол мавкеига эга булган қорхоналарни давлат реестрига қиритиш учун мезонлар белгиланди. Ҳозирги вақтда агар қорхона ишлаб чиқарган муаян махсулотлар бозордаги шу турдаги махсулотларнинг 35 фоизидан ортиқ булса, бу қорхона монополистик қорхона сифатида давлат реестрига қиритилади. Озик-овкаттоварлари гурухи учун бундай мезон даража 20 фоиз қилиб белгиланган.

Нарх сиёсати рақобатчилик меҳнاتини вужудга келтиради, давлат нархларини эркинлаштириш сиёсатини куллайди. Миллий нархлар жаҳон бозор нархларига яқинлаштирилади.

Нархларнинг эркинлаштиришнинг навбатдаги босқичида (1994 йил октябрь-ноябрь) халқ истеъмоли моллари асосий турларининг нархлари эркин қуйиб юборлди, транспорт коммунал хизматларнинг таърифлари оширилди. Хулоса қилиб айтадиган булсак, республика иқтисодиётида ислохатлар утқишининг биринчи босқичида нархларнинг босқичма-босқич (3босқичда) тулик эркинлаштириш амалга оширилди.

Нархларни эркинлаштириш аҳолини ижтимоий химоя қилиш билан бирга олиб қорилди. Яъни шу давларда турли компенсациялар учун жамғармалар тузилди, иш хақи, пенсия, стипендиялар, нафақаларни кам миқдорлари оширилб қорди. Болалар учун нафақалар белгиланди, мухтож кишиларга ёрдам жорий қилинди.

Асосий таянч тушунчалар:

Рақобат — бозорда субъектлар манфаати ва юкори фойда олиш йулдаги қурашдир.

Рақобат шакллари — рақобат ҳолатига қараб соф (эркин) рақобат, монополистик рақобат, монополия ва олигополияни уз ичига олади.

Рақобат усуллар — рақобат қурашида нарх воситасида ва нархсиз рақобатлашишдан иборатдир.

Нарх — товарлар ва хизматларнинг ижтимоий қиймати ва ижтимоий нафиллигини пулдаги ифодасидир.

Улгуржи нархлар — ишлаб чиқарувчилар товар эгалари томонидан товарларни қатта кисмини бир қутарасига беришдаги нарх туридир.

Чакана нархлар — товарларни бевосита истеъмолчиларга сотиладиган нархдир.

Дотациялашган нарх – давлат бюджети хисобидан махсус арзонлаштирилган товарлар нархидир.
Демпинг нарх — бозорда уз мавкеини мустахкамлаш ва ракибларни сикиб чиқариш учун фойдаланиб, бозорга кириб олиш нархидир.

Нуфузли нарх — аҳолининг юкори даромад олувчи катлами харид киладиган товарларни сотишдаги нархидир.

Нарх диапозони — нархлар оралигидаги фаркнинг пулдаги ифодасидир.

Эркин нархлар — талаб ва таклиф тутрисида шаклланадиган нархлардир.

Асосий адабиётлар:

1. И. А. Каримов. Ўзбекистон бозор муносабатларига утишининг узига хос йули. Т. , Ўзбекистон 1993 йил.
2. И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йулида. Т. , Ўзбекистон 1995 йил.
3. И. А. Каримов Ўзбекистон XXI асрга интиломқда. Т. , Ўзбекистон 1999 йил.
4. А. Улмасов, М. Шарифхужаев. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Меҳнат», 1995 йил. Дарслик.
5. З. Йулдошев, М. Косимов. Микроиқтисодиёт асослари. Т. , Укитувчи. 1994 йил.
6. Камаев В. и колл. авт. Экономическая теория. М. Владос 1998 г.
7. Е. Борисов. Экономическая теория. Учебник. М. , Юрист, 2001 г.
8. Ш. Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Молия» 2002 йил. Ўқув кулланма.
9. Д. Тожибоева Иқтисодиёт назарияси. Т. , «Шарк» 2003 йил. Ўқув кулланма.
10. П. Хошимов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т. , «Университет» 2003 йил. Ўқув кулланма.

9-мавзу: ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ.

10-мавзу: ТАДБИРКОРЛИК КАПИТАЛИ ВА УНИНГ АЙЛАНИШИ.

Режа:

1. Тадбиркорлик ва тадбиркорлик тушунчаси.
2. Тадбиркорлик фаолияти шакллари ва вазифалари.
3. Тадбиркорлик капитали ва унинг харакат боскичлари.
4. Тадбиркорлик капиталининг айланиши. Асосий ва айланма капитал.
5. Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш самарадорлиги.

Маълумки, бозор иқтисодиёти мулкчиликни турли шаклларида асосланган тизимдан иборат булиб, у ракобатли иқтисодий муносабатлар мажмуасидир. Ракобатда корхона ва фирмалар иштирок этади. худди шунингдек ракобатда тадбиркорлар ҳам иштирок этади. тадбиркорлик фаолияти уз мулки хисобидан даромад олади. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти иқтисодий ресурслар хисобланиб, инсон ресурсларининг таркибий кисмини ташкил килади. Биз ушбу мавзуда тадбиркорлик фаолиятининг мохияти, максади ва унинг турли шаклларида номоён булишини тушунтирамиз, шунинг билан бирга тадбиркорлик капитали ва унинг харакат килиш боскичлари ва ундаги жараёнларни куриб утамиз.

Тадбиркорлик фаолияти жуда узок даврларни уз ичига олади ва иқтисодий фаолиятнинг таркибий кисмидир. Тадбиркорликнинг асосий тушунчаси XVIII асрда пайдо булган ва “Мулкдор” тушунчасини билдиради.

Гарб адабиётларида тадбиркорлик тушунчасига-фойда олиш, даромад топиш максатида хужалик юритиш санъати, ижодкорлик, ташаббуснинг эркин номоён булиши, новаторлик, хавф-хатарга нисбатан тайёр булиш деб каралади.

“Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тутрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида таърифланишича, тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) юридик ва жисмоний шахслар томонидан мулккий масъулият остида, мавжуд қонунлар доирасида, даромад (фойда) олиш максатида, тахлика билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир.

Тадбиркорлик инсонга хос булган меҳнат булиб, фойда олишга йуналтирилган фаолиятдир.

Тадбиркорлик килиш учун мулк эгаси булиши шарт эмас. Бу дегани кобилияти булган, акл-заковатли инсон бировларни мулкни ижарага олиб фаолият курстаиши мумкин ёки ссуда олиб иш юритиши мумкин.

Тадбиркор иш бошлашдан аввал бозордаги талабни урганади, ишлаб чиқаришда ресурсларни ва ишчи кучини бирлаштиради.

1. Тадбиркор ишлаб чиқариш жараёнида ер, сув, капитал ва меҳнат ресурсларини бирлаштиради, максад товар ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш оркали фойда олишдир.
2. Тадбиркор бизнесни юритиш, фойдани купайтириш максатида карорлар кабул килади.
3. Тадбиркор-юкори фойда изидан янги ишлаб чиқариш жорий килади.
4. Тадбиркор-бу тахликага борувчи фаолиятдир.

Тадбиркор фаолияти ривожланишнинг шарт-шароитлари куйидагилардан иборат булади:

Биринчидан, хужалик юритишнинг бирон-бир турини танлаш, ишлаб чиқаришни амалга ошириш, уни узгаришларга мослаштириш, маблағларни танлаш, ресурс топиш, махсулот сотиш, уларга бахо белгилаш, фойдани тасарруф килиш буйича маълум хукук ва эркинликлар мавжуд булиши керак.

Иккинчидан, тадбиркор ишлаб чиқариш воситаларига, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадга мулкчилик ҳукукига эга бўлиши керак.

Учинчидан, ҳужалик юритиш йулини эркин танлаш, даромадни инвестициялаш муҳитини яратиш лозим.

Туртинчидан, эркин тадбиркорлик, мулкчилик ва узлаштиришнинг турли туман шакллари ва турини тақозо қилади.

Тадбиркор етарли даражада молиявий манбаларга, маълумотга, малакага эга бўлиши керак, солиқ имтиёзлари берилиши керак.

Тадбиркорликнинг қуйидаги шакллари мавжуд: давлат, жамоа, шахсий, хусусий, аралаш ва бошқа шакллари курсатиш мумкин.

Купчилик мамлакатларда яратилаётган миллий даромаднинг 20 фоизидан 50 фоизигача давлатлар улушига тугри келади.

Давлат корхоналарини учта гуруҳга бўлиш мумкин:

- бюджет корхоналари;
- давлат ишлаб чиқариш корхоналари;
- аралаш компаниялар:

Ҳужалик мустақиллигига эга бўлмаган корхоналар бюджет корхоналарини ташкил этади. улар давлатнинг маъмурий бошқариш тизимига киради ва бирон-бир вазирлик, маҳкама ёки маҳаллий уз-узини бошқариш органларига бевосита бўйсинади, улар олган фойдадан солиқ туламайди. Барча даромад ва ҳаракатлар давлат бюджет орқали утади.

Давлат ишлаб чиқариш корхоналари-улар мол-мулкка эга бўлиб, ҳужалик фаолияти билан бирга давлат томонидан белгиланган доирада бошқариш ва тартибга солиш вазифаларини ҳам бажаради.

Аралаш компаниялар-улар хиссадорлик жамиятлари ва мажбуриятлари чекланган ширкатлар шаклида ташкил қилинади. Акциялари давлатга ва хусусий омонатчиларга таалукли бўлади.

Кооператив тадбиркорлик-жамоа тадбиркорлигининг алоҳида шаклидир. У жамоа мулкига асосланади. Аъзолар меҳнатига асосланади. Бу қуйидаги белгиларга эгадир: Ишловчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита қушилиши (хусусий мулкчиликда қушилишда мулкдор, давлат мулкчилигида эса давлат воситачи ҳисобланади).

Кооператив аъзоларининг ишлаб чиқариш воситаларидан кенг фойдалана олиши, уларнинг ибтидоий жихатидан тенг ҳуқуқлилиги, жамоанинг уз-узини бошқаришни амалга ошириши; жамоа ва шахсий манфаатларнинг уйғунлиги юзга келиши.

Хусусий тадбиркорлик-алоҳида шахс ёки корхона томонидан ташкил этилади мулк ва ишлаб чиқариш натижалари хусусий шаклларига тегишлидир, ишлаб чиқаришда ёлланма меҳнат қулланилади. Республикада 2001 йилда 63 минг корхоналар хусусий тадбиркорлик билан шугулланадилар. Ялпи ички маҳсулотнинг 56-60%ини ташкил этди, меҳнат билан банд бўлган аҳолини 60-70%и шу корхоналарда хизмат қилди.

Ҳозирча республикада хусусий секторнинг улуши ялпи ички маҳсулотда 35% ни аҳолининг иш билан таъминлашда эса 30%ини ташкил қилади. (миллий истиклол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. “Янги аср авлоди” 2001 йил)

Шахсий тадбиркорлик-шахсий мулкка асосланади, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш узи ёки оила аъзолари меҳнат асосида амалга ошириладиган фаолиятидир, даромад солиғи тулайди. Бу фаолият одатда кичик магазин хизмат курсатиш соҳасидаги корхоналар, деҳқон ҳужаликлари ҳамда ҳуқуқшунос ва ҳоказолар. Тадбиркорликнинг ташкилий-иқтисодий шаклларида қуйидагиларни курсатиш мумкин.

Картел-бир тармок тадбиркорлари уртасидаги нархлар маҳсулот сотиш бозорлари ишлаб чиқариш ҳажмида уларни улушлари бўйича узаро қелишиб оладилар.

Синдикат-бир тармок тадбиркорлари томонидан ортқича рақобатни бартараф қилиш, барқарор фойда олиш мақсадида маҳсулот сотишнинг бирлаштирилиши.

Консорциум-тадбиркорларнинг йирик молиявий операцияларини (бартараф қилиш) биргаликда амалга ошириш мақсадида бирлашуви (масалан, йирик ҳажмидаги лойиҳаларни жуда катта миқдорда ва узок муддатли кредит бериш ёки инвестициялар қуйиш).

Концерн-қатнашиш тизими орқали корхоналарни назорат қилувчи куп тармокли хиссадорлик жамиятидир. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг музим шаклларида бири хиссадорлик (акционерлик) жамиятларидир.

Бу жамиятда қишлоқ узларининг меҳнатини, меҳнат қуроллари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда пул ресурсларини (капиталлари) бирлаштирилади.

Акция- бу унинг эгаси хиссадорлик жамияти капиталига узининг маълум хиссасини қўшганлигига ва унинг фойдасидан дивидент шаклида даромад олиш ҳуқуқи борлигига гувоҳлик берувчи қимматли қозғалди.

Акция курси. Акциялар маҳсул товар сифатида сотилади ва сотиб олинади. Шу сабабли баҳога эга. Акцияда ифодаланган пул суммаси унинг номинал қиймати дейилади, акция бозорида сотиладиган баҳо акция курси дейилади.

Акция курси қуйидагича аниқланади:

$$\text{Акция курси} = \frac{\text{дивидент}}{\text{ссуда}\%} \times 100 \%$$

Демак, акция курси олинган дивидент миқдорига тугри пропорционал фоиз миқдорига эса тесқари пропорционалликда бўлади.

Ссуда фоизи деганда акция курси тушади. Агар дивидент ссуда фоизига қараганда юқори даражада усса, акция курси қутаралида.

Облигация – унинг эгаси жамиятига қайд қилинган фоиз олиш шарти билан пул қуйилганлигини тасдиқлайди.

Таъсисчилик фойдаси-хиссадорлик жамиятининг ташкил топиши таъсисчилик фойдаси каби даромад турининг пайдо булиши билан боғлиқ. Таъсисчилик фойдаси сотилган акциялар суммаси ва хиссадорлик корхонасига ҳақиқатда қуйилган маблаг миқдори уртасидаги фарқдан иборат.

Дивидент-хиссадорлик корхонасида таъсисчилик фойдаси билан бир қаторда дивидент каби даромад тури шаклланди. Дивидент (лотинча dividendys-булишга тегишли)-акция эгаси тулланадиган даромад.

Республикада корхоналарни акционерлаштиришнинг иккита йуналиши таркиб топди. Биринчи йуналишда узининг ҳуқуқий мақоми узгартирмайдиган, давлат мулки бўлиб қоладиган корхоналар, иккинчи йуналишда узининг ҳуқуқий статусини узгартириб тулик хиссадорлик жамиятига айланган корхоналар акция чиқаради.


Хиссадорлик жамиятларни ривожлантиришнинг асосий йуналиши давлат мулкчилигидаги йирик ва урта корхоналарни кенг кулабда хиссадорликка ўтказиш улар негизида очик хиссадорлик жамиятларини тузиш лозим.

Биламизки, гарчан тадбиркорлик ишлари билан шуғулланиш учун мулк ва мулкӣ муносабатларга эга булиши шарт булмасда, умумий ҳолда тадбиркор мулкка ва молиявий имкониятларга эга булса иш юритиш учун имконият яратилган булади.

Бу имкониятлар тадбиркор учун иш юритиш, ҳужаликни ташкил этиш, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар курсатиш учун зарурдир. Натижада даромад яратилади, фойда олинади. Ҳуллас, тадбиркор ихтиёридаги барча моддий воситалар, товарлар, молиявий ресурслар, пул маблағларини жамиси тадбиркорлик капитали деб аталади.

Узоқ йиллар давомида бизнинг иқтисодий ҳаётимизда бу атамалар ишлаб чиқариш фондлари номи билан аталган эди.


Фондларни капитал тушунчаси билан алмашишига асосий сабаб бозор иқтисодиётидир, чунки бозор иқтисодиёти куп мулкчиликка асосланган. Барча корхоналар, фирмалар ҳатто давлатни узи ҳам тадбируорлик фаолияти билан шуғулланади. Тадбиркорлик капитали доимо ҳаракатда булади, у ишлаб чиқариш соҳасида хизмат курсатиш соҳасида, муомала жараёнларида булиши мумкин. Бу жараёнларда капитал бир қаторда босқичларни босиб ўтади. Тадбиркор бирон-бир иш бошлаши учун унинг қулида пул капитали булиши лозим. Пулни товар бозоридан товарлар харид қилади, яъни пул капитали ишлаб воситаларига, ишчи қучи товарлари сарф қилинади, яъни иқтисодий фаолият омилларига айланади. Бу омиллар ишлаб чиқаришда қулланади, ишлаб чиқарилган товарлар сотилади, маблаг дастлабки шаклига қайтади ва доиравий айланишни ташкил этади.



Маълумки, ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун пул зарур, агар пул мавжудбулса, у ўз ҳаракатини товарлар сотиб олишдан бошлайди.


Яъни И. В ва И. К сотиб олишга аванслаиди. Бунда пул муомалага қиради ва пул капитали ўз ҳаракатининг биринчи босқичида ўтади. У унумли капиталга айланади ва ишлаб чиқариш жараёнининг потенциал омиллари ҳисобланади.

Капитал ҳаракатининг иккинчи босқичи ишлаб чиқариш (ИЧ) бўлиб, унумли капитал (Т) товар шаклини олади.



Бундан кейин учинчи босқич ишлаб чиқарилган товарларни сотиш содир булади. Яъни Т→П товар пулга айланиб, дастлабки узининг ҳолатига қайтади. Пул дастлабки пулга нисбатан қупайиб келади. $P^1 = P + \Delta P$

Шундай қилиб, тадбиркорлик капитали ўз ҳаракатида ўз босқични изчил босиб ўтиб, мунтазам равишда бир шаклдан бошқа бир шаклга айланиб, яна дастлабки шаклига қайтиб келиши унинг доиравий айланиши дейилади ва қуйидагича ёзилади.




Бунда капитални пул (П) шакли ва унинг ҳаракати иқтисодий фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратишда жуда ҳам зарур.

Капитални унумли шакли товарлар ишлаб чиқариш ва ҳудди шу жараёнда қийматнинг ўсиши содир бўладиган ҳаракатдир.

Капитал товар шаклининг ҳаракати орқали ишлаб чиқарилган товарлар қийматининг баҳо шаклида руёбга чиқиши содир булади ва ўсган қийматнинг пулга айланиши билан тадбиркорнинг фойда олиш мақсади таъминланади.

Тадбируорлик капиталининг ҳар ўчала шакли бир вақтда ўз доиравий айланишига эга булади.

Тадбиркорлик капитали пул шаклининг доиравий айланиши қуйидаги қурилишидан иборат.



Унумли капиталнинг доиравий айланиши.



$$T \rightarrow \dots \text{И. К} \rightarrow \dots \text{ИЧ.} \dots T \rightarrow \dots T \rightarrow \dots \text{И. К} \quad (5)$$

Тадбиркорлик капитали товар шаклининг доиравий айланиши:

$$T \rightarrow \text{П} \rightarrow \begin{cases} \text{И. В} \\ \text{И. К} \end{cases} \rightarrow \dots \text{ИЧ.} \dots T \quad (6)$$

Доиравий айланишнинг уч босқичини узлуксизлиги бозор ишлаб чиқариш бозор орклаи руёбга чиқиб боради.

Тадбиркорлик капитали узлуксиз ҳаракат қилади. Доиравий айланишнинг узлуксиз такрорланиб, янгиланиб туриши тадбиркорлик капиталининг айланиши дейилади.

Капитал узининг айланиш хусусиятига қараб икки қисмга бўлинади. Асосий ва айланма капитал.

Асосий капитал ишлаб чиқариш жараёнида куп марта катнашиб доиравий ҳаракат қилади ва узининг ва узининг кийматини ишлаб чиқарилаётган товарга маҳсулотга (хизматга) бўлиб-бўлиб аста-сёкинлик билан утказиб боради ва ашёвий буюм шаклини узгартирмайди.

Айланма капитал бир доиравий айланиш давомида тулик истеъмол қилинади, узининг кийматини ишлаб чиқариш натижаларига тулик утқазади ва ашёвий буюм шаклини ҳам йукотади.

Асосий капитал куп марта қулланади. Масалан, станок 10 йил, бино 50-100 йил айланма капитал (пахта, жун, металл, ёкилги) ҳар бир доиравий айланишда тулик унумли истеъмол қилинади ва кийматини тулик товарга қучиради.

Тадбиркорлик капитали уз ҳаракатида ишлаб чиқариш ва муомала босқичларини босиб утади. Шу сабабли унинг айланиш вақти (Ав) ишлаб чиқариш вақти (Ив) ва муомала вақти (Мв) йигиндисидан иборат бўлади.

$$A_v = I_v + M_v \quad (7)$$

Сарфланган маблағларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бўлиш вақти, яъни ишлаб чиқариш воситалари сотиб олингандан тайёр товар бўлган давргача утиш вақти ишлаб чиқариш вақтини муомала жараёнида бўлиш вақтини, яъни ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш ва тайёр товарларни сотиш учун кетган вақт муомала вақтини ташкил этади. Ишлаб чиқариш вақти уч қисмдан иборат бўлади.

1. Бевосита меҳнат жараёни ёки иш даври (Ид)
2. Турли танаффеслар даври (Тд)
3. Ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқариш захираларида бўлиш даври (Зд)

$$I_v = I_d + T_d + Z_d \quad (8)$$

Ишлаб чиқариш воситаларининг захира ва эҳтиётлар сифатида бўлиш вақти бу уларнинг ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган давридир.

Транспорт шахобчаларини ривожлантириш, хужалик алоқаларининг самарали таъминлашни белгилаш, ишлаб чиқариш воситалари бозорни шакллантириш эҳтиёжларини пухта ҳисобга олиш, муомала вақтини қисқартириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Капиталнинг айланиш тезлиги улардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир қилади. Айланиш тезлиги муаян давр ичида (А) қилинган айланишлар сони (п) ёки бир айланишнинг узун қисқалиги (а) билан белгиланади.

$$P = A/a; a = A/P \text{ дан иборат}$$

Агар капитал айланиш узунлиги уч ойни (90 кунни) ташкил этса, у вақтда $m = 12/3 = 4$; $a = 360/4 = 90$ кун бўлади.

Тадбиркорлик капитали таркибида асосий капитал энг муҳимдир. Асосий капитални миқдор ва сифат жиҳатидан қупайтириш ишлаб чиқаришнинг техника билан таъминлаш даражасини таъминлайди ва унинг самарадорлигини ошириб бораверади. Асосий капитални устириш унга сарфланадиган инвестицияларга бевосита боғлиқдир. Республикада бунга эътибор қучайтирилиб бормоқда. Масалан, 2000 йилда асосий капиталга қуйилган инвестициялар ҳажми 696,3 млрд. сумни ташкил қилиб, унинг 386,5 млрд суми ёки, 55,5% ишлаб чиқариш объектларини қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техникавий қуроллантириш ишларига сарфланган (макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги депортаменти маълумотлари) инвестиция манбалари: давлат бюджети маблағларидан 210,9 млрд ёки 30,3% банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлар 5,2 млрд ёки 7,5%, чет эл инвестициялари (кредитлар билан бирга) 151,1 млрд ёки 21,7% Бошқа маблағлар 9,7 млрд ёки 1,4% ни ташкил қилади.

Капиталнинг самарадорлик даражаси турли омилларининг таъсири остида шаклланади. Яъни асосий капиталнинг таркиби (тармоқ таркиби, турлар бўйича таркиби), асосий капиталдан фойдаланиш ва тақсимлаш самарадорлиги; эскирган меҳнат воситаларини янгилари билан алмаштириш муҳим омилдир.

Асосий капиталнинг айрим турлари ишлаб чиқаришда иштирок этишига қараб ҳал вазифани бажаради. Мисол: Бино ишлаб чиқариш жараёнининг бир меъёрга боришини таъминлаб меҳнатнинг умумий шароитини ташкил этади, ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир қурсатса, меҳнат қуроллари (иш машиналари усқуналар ва бошқалар) ишлаб чиқариш жараёнида фаол иштирок катнади ва ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир қурсатади.

Асосий капиталнинг мулк шакллари бўйича таркиби, капиталнинг умумий киймати ҳар бир мулк шаклининг ҳиссаси билан ҳаракатланади. Республикани бозор иқтисодиётига утиш, дала ташкили унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида асосий капиталнинг мулк таркибида давлат мулкнинг улushi камайиб боради. Республикада мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга қуйилган инвестицион маблағлар таркиби қуйидаги маълумотлар билан ҳаракатланади. (9 жадвалда берилган) асосий капитални такрор ишлаб чиқариш узаро боғланган ички жараёнларга боғлиқ. Яъни: асосий капитал эскириши; амортизация жараёни ва амортизация фондидан меҳнат воситаларини жисмоний шаклда тиклаш учун фойдаланишга таянади. Меҳнат воситалари жисмоний эскиришининг икки шакли мавжуд: фойдаланиш жараёнида, ҳаракатсиз туриш натижасида содир бўлади.

Асосий капитал жисмоний эскириши ишлаб чиқариш жараёнида ундан фойдаланиш натижасида эскиради, еёилиб боради, улар техник, ишлаб чиқариш ҳосасини ва истеъмол кийматини аста-сёкин йукотиб боради.

Айни вақтда асосий капитал табиий қучларнинг таъсирида жисмоний эскиради.

Асосий капитал ва меҳнат воситаларини маънавий жихатдан эскиради ва икки турда намоён бўлади.

Меҳнат воситалари ишлаб чиқарилаётган корхоналарда меҳнат унумдорлиги ошиб борса, уларни киймати пасайиб боради. Масалан, биронта станок олдим 100 минг сумга урнатилган бўлса, кейин уни 70 минг сумга сотиб олиш мумкин бўлади. 30 минг киймат йуқолади.

Маънавий эскиришнинг 2чи турида анча мукамал, арзон ва унумли машиналар ишлаб чиқарилади ва улар ишлаб чиқаришда қулланиши натижасида олдинги воситаларни ишлатиш мақсадли бўлмай қолади.

Амортизация асосий капитал эскириб боришига қараб, унинг кийматини аста-сёкин ишлаб чиқарилган маҳсулотга утқизиш, асосий капитални кейинчалик қайта тиклаш мақсадларида маҳсулотнинг амортизация миқдори тенг қисмини жамғариш жараёнидан иборат.

Амортизация нормаси – амортизация ажратмалари йиллик суммасининг шу асосий капитал кийматига нисбатан аникланади ва фойда ифодаланади. Амортизация ажратмаларининг умумий нормаси асосий капитални такрор ишлаб чиқаришнинг узига хос хусусиятларига мувофиқ равишда икки қисмдан иборат бўлади, бир қисми асосий капитални тула қоплашга (қайта тиклашга), иккинчиси уларни қисман қоплашга (капитал ремонт қилишга) мувожадланади.

Амалиётда умумий йиллик амортизация меъёрларини (АН) белгиланади: асосий капиталнинг ҳаракат қилиш муддати давомида капитал таъмирлаш учун сарфлар, (Рк) эскирган меҳнат воситаларини тугатишдан олинган маблаг (От) ва шу воситанинг хизмат даври (Хд) ҳисобга олинади.

$$Я_{\text{ни}} \text{ АН} = \frac{K_{\text{ас}} + P_{\text{к}} - O_{\text{т}}}{X_{\text{д}}} \times 100\% \quad (9)$$

Асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлиги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан асосий капитал киймати уртасидаги алоқани акс эттиради, у узаро боғланган икки курсаткич капиталдан олинган самара, (Кс) ва маҳсулотнинг капитал сигими (Ксиг) курсаткичлари билан ифодаланади.

Асосий капиталнинг ҳар бир сумига тугри келадиган ялпимиллий маҳсулотнинг бир суми ҳисобига асосий капитал кийматининг тугри қилишини характерлаб беради.

$$K_{\text{с}} = \frac{Y_{\text{мм}}}{K_{\text{ас}}} \text{ ёки } K_{\text{с}} = \frac{M_{\text{д}}}{K_{\text{ас}}} \quad (10)$$

$$K_{\text{сиг}} = \frac{K_{\text{ас}}}{Y_{\text{мм}}} \text{ ёки } K_{\text{сиг}} = \frac{K_{\text{ас}}}{M_{\text{д}}} \quad (11)$$

Корхона миқёсида капиталдан олинган самара даражаси асосий капиталнинг бир суми эвазига корхона ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (м) билан, капитал сигими эса корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг (м) бир суми ҳисобига қанча асосий капитал киймати тугри қилиши билан ифодланади.

$$K_{\text{самара}} = \frac{M}{K_{\text{ас}}}; \quad K_{\text{сиг, кор}} = \frac{K_{\text{ас}}}{M} \quad (12)$$

Айланма капитал ҳаракати ва самарадорлиги қуйидагилар билан характерланади. Асосий капитал (фондлар) ҳаракати айланиши капитал ва муомала маблағлари ҳаракати билан узвий боғлиқ.

Айланма капиталдан фойдаланишнинг умумлаштирувчи курсаткичи халқ ҳужалиги миқёсида маҳсулотнинг материал сигими (Мсиг) маҳсулот яратишда истеъмол қилинган айланма капитал кийматининг ялпи миллий маҳсулот (Ямм) ёки миллий даромад (Мд) нисбати сифатида аникланади.

$$M_{\text{сиг}} = \frac{A_{\text{к}}}{M_{\text{д}}} \quad (13)$$

Корхона миқёсидаги материал сигими (Мсиг, кор) унда истеъмол қилинган айланма капитал кийматининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот кийматига нисбати қурилишида аникланади.

$$M_{\text{сиг, кор}} = \frac{A_{\text{к}}}{M_{\text{д}}} \quad (14)$$

Амалиётда айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш коэффициенти билан ўлчанади. Бу коэффициент бир йил ичида сотилган маҳсулот кийматининг айланма маблағларининг уртача йиллик суммасига нисбати билан аникланади. Айланма даври (а) йилдаги пуллар сонининг айланишлар сонига (п) нисбати билан аникланади.

$$a = \frac{360}{\pi} \quad (15)$$

Хуллас айланма маблағлар айланишини тезлаштириш учун ишлаб чиқариш вақти ва муомала вақтини қисқартириш лозим.

Асосий таянч тушунчалар:

1. Тадбиркорлик фаолияти-фойда олиш мақсадида таҳлика (таваккалчилик) билан иш юритишдир.
2. Хиссдорлик жамияти-купрок фойда олиш мақсадида меҳнат, меҳнат қуроллари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда пул ресурс капиталларини бирлаштирган уюшмадир.
3. Акция-бу унинг эгаси хиссдорлик жамияти капиталига ва унинг фойдасидан дивидент шаклида даромад олиш ҳуқуқи борлигига гувоҳлик берувчи қимматли қозғалди.

4. Акция курси-кимматли коғозлар бозорида акцияларнинг сотиладиган баҳосидир.
5. Облгация-унинг эгаси жамиятига қайд қилинган фойз олиш шароити билан пул қуйилганлигини тасдиқловчи кимматли коғоздир.
6. Таъсисчилик фойдаси-сотишган акциялар ва хиссадорлик корхонасига ҳақиқатда қуйилган маблағлар суммаси уртасидаги фарқдан иборат бўлиб, уни жамиятни таъсис этувчилар узлаштиради.
7. Дивидент-акция эгаси жамият олган фойда ҳисобидан оладиган даромаддир.
8. Тадбиркорлик капитали-тадбиркорлар ихтиёрида бўлиб, уз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча молиявий воситалар, товарлар ва пул маблағларидир.
9. Айланма капитал-бу унумли капиталнинг бир доиравий айланиш давомидаги ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган уз қийматини яратилган маҳсулотга тулик утказадиган ва ашёвий буюм шаклини ҳам йукотадиган қисми.
10. Асосий капитал-ишлаб чиқариш (хизмат курсатиш) жараёнида бир қатор доиравий айланишлар давомида қатнашиб, узининг қийматини тайёрланаётган маҳсулотга (хизматга) бўлиб утқазиб боради ва ашёвий буюм шаклини узгартирмайди.
11. Амортизация нормаси-амортизация ажратмалари йиллик суммасининг асосий капитал қийматига нисбатининг фойздаги ифодасидир.

Асосий адабиётлар:

1. «Тадбиркорлик тутрисида» УзР. Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари 2-том. Тошкент, «Адолат», 1991 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси. Т. 1995-1999 йиллар.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ва Фармонлар туплами. Т. «Ўзбекистон», 1995-1999 йиллар.
4. «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва урта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тутрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Т. , 9 апрел 1998 йил. Меъёрий ҳужжатлар туплами.
5. Ўзбекистон Республикаси «Давлат томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги дастур». Т. , 1995 йил. Меъёрий ҳужжатлар туплами.
6. И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Т. , Ўзбекистон 1995 йил.
7. И. А. Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т. , Ўзбекистон 1999 йил.
8. И. А. Каримов Ўзбекистон XXI аср бусагасида: ҳафсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. Т. , Ўзбекистон 1999 йил.
9. В. Чжен. Система поддержки предпринимательства в Узбекистане. Т. , Ўзбекистон 1995 год.
10. В. Чжен. Развитие малого и частного бизнеса в Узбекистане. Т. , Ўзбекистон 1996 год.
11. Ш. Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Молия» 2002 йил. Ўқув қўлланма.
12. А. Улмасов, М. Шарифхужаев. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Меҳнат», 1995 йил. Дарслик.

11-мавзу: *КОРХОНА (ФИРМА) ХАРАЖАТЛАРИ ВА ФОЙДАСИ.*

Режа:

1. Корхона (Фирма) тушунчаси.
2. Корхона (Фирма) турлари.
3. Фирма фаолияти.
4. Ишлаб чиқариш харажатлари ва унинг таркиби.
5. Ишлаб чиқариш харажатларининг узгариш тамойиллари.
6. Фойда тушунчаси. Фойда нормаси ва массаси.

Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнлари ишлаб чиқариш омилларини бирлаштирадиган ва бу омилларга мулкчилик муносабатлари урнатилган корхоналар, ташкилотлари, муассасалар ташкил этади. Қўлмулкчиликка асосланган рақобат йули билан ривожланаётган бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш, хизмат курсатиш соҳаларини узида мужассамлаштирилган иқтисодиётнинг таянч объектлари фирмалар номи билан юритилади.

Бозор иқтисодиёти амал қилиб ҳужалик юритаётган минглаб фирмалар мавжуд, уларда миллионлаб кишилар тадбиркорлик фаолияти билан шугулланадилар, яъни товарлар ишлаб чиқарадилар ва хизматлар курсатадилар. Уларнинг бундай фаолиятларини бирлаштириб бир марказдан бошқаришни иложи йук. Тадбиркорликни фаолиятини иқтисодий механизмлар воситасида тартибга солиб туриш мумкин. Ундай механизмлар автономизм яъни уз-узини бошқариш деб аталади. ёки муниципал-махаллий ҳокимияти доирасида бошқариш дейилади. Бундай бошқаришни иқтисодий федерализм деб аталади.

Бозор иқтисодиётида корхона (фирма) қандай бўлишидан, қандай турда бўлмасин улар товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат курсатувчи объектлар ҳисобланади ва бозор учун ишлайди, корхона (фирма) сотувчи ва харидордир. Корхона ҳам объект ҳам субъект сифатида уз эркинлигига эгадир. У қуйидагилар билан белгиланади:

1. Корхона (фирма) фаолиятини узи танлайди ва меҳнат таксимотида иштирок этади;
2. корхона (фирма) уз мулкига эга булган объект булиб, мулкни узи тасарруф килади;
3. корхона (фирма) индивидуал кишини мулки булиши ёки гуруҳий мулк булиши мумкин. Хар кандай ҳолатда ҳам (якка ёки гуруҳий-корпаратив) улар узаро бирлашиб манфаатни таъминлайдилар;

Бозор узаро боғланишлар мажмуасидир, унинг таркибий қисмлари корхона (фирма) ишлаб чиқаришнинг бирламчи асосий бугинидир, чунки индивидуал корхоналар мажмуаси иқтисодий ташкил этади, иқтисодий жамият манфаати учун хизмат килади. Меҳнат таксимотига кура корхоналар товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ва хизмат курсатишга ихтисослашиб борадиар, улардаги индивидуал меҳнат жамиятдаги меҳнатнинг бир қисмидир. Шундай экан, корхона (фирма) меҳнат кооперацияси орқали бошқа корхоналар билан боғланади, уларга хизмат килади, уларни хизматидан фойдаланади.

Хуллас, бир-бири билан иқтисодий алоқа қилмайдиган корхона (фирма) булмайди. Яъни ҳужалик автаркиясига (узини-узи таъминловчи, уз имконияти билан яшайдиган) корхона булиши мумкин эмас, бозор иқтисодиётида бундай корхона яшайолмайди. Мисол келтирадиган булсак, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси самалёт чиқариши учун МДХ мамлакатларидаги 12000 корхонадан турли деталлар, қисмлар, ашёлар, асбоб-ускуналар олади.

Корхона (фирма) фаолияти юзасидан саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, қишлоқ ҳужалиги, даволаш, уқитиш, маданий хизмат соҳаларига ихтисослашиб бориши натижасида, шу тармоқлар бўйича корхона (фирма)лар шаклланади ва иш бажаади.

Корхона (фирма) ҳужалик юритувчи субъекти сифатида иқтисодий мустақилликка эга экан, у нимани қанча, кандай усулар билан ишлаб чиқариш, уни қимга, қарга, қанчага, қимга ва кандай сотишни узи ҳал қилмоғи лозимдир. Товар сотишдан хизмат курсатишдан пул маблағларини узларини мақсадли фаолиятлари йулларида ишлатишлари керак.

Корхона (фирма) бозор билан алоқа қилар экан, у бозордаги ресурслар нархи, узи сотадиган товар-маҳсулотларини нархи, қиладиган харажатлари ва оладиган фойдасини таққослайди, шунга қараб иш юритади.

Бозор иқтисодиётига утиш даврида корхона (фирма) лар эркинлиги чекланган булади, корхона (фирма) давлатга қарашли булмасада, давлат назоратида буладилар, фаолият турларини давлат белгилаб беради. Фирма (корхона) давлат буюртмасини бажаради, буюртма аста сёкин қисқариб боради, маҳсулотини бир қисмини бозорга чиқариди, талаб ва тақлиф асосида шаклландиган нархларда сотади.

Корхона (фирма) 3 тоифада булади:

1. Давлат буюртмаси асосида ишлатиладиган корхона;
 2. Давлат ва бозор учун ишлайдиган корхона;
 3. Бозор учун ишлайдиган корхона. Корхоналарни қуйидаги турлари қуйидагича булиши мумкин:
 1. Хусусий фирмалар;
 2. Маъсулияти чекланган жамоа (жамият) фирмалар;
 3. Маъсулияти чекланган фирмалар, яъни ширкатлар, давлат корхоналари фирмалари, аралаш корхоналар, корхоналар бирлашмаси (консорциум ва концерн), фирмалар шаҳобчаси (булинмаси) ва ваколатхонаси.
- Фирмалар ҳужалик фаолиятига қараб, иш юритишлари юзасидан қуйидаги қуринишларда булиш мумкин. 1. Кичик бизнес; 2. Йирик бизнес; 3. Йирик бизнес; булар учун мезон сифатида фирмада ишловчиларни сони, ишлаб чиқариш ва совда-сотик ҳажми қабул қилинади. АКШ ларида уларни сони 5 тоифага булинади.
1. Урта кичик корхона-бу корхонада 10 киши ишлайди.
 2. Жуда кичик корхона (20 киши).
 3. Кичик корхона (99 киши ишлайди).
 4. Урта корхона (300 кишигача).
 5. Йирик корхона (500 дан зиёд киши).

Энди фирма турларини тушунтирамиз.

Хусусий фирма – Индивидуал (якка тартибда) ёки оилаларга карашли корхона. Бу корхона хусусан кишлок хужалиги ва кичик бизнес соҳасида фаолият курсатади.

Маъсулияти чекланмаган фирма.

Бу жамоа мулки корхонасидир. Мавжуд мулкка шерикчилик киладилар, ҳаммаси фаолият учун маъсулдилар, улар хусусан кичик бизнес билан фаолият курсатмоқдалар.

Маъсулияти чекланган фирма - жамоа корхонаси, уларни мол-мулки пай (хисса) маблаг асосида шаклланади.

Даромад устав капикапиталидаги хисса пайга караб тақсимланади, пай эгалари бу пайни сотишлари ва сотиб олишлари мумкин. Бу корхоналарни аралаш фирмалар акционер жамиятлари шакллари ҳам мавжуд. Аралаш фирмалар коммандит фирмалари деб юритилади.

Улар аҳоли кулидаги пул маблағларини йирик ишлаб чиқаришга жалб киладилар. Ширкатга пул куйганлар коммандат деб юритилади. Мажбурияти чекланган фирмаларнинг энг куп тарқалган шакли акционер жамиятлари ёки корпорациялар қуринишидир. Булар акциядорлик жамиятлари бўлиб, бу жамиятга уз улушларини кушадилар, пай улушига эга бўладилар, бизнес фаолияти учун уз ихтиёрлари билан бирлашиб иш юритадилар. Шу хусусда узларининг жамиятларини ташкил этадилар.

Жамиятга куйган пули ҳисобидан қимматбаҳо қогоз-акция чиқарилади ва аъзоларга қушган пули миқдорида акция берилади. Корхона (даромадидан фойдасидан) дивидент олади.

Акционер жамияти ёпик ва очик турларга бўлинади. Ёпик жамият акционерлари шу жамиятда ишлайдиганларга берилади, очик турида хоҳлаган кишиларга берилади.

Давлат корхоналари –бу давлат мулки ҳисобидан ишлайдиган корхонадир. У марказий ва маҳаллий ҳокимиятга қарашли бўлади. (Мудофаа алоқа ва транспорт сахаларида бўлиши мумкин)

Аралаш фирмалар- Бу фирмаларда турли мулк эгалари иштирок этадилар. Масалан, улар хусусий, давлат ва жамоа ташкил топади.

Аралаш корхона (фирмалар) миллий ва хорижий капиталга таянади. Улар оладиган фойда капиталини ҳиссасига қараб берилади.

Консорциум –Корхоналарни вақтинча ташкил этилган корхонаси бўлиб уни иштирокчилари уз мустақиллигини сақлаб қолади.

Консорциум молиявий ишлар бўйича тузилади. Бу ташкилотга давлат, банклар, молия-инвестиция компаниялари, йирик фирмалар, ҳар-хил пул фонди муассасалари аъзо бўлиши мумкин.

Концерн–бу ишлаб чиқариш, инвестиция, молия, техника ва ташки иқтисодий алоқалар бўйича иш юритадиган уюшмадир.

Фирмалар –Шоҳобчаси (филиали)-Бу йирик фирмаларнинг таркибий қисми бўлиб, жойларда иш бажаради.

Субъектларни мулкый муносабатлари ва уларни турли қуринишларда бўлишидан мақсад-манфаатга қаратилган мақсад учун фаолият курсатади. Корхонада жамоа шаклланади ва уч тоифага бўлади: 1 Корхона эгалари; 2. Менежерлар (бошқарувчилар); 3. Ёлланиб ишловчилар.

Маълумки, корхона эгалари мулкдорлар бўлиб, ресурслар, барча яратилган товар-махсулотлари, пул маблағлари корхона эгалариникидир. Корхонада иш бажаришда капитал билан бирга меҳнат ҳам қатнашади олинган фойда корхона эгасига ҳам меҳнати билан иштирок этган инсонга тегишли керак.

Ишловчилар корхона фойдасини яратишда бевосита иштирок этадилар, аммо улар ёлланиб ишлаганлари учун иш ҳақи оладилар.

Манфаатни олиб қарайдиган бўлсак, у индивидуал-хусусийдир. (Мулк эгаси, тадбиркор, иш қучи манфаати)

Иш хаки, фойда корхона фаолиятининг самараси ва натижасига боғлиқ булган реалликдир. Корхона яхши ишлаши, яхши даромад беради, фойда куп булади, иш хаки ошади ва уз вактида тулаб борилади, уларни узаро бирикмаси, узаро алокаси корпоратив-гурухий манфаатни ташкил этади.

Маълумки хар кандай корхона (фирма) товар яратади, хизмат курсатади. Мақсад уз фаолиятдан юкори даромад, фойда олишга интилишдир. Бунга эришиши натижасида ресурслар сотиб олади. Демак, маълум микдорда ва сарф харажат килади.

Капитал-пул капитали ва реал капитал куринишида ифодаланади. Пул- капитал сотиб олишга мулжалланган маблаг булса, реал капитал ишлаб чиқаришда катнашадиган моддий воситалардир. «Реал капитал» асбоблар, машиналар ва бошка ишлаб чиқариш ускуналар булиб, улар иқтисодий ресурс деб юритилади. Пул капитал ва молиявий капитал шундай ресурс эмас, лёкин моддий ресурслар пул билан хисобланади ва улар «Ишлаб чиқариш фондлари» деб юритилади. Фирманинг фаолияти доиравий айланишда булади, ишлаб чиқариш учун сотиб олади, кейин сотади яна сотиб олади.

Фирманинг иқтисодий ресурслар сотиб олиш учун килган сарфи ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади. Демак товарни ишлаб чиқариш ва уни сотиш учун сарф харажатлар булади.

Демак, ишлаб чиқариш сарф-харажатлари-Бу товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиб беришга килинадиган барча сарфлар йигиндиси тушунилади. Харажатлар таркибига хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилги, энергия, асосий капитал амортизацияси, иш хаки, ижтимоий сугуртага ажратмалар, фоиз туловлари ва хокозолар.

Ишлаб чиқаришга килинган барча сарф харажатларнинг пулдаги ифодаси махсулот таннархини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш харажатлари иккига булинади:

1. Бевосита ишлаб чиқариш харакати.
2. Муомола харажатлари.

Ишлаб чиқариш харажатлари:

1. Хомашё харажатлари:
2. Ёкилги ва мойлаш материалларига харажатлар;
3. Амортизация харажати;
4. Иш хаки харажати:

Муомола харажатларига:

1. Кушимча муомола харажатлари:
2. саф муомола харажатлари:

Товарларни ураш, кадаклаш, саклаш, транспортга ортиш, ташиш, саклаш харажатлари кушимча муомола харажатларини ташкил этади.

Истеъмолчиларни талабини урганиш (маркетинг), рекламалар, сотувчиларга хак тулаш-саф муомола харажатларини ташкил этади.

Фирма уз кулидаги маблагларини ишлаб чиқаришга сарфламай банкка куйиши, унга акция сотиб олиши, уз ихтиёридаги бино, иншоат, станокларини сотиш ёки ижарага бериши мумкин. Харажатлар ташки ва ички булади.

Ташки харажатларга- иш кучи, хомашё, транспорт, алока хизмати, энергия хаки, банк тижорат хизматлари учун сарф-харажатлар сарфлари киради.

Ички харажатлар фирма ихтиёридаги бино-иншоат амортизациялари, машина ускуна амортизацияси, ижара хаки, карз пул маблаглари ва унинг учун фоизлар, меёридаги фойда ва бошкалар.

Демак, корхонанинг узига тегишли булган ресурслар кийматининг пулдаги ифодаси булиб, улардан фойдаланиши билан боғлиқ харажатлар ички харажатлар дейилади.

Ишлаб чиқариш хажмининг узгаришига боғлиқлик даражасига караб доимий ва узгарувчи харажатлар бир-бирдан фаркланади.

Доимий харажатларига: Корхона тулов мажбуриятлари; солиқлар; амортизация ажратмалари; ижара хаки; куриклаш хизмати харажатлари; бошқарув ходимлари маоши ва бошқалар.

Узгарувчи харажатларига; Хомашё, материал, ёнилги, транспорт хизмати; ишчилар иш хаки харажатларидан иборат булади.

Умумий харажатлар доимий харажатлардан билан узгарувчи харажатлар йигиндисидан иборат булади.

$$C=A+B \quad (1)$$

Корхона учун махсулот бирлигига кетган сарф муҳим бўлиб, уни уртача харажат деб айтилади.

Уртача харажатларни ($Ух$) микдордан топиш учун умумий харажатлар ($Ух$) махсулот микдорига ($ММ$) бўлинади.

$$\text{Яъни } Ух = \frac{Ух}{Мм} \quad (2)$$

$$Мх = \frac{\Delta Ух}{\Delta Мм} \quad (3)$$

Бунда $Мх$ — меъёрий харажат,

$\Delta Ух$ — қушимча харажат,

$\Delta Мм$ — қушимча яратилган махсулот бирлигидир.

Ишлаб чиқариш харажатлари қисқа ва узок муддатли даврларга бўлинади.

Қисқа давр оралигига корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари узгаришсиз қолади, ишлаб чиқариш хажми-жонли меҳнат, хомашё ва бошқа ресурслар микдорлиги қупайтириш орқали узгариш мумкин.

Узок муддатли давр — бу корхонанинг ишлаб чиқариш қувватларини ва бутун банд бўлган ресурслари микдорини узгартириш учун етарли бўлган даврдир.

Корхонанинг фаолиятига баҳо берилганда сотилган махсулотлар ҳажми, уларга сарф қилинган харажатлар ва олинган фойда тушунчаларидан фойдаланилади.

Фойда иқтисодий категория бўлиб, ишлаб чиқариш сарф-харажатларни олинган даромадлар ҳисобидан қоплаш ва оқикча ҳосил қилинган маблағлар суммасидир.

Корхонанинг умумий фойдасидан бюджет-солиқ туловлари, банкларга (олинган ссуда учун фойз) туловлар ва бошқа мажбуриятлар чиқариб ташланса корхона соф фойдаси қолади.

Корхона фойдасининг муток микдори яъни йил давомида олинган фойда ҳажми унинг массасини ишлаб чиқариш харажатларига нисбати ва унинг фойзда ифодаланиши фойда нормаси дейилади.

Амалиётда фойда нормасини ҳисобланишнинг икки вариантдан фойдаланилади.

Яъни фойданинг жорий сарфларга-корхона харажатларига ёки авансланган маблағларга (асосий ва айланма капиталга) нисбатидир.

Булар қуйидагича аникланади:

$$1. \quad P^1 = \frac{P}{W} \times 100\% \quad (4)$$

Бу ерда P^1 — фойда нормаси P — фойда массаси,

W — иқтисодий ёки ишлаб чиқариш харажатлари.

$$2. \quad P^1 = \frac{P}{K \text{ аванс}} \times 100\% \quad (5) \quad \text{Бу ерда } P^1 \text{ — фойда нормаси, } P \text{ — фойда массаси}$$

Бу ерда P^1 — фойда нормаси, P — фойда массаси

K — аванс (асосий капиталдан айланма капитал)

Фойданинг узишига таъсир этувчи икки йул билан эришиш мумкин.

1. Ишлаб чиқариш харажатларни пасайтириш ҳисобига;

2. Бахони ошириш хисобига эришиш мумкин.

Корхона (фирма)да олинган фойда аввало тақсимланади ва кейин фойдаланилади. Фойданинг бир қисми солиққа (18%) яъни давлат бюджетига утқазилади, унинг бир қисми, корхона эгалари уртасида даромад сифатида, яна бир қисми ишчилар уртасида уларнинг фойдадаги иштироки сифатида ҳар хил мукофатлар шаклида тақсимланади, уни бир қисми инвестицияланади, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланади.

Асосий таянч тушунчалар:

1. Ишлаб чиқариш харажатлари-бу товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қилинадиган барча сарфлардир.
2. Ички харажатлар-корхонанинг узига тегишли бўлган ресурслардан фойдаланиши ҳисобидан сарфланган харажатлар.
3. Ташқи харажатлар- ташқаридан жалб қилинган ресурсларга туловларни амалга оширишга кетган харажатлар.
4. Доимий харажатлар- ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этмайдиган, у узгарганда, ҳам миқдорини узгармайдиган харажат.
5. Узгарувчан харажат-ишлаб чиқариш ҳажмининг узгаришига таъсир этадиган харажатлар.
6. Уртача харажатлар-махсулот бирлигига, тугри келадиган харажатлар.
7. Қушилган харажатлар-махсулотнинг нисбатидаги қушимча бирлигини ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатлар.
8. Тугри харажатлар-махсулот таннархига бевосита қушилиб унинг таркибига қирадиган харажат. (уситама бўлиб, нархда акс этадиган харажат)
9. Билвосита харажатлар-махсулот таннархига устама бўлиб, нархда акс этадиган харажатлар.
10. Соф фойда-Корхонанинг яъни пул тушумидан барча харажатлар чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми.
11. Фойда нормаси-фойда массасининг ишлаб чиқариш харажатларига бўлган нисбатининг фоиздаги ифодасидир.

Асосий адабиётлар:

1. «Корхона тугрисида» УзР. Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Тошкент, «Адолат», 1991 йил.
2. «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва урта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тугрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Т. , 9 апрел 1998 йил. Меъёрий ҳужжатлар туплами.
3. Ўзбекистон Республикаси «Давлат томонидан кичик бизнесни қуллаб-қувватлаш борасидаги дастур». Т. , 1995 йил. Меъёрий ҳужжатлар туплами.
4. И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Т. , Ўзбекистон 1995 йил.
5. И. А. Каримов Ўзбекистон XXI аср бусасида: ҳафсизликка тақдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт қафолатлари. Т. , Ўзбекистон 1999 йил.
6. И. А. Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. , Ўзбекистон 1998 йил.
7. И. А. Каримов Ўзбекистон XXI асрга интиломда. Т. , Ўзбекистон 1999 йил.
8. А. Улмасов, М. Шарифхужаев. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Меҳнат», 1995 йил. Дарслик.
9. Ш. Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Молия» 2002 йил. Ўқув қулламан.

12-мавзу: ИШ ҲАКИ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ.

Режа:

1. Яратилган махсулот ва даромадларнинг тақсимланиш тамойиллари.
2. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни.
3. Иш ҳақини ташкил этиш шакллари ва итизимлари.
4. Меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва қасаба уюшмаларининг роли.

Ушбу мавзунинг урганиш жараёнида ишчи ва ходимларнинг, кишилар ва инсонларнинг ҳаёт кечиришининг асосий шарт-шароитлари ҳисобланган иш ҳақи, меҳнат ҳақи ҳисобланар экан, уни манбаи, тақсимот шакллари таҳлил қиламиз. Иш ҳақи ва меҳнат ҳақи даромадларнинг асосий тури бўлиб, унга таъсир этувчи омиллар, иш ҳақи ставкасини табақалаштирилиши ҳақида тушунчалар берамиз. Шундан кейин меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмуни, меҳнат шартномаси тузишда қасаба уюшмасининг иштироки ҳақида фикр ва мулоҳазалар берилади.

Иқтисодий адабиётларда яратилган. Миллий маҳсулот тақсимланишида иш ҳакининг ҳиссаси ҳақида “уч омил” назарияси курсатиб утилган.

Яъни француз олими Ж. Б. Сей “Ишлаб чиқаришнинг уч омили” деган гоёни илгари сурган. Бу назарияга биноан товарларни ишлаб чиқаришда меҳнат, ер ва капитал тенг баб-баробар катнашади, улар ҳамма даромадлар манбаидир ва бинобарин даромадлар ҳам омиллар уртасида тақсимланади деб курсатади. Бу гоё америкалик иқтисодий олими Ж. Б. Кларкнинг қушилган омил (кейинги қушилган капитал ёки ишчи) унумдорлиги деган гоёсига асос бўлиб хизмат қилади. Ж. Б. Кларк узининг “Бойликларнинг тақсимланиши” номли асарида яратилган бойлик учала омил уртасида уларнинг ҳар бири яратилган маҳсулот миқдори (яъни унумдорлигига) қараб тақсимланади деб курсатган. Ж. Б. Сей ва Ж. Б. Кларк таълимотининг ижобий томонлари қуйидагилардан иборат.

А) Капитал, ер ва ишчи кучи (жонли меҳнат)нинг ҳар учаласи товар ёки хизматнинг нафлигини яратишда катнашиши курсатилади;

Б) Яратилган нафлилик миқдори билан бу учала омилнинг миқдори ва унумдорлиги уртасида боғлиқлик мавжудлиги, агар бу учала омил бир-бирига мос равишда миқдор ва сифат жиҳатидан ошса, товарлар ва хизматлар ҳажми ҳам қупайиши асослаб берилган.

Бу гоёларнинг камчилиги ҳам мавжуд бўлиб, улар Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитига тугри келмайди;

1. Ж. Б. Сей ва Ж. Б. Кларк товар ва хизматларда гавдаланган меҳнатнинг икки ёклама хусусиятини ва ундан келиб чиқувчи таварнинг ҳам икки хил хусусиятини тушунмаганликлари туфайли капитал ва ер-товар нафлигини яратишда катнашса-да қиймат яратмасликларини улар фақат эскиришига тенг яъни амортизация ажаратмаларига тенг қийматини янги таварга жонли меҳнат таъсирида утказишини, янги қиймат эса фақат жонли меҳнат томонидан яратилишини курсатиб бераолмаган.

2. Сей ва Кларк томонидан яратилган қушилган меҳнат унумдорлигининг қамайиб бориш қонуни турли омилларнинг бир-бирига мослиги таъминланмаган, қур-қуруна харажатлар ошириб борилган ҳамда илмий техника тараққиёти мутлақо тухтаб қолган даврга мос келиб Ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти шароитига тугри келмайди.

3. Сей ва Кларк айтганларидек Ҳозирги даврда яратилган бойлик, тугрироғи маҳсулотнинг ҳаммаси бу учала омилнинг миқдори ва унумдорлигига қараб тақсимланмайди, балки унинг амортизация ажаратмалари, марказлашган фондлар ташкил қилингандан қолган қисми шу омилларга қараб унинг эгалари уртасида тақсимланади.

Ундан ташқари Лассольчилар оқимини қуйидаги гоёлари ҳам бор. Яъни, биринчидан, улар харқандай бойликнинг манбаи меҳнат деб қарайдилар, лекин бойлик яратишда меҳнат билан бирга капитал ва ер (табиат) ҳам катнашади, иккинчидан, яратилган маҳсулотни ҳамма жамият аъзолари уртасида тенг тақсимлаш керак деб курсатадилар, бу мутлақо мумкин эмас.

Яратилган маҳсулотни тақсимлашда қуйидаги фикрларни билдирамыз.

1. Капиталга мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлса, ер давлатга қарашли бўлса, яратилган миллий маҳсулот мулк эгалари давлат, жамоа, хусусий, шахсий ва ишчи кучининг эгаси бўлган ишчи-хизматчилар уртасида турлича тақсимланади, яъни бирхилда тенг тақсимлаш мумкин эмас.

2. Яратилган миллий маҳсулотдан дастлабки шу маҳсулотни яратишда катнашган ишлаб чиқариш воситалари қиймати, амортизация суммаси ажратиб олинади, бу сумма ҳисобидан асосий ишлаб чиқариш воситаларини (асосий капитал) қайта ишланади.

3. Табиий офат ва бошқа турли хил (сугурта ажратмаси) хил тасодифий ҳодисаларнинг таъсирини бартараф қилиш, ишлаб чиқаришсиз олиб боришни қамолатлаш учун захира фондлари, қариялар, болалар, ногиронлар ва турли бошқа қам таъминланган оилаларни ҳимоя қилиш учун нафақа ҳамда ижтимоий ҳимоя фондларига ажратилади.

4. Давлатни бошқариш мамлакат муҳофафасини мустаҳкамлаш, аҳолининг тинч ҳаётини ва меҳнатини сақлаш, қуриқлаш, мамлакат миқёсида фан маданиятни таълим тизимини, соғлиқни сақлашни ривожлантириш учун фондлар яратилади. Яъни солиқлар туфайли амалга оширади.

5. Миллий маҳсулотнинг қолган қисмидан капитал, ер эгалари ва ишчи кучи эгалари уртасида тақсимланади ва жамият аъзолари ихтиёрига утади. Бу тақсимот иш ҳақи, фойза, рента ва фойда шаклдаги даромад турларини қурилишида бўлади,

Мамлакатда ишлаб чиқарилган, яратилган ички миллий маҳсулотни, шуни яратишда иштирок этган ходимларнинг сарф қилган меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб ва меҳнат унумдорлигининг ўсишига қараб тақсимладиган қисми иш ҳақи фонди деб юритилади.

Иш ҳақи мазмунини аниқлашда турли хил фикрлар билдирилган. Масалан, “Яшаш учун восита минимуми” (Д. Рикардо ва Т. Мальтусларнинг) концепциясида иш ҳақини яшаш учун зарур воситаларнинг физиологик минимуми билан бир хил деб ҳисобланади. Лекин бу тугри фикр эмас, бу минимум уз ичига ишчи кучи шаклландиган иқтисодий, ижтимоий ва маданий шарт шароитлар тугдирган эҳтиёжларни ҳам олади.

Қийматнинг меҳнат назарияси (Англия классик сиёсий иқтисодий мактаби, марксистик йўналишидаги иқтисодчилар) ишчи кучини алоҳида ўзига хос товар деб ҳисоблаганлар.

Шу сабабли бу назария иш ҳақиға товар бўлган ишчи кучи қийматининг ўзгарган шакли, яъни пулдаги ифодаси сифатида таъриф берилган ва уни ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган тирикчилик воситалари қиймати деб юритилади.

Иш ҳақини мазмунини ҳақидаги турлича таърифларни умумлаштириб, қуйидаги ҳулосаларни чиқариш мумкин.

1. Иш ҳақи тугрисидagi назарияларда унга тулик маъно берилмаган, мураккаб қур қиррали иқтисодий жараён эканлиги қурпроқ ёритилмаган, лекин ижобий мазмун мавжуд.

2. Иш ҳақининг динамикаси ҳар бир мамлакатдаги иқтисодиётнинг ёришган даражасига, яъни умумий меҳнат унумдорлиги, миллий маҳсулот ҳажми, унинг аҳоли жон бошига тугри келадиган миқдориға боғлиқ бўлади.

3. Касбни малакали лицензиялаш бу маълум меҳнат таклифини чеклаш воситаси ҳисобланади. Ишчининг таълим даражаси, мутахассилик буйича иш стажи имтихон натижаси ва шахсий тавсияларидан иборат берилади.

4. Касаба уюшмалари жамоа шартномалари тузишда монопол ҳолатга эга булган тадбиркорларга қаршилиқ курсатиши йули билан ҳам иш ҳақи ставкасини оширишга эришиш мумкин.

Иш ҳақи (қушимча тушунчалар)

Иш ҳақи ёлланма ходим даромадларининг бир қисми (элементи), унга тегишли ишчи кучига булган мулкчилик ҳуқуқини иқтисодий жихатдан руёбга чиқариш шаклидир.

Шу билан бирга иш берувчи учун ёлланма ходимлар меҳнатига юкланадиган ҳақ ишлаб чиқариш харажатларининг элементларидан бири ҳисобланади, иш берувчи меҳнат ресурсларидан ишлаб чиқариш омилидан бири сифатида фойдаланиш учун уни харид қилади.

Иш ҳақининг асосий элементи-унинг ставкасидир. Иш ҳақини тузилишидаги яна бир элемент-меҳнат фаолиятининг алоҳида натижаларидаги фарқлар (мукофотларни устама ҳақни, ишбай қушимча ҳақни ва шу қабиларни) акс эттирувчи узгарувчан қисмидан иборат. Бундан ташқари даромадларнинг ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, уларни ходим мазкур ташкилотда ишлаётганлиги учун олиш мумкин (моддий ёрдам, овқат ҳақи, йулланмалар ва даволаниш ҳақи, қимматбаҳо совгалар, қушимча тиббий ва пенсия сугуртаси ва шу қаблар).

Иш ҳақининг функциялари қуйидагилардан иборат.

1. Такрор ҳосил қилиш функцияси.
2. Рағбатлантирувчи функция.
3. Улчов-таксимлаш функцияси.
4. Жойлаштириш функцияси.
5. Аҳолининг туловга қодир талабини шакллантириш функцияси.

Бу функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги энг муҳим тамойиларга риоя қилиш зарур.

1. Ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадолигини ортиб борган сари реал иш ҳақининг ортиб бориши.
2. Меҳнат унумдорлиги ўсишининг уртача иш ҳақининг ўсиш суръатларидан илгариларча суратларини таъминлаш.

3. Ходимнинг қорхона фаолияти натижаларига қўшган меҳнат ҳиссасига, меҳнат мазмуни ва сифатларига, қорхона жойлашган минтақага, унинг қайси тармоқда мансублигига қараб иш ҳақини табақалаштириш;

4. Тенг меҳнатга тенг ҳақдир;
5. Меҳнатга ҳақ тулашни давлат йули билан бошқариш;
6. Меҳнат бозорининг таъсирини ҳисобга олиш.
7. меҳнатга ҳақ тулаш шакллари ва тизимларининг оддийлиги мантанийлиги ва қулайлиги меҳнатга ҳақ тулаш тизимларининг моҳияти ҳақида кенг хабарлар бўлишини таъминлайди.

Қорхоналарда меҳнатга ҳақ тулашни ташкил этишнинг асосий элементлари меҳнатни нормалаш, тариф тизими, иш ҳақининг шакллари ва тизимларидир.

Меҳнатни нормалаш-бу илмий асосланган меҳнат харажатларини ва унинг натижаларини вақт нормалари, сони хизмат курсатишнинг бошқарилиши, маҳсулот ишлаб чиқариш нормаланган топшириқлари нормаларини аниқлашдир.

Булар булмаса, меҳнат миқдорини, ҳар бир ходимнинг умумий натижаларга қўшган алоҳида ҳиссасини ҳисобга олиб булмайди.

Тариф сеткаси-рязрядлар шкласидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўз тариф қўэффициенти берилган ва ҳар қандай раҳряднинг тариф сеткасида ишнинг мураккаблигига қараб биринчи разрядга нисбатан ишнинг неча марта мураккаблигини курсатиб туради. Биринчи разряд қўэффициенти бирга тенг бўлади.

Тариф ставкаси-иш вақти бирлиги ҳисобига меҳнатига ҳақ тулашнинг пул билан ифодаланган мулқ миқдоридир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 8 январь 1993 йил 1-сонли ҳайъат қарорига асосан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақини ташкил қилишда фойдаланиш учун тавсия этилган. Ягона тариф сеткаси бозор иқтисодиёти талабларидан қелиб қиқиб, барча турдаги қорхоналар учун фойдаланишни ва унда талаб ва таклиф асос бўлишини тақазо этади.

Ягона тариф ставкаси ишларнинг тариф ставкаларини табақалаштириш учун тариф ставкаларини ишлаб қиқиш тамойили бўйича тузилган.

У ишчиларга ҳам, барча тоифадаги хизматчиларга ҳам ҳақ тулашнинг разрядли тизимидан иборат бўлиб, разряд доирасида қайта қилинган тариф ставкалари ва ловозим маошларини белгилашни ўз ичига олади. Сетканинг дастлабки вариантида 28 ва Ҳозирги (01. 09. 96 й.) вариантида 22 та разряд мавжуд.

Ўзбекистонда иш ҳақининг ягона тариф сеткаси.

01. 01. 93 йилда бошлаб қиритилган ягона тариф ставкаси.		01. 09. 96 йилдан бошлаб қиритилган ягона тариф ставкаси	
Иш ҳақи разрядлари	Иш ҳақи қўэффициенти	Иш ҳақи разрядлари	Тариф қўэффициентлари
0	1	0	1. 000
1	1,11	1	1. 450
2	1,23	2	1. 596
3	1,17	3	1. 755
4	1,52	4	1. 930

5	1,69	5	2. 115
6	1,88	6	2. 308
7	2,09	7	2. 510
8	2,32	8	2. 716
9	2,54	9	2. 929
10	2,78	10	3. 140
11	3,04	11	3. 358
12	3,33	12	3. 581
13	3,65	13	3. 808
14	4,0	14	4. 038
15	4,38	15	4. 271
16	4,80	16	4. 508
17	5,26	17	4. 748
18	5,76	18	4. 991
19	6,31	19	5. 238
20	6,91	20	5. 488
21	7,57	21	5. 741
22	8,29	22	5. 998
23	9,08	-	-
24	9,94	-	-
25	10,88	-	-
26	11,91	-	-
27	13,04	-	-
28	14,28	-	-

Республикада иш хакининг ягона тариф сеткаси 1993 йилда қабул қилинган эди ва унда 28 разрядли белгилаб берилган эди. Разрядлар ва шунга мос коэффициентлар 1996 йилда 22 та разрядга туширилди.

Демак иш хаки иқтисодий категория бўлиб, иш кучининг меҳнат бозоридаги талаб ва таклифга мос келтирилган қийматнинг баҳосидир. Бу баҳо пулда ва маҳсулотда уз ифодасини топади.

Иш кучининг олди-соттисида ёки шартнома асосида ёлланишида меҳнат биржалари воситачилик қилади. У 3 турда бўлиши мумкин.

1. Меҳнат шартномалари;
2. Жамоа шартномалари;
3. Бош шартномалари;

Меҳнат шартномаси буйича ишга олувчилар ва ишга қирувчилар уртасида яққа тартибда битим тузилади. Жамоа битимлари буйича ишчи-хизматчи ва ходимлар билан иш берувчи фирмалар уртасида шартнома тузилади.

Демак, иқтисодиёт назарияси иш хакига меҳнат баҳоси деб қарайди ва унга қуйидаги омиллар таъсир этади деб қўрсатади.

1. Ишчи кучининг такрор ишлаб чиқаришнинг ижтимоий омиллари.
2. Бозор омиллари.

Биринчи омилга моддий ва номодий неъматлар нархи таъсир қилади.

Иш хакини юқори ёки паст даражада бўлиши қуйидагиларга боғлиқ бўлади;

1. Меҳнат унумдорлиги;
2. Ходимнинг касб-малака маҳорати;
3. Меҳнатнинг турлари (огир-енгил);
4. Меҳнат бозоридаги рақобати;
5. Ишлаш ва яшаш шароитлари;
6. Иш кучининг ҳаракати (доимий ёки қучиб юриши).

Асосий таянч тушунчалар:

1. Меҳнат муносабатлари-меҳнат қобилиятини ишга солиш ва ундан фойдаланиш жараёнларидаги алоқалар меҳнат муносабатлари дейилади.

2. Иш хаки-бу ишчи ходимнинг маълум муддатда ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва қўрсатган хизматлари эвазига туланадиган нархни билдиради.

3. Вактбай иш хаки- ишчининг малакаси, меҳнатининг сифатига ва ишлаган вақтига қараб белгиланади.

4. Меҳнат шартномаси-Бу ходимни ишчини ишга ёллаш тугрисидаги ҳужжатдир. Бунда товар бўлган иш қучи уз қобилиятини маълум муддатга, ҳақ тулаш эвазига иш берувчига ёлланади.

5. Ишбай иш хаки- ходим, ишчи ва тадбиркор томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ва бажарган ишига қараб туланадиган ҳақдан иборатдир.

6. Вактбай иш хаки-ходим ва ишчининг ишлаган вақтига қараб туланадиган ҳақдир. (Бу вақт-кун ҳафта, ойлاردан иборат).

7. Номинал иш хаки-ходимга ишлаб чиқарган ва бажарган ишларига туланадиган пулдаги ифодасиди.

8. Реал иш хаки-Барча чиқимлардан кейин ходимни қулига оладиган пул шаклидир.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов. И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотлари чуқурлаштириш йулида. Т. 1995 й.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари «Ўзбекистон» Т. 1997 й.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда «Ўзбекистон» Т. 1999 й.
4. Меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисида Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари 8-том Т. «Адолат»-1994 й.
5. А. Улмасов, М. Шарифхужаев. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Меҳнат», 1995 йил. Дарслик.
6. Ш. Шодмонов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Молия» 2002 йил. Ўқув қўлланма.
7. Д. Тожибоева Иқтисодиёт назарияси. Т. , «Шарк» 2003 йил. Ўқув қўлланма.

13-мавзу: АГРАР МУНОСАБАТЛАР ВА АГРО-БИЗНЕС.

Режа:

1. Аграр муносабатларнинг моҳияти ва унинг бозор тизмидаги урни.
2. Ер рентаси ҳақида тушунча.
3. Рента турлари. Дифференциал рента I ва дифференциал рента II.
4. Агробизнес ва унинг турлари.

Халқ хужалигининг энг муҳим соҳаларидан бири қишлоқ хужалиғидир, у иқтисодиётининг муҳим бўғинидир. Қишлоқ хужалиғида:

1. Озик- овқат маҳсулотлари;
2. Саноат тармоқларига хом ашё;
3. Шаҳар аҳолисига қишлоқ хужалиқ маҳсулотлари;
4. Қишлоқ аҳолисига озик - овқат, сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштирилади.

Республикада саноатнинг қўпгина тармоқларини, пахта тозалаш, туқимачилик, қимё саноатини, қишлоқ хужалиғи машинасозлигини ривожлантириш истикболлари қишлоқ хужалиғига боғлиқдир. Қишлоқ хужалигини ривож ер билан бевосита боғлиқдир. Ерга эгалик қилиш, тасарруф этиш ва ундан унумли фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар аграр муносабатлар дейилади.

Аграр муносабатларда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мулкчиликни янги шаклларини вужудга келиши, муҳим масаладир.

Қишлоқ хужалиғида ислохотлар давом этиб, у борган сари чуқурлаштирилмоқда. Аграр муносабатларни янги турини барпо этилиши объектив заруриятга айланиб бормоқда.

Қишлоқ хужалигини эски усули билан бозор муносабатларини қуриш мумкин эмас. 1995 йил Ялпи ички маҳсулотнинг 24 фоизи аграр секторда яратилган эди. Халқ хужалиғида банд бўлганларининг 37 фоизи аграр секторда ишлаган эди. Ҳозирги вақтда 3 млн киши ишламоқда. Аҳолини ярмиси қишлоқда яшайди. Миллий даромадни 45-48 фоизини беради.

Саноатни ривожланиши шу соҳасига бевосита боғлиқ (Пахта тозалаш, туқимачилик, енгил саноат, озик-овқат, қимё саноати, қишлоқ машинасозлиғи).

Қишлоқ хужалиқ маҳсулоти, айниқса пахта Республика ҳаёти учун энг муҳим хом ашёдир. Шу ҳисобдан озик-овқат, дори- дармон, техника ва технологиялар сотиб олинади.

Аграр секторда ислох қилиш –ерга бўлган муносабатларини тубдан, узгартиришдир, чунки ер бебаҳо бойлик манбаи ҳисобланади:

1. Ер асосий ишлаб чиқариш воситаси;

2. Ер хом ашё манбаидир;
3. Ер хужалик объектидир.

Кишлокда ҳам ислохотни давлат утказади, шу туфайли кишлок хужалик корхоналарини кайтадан ташкил этилмокда, яъни дехкон (фермер) хужаликлари ташкил этилмокда. Кишлокда давлатга карашли булмаган сектор мулкчиликни янги тури ривожланмокда. Бутун аграр сиёсатининг мухим масаласи- негизи- ерга мулкчилик масаласидир.

«Ер тугрисида»ги қонун 1998 йилда қабул қилинди. Конституцияда ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узок муддатда (30-50 йил) ижара шартлари билан топшириши мумкинлиги ёзиб қўйилди.

Кишлокда бозор муносабатларнинг ривожланишига, дехконнинг хужайинлик ҳисини қайта тиклашга ерни мерос қилиб қолдириш ҳукуки билан умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш орқали эришилади.

Ўзбекистонда 4,2 млн. гектар сугориладиган ер бўлиб, шуларнинг 50 фоизидан сал купроги яхши мелиоратив ҳолатда, қолганларини ҳолати яхши эмас. Кишлокдаги давлат хужаликларини жамоа хужаликларига айлантирилди ва у давом этмокда.

Кишлокда бошқарув тузилмаларини қайта ташкил этиш жараёнида бирламчи кишлок хужалиги бугини-фермер хужаликлари бўлиши керак деб лозим топилди. Фермер хужаликларини бирлаштирадиган ва уларга хизмат қиладиган, йул-йурик курсатадиган ва моддий –техникавий таъминот, техника, агрокимё хизмати курсатиш масалларида ёрдам берадиган кооператив бўлиш керак.

Фермер хужаликлари кишлок хужалик ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият курсатмокда. Фермерларни ривожланиши учун яхши хизмат курсатувчи-агро фермерлар, машина-трактор парклари, таъмирлаш. Ўзбекистонда 4,2 млн. га сугориладиган ер мавжуд бўлиб, 1995 йилда 2,5 млн. сумлик кишлок хужалик муносабатлари ишлаб чиқарилди.

1992 йилдан бошлаб 1137 давлат хужалигидан 1066 таси мулкчиликнинг акциядорлик, жамоа, ижара шаклидаги корхоналарга айлантирилди. Уларни негизда 530 жамоа хужалиги, 350 кооператив, 100 дан ортик ижара корхоналари шаклланган эди.

1994 йилда 2,7 млн. тонна, 1991 йилга нисбатан 44 фоиз купрок етиштирилди. 1995 йилда барча хужаликларда 4,4 млн тоннадан ортиқроқ, шу жумладан 3,5 млн тоннадан ортик бошоқли дон етиштирадиган бўлса, 2003 йилда 5 млн. 100 минг тонна етиштирилди.

Бозор иқтисодиёти халқ хужалигининг барча тармоқларини қамраб олади. Жумладан кишлок хужалиги ҳам бозор иқтисодиётини таркибида мухим урин эгаллайди.

Кишлок хужалиги халқ хужалигининг энг йирик соҳаларидан бири бўлиб, етиштираётган ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 30 фоизини ишлаб чиқармокда, барча миллий даромаднинг 45, 3 фоизини кишлок хужалигининг ҳиссасига тугри келади. Бу тармокда 1991 йилда 971 жамоа хужалги ва 1137 давлат хужалиги фаолият курсатиб, улар халқ хужалигида банд бўлганларнинг 41,5 фоизини узларида бирлаштирган эди. Мамлакат умумий аҳолисининг 60 фоизи кишлокда яшайди, халқ хужалигида мавжуд барча ишлаб чиқариш асосий фойдаларнинг 21,1 фоизи кишлок хужалиги ихтиёрига тугри келади.

Барча экин майдонлари 4 млн. 300 гектарни ташкил этади, шундан 1 млн. 80 минг гектарига галла (ҳозир 1 млн. 352 минг гектар), ёки 25,7 %, 1 млн 761 минг гектарига техника экинлари (41,9%), 294,3 минг гектарига картошка ва полиз-сабзавот (7,6%), барча техника экинлари майдонининг 97,7 % ни пахта эгаллайди, чорва-озука 25 % ни ташкил этади.

Кишлок хужалиги бозор иқтисоди учун мухим соҳадир, чунки озиқ- овқат маҳсулотлари, саноат учун хом- ашё шу соҳада етиштирилади. Кишлок хужалигини ривожлантириш асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер билан бевосита боғлиқдир, чунки инсон уз меҳнатини, меҳнат қуроллари орқали ерга йуналтиради.

Ер билан боғлиқ булган иқтисодий алокалар, аграр муносабатлар дейилади.

Бу муносабатларнинг объекти ер булса, унинг субъектлари ер эгалари, ерда хужалик юритувчилар, ерга меҳнат сарфловчи кишилар ҳисобланади. (Ижарачилар, ширкатлар, пайчилар, фермерлар, тармокчилар булиши мумкин).

Аграр муносабатлар 4 соҳани уз ичига олади.

1. Эғалик килиш;
2. Фойдаланиш;
3. Тасарруф этиш;
4. Узлаштириш.

Аграр муносабатлар 4 соҳани узида ифода этади:

Биринчи соҳа - Кишлоқ хужалигига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган саноат тармоклари, техника хизмати курсатадиган тармоқлар;

Иккинчи соҳа – Кишлоқ хужалигида таркибига кирадиган фирмалар, корхоналар ва турли шаклдаги ишлаб чиқарувчилар;

Учинчи соҳа – Кишлоқ хужалигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ларини истеъмолчиларга етказиб, беришни таъминлайдиган тармоқлар (тайёрлаш, саклаш, ташиб бериш, қайта ишлаш ва сотиш)

Тўртинчи соҳа - Инфраструктура тармоклари, бунга ишлаб чиқаришнинг ва кишилар фаолиятининг шарт-шароитларини таъминлаб борадиган хужалик тармоклари (йул-транспорт хужалиги, алоқа, моддий булмаган ишлаб чиқариш тармоклари): Инфраструктурани узи 2 қисмга булинади:

1. Ишлаб чиқариш инфраструктураси;
2. Ижтимоий (социал) инфраструктура-турар жой, маданий-маиший хизмат тармоклари, савдо, умумий овқатланиш соҳалари ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти шароитида аграр муносабатларнинг таркиби ва тузилиши узгаради ва ҳаракати узига ҳос хусусиятларга эга булади:

Ер товарга айланади, ерга ҳилма-ҳил мулкчилик қарор топади, ер ишбилармон ва тадбиркорлик объектига айланади, ер гаровга қуйилади, агробизнеснинг маҳсус фаолият турига айланади, ер учун пул шаклида режа ундирилади, буларни ҳаммаси бозор иқтисодиётини талабидан келиб чиқади. Аграр муносабатларда ер маҳсус ресурс булгани учун ҳам иқтисодий алокаларда унинг бетакрор урни бор ва узига ҳос хусусиятларга эгадир. Масалан, кишлоқ хужалиги юртилади, саноат, қурилиш корхоналари жойлашади, ер устидан ва остидан йуллар утади, урмон хужаликлари юритилади, турар-жой ва маданий-маиший бинолар қурилади.

Маълумки, кишлоқ хужалигидаги ишлаб чиқариш икки ёқлама ҳарактерга эга, бериладиган, иқтисодий жараён булса, инсон меҳнати жараёнида юз берса, уларга эғалик килиш муносабти (монополия) жихатидан икки ҳил булади:

1. Мулк монополияси;
2. Хужалик юритиш объекти сифатида эғаллаб олинади. Ерлар эғалик булади, унда турли хужалиқлар ташкил топади, эғасининг розилиги билан бошқа бировга вақтинчалик ёки доимий ишлатиш мақсадида – тадбиркорга ёки ижарачига берилиши мумкин.

Ердан ҳақ тулаш шарти билан маълум муддатда, фойдаланиш юзасидан ташкил топадиган узаро иқтисодий алокаларга ижара муносабатлари дейилади.

Бунда ер эғаси ижарага берувчи, ерни ишлатувчи эса ижарага олувчи булиб, улар уртасидаги иқтисодий алоқа ижара битими билан расмийлаштирилади. Бу жараёнда ижарачи хужалик юритишда мустақил ҳисобланади, аммо у мулк эғаси булаолмайди, ер эғасига ижара ҳақини тулаб туради. Ижара ҳақи рента қуринишида юзага чиқади. Ердан фойдаланганлиги учун унинг эғасига бериладиган қисмидир. Агарда ерни уз эғаси ишлатса, у қушимча маҳсулот ярата олса, бу қушимча маҳсулот реализация қилингандан кейин фойда қуринишида вужудга

келади, лёкин у рентага кирмайди. Бу фойда ер эгаси булиши тадбиркорники булади. Агар ер ижарага берилса, кушимча махсулот хисобидан ер эгасига рента-даромадини тулайди. Рента кушимча махсулотнинг уртача фойдадан ортик кismiдир. Яъни, $P^1 = \frac{P}{k} \times 100 \%$ билан аникланади. Бундан P^1 –уртача фойда нормаси, P –олинган фойда, K –ишлаб чиқаришга солинган капитални умумий суммаси веки ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади.

Хар бир ижарачи субъект уз ихтиёрига олинган ердан нормал фойда олиши ва рента тулаши лозим.

Олинадиган фойданинг микдори ва массаси ер участкасининг табиий хосилдорлигига ва иқтисодий хосилдорлигига, сарфланадиган харажатларга бевостиа боғлиқ булади.

Ерга талаб ошиб, бориши билан уни таклифи купаймайди, аммо рента туловлари ошиб бориши мумкин, чунки ернинг микдори чекланган. Масалан, 1 гектарга туланадиган рента тулови 200 минг сумдан 500 минг сумгача ошгани билан ерни микдори узгармайди. Рентани шакилланиши билан боғлиқ булган жараёнларни, рента турлари оркали ифодалаш мумкин.

Ер мулк сифатида кимгадир тегишли булади. Ер эгаси уз манфаати учун ерни турли хил шаклларида ишлатиш мумкин. Масалан, дехкончилик килади, корхона ёки турар жой биноларини куради, сотади, гаровга куяди, ижара хаки олади. Демак, ерни ишлатиб пул топиш усуллари турли-тумандир. Бозор иқтисодиёти тизмида ерни ишлатишдаги кенг таркалган усул уни ижарага бериш ва ундан рента тулови олиш мақсадга мувофиқ.

Хозирги кунда рентанинг куйдаги турлари мавжуд.

1. Дифференциал рента.
2. Монопол рента.
3. Абсолют (мутлак) рента
4. Курилиш участкаларидан ва ундирма саноатида олинадиган рента.

Рента абсолют рента ер участкаларининг сифатига боғлиқ булмаган туловдир, чунки ер эгалари кандай ерга эгалик килмасин, у ер ижарага берилган булса, албатта рента талаб килади. Рента ҳамма ердан олинади, лёкин микдоран ёмон ва хатто энг ёмон ерлардан олинган рентага тенг булади.

Масалан, хар бири 10 гектардан иборат булаан ер участкаси ижарага берилган булса, булардан энг яхшиси «А» участка, уртачаси «В» участка, ёмонни «С» участка деб белгиланган. «С» дан 500 минг доллар рента олинади. «А» участкадан 800 минг доллар рента олинади. Ундан 300 минг доллар ерни сифати учун колган 500 минг доллари ер учун, «В» участкадан 700 минг доллар булиб, 200 минг доллари ер сифати учун 500 минг доллар микдори барча участкалар учун абсолют рента деб аталади.

Ернинг сифатига караб олинадиган ва рентанинг абсолют рентадан ортикча кismi дифференциал (табакалашган) рента деб аталади.

Ернинг хосилдорлиги икки хил булади:

1. Таббий хосилдорлик
2. Иқтисодий хосилдорлик

Тупрокнинг тузилиши хар хил булгани учун сарф килинган бир хил микдордаги харажат хисобидан хосилдорлик –натижа хар хил булади.

Масалан, микдори тенг булган икки участкага бир хил моддий ва меҳнат ресурслари сарфида бирида хосилдорлик 25 центнер, иккинчисида 20 центнер ташкил этади.

Ерга кушимча ресурс сарфлаш, ишлов бериш оркали, унинг холатини узгартириш, унумдорлиги ошиши йули иқтисодий хосилдорлик деб аталади. Дифференциал рента икки турдан иборат булади. Дифференциал рента I ва дифференциал рента II. Дифференциал рента –I тупрокнинг табиий хосилдорлигига ва ер участкасининг жойлашувига караб олинади.

Ер участкалари ута яхши, яхши, уртача, ёмон ва ута ёмон ерларга булинганлиги учун, ёмон ва ута ёмон ерлар экилганда улардан олинадиган махсулотларга кетган ишлаб чиқариш харажатлари нарх учун асос булади, бу харажатлар бозор нархи орқали копланadi, бундан ташқари нархга абсолют рента ҳам киради. Кишлоқ хужалиги махсулотларининг бозор нархи бир хил, лекин уртача харажатлар эса ерга қараб ҳар хил булганлиги сабабли, бозор нархига асос булган ёмон ердаги харажатлар билан бошқа сифатлироқ ердаги харажатлар эса ерга қараб ҳар хил булганлиги сабабли, бозор нархига асос булаг ёмон ердаги харажатлар билан бошқа сифатлироқ ердаги харажатлар уртасида фарқ мавжуд булади. Ана шу фарқ дифференциация рента 1ни асосини ташкил этади.

Кишлоқ хужалигида махсулотлар ишлаб чиқарадилар экан, уларни ишлаб чиқариш маълум миқдорда сарфларни талаб қилади. Бу сарфлар-харажаталар номи билан аталади ва унга моддий, меҳнат сарфлари ҳамда ер рентаси ер эканланганлиги иқтисодий жиҳатдан амалга ошириш (реализация қилиш) нинг шаклидир. Ер рентасисининг бир қанча қуринишлари бор.

1. Баршчина (ишлаб бериш);
2. Оборк (натурал солиқ);
3. Пул солиги. Бу феодализмдаги рентадир.

Абсолют рента; Дифференциал (табақалашган) рента I ва II, Монопол рента; мутлоқ рента, қазилма бойлиқлар, қурилиш жойлашган ерлардан олинадиган рента.

Ер участкаларининг унумдорлиги ва жойлашган жойидаги фарқлар натижасида вужудга келадиган қушимча даромаднинг (қийматининг) бир қисми рента шаклини олади ҳамда у дифференциал рента деб аталади.

Ижара ҳақи, ердан фойдалангани учун рента ерга илгари сарфланган капитал учун фоиз, иншоотлар учун Амортизациядан иборат булади.

$$И. X = R + r + A \quad (1)$$

Ернинг баҳоси қуйдагича аниқланади.

$$R$$

$$Е. Б = \frac{R}{\text{ч}} * 100 \% \quad (2)$$

$$\text{ч}$$

$$B = \frac{R}{\text{ч1}} \times 100\% \quad (3) \text{ Б-ер баҳоси; R-рента ч}^1 \text{ ссуда}$$

фоизи нормаси.

Ернинг нархи иккита миқдорга бўлиқ;

1. Ер участкаси эгаси олиши мумкин булган ер рентаси миқдорга
2. Ссуда фоиз меъёрига.

Нормал фойда ва рента киради. Агар махсулот сарф қилинган харажатлар негизидаги нархларда сотилганида сифатли ерларда рента вужудга келади. Қуйдаги жадвал-1 да рентани ҳосил бўлиши Дифференциал рента II нинг ҳосил бўлиши. Дифференциал рента I.

№	Ер сифати	ер миқдор ига	Ялпи ҳосил центнер	Жами харажатлар минг сум	Уртача харажатлар ҳисобида 1 ц. ҳисобида	1. ц махсулот -нинг бозор нархи минг сум	1 ц. учун ҳисобланган дифрента минг сум	1 га ерга ҳисобланган диф. рента минг сум
1	Ута ёмон	1,0	15	120,0	8,0	8,0	0	0
2	Ёмон	1,0	18,0	120,0	6,67	8,0	1,33	23,94
3	Уртача	1,0	20,0	120,0	6,0	8,0	2,0	40,0
4	Яхши	1,0	22,0	120,0	5,45	8,0	2,55	56,1
5	Ута яхши	1,0	25	120	4,8	8,0	3,2	80,0

Хулоса килиб айтишимиз мумкинки, дифференциал рента I- ернинг табиий унумдорлигига боғлиқ булиши билан бир каторда ер участкаларини бозорга нисбатан жойлашган масофасига ҳам, транспорт воситалари билан боғланишига, уларни хизмат хакларига ҳам бевосита боғлиқ булади.

Дифференциал рента II тупрокнинг иктисодий хосилдорлигига эриштириш йули билан хосил булади. Яъни ерга кушимча ресурслар, маблаглар сарфлаш оркали рента хосил килинади.

Дифференциал рента II- нинг хосил булиши.

	Сифати бир хил ер участкалар	Ер микдорига	ерга килинг ан дастлабки сарфлар минг сум	ерга килинг ан кушимча сарф млн. сум	Хосилдорлик га/ц	Ялпи хосил ц.	жами харажатлар млн сум	бир ц. хосил харажатлари минг сум	бир ц. махсулот нархи минг сум	жами дефрента 2 минг сум	1 га учун хисобланган дефрента	минг сум
	A	8,0	800,0	-	20,0	160,0	800,0	5,0	5,0	0	0	
	B	6,0	600,0	200,0	30,0	180,0	800,0	4,4	5,0	108,0	18,0	
	C	5,0	500,0	350,0	40,0	200,0	800,0	4,0	5,0	200,0	40,0	

Рента яна бир турни монопол рентадир. У алохида иклимга, табиий шароитга эга булган ерларда етиштирадиган уша ноёб махсулотлар келтирадиган даромад хисобидан туланидиган рентадир. Масалан, чой, кофе, цитрус усимликлар мандалин, хурма, апельсин, махсус ёғоч кизил ёғоч ва бошқа усимликлар киради. Уларга талаб катта булса ҳам таклиф кам булади, чунки ҳамма жойда уни етиштириб булмайди. Шунинг учун ҳам улар монопол нархда сотилади.

Улардан ташкари ер бойлик манбаи, мулк булганлиги учун ундирма саноатда, курилиш участкаларида ҳам рента хосил булади. Рента туловчилар учун харажат хисобланади, ер эгалари учун эса даромад булади, у пул шаклида ва натурал- махсулот тарзида ҳам тулаши мумкин.

Рентани махсулот шакли 20 асрнинг бошларида Ўзбекистонда амалга килган, дехконлар ерни хосилбай ижарага олганлар ижара шартига караб, рентани ялпи хосилнинг 4,1, 3,1 ёки тенг ярми микдорда ер эгалари олишган. Бундай дехконларни Фаргона водийсида чорикор, Хоразм вохасида яримча деб атаганлар. Рента тулови ижара хакига киради, лекин у микдор жихатдан ижара хакига тенг эмас. Рентадан ташкари ерга аввалдан солинган капитал хисобидан процент ва воситалардан фойдаланганлиги учун амортизация ҳам туланади.

Ер кийматига эга эмас лекин бозор муносабатлари шароитида ер сотилади, унинг нархи мавжуд.

Р

$$E_n = \frac{P}{P} * 100 \%$$

П

Бунда E_n – ер нархи, Р – рента, П – ссуда фоизи.

Масалан, 1 гектар ер учун 12 минг доллар рента туланади, шу маблаг банкка куйилганда йилига 10% усади.

$$E_n = 12000 : 10 * 100 = 12000 \text{ доллар булади.}$$

Бозор иктисодиёти шароитида «Бизнес» деган механизм ишлатилади. «Бизнес» ингилиз тилидан олинган булиб, сохибкорлик тижорат ишлари билан шугулланиш пул топиш мақсадида бирор иш билан банд булиш деган маънони билдиради.

Агробизнесни фаолиятида аҳолини озик-овкат махсулоти билан саноатни эса хом ашё билан таъминлаш мақсадида у горизантал ва вертикал интеграция билан алокалар урнатади. Ўзбекистонда ҳам бизнес фаолият курсатмокда, униг бирламчи бугини фермер (дехкон) хужалиги хисобланади, у кичик бизнес таркибига киради, оилавий фермер хужаликлари ҳам бор.

Фермер хужаликлари афзал усул булиб, у куйидаги афзалликларга эгадир.

1. Мулк ва меҳнат бевосита кушилади, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш мақсадли эмас. Фермер узи учун ишлайди.

2. Фермер мустақил булади, унинг фаолиятини бозор қонунлари бошқаради.

3. Фермер хужалигида тадбиркорлик ва меҳнат функциялари узвий кушилади.

4. Фермер хужалигида кам фойда билан ҳам кун кечириш мумкин, давлат ҳам ёрдам бериб туради.

5. Фермер учун уйи, оиласи истикомат қиладиган жой, даромади ишонган таянчи ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг агробизнес комплексида 1990 йилда барча ишловчиларнинг 45 % банд бўлган, асосий фондларининг 40 % яппи маҳсулотни 50% миллий даромаднинг 35 % яратилди. АҚШ 1987 йилда фермер хужалигида 2млн 636 минг киши ишлаган. Шундан 888 минг киши 35% ёлланма ишчилар қолган 66, 5% фермернинг узи ва оила аъзолларини ташкил этган.

Ўзбекистонда Ҳозирги кунда 101 мингта, Қашқадарё вилоятида 15265 та фермер хужалиги мавжуд. Фермерчилик борган сари қупайиб боради ва давлатга қарашли ерда фаолият қурсатади.

Агробизнесни яна бир тури агро фирма булиб, у ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш билан шугулланади ва тайёр товар яратади, масалан чорвачилиқда сутни етиштириш ва уни қайта ишлаш орқали истеъмолга тайёр товар шаклида етказиб беради. Унинг яна бир тури агро саноат бирлашмаларидир. Бу бирлашмалар бир нечта хужалик ва қорхоналар фаолиятини интеграциялаш туради. Бунда ишлаб чиқаришнинг бир неча узаро боғланган турлари, уларга хизмат қурсатувчи ва тижорат иши билан шугулланувчи қорхоналар қиради. Масалан, мевачилик ва сабзавотчилик билан шугулланувчи хужалиқлар улар маҳсулотини қайта ишловчи заводлар, цехлар, тайёр маҳсулотларни сотувчи, магазинлар уларни ҳамасига ресурслар етказиб берувчи бўлинмалар бирлашмани ташкил этади.

Бунда хусусий мулк эгалари жамоа кооператив мулк эгалари, фермерлар ассоциацияси (уюшмаси) ҳамда иттифоклари қиради.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, агробизнес юқори меҳнат унумдорлигини вужудга келтиради. Фермерлар сони қисқариб борган тақдирда ҳам маҳсулотлар ишлаб чиқариш, етиштириш қупайиб боради.

Бирорта мисол келтирадиган бўлсак, ривожланган мамлакатда ишловчиларни сони 40 % дан 2 % гача қамаяди десак, маҳсулот ишлаб чиқариш қамаймайди, битта ишловчи ҳисобидан 4-6 кишини боқиб имконияти яратилади. Албатта фермер хужаликлари юқори техника ва технологияга асосланса, ходимлар сонини қамайтириш мумкин ва маҳсулот ишлаб чиқаришни қупайтириш мумкин булади.

AGRAR ISLOHOTLARNI CHUQURLASHTIRISH SANOATIDA DEHKON HAJALIKLARINI RIVOJLANTIRISH

Агросаноат тизимида ва унинг олдидан энг муҳим муаммолардан бири мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим уринни эгаллаётган деҳқон хужалиқларининг эришган ютуқларини таҳлил қилиш ва уларнинг ривожланишига тусик бўлаётган ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг ечимини топишдан иборатдир.

Маълумки хужалик юритишнинг бу шакли аввалги шахсий томорқа эгалари негизида ташкил бўлди ва уларнинг мақоми 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Деҳқон хужаликлари тугрисида»ги қонун билан белгилаб берилди. Қишлоқ хужалигида ислохотлар туфайли мулкчилик шакллари узгаради, хусусан деҳқон хужаликлари ривожланиши қишлоқ хужалигида салмоқли урин эгалламоқда. Мамлакатда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 66 % шу жумладан деҳқончилик маҳсулотларининг 43,4 % ни ва чорвачилик маҳсулотларининг 89 % ни ишлаб чиқармоқда. 2000 йил уларга 394,4 минг гектар ер берилган бўлса, 2002 йилда, 550 минг гектарни ташкил этди.

Натижада, деҳкон хужаликларининг ер майдонлари иморат ва ховли сатҳини ҳам кушиб ҳисоблаганда у сугориладиган ерларда 0,35 гектарни, сугормайдиган (лалмикор) ерларда эса 0,5 гектарни ва чул ҳамда чул олди ҳудудларида бир гектарни ташкил қилмоқда.

Шундан 0,06 гектар микдордаги томорка участкасини умрбод фойдаланиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан берилди. Бугунги кунда мамлакатда 3,5 млн га яқин деҳкон хужаликлари фаолият қурсатмоқда. Агар уртача оила коэффицентини 4,5 деб оладиган бўлсак, 15 млн. киши деҳкон хужалиғи маҳсулотидан бевосита фойдаланади. Ҳозирги кунда деҳкон хужалиғида 8 млн. ишга яроқли киши иш билан банд қилинган.

Деҳкон хужалиғи ривожланишига қуйидаги омиллар орқали таъсир қурсатиш мумкин.

1. 3,5 млн ортик оила 15 млн дан ортик аҳолининг турмуш тарзи, уларнинг асосий ва қушимча даромад манбаидир.

2. 8 млн. киши иш жойлари билан банд қилиш;

3. Мамлакат аҳолисига зарур бўлган озик-овқат маҳсулотларининг 66 фоизини етказиб бериш;

4. Шу жумладан, сабзавотнинг 91 фоизи;

5. Картошканинг 89 фоизи;

6. Чорва маҳсулотларининг 89 фоизи;

7. Кишлоқда ишсизликни камайтириш ва ва қушимча иш жойлари ташкил қилиш;

8. Маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш ҳисобига йил давомида аҳоли таъминотини яхшилаш;

9. Кишлоқда кичик ва урта бизнесни ривожлантириш базаси;

10. Кишлоқ ижтимоий ҳаётини яхшилаш;

Мамлакат аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам деҳкон хужаликлари муҳим роль ўйнамоқда. Шахсий томорка ҳам деҳкон хужалиғини таркибига қиради.

Ҳозирги кунда деҳкон хужалик қаромоғида 3,226 минг йирик шохли қора моллар бор. Улар томонидан мамлакатда ишлаб чиқарилаётган сутни 90 фоизи ва гуштнинг 91 фоизини етиштириб бермоқда.

Ҳар 10 та деҳкон хужалиғига 13 та мол боқиш, шу 4 жумладан, 6 бош йирик шохли мол ва 17 бош майда шохли мол ва 17 бош майда шохли моллар тутри қелади.

Ҳар 100 сигирдан олинаётган бузоклар сони 54 бошни, ҳар бир сигирдан йилига соғиб олинаётган сут 1603 литрни ташкил этмоқда.

Мамлакат бўйича 35 фоиз деҳкон хужаликларида бирорта ҳам мол боқилмоқда. Бу эса 1 млн деҳкон хужаликларида чорва моллари йўқлиғини қурсатади. Бу хужаликлар уртача бир бошдан мол сақласа, умумий мол бош сони 1 млнга қупайтириш мумкин.

Халқ хужалиғи бир-бири билан ўзвий боғланган тармоқлар ва соҳалар мажмуасидан иборат. Бу мажмуа таркибига микро ва макроиқтисодиёт қиради ва улар ўртасидаги боғланиш Мезоиктисод (юнон. mesos-оралик) алоқаларини ташкил этади. Кишлоқ хужалиғи тармоқларида 3 млн киши ишлайди, Республика аҳолисининг 63 фоизи кишлоқ жойларида истиқомат қилмоқда, Республика миллий даромадини 47 фоизи кишлоқ хужалиғида яратилади, валюта тушумини 50 фоизи аграр сектордан олинади. Кишлоқ хужалик маҳсулотларини 100 фоизи нодавлат тармоқларида ишлаб чиқарилмоқда, Ҳозирги кунда кишлоқ хужалиғини ялпи ички маҳсулотларидаги ҳиссаси 30 фоизни ташкил этади. Қелтирилган статистик маълумотлар кишлоқ хужалиғини иқтисодиётда тутган ўрни ниҳоят бекиёс ва унга ҳос Агросаноат интеграцияси –кишлоқ хужалиғи билан унга хизмат қилувчи ва маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи туташ тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларининг ўзвий бирикиш жараёнидир.

Агросаноат мажмуаси (АСМ)-бу кишлоқ хужалик маҳсулотлари етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан шугулланувчи халқ хужалик тармоқларидир.

1. Кишлоқ хужалиғига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган саноат тармоқлари;

2. Кишлоқ хужалигига ишлаб чиқариш техника хизмати курсатиш билан банд булган тармоқлар;
3. Кишлоқ хужалигини узи;
4. Кишлоқ хужалиги махсулотларини истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган тармоқлар (тайёрлаш, кайта ишлаш, саклаш, ташиш, сотиш)

Аҳолининг кундалик истеъмол киладиган махсулотларининг асосий қисми кишлоқ хужалиги ва уни кайта ишладан олинган махсулотлар ташкил килади. Кишлоқ хужалигидаги фаолият ер билан бевосита боғлиқ. Ер шари 510 млн кв км ни ташкил этади, уни 13 фоизи ишлов бериладиган ерлардан иборат.

Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хусусиятларига кура таркиб топган иқтисодий алоқалар (богланишлар) аграр муносабатлар деб юритилади.

Республикада кишлоқ хужалигида фойдаланадиган ерлар, 146,7 минг. га утлоқлар, 14. 138,6 минг га яйловлардан иборат. Сугориладиган ерлар 3. 450 минг гектарни ташкил килади.

Кишлоқ хужалигида меҳнат, саноатдан фарқ килади. Саноатда тупланган энергия сарф қилинади. Кишлоқ хужалигида уни туплаш керак. Кишлоқ хужалигида меҳнат иқтисодий жараёнга айланади.

Кишлоқ хужалигида меҳнат, экилган экиннинг нормал узиши, яхши ҳосил беришига қаратилган булади.

Аграр секторда бир катор муаммолар мавжуд. Киска муддатли муаммолар-кишлоқ хужалиги махсулотларига талаб ва таклифнинг ноэластиклиги, кишлоқ хужалигида ишлаб чиқариш ҳажмининг узғариб туриши, турли омиллар таъсирида келиб чиқади.

1. Кишлоқ хужалик махсулотларига талаб даромадга нисбатан ҳам, нархга нисбатан ҳам ноэластик.

Гарб иқтисодчиларини ҳисоб-китобига кура, талаб эластиклиги коэффиценти 0,20 дан 0,25 гача ҳолос. Кишлоқ хужалик махсулотларига булган талаб, 2 фоиз ортиши учун аҳоли даромадлари 10 фоизга купайиши керак экан. Кишлоқ хужалик махсулотларига булган талабни 10 фоизга ортиши учун нархлар 40-50 фоизга тушиши керак. Кишлоқ хужалигида таклиф ҳам ноэластик. Бунда нафакат ер таклифи ноэластик булиб қолмай, кишлоқ хужалик махсулотлари таклифи ҳам ноэластикдир.

2. Ишлаб чиқариш ҳажмини узғариши уларнинг нархлари ва даромадни анчагина узғаришига олиб келади. Масалан, сел, қурғокчилик, қутилмаган аёз ва бошқа фалокатлар ҳам ҳосилни йукотишга сабаб булиши мумкин ва аксинча кишлоқ хужалик махсулотлари бозори эркин, мукамал рақобатга асосланган. Бозорда ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда, нархларини назорат киладиган хужалик юритувчилар йук. Ишалаб чиқарувчилар сони жуда куп, улар махсулотларни турларини ишлаб чиқариш бўйича келиша олишлари кийин. Шу сабабли гоҳ махсулотлар турлари куп, гоҳ махсулотлар кам булиши табиийдир. Кишлоқ хужалик махсулотларини куп турларини узок муддат саклаб булмайди. масалан, Ўзбекистонда 5 млн. 500 минг тонна мевалар етиштирилса-да хар йили уни бир млн. тоннаси исроф булиб кетмоқда. Кишлоқ хужалиги махсулотларга булган талабни ноэластиклиги бу тармоқда баҳо ва даромадларни бекарорлигини келтириб чиқаради.

3. Ички талабнинг тебраниши катор муаммоларини келтириб чиқаради.

1. Фан –техника таракқиети билан кишлоқ хужалик махсулотлари таклифининг кескин купайиши, банд булганлар сонининг каисқаришига олиб келади. Мисол келтирадиган булсак, АКШ да 1820 йили кишлоқ хужалигида банд булган бир киши 4 одамни боқиш ва кийинтиришга имкон берган, 1947 йилга келиб 14 киши, 1994 йилдан бошлаб 125 кишини таъминлаш даражасига етган.

2. Кишлоқ хужалик махсулотларига талаб нисбатан сёкин усади сабаби, кишлоқ хужалик махсулотларига талаб факат нархга нисбатан эмас, балки даромадга нисбатан ҳам эмас, балки даромадга нисбатан ҳам ноэластик жамият тараккий қилган сари инсонлар даромадларининг куп қисмини кишлоқ хужалик махсулотларига эмас, балки бошқа нарсаларга купрок сарфланади. Албатта, аҳоли бор даромадини энг биринчи кундалик эҳтиёжларига, асосий қисмини озик-овкатга сарфловчи кам тараккий этган мамлакатларда аҳолининг узиш суръатлари юкори.

3. Барча мамлакатларда аграр секторда банд булганлар даромади, бошқа тармоқларда банд булганлар даромаднинг 60-80 % ини ташкил этади. Бу курсаткич Республикада 58 % га тенгдир.

Кишлок хужалигида меҳнат унумдорлиги энг юкори булган АКШ да ҳам 73 % фермер, йилига 100 минг долларгача махсулот ишлаб чикаради. 48 % фермер хужаликлари, 5 минг долларгача махсулот ишлаб чиқариш хажмини атиги 3,6 % ини ташкил этади. АКШ да оиланинг уртача даромади 30 ёки 31 минг доллар булса, фермерлар шунча даромадни топиши учун 100 минг доллар атрофида махсулот ишлаб чиқариш зарур. Кишлок хужалигида банд булганлар бошқа тамокларга кучиши кучаяди.

Кишлок хужалигидаги иқтисодий ислохотлар ва уни чуқурлаштириш муамолари.

Мамлакатда утказилиши лозим ва муқаррар булган иқтисодий ислохотлар, авваломбор, Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ва унинг мустахкам моддий негизини таъминлашга қаратилди. Бунинг учун авваломбор, стратегик мақсадлар белгилаб олинган яъни:

1. Ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма босқич шакллантириш, кудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган миллий бойлик ортиришни кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитлар таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш.

2. Қуп укладли иқтисодиётни яратиш, инсонни мулкдан маҳрум бўлишига барҳам бериш, ташаббускорлик ва уддабуронликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизи булган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш уларни хужалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувида воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий буйруқбузлик усуллари бартараф этиш иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш;

4. Иқтисодиётда моддий ва табиий меҳнат ресурслардан самарали фойдаланиш таъминлайдиган чуқур структуравий (таркибий) узгаришлар қилиш. Рағбатбардош махсулотларни ишлаб чиқариш жаҳон иқтисодий тизимига қушилиб бориш;

5. Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш ва уларнинг дунёқарабини узгартириш. Хар бир кишига уз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имконини бериш.

Асосий таянч тушунчалар:

1. Агар муносабатлар ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича буладиган иқтисодий муносабатлардир.

2. Рента аграр соҳада вужудга келтириладиган қушимча махсулотнинг ер эгасига қолдирадиган қисмидир.

3. Абсолют рента ер майдонларининг тузилиши ва сифатидан қатъий назар ер ижарага берилганлиги сабабли ижарачилар оладиган даромад (рента).

4. Ижара муносабатлари ерда маълум муддатдан фойдаланиш учун туладиган ҳақ юзасидан қелиб чиқадиган иқтисодий алоқалардир.

5. Дефференциал рента I- тупрокнинг табиий ҳосилдорлиги ва ер участкасининг истеъмол бозорлари ва бошқа инфратузилмаларга жойлашуви бўйича олинadиган рентадир.

6. Дефференциал рента II-ерга қушимча маблағ сарфлаб иқтисодий ҳосилдорлигини ошириш натижасида олинadиган рентадир.

7. Монополия рента табиий иқлим шароитида яхши булган ерларда ноёб махсулотлар етиштириш, ишлаб чиқариш натижасига ер эгасига туладиган рентадир.

8. Агросаноат интеграцияси кишлок хужалик меҳнатини саноат асосида ташкил этилишидир.

9. Дефференциал саноатни кишлок хужалигидан ажралишини билдиради.

10. Агробизнес кишлок хужалиги тамокларидаги тадбиркорлик, ишбилармонлик, соҳибкорлик маъноларини билдиради.

11. Агрофеормалар-бу кишлок хужалигидаги турли мулкчилдикка асосланган корхоналарда ишлаб чиқарилган етиштирилган махсулотларни саноат усулида қайта ишлашни билдиради.

12. Агро саноат бирлашмалари – бу аграр соҳада етиштирилган маҳсулотлар тайёрлаш, саклаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан шугулланувчи ва узаро боғлиқ булган халқ ҳужалик тармоклари мажмуасидир.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон бозор муносабатларига утишнинг узиға хос йули. Т «Ўзбекистон» 1993 й.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида Т «Ўзбекистон» 1995 й.
3. Каримов И. А. Дехкончилик тараққийи –фаровонлик манбаи Т. «Ўзбекистон» 1996 й.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломқда. Т. «Ўзбекистон». 1999 й.
5. Улмасов А. , Шарифхужаев М. , Иқтисодиёт назарияси дарслик. Т «Меҳнат» 1995 й.
6. Шодмонов Ш. , Р. Алимов, Т. Жураев. Иқтисодиёт назарияси ўқув қулланма. Т. «Молия» 2002 й.
7. Узоқов И, Тураев А ва бошқалар Ижарачи нималарни билиши керак? Қулланма. «Меҳнат» 1991 й.
Ташқи манба: Четдан олинган кредит, ёрдам, чет эл инвестициялари (ҳамкорликдаги корхоналар ташкил қилиш)дан иборат.

Ўзбекистонда миллий иқтисодий ривожлантиришда – миллий захираларни сафарбар этиш ва чет эл капиталини жалб этишга асосланмоқда.

Республикада «чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг қанолатлари тугрисида қонун қабул қилинди.

Вазирлар маҳкамаси 1996 йилда (март) «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокида корхоналар ташкил этиш ва уларни давлат рўйхатидан утқизиш тартибини такомиллаштириш тугрисида» қарор қилинди.

2001 йили молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан иқтисодийга 700 млрд сум, қарийб 810 млн АКШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Жами сармоянинг 55% м ишлаб чиқаришга сарфланди. Утган 2003 йилда 1,5 млрд доллари инвестиция киритилди. Қўшма корхоналарнинг фойдасидан олинган солиқлардан 7 йилга озод қилиш инвестиция дастурида қўрилган.

Янгида вужудга келтирилган четдан сотиб олинган маҳсулотларнинг урнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар, ишлаб чиқариш ҳажмининг 25% ни болалар товарлари ташкил этса, ишлаб чиқариш бошлангандан 5 йил, корхона устав фондида чет капитални 50% ва ундан юқори фоизни ташкил этса 2 йилга солиқдан озод қилинади.

Мамлакатда инвестицияни зарурлигини ифодаб И. Каримов шундай деган эди, “Бир оддий ҳақиқатни яхши тушуниб олиш керакки, Ўзбекистонга киритилаётган инвестициялар, айниқса тугридан - тугри келаётган сармоялар оқими ҳар бир киши, умуман жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур” (И. Каримов «Ватан равақи учун ҳар биримиз масъулмиз» 19 феврал, 2001 йил).

Мамлакатда бой табиий ва меҳнат ресурслари билан биргаликда сиёсий барқарорлик инвестицион иқлим, албатта чет эллик инвесторларни ҳамкорлик қилишга ундайди.

Жамиятда ишлаб чиқариш узлуксиз ва тақрор равишда амалга оширилади. Ишлаб чиқаришнинг пиёвард натижаси ЖИМ ёки ЯММ қурилишида ҳисоб-китоб қилинади. ЯММ маҳсулот тақсимланади У, аввало чиқаришда сарф қилинган ишлаб чиқариш воситаларини қетган қийматини ажратиб олинади, қолган қисми эса СММ ни ташкил этади СММ сотилгандан қийин СМД даромади ташкил этади. СМД даромаддан жамият учун ва унинг аъзоларини эҳтиётларини, қондириш таъминланиб борилади.

$$СММ=ЯММ-Аа$$

СММ нинг жамият аъзоларига уларнинг даромади сифатида теккан кисми миллий даромад (МД) деб юритилади миллий даромад жамият микёсидаги барча даромадлар йигиндисидир, у нисбатан янгидан ҳосил килинган махсулот, лёкин унинг пул шаклида ифодаланишидир.

Ана шу МД- ҳисобидан халқни истеъмоли кондирилади ва унинг бир кисми жамғарилиб борилади. Истеъмолни бозор орқали амалга оширилади. Истеъмол бозори – аҳоли истеъмоли учун зарур булган товар ва хизматларни айирбошлаш маконидир. Истеъмол бозори турли – туман савдо шохобчаларини, давлат кооператив соавдоси, деҳқон бозори ва чайков бозорини уз ичига олади.

Истеъмол бозорида харидорлар факат фуқоралардан иборат булмайди, харидорлар таркибига аҳолига бепул хизмат курсатувчи корхона ва ташкилотлар (касалхона, етимхона, болалар богчаси, қариялар уйи ва бошқалар) ҳам киради.

Улар ҳам кенг истеъмол буюмларининг истеъмолчиларидир истеъмол бозорида хар хил хизматлар (маданий, тиббий, техникавий) ҳам сотилади. Истеъмол бозорининг ҳажми унда сотиладиган товарларнинг яъни суммаси (масалан товар обороти) билан белгиланади.

Истеъмол товарлари катъий давлат нархлари, назорат килинадиган нархлар ва эркин нархларда сотилади.

Истеъмол бозори узининг ҳолатига қараб 2 хил булади. туйинган бозор ва такчил бозор ёки оч бозор.

Туйинган бозорларда халқ истеъмоли товарлари талабга етарли микдорда ва сифатли булиши лозим. Такчил бозорда эса товарлар сурункасига истеъмолни кондироолмайди, унинг баҳоси юқори булади. товарлар баҳосининг юқорилиги ва такчиллиги натижасида истеъмолчини ижтимоий химоялаш зарурати келиб чиқади. Иқтисодчилар томонидан «Истеъмол савати» ва унинг қиймати аникланади «Истеъмол савати муайян озик-овқат, саноат моллари ва хизматларнинг тирикчилигини таъминлашга маълум даражада етарли булган микдорини курсатади баҳоларни тухтовсиз ошиб бораётган Ҳозирги шароитда аҳолининг қурган зарарини қоплаш учун ҳукумат томонидан мамлакатда «Истеъмол савоти» таркиби аникланади ва уни қуллаш таклиф этилади. Мисол учун Ўзбекистонда 1992 йилда «Истеъмол савати» да давлат томонидан белгиланган чегараланган нархларда 12 хил товарлар аҳолига етказиб берилган булса, 1993 йилда бу товарлар микдори 7 тага қамайтирилди. Демак «истеъмол савати»даги махсулотлар 5 хилга қамайди. Шунга айтиш керакки, баъзи ривожланган мамлакатларда «Истеъмол савати» умуман қулланилмайди, чунки уни иқтисодиётга салбий таъсир этувчи томонлари ҳам бор.

Макроқуламда истеъмолни урганишимиз учун оралик истеъмол ва пировард истеъмол ва пировард истеъмол тushunchalarини фарқлай билиш зарур. Пировард истеъмолда товар ва хизматлар истеъмолчилар томонидан тула истеъмол килинади ёки товар хизматларнинг ҳаракати пировард истеъмолда тугайди.

Оралик истеъмолда бир ишлаб чиқарувчининг тавар ва хизматлари кейинги ишлаб чиқарувчи томонидан меҳнат предмети сифатида фойдаланилади ва яна ишлаб чиқариш жараёни давом этади.

Истеъмол функцияси даромадлар билан узвий боглиқдир. Даромадлар қупайиб бориш билан истеъмол ҳам қупайиб боради.

Истеъмол бозорини бозор конъюктураси талаблари асосида тулдириш Ўзбекистон макроиқтисодиётининг долзарб муаммоларидан биридир маълумки, Ўзбекистонда истеъмол килинадиган тайёр махсулотларнинг 70% дан қупроги собиқ итфокдош республикалардан ҳам чет эллардан олинар эди. Ҳозирги пайтда бу муаммоларни хал этиш жуда ҳам қийинлашиб кетди хатто товар айирбош килиш ҳам халқаро баҳоларда, жаҳон стандартларига мослаштириб боришда макроқуламдаги истеъмол вазифасини урганишни талаб килади.

Жамгарма функцияси – жамгарма – бу мамлакат ёки фирмалар ихтиёридаги турли мажбурий туловлар чегириб ташланганда қолган даромаднинг бир кисмидир. Жамгарма истеъмол мақсадида ишлатилмайдиган даромаддир жамгарма функцияси даромадлар билан жамгарма ҳаражатларининг узвий боглиқлигини курсатади жамгарма функцияси ва унинг графигини ишлаб чиқариш ва истеъмол ёрдамида аниқлаш мумкин. Солиқлар тулангандан кейин қолган (Д) истеъмол (С) ва жамгарманиннг йигиндиси (S) тенгдир.

$DI = C + S$ ишлаб чиқариш истеъмол ва жамгарма микдори.

Ишлаб чиқариш ҳажми ва даромад (CMM=DI млрд доллар(1))	Истеъмол (C) млрд доллар (2)	Жамгарма (1)-(2) млрд доллар (3)
(1) 370	375	-5
(2) 390	390	0
(3) 410	405	5

(4) 430	420	10
(5) 450	435	15
(6) 470	450	20
(7)490	465	25
(8) 510	480	30
(9) 530	495	35
(10) 550	510	40

Соф миллий махсулот узгариши даромадни узгариб бориши билан истеъмол ва жамгарма ҳам узгариб боради.

$$\text{APC} = \frac{\text{Истеъмол (C)}}{\text{Даромад (УД)}} \quad \text{APS} = \frac{\text{Жамгарма (S)}}{\text{Даромад (УД)}}$$

Уй хужалиги кишиларининг бойлиги 2 қисм бойликдан иборат булади.

1. Узок муддат ишлатиладиган мол-мулклар (уй-жой, автомобиль, телевизор, совутгич ва ҳакоза)
2. Уй хужалигининг молия маблағлари (нақд шахсий ҳисобдаги жамгармалари, акциялар, облигациялар, нафакалар).

Асосий таянч тушунчалар:

1. Истеъмол – жамиятни ва ҳар бир кишини ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлардан фойдаланишини билдиради.
2. Шахсий истеъмол – моддий неъматлар ва хизматлардан бевосита индивидуал фойдаланиши билдиради.
3. Унумли истеъмол ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан ишлаб чиқаришда фойдаланишга айтилади:
4. Истеъмолчилик сарфлари – топилган даромадлардан тирикчилик неъматларига ва хизматларига ишлатишидир.
5. Жамгарма – аҳоли, корхона (фирма) ва давлат даромадларининг бир қисмини келгуси эҳтиётлари учун йуллашидир.
6. Истеъмолга уртача мойиллик – шахсий даромадининг истеъмол (жамгармага) кетадиган улуши.
7. Жамгармага уртача мойиллик – шахсий даромаднинг жамгармага кетадиган улушидир.
8. Истеъмолга қушилган мойиллик – шахсий даромадлашган қисмининг истеъмол қилинадиган қисми ёки улуши.
9. Жамгармага қуйилган мойиллик – шахсий даромад усган қисмининг жамғаришга кетадиган ҳиссаси.
10. Иқтисодий жамгарма – миллий даромаднинг жамғарилган қисмидан асосий ва айланма капиталлари, шунингдек, эҳтиёт ва захираларни қупайтириш учун сарфланишидир.
11. Жамғариш нормаси – жамғариш фондининг миллий даромадга нисбатини фойздаги ифодаси.
12. Капитал сарфлар – асосий капитални кенгайтириш ва уни қайта тиклашга, айланма маблағларни кенгайтиришга қилинадиган сарфлар.
13. Инвестициялар – ишлаб чиқаришни ва хизмат курсатиш соҳаларини кенгайтиришга, яъни асосий ва айланма капитални қупайтириш, турли хил қимматли қозғаларни сотиб олишга қилинган пул шаклидаги қуйилмалар.
14. Инвестицион фаолият – инвесторларни рўёбга чиқариш бўйича қилинадиган амалий ҳаракатлар.
15. Инвестор – инвестицияларни амалга оширувчи шахс.
16. Инвестициялар самарадорлиги – миллий даромад (фойда) усган қисмининг инвестицион сарфлар суммасига нисбатининг фойздаги ифодасидир.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» Т. 1995 й.
2. Каримов И. А. «Буюк келажак сари» Т. «Ўзбекистон» 1998 й.
3. Улмасов А. , Шарифхужаев М. «Иқтисодиёт назарияси» Т. «Меҳнат», 1995 йил дарслик.
4. Хошимов П. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси «университет» нашриёти-2003 йил.

5. Шадмонов Ш, Р. Алимов, Т. Жураев. Иқтисодиёт назарияси Т. «Молия» 2002 й.
6. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Т. «укитувчи» 2002 й.


17-мавзу: ИҚТИСОДИЙ УСИШ ВА МИЛЛИЙ БОЙЛИК.

Режа:

1. Иқтисодий узишнинг мзмуни, низомлари ва курсаткичлари.
 2. Иқтисодий узишнинг турлари (экстенсив ва интенсив).
 3. Иқтисодий узишнинг омиллари.
 4. Миллий бойлик тушунчаси ва унинг тузилиши.
 5. Ўзбекистоннинг иқтисодий салохиятидансамарали фойдаланиш ва иқтисодий узиш муаммолари.
- Маълумки, жамият аъзоларининг кун сайин узиб бораётган хаётий эхтиёжлари (моддий ва маънавий-ижтимоий)ни узлуксиз таъминлаб боришнинг бирдан-бир манбаи ишлаб чиқариш ва иқтисодий узиш хисобланади.
- Иқтисодий узиш жамият тараккиётининг асосидир. Иқтисодий узиш нима? Халк оммасининг талаб-эхтиёжларини кондириш учун зарур булган моддий махсулот ва хизматлари, ноз-неъматларни ишлаб чиқаришни купайиб бориш тушунилади.
- Иқтисодий узиш ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюларни, ресурсларни куплаб чиқаришни билдиради.
- Иқтисодий узиш бугун, эрта ва истикбол учун моддий замин яратиб беради.
- Иқтисодий узиш ишлаб чиқариш хажмини ёки аҳоли жон бошига яратилган махсулотлар ва хизматлар хажмини ортиб бориши билан улчанади.
- Маълумки, иқтисодиёт фанларидаги иқтисодий, ижтимоий муаммоларни илмий асосда урганиш ва уни амалиётга тадбик этиш мамлакатда яратилаётган миллий иқтисодиётни шаклланишида, уни баркарорлигини таъминлашда асосий вазифалар булиб, унинг пировард натижаси иқтисодий узишни таъминлаб, халкнинг турмуш-даражасини яхшилашга имкониятлар яратилишини таъминлайди.
- Иқтисодий сиёсат ва куриладиган чора-тадбирлар иқтисодий узишни таъминлашга каратилган булади, лекин иқтисодий узиш доимо текис булмади.
- Иқтисодий ривожланиш уз ичига юксалиш ва инкироз даврларини, микдор ва сифат узгаришларида ижобий ва салбий томонлари билан биргаликда нотекис боради.
- Иқтисодиётдаги узгаришлар доимо тахлил килинади, иқтисодий узиш, иқтисодий ривожланишнинг таркибий қисми булиб, унинг ифодаси булмиш ЯММ (ЯИМ)ни хажмининг ва аҳоли жон бошига купайишига аникланади.
- Иқтисодий узиш бу иқтисодий категория булиб, у ЯММ микдорини купайишида, сифат курсаткичларига эришишида, аҳоли жон бошига таксимланишида, иқтисодий ресурслар бирлиги хисобига купайишида ва таркибини такомиллашувида уз ифодасини топади.
- Иқтисодий узишнинг таъминланиш икки йулидан боради. Биринчиси-экстенсив узиш, иккинчиси-интенсив узиш;
- Экстенсив узишни таъминлаш- ишлаб чиқариш омилларини микдорини купайтириш хисобидан амалга оширилади.
- Интенсив узишга эришишда-ишлаб чиқариш омиллари сифат жихатидан такомиллаштириш; прогрессивроқ ишлаб чиқариш воситалари ва янги техникани куллаш, ишчи кучи малакасини ошириш йули билан эришилади.
- Иқтисодий узишни биргина курсаткич билан баҳолаб булмади, уни буюмлашган ва киймат шаклидаги курсаткичларини фарклаш керак.
- Иқтисодий узишнинг натурал (буюмлашган) шакли инфляция таъсирида берилмади, киймат шакли эса инфляция билан боғлиқ булади.
- Макроиқтисодий даражада иқтисодий узишнинг асосий киймат курсаткичлари куйидагилар хисобланади:
1. ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг мутлоқ хажми ва унинг узиш суръати;
 2. ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг аҳоли жон бошига тугри келадиган микдори ва унинг узиш суръати;
 3. ЯММ (ИММ) ёки миллий даромадларнинг иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги хисобига тугри келадиган микдори ва унинг узиш суръати.
- Амалиётда узиш фонизларда хисобланади. Масалан, 2002 йилда ЯММ 60 млрд. сумни ва жорий йилда 70 млрд. сум булган булса, 70 млрд. сумни 60 млрд. сумга булиб, 100% га купайтирилса 16,6 фониз узиш таъминланган булади.
- Иқтисодий узишни таъминловчи куйидаги омиллари мавжуд:
1. Табиий ресурсларнинг микдори ва сифати;
 2. Ишчи кучи ресурсларнинг микдори ва сифати;
 3. Асосий капитал (асосий фондлар) хажми ва сифати;
 4. Технология ва фан-техника тараккиёти.
- Иқтисодий узишни таъминловчи омиллардан бири фан-техника тараккиёти ва меҳнат унумдорлиги хисобланади.
- Реал махсулот икки асосий усулда купайтирилиши мумкин:
1. Ресурсларнинг купрок хажмини жалб этилиши;
 2. Ресурслардан оқилона ва унумли фойдаланиш.

1. банд булганлар сони
2. ишлаган киши соатларининг уртача микдори

Меҳнат
сарфи



Миллий бойликни таркибий қисмларига қуйидагилар киради:

1. Моддий-неъматлар ёки буюмлашган бойлик;
2. Номоддий бойлик;
3. Табиий бойлик.

Миллий бойлик буюм ва қиймат қуринишида ифодаланади. Қийматнинг таркибий тузилиши қуйидагича бўлади:

1. Ишлаб чиқаришнинг хусусиятдаги асосий капитал (фондлар). Бу жуда катта хиссага эга бўлади ва миллий маҳсулотини ўсиши имкониятини яратиб беради.
2. Ноишлаб чиқариш хусусиятидаги асосий капитал (фондлар), бунга ўй жой фонди, ижтимоий-моддий объектлар киради.
3. Айланма капитал (фондлар). Бу миллий бойликнинг меҳнат предметларидан иборат бўлиб, асосий капитални 1/4 қисмини ташкил қилади;
4. Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган қисми;
5. Моддий захиралар ва эҳтиёжлар. Бунга муомала соҳасидаги тайёр маҳсулот, корхоналар ва савдо тармоқларидаги моддий захиралар, давлат эҳтиёжлари ва резерв фондлари киради. Моддий захиралар иқтисодиётда рўй бериши мумкин бўлган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулод ҳолатларда фойдаланиш мақсадида сақлаб турилади. Давлат эҳтиёжларига олтин захиралари, сугурта ва мудофаа эҳтиёжлари учун зарур бўлган захиралар киради.
6. Аҳолининг ўй, хусусий ва ёрдамчи хужалигида жамғарилган мол-мулк. Бунга ўй-жой, автомобил, маданий-маиший буюмлар, кийим-кечаклар ва бошқа мулкларининг қиймати киради.

Моддий буюмлашган бойлик ўсишининг асосий омилларига қуйидагилар киради:

1. Меҳнат унумдорлигини ўсиши;
2. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ортиши;
3. Миллий даромаднинг жамғариш меъёрининг ортиши;

Миллий бойлик нафакат моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилади. Унинг бир қисми номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида вужудга келтирилади ва жамиятнинг номоддий бойлиги ҳисобланади.

Бундан бўйликларга таълим, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт соҳаларида яратилади. Агар фан-техника тараккиёт юқори суръатлар билан ривожланса маданият, санъат, фан каби номоддий соҳалар ҳам ўсиб ва такомиллашиб боради.

Демак, миллий моддий буюмланган ва табиий бойликлардан анча кенг тушунча бўлиб, ўз таркибига жамиятнинг номоддий хусусиятдаги қимматликларини ҳам олади.

Иқтисодий ривожланиш- қўп ўлчамли жараёнлар бўлиб, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараккиётида ўз ифодасини топади:

Иқтисодий ўсиш -ЯММ (ИММ, СММ,МД) микдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурслар ҳаракатлари бирлиги ҳисобига қўпайишида ва сифатлини яхшилашида ифодаланади.

Иқтисодий ўсишнинг қўрсаткичлари -қиймат ва натурал қўрсаткичлар тизимидир.

Экстенсив ўсиш- ишлаб чиқаришга қўшимча иқтисодий ресурслар жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши;

Интенсив ўсиш- ишлаб чиқариш омилларининг ривожланиб, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қўпайтириб бориши тушунилади.

Миллий бойлик- инсоният жамияти тараккиётига аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий ва маънавий бойликлар ҳамда фойдаланишга жалб қилинган табиат бойликларидир.

Табиий бойлик- миллий бойликнинг табиат ва инсон фаолиятининг ташки муҳитини ташкил қиладиган қисмига айтилади.

Маънавий бойлик- ашёвий-буюм қуринишига эга бўлмаган номоддий қийматлардан ва инсониятнинг интеллектуал салоҳияти натижаларидан иборат.

Иқтисодий ўсиш жамиятнинг бойиб бориш шартидир, моддий тақчилликдан мул-қуликка, паст турмуш даражасидан юқори турмуш даражасига, аҳолининг кичик, озчилик ғуруҳи фаровонлигидан бутун халқ фаровонлигига ўтишини таъминлайди. Уни реал ялпи миллий маҳсулот ёки реал миллий даромаднинг қўпайишида қўриш мумкин.

Иқтисодий ўсиш икки даражада- микро ва макро даражада амалга ошириш мумкин.

Микроиктисодий усиш- бу корхона, хужалик, фирма ва тармок доираидаги усишдир.

Макроиктисодий усиш бутун жамият микёсидаги усишдир. Бу усиш жамият ишлаб чиқариш фаолиятининг натижасини билдиради.

Иктисодий усишнинг икки жихати мавжуд.

Биринчиси- унинг кулами, у ишлаб чиқариш хажмини билдиради, бутун жамиятда канча махсулот ва хизматлар яратилишини, улар усиши кандай микдорда булишини курсатади. Масалан, иктисодий усишни кулами, хажми бир мамлакатда 100 млн. сум, иккинчи мамлакатда 50 млн. доллар, учинчи мамлакатда 5 млн. доллар булиши мумкин.

Иктисодий усишни иккинчи томони-унинг суръатлари булиб, иктисодий усишни нисбий жихатдан характерлайди, унинг мутлок усишини эмас, балки усиш тезлигини курсатади. Усиш суръатлари курсаткичлар билан ифодаланади. Иктисодий усиш 3,5 ва 10 фоиз булади деб айтилади. Масалан, мамлакатда (иктисодий усиш) яратилган махсулот хажми 50 млрд сум булса, иктисодий усиш туфайли 55 млрд. сум етса, бу усиш олдинги 100 фоиздан 110 фоизга етганини, 10 фоиз иктисодий усиш булганини билдиради.

Иктисодий усишнинг кулами ва суръатлари узаро тескари муносаббатда узгаради, яъни усиш кулами микдордан ошган сари, унинг суръатлари пасайишига мойил булади.

Иктисодий усиш микдорий ва сифат меъёри курунишида булади. Бунда дастлаб микдор курсаткичлари бирламчи булади. Масалан, Германияда озик-овкатнинг экологик тоза, туйимли, истеъмол учун кулай булишига катта аҳамият берилади. Эфиопия уша колок мамлакат булиб, очликка йуликкан, шу сабабли бу ерда озик-овкатнинг микдори муҳим, унинг сифати масаласи кейинги уринда туради.


Ишлаб чиқаришдаги пировард натижалар иктисодий усишни таъминлайди ёки аксинча булиши мумкин. Ишлаб чиқаришда амал киладиган кучлар, унинг омиллари дейилади.

Усиш юз бермаса иктисодиёт статистик (узгармас)аксинча булса динамик (ривожланувчи) ҳолатда булади. Иктисодий усишга таъсир килувчи омиллар:

1. Табиат ресурслар микдори ва кулами;
2. Меҳнат ресурслар, микдори, малакаси, тажрибаси;
3. Ишлаб чиқаришда асосий капитал (фонд) микдори ва таркиби;
4. Ишлаб чиқаришда кулланилаётган технологиялар.

Ушбу ресурслар ишлаб чиқаришда кулланилса ва улар етарли булган тақдирдагина иктисодий усишга эришилади. Масалан, пахтачиликда 1,5 га ердан 4,5 млн. т. пахта етиштирилиши ва ҳосилдорликни 30 ц га етказиш учун мавжуд технология асосида эришилади, ундан юкори ҳосилдорликка эришиб булмайди. Самолёт 100 т. юкни олиб, соатига 5000 км га уча олмайди, чунки бунга технология даражаси имкон бермайди.


Хуллас, иктисодий усиш икки омилга- меҳнат сарфининг массасига (ҳажмига) ва меҳнат унумдорлигига боғлиқ. Меҳнат массаси ишловчилар сонига ишланган вақтга боғлиқ. Меҳнат унумдорлиги эса техника тараққиётига, инвестиция микдори, ишловчиларининг маълумоти ва касбий малакасига, ресурсларнинг жойлашувига, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришга боғлиқ.



Меҳнат массаси ишловчилар сонига ва уларни жами ишлаган вақтига боғлиқ. Улар уз навбатида ишга ярокли аҳоли сонидан, иш куни ва иш ҳафтасининг узунлигидан, иш билан банд булишдан келиб чиқади. Иш билан чала банд булганда меҳнат массаси қисқаради. Тула банд булганда у ортади. Шу сабабли М. Кейнс назариясида иш билан тула банд булиб иктисодий усиш омили деб, ишсизлик эса усишга тускинлик килувчи куч деб қаралади.

Меҳнат массасининг меҳнат унумдорлигига қупайтмаси ялпи миллий махсулот (Я,ММ) ни беради.

Ҳар бир ишловчига тугри келадиган фондлар микдори меҳнатнинг фондлар билан курулланиш даражасини билдиради.



Мехнат унумдорлиги оркали иқтисодий узишни таъминловчи омиллардан бири-бу ресурсларнинг турли сохаларга тақсимланиши ёки ишлаб чиқариш структураси (таркиби)дир.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш дастурида ишлаб чиқариш структурасини узгартириш устувор вазифа килиб қўйлади.

Иқтисодий узиш омиллари амал қилиши учун табиий ресурслар-ер, сув, ер ости бойликлари, урмонлар ва бошқа бўлиши шарт, чунки ишлаб чиқариш бўлиши учун табиат материалларини ундириш ва уни қайта ишлаш зарур.

Ресурслар етарли бўлсада иқтисодий узиш кам ёки суғ бўлиши ва аксинча, масалан, Япония билан Саудия Арабистон ва Кувайтни мисол қилиб олиш мумкин.

Ресурслар ишлаб чиқаришга сарфланади, яъни, машина, ускуна, ёқилги, материал, хомашё, уруғли, уғитлар ва бошқаларни урни қопланади. Ишлаб чиқариш олдинги қуламига эришилади, аммо бу иқтисодий узиш ҳисобланмайди.

Бунинг учун қушимча ресурс керак ёки ресурс, самарали ишлатилиб, ундан купрок маҳсулот олиниши шарт. Иқтисодий узиш инвестицион ресурссиз бўлиши мумкин эмас. Ресурсларни ишлаб чиқаришга йўналтириш иқтисодий узишни инвестициялаш дейилади.

Инвестиция номинал ва реал бўлади. Инвестицияга ажратилган маблағ номинал маблағ ҳисобидан сотиб олинган ёки уни моддийлаштирилиши (машина, асбоб, ускуна, хомашёлар, ёқилги) реал инвестиция дейилади. Соф инвестиция манбаи-қушимча маҳсулотдир.

Инвестициянинг миллий даромаддаги ҳиссаси унинг нормаси ёки даражасини билдиради. Уни жамғариш нормаси деб юритилади.

$$ЖС$$

$$Ж. А = \frac{\text{-----}}{МД} \times 100\% (1)$$

Ж. Н-жамғариш нормаси; ЖС-жамғариш суммаси; МД-миллий даромад.
Ялпи инвестиция (суммаси-ЯИС).

Нормаси (ЯИН) ҳам мавжуд, у ялпи инвестиция суммасини ЯММга бўлган нисбатини фоиздаги ифодасидир.

$$ЯИС$$

$$ЯИН = \frac{\text{-----}}{ЯММ} \times 100\% (2)$$

Мисол; ЯИС= 50 млрд. сум; ЯММ= 200 млрд. сум бўлса, ЯИН=50 млрд. сум / 200 млрд. сум $\times 100\% = 25\%$ ни ташкил қилади.

И. С= (3). Бунда И. С- инвестиция самарадорлиги;
М. Д- миллий даромад узиши; И. М-инвестиция микдори.

Маълумки, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг икки усули мавжуд:

1. Экстенсив; 2. Интенсив.

Ишлаб чиқаришни 10% га узиши, ишловчилар сонини 5% га; меҳнат қуролларини микдорини 2% га, хомашё ва материалларини 3% га қупайиши ҳисобидан 10% га узишни таъминлаш экстенсив узиш деб аталади.

Ишлаб чиқариш қулами, яратилган маҳсулот ва хизматлар ҳажмининг ресурсларни тежабли ишлатиш ҳисобидан ошиши, улар сифатини яхшиланиши интенсив иқтисодий узиш деб аталади.

Экстенсив узиш уз мазмуни билан микдорий бўлса, интенсив узиш эса сифат узишидир.

Маҳсулот бирлигига кетган ресурс сарфи маҳсулотнинг ресурс сизими дейилади. Бу алоҳида олинган ресурсни эмас, балки ҳамма турдаги ресурслар сарфини билдиради. Шунга биноан маҳсулотнинг сизими, фонд (капитал) сизими, энергия сизими каби қўрсаткичлар мавжуд.

Интенсив тараккиётнинг шарт-шароитларидан бири фан-техника тараккиётидир.

Иқтисодиётнинг зиддияти бор. У ҳам бўлса эҳтиёжнинг чексиз юқсалиши билан ресурсларнинг чекланганлиги уртасидаги зиддиятни чуқурлашиб боришидир.

Буни ечиш ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш йўли билан ечилиб боради.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги- ишлаб чиқариш харажатлари билан олинган натижанинг нисбати билан аниқланади.

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси бу ялпи миллий маҳсулот ва унинг таркибий қисми бўлган миллий даромаддан иборат бўлади.

Самарадорлик синтетик ва умумлашган қўрсаткич бўлиб, интеграл характерга эга, яъни узида бир неча қўрсаткичлар натижасини жамлайди. У маҳсулотнинг меҳнат сизими, материал сизими ва инвестиция сизимидан келиб чиқадиган ҳосиладир.

Маҳсулотни яратишга кетган меҳнат сарфи унинг меҳнат сизими, материал сарфи-ашё ёки материал сизими, ишлатилган фондлар микдори унинг фонд сизими, ниҳоят маҳсулот олиш учун кетган инвестиция сизими бўлади.

$$\frac{\text{Меҳнат массаси}}{\text{Маҳсулот}} = \frac{ММ}{МХ} ; \frac{\text{Ашё массаси}}{\text{маҳсулот}} = \frac{АМ}{МХ} ;$$

$$\frac{\text{Фойдалар суммаси}}{\text{Махсулот}} = \frac{\text{ММ}}{\text{МХ}} ; \quad \frac{\text{Инвестиция суммаси}}{\text{махсулот}} = \frac{\text{ИС}}{\text{МХ}} ;$$

Меҳнат унумдорлиги ошса, меҳнат сигими камаяди, ашёлар тежаб ишлатилса, ашё сигими камаяди, фондлардан яхши фойдаланилса, фонд сигими кискаради.

$$\text{И. У. С} = \frac{\Delta \text{ МД}}{\Delta (\text{МС} + \text{АС} + \text{ФС} + \text{ИС})} ;$$

бунда И. У. С- иқтисодий усиш самарадорлиги; МД- миллий даромад, МС-меҳнат сарфи; АС-ашё сарфи; ФС- фонд (сигими)сарфи; ИС-инвестиция сарфи.

Маълумки, иқтисодиёт бир тەкисда ривожланмайди.

Иқтисодий динамикадаги кутарилиш ва пасайиш ходисаларини уз ичига олувчи, иқтисодиётнинг тебриниб туриши билан характерланувчи давр иқтисодий усиш цикли дейилади.

Иқтисодий цикл, Ҳозирги назарияларга кура турт фазадан иборат дейилган:

1) усиш чуққиси; 2) пасайиш; 3) тургунлик; 4) жонланиш.

Иқтисодиётнинг усиш чуққисидан иборат фаза ишлаб чиқаришнинг юксалишидан далолат беради, иқтисодий фаоллик кучаяди, буни Гарбда «Бум» деб аташади. Бунда ишлаб чиқариш суръатлари ошади, тула иш билан банд булиш пайдо булади, ишлаб чиқариш кувватлари тула ишлайди, махсулот куп яратилсада, сотилиб кетади, аммо инвестиция фаолияти кучли булмайди. Шундан сунг ишлаб чиқариш пасая боради ва куйи нуктага тушади, ишсизлик орта боради, ишлаб чиқариш кувватлари бушаб қолади, товарлар ҳам туриб қолиб, бозор касодлашади. Буни иқтисодий кризис деб аталади. Шундан сунг депрессия (тургунлик) фазаси келади. Бунда иқтисодиёт бир ҳолатда туриб қолади. Ишсизлик бир меъёردа туради, нархлар узгармайди, аммо инвестицион фаоллик бошланади. Ишлаб чиқариш янгиланади, харидоргир махсулотлар ишлаб чиқарила бошланади. Иқтисодиётда жонланиш бошланади, талаб усади, нарх ошади, иш билан банд булиш ортади. Ишлаб чиқариш кувватлашади, тула ишлай бошлайди. Натijaда ишлаб чиқариш яна чуққига чикиб олади. Шундай ҳаракат кайта-кайта юз беради ва ходисалар занжири бу циклли ривожланишини билдиради.

Маълумки, ишлаб чиқарилган моддий-неъматлар яъни ЯММ ни бир қисми МД-истеъмол қилинади. Иккинчи қисми жамғарилиб борилади. Шу жамғариш ҳисобидан ишлаб чиқариш кенгайиб борилади, такрор ишлаб чиқариш давом этади, бойлик купайиб боради. Бойлик деган тушунча иқтисодёт назарияси фанида кенг қулланилади. Миллий бойлик деган тушунчани биринчи марта А. Смит қиритган. У, яратилган махсулотларнинг жамғарилишини бойлик деб атаган ва уни ишлаб чиқарувчилар меҳнати оширади деб тушунтирган.

Миллий бойлик-бу бу миллат ёки авлод-аждодлар томонидан яратилиб мерос қолдирган, моддий ва маънавий борлик ҳамда табиат инъомлари йигиндисидан иборат булган жамият бойлигидир.

Авлод-аждодлар томонидан тупланган билимлар, малака ва маҳоратлар ҳам миллий бойлик таркибига қиради.

Миллий бойлик тушунчаси жуда кенг булиб, у моддий ва номоддий, меҳнат яратган ва табиат инъоми неъматларидан иборат булиб, уни узлаштиришбуйича мулккий муносабатлар қелиб чиқади.

Миллий бойлик хусусияти-гарчан меҳнат махсули булсада, у кайтадан меҳнат фаолиятида иштирок этади. Масалан, бино, иншоот ёки машина-механизмлар ва ҳақозо.

Яна бир хусусияти жамғарилиб борилади, яъни жорий ва келажакдаги истеъмол учун жамғарилади.

Миллий бойлик такрор ҳосил қилинади. У яратилади, ишлатилади ва кайта янгидан яратилади, яъни узлуксиз жараёндир.

Миллий бойлик- мол-мулк сифатида кишилар тасарруфида булади.

Миллий бойлик яратилиши манбаи жихатидан у икки қисмдан иборат булади:

1. Меҳнат махсули булган бойлик;
2. Табиат инъоми булган бойлик.

Масалан, бойлик таркибидаги бино-иншоот, машиналар, металл, уруғликлар ва ҳақозолар. Меҳнат яратган бойликдир. Ер, сув, сув ости ва устидаги бойликлар-табиат инъомларидир.

Бойликни бу икки тури уртасида чеганра тортиб боради. Табиат бойликларининг узи икки хил булади: тикланадиган ва тикланмайдиган бойликлар. Усимлик ва ҳайвонот дунёси бойликлари тикланади, ер қаъридаги бойликлар кайта тикланмайди.

Масалан, АКШ узининг купгина қонларини атайлаб ёпган, керакли ёқилги-ашё ресурслар импортини кенгайтирган.

Ўзбекистонда 4 млн. гектарга яқин сугорма ер бор. Бу ерга миллионлаб кишилар меҳнати синган, буз ерлар очилгач, каналлар ва сув омборлари, коллектор-дренаж тизими яратилган. Ер табиат инъоми булсада, уни миллий бойликка айлантиришда меҳнатнинг ҳиссаси каттадир.

Моддий ва номоддий қурилишдаги миллий бойлик мавжуд. Миллий бойликни ишлаб чиқариш воситалари шаклидаги қисми Гарбда асосий ва айланма капитал деб, МДХ эса асосий ва айлама фондлар номи билан юритилади.

Социал-маданий ва сиёсий эҳтиёжларни қондирувчи бойлик-номоддий бойликдир.

Бунга бино, иншоот, асбоб-ускуна, транспорт воситалари ва ҳақозолар қиради.

Улар соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, давлатни бошқариш тизимида хизмат килади. Номоддий бойликка адабиёт ва санъат асарлари ҳам киради. Улар моддий қурилишга (масалан, китоб, ҳайкал, расм шаклида) эга, лекин номоддий эҳтиёжларни қондиради.

Интеллектуал бойлик, иш тажрибаси ва маҳорат ҳам миллий бойликдир.

Ўзбекистонни 1991 йилдаги миллий бойлиги: 210. 666,0 млн. сум булган. Бунга (ер, ер ости бойликлари ва урмонлар киймати киритилмаган) жумладан.

1. Асосий фондлар-11. 6305 млн. сум 55,3% жумладан: а) асосий ишлаб чиқариш фондлари 76255,036,2 %б) асосий номлаб чиқариш фондлари- 46477, 19,1 %.
2. Моддий оборот маблағлари- 46472, 22,1 %.
3. Аҳоли уйида жамғарилган мол-мулк- 47689,0 22,6 %

Ишлаб чиқариш ва хизмат курастиш туфайли ҳосил қилинган бойлик-ишлаб чиқариш ни кенгайтириши ва иқтисодий ўсиш натижасидир.

Яратилган моддий ва маънавий неъматларнинг бир қисми кишилар ва жамият томонидан истеъмол қилиниб йўқ бўлиб кетади, иккинчи қисми жамғарилиб миллий бойликка айланиб боради. Миллий-бойлик доимо ҳаракатда бўлиб айланиб (оборот) қилиб туради.

Миллий бойлик ва уни ўсиши жамғариш қонуни асосида амал қилади. Бу қонун ҳам умум иқтисодий қонун бўлиб, бу қонунга биноан иқтисодиётнинг ўсиши амал қилаётган шароитда яратилган ялпи маҳсулотнинг таркиби булган қушимча маҳсулотнинг жамғариладиган қисми миллий бойликка айланади.

Жамғариладиган миллий эксплуатация туфайли ҳосил қилинса, у бутун халқ меҳнатини бир қисми сифатида юзага чиқиб тупланса, халқ манфатида хизмат қилади. Масалан, Республика миллий бойлиги ҳисобидан Хоразм (Хозараст) тумани-Амударё қўриғи 670 метр-33,5 млрд. сум сарфланиди.

Бойлиқнинг айланиш ҳаракати-биринчидан ишлаб чиқариш натижаси-иккинчидан унинг шарт-шароитидир.

Миллий бойлик яратилиши жихатидан натижа-ишлатилиши жихатидан сарфланади. Яратилган маҳсулот тақсимлаш орқали бойликка айланиб, аммо бунинг шарт-ишлаб чиқаришнинг истеъмолидан ортиқча бўлиши билан белгиланади. Бойлиқнинг ҳаракати унинг сарфланиши, тикланиши ва ўсиши билан иборат.

Миллий бойлик ўсиши учун энг аввало унинг ўрни тулдирилиши керак-бу эса амортизация фоизи ҳисобидан амалга оширилади. Мисол учун мамлакат бойлиги Бир триллион доллар, йил давомида у истеъмол этилиши ҳисобига 200 млрд долларга қисқарди десак, аввало шу қисми 200 млрд. долларлик маҳсулот ҳисобидан тулдирилади. Миллий бойлиқни сарф қилинган қисми тикланади. Сунгра маҳсулотни 75 млрд. долларга тенг қисми жамғарма қурилишида бойликка қилиб қўйилади. Бундан ташқари шахсий истеъмолга кетадиган неъматлар, узок муддатда ишлатиладиган маҳсулотлардан иборат булган ва 25 млрд. долларга тенг қисми бойликка қилиб қўйилади. Шундай қилиб 1,1 триллион долларга етади, яъни унинг ўсиши 100 млрд. долларни ёки 10 фоизни ташкил этади.

Миллий бойлиқни қўйиштириш имкониятларидан бири ишлаб чиқариш структураси (таркиби)га ҳам боғлиқ. Масалан, енгил машина, совутич, телевизор, видеомагнитофон қанчалик қўй яратилса, шунчалик улар ҳисобига миллий бойлиқнинг ўсиши юз беради.

Миллий бойлик- ишлаб чиқариш ресурси сифатида, истеъмол воситаси сифатида сарф қилинади.

Ресурс сифатида-меҳнат қуроллари ва меҳнат воситасидан иборат бўлади. У фонд қурилишида жамланади ва ишлаб чиқаришда истеъмол қилиниб, ялпи қиймат яратади ва самара беради.

МХ

Ф. С = ----- тақсимлаш керак.

ФМ

Бунда Ф. С- фонд самараси; МХ- Яратилган маҳсулот; ҳажми;

Ф. М- фонд микдори. Мисол, Ф. М=100 млрд сум, МХ= 70 млрд. сум булса, Ф. С= 0,7 бўлади. Демак, бир сум бойлик ишлатилиб 70 тийинлик натижа олинган бўлади. Агар 80 тийин олинса, самара ортиган бўлади.

Иқтисодиёт ўсиб бориши натижасида кишиларни эҳтиёжларини қондириш яхшиланади, миллий бойлик таркибида истеъмол бўюмлари ҳиссаси ортиб, натижада аҳоли мол-мулки булган бойлик тез ўсади.

Миллий бойлик таркибидаги ишлаб чиқариш ресурслари (меҳнат қуроллари ва меҳнат воситалари) иқтисодий потенциални ташкил этади.

Жамиятнинг ишлаб чиқара билиш қобилияти иқтисодий потенциал деб аталади.

Ишлаб чиқариш қобилиятининг муҳим курсаткичи-ялпи миллий маҳсулотдир.

Потенциал (имконият, салоҳият) маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қўлланилади ва маҳсулотда ифодаланади, лекин бу потенциални тула-туқис ифода этмайди, чунки ишлаб чиқариш натижаси потенциалдан фойдаланиш даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Юқсак потенциал бўла туриб, жамият оз ёки қўй ишлаб чиқариши мумкин.

Потенциал қўйидаги турларга бўлинади:

1. Эришилган потенциал;
2. Булғуси потенциал;
3. Иқтисодий потенциал;

Амалда ишлатиладиган ва муайян ишлаб чиқариш даражасини- эришилган потенциал дейилади, лекин потенциалнинг ишлатилмаган имкониятларини бидирмайди.

Булғуси потенциал- шу имкониятларини ҳисобга олган, тула-туқис ишлатиладиган потенциалдир.

Булғуси потенциал ресурслардан максимал даражада масалан, жамият ўз ресурсларига таяниб, 5 триллион сумлик маҳсулот яратди. Бу эришилган потенциални билдиради, лекин бу билан имконият чекланмайди, у қушимча равишда яна 0,5 триллион сумлик маҳсулот олиб, унинг жами микдорини 5,5 триллион сумга утқизиши мумкин.

Иқтисодий потенциал- жамият аъзоларининг эҳтиёжини кондиритиш учун ишлатилади. Иқтисодий потенциал турт хил унсурдан иборат.

1. Меҳнат потенциалли;
2. Техника- технология потенциалли;
3. Илмий- маърифат потенциалли;
4. Табиий потенциалли.

Меҳнат потенциалли- жамиятдаги меҳнатга лаёқатли, билим ва малакага, ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлган кишилардир.

Илмий маърифат потенциалли- илм-маърифатга хизмат қилувчи моддий ва инсоний ресурслар, фан эришган даражадир. Унинг 3 та унсури бор:

- а). Жамланган илмий-маълумотлар, илм-маърифат ахли, илм-маърифатнинг моддий базаси. Бу эса илмий кашфиётлар, янги кашфиёт учун хизмат қилувчи билимлар мажмуасидан иборат;
- б). Илмий-педагогик ходимлар ва уларнинг касбий маҳорати ва билимдонлигини қамрайди;
- в). Илм-маърифат ихтиёридаги моддий ресурслар (бинолар, илмий ускуна, жихозлар, илмий асарлар, дарсликлар)ни ташкил этади.

Техника-технология потенциалли- жамиятдаги машина механизмлар микдори, технологик тизимлар мажмуини уз ичига олади. Бу потенциал фан ютуқлари нақадар янги техника ва технологияда моддийлашганлигини билдиради.

Табиий потенциал - табиий ресурслар микдори ва сифати, ишлаб чиқаришнинг об-хаво шароити.

Табиий потенциал чекланган ва нотёқис жойлашган бўлади. (ер, яроқли ер майдони, сув захиралари, урмон ва ер ости бойликлари, сув бойликлари, иқлим ва ҳаказо).

Асосий таянч тушунчалар:

1. Иқтисодий ривожланиш- жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараккиётидир.
2. Иқтисодий усиш- ЯММ, (ИММ, СИМ, МД) микдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига қупайиши ва сифатини яхшиланиши;
3. Иқтисодий усишнинг курсаткичлари- иқтисодий усишни аниқлашда фойдаланиладиган киймат ва натурал (жисмоний)курсаткичлар тизимидан иборат.
4. Экстенсив иқтисодий усиш- ишлаб чиқаришга қушимча иқтисодий ресурсларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб боришига айтилади.
5. Интенсив иқтисодий усиш- ишлаб чиқариш омилларининг ривожланиб, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш роқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қупайиб боришига айтилади.
6. Устувор экстенсив иқтисодий усиш- иқтисодий усишда экстенсив омилларнинг устувор уринга эга эканлигини билдиради.
7. Устувор интенсив иқтисодий усиш- иқтисодий усишда интенсив омилларнинг бқори уринга эғалигини билдиради.
8. Миллий бойлик- инсоният жамияти тараккиётида аждодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий ва маънавий бойликлар ҳамда фойдаланишга жалб қилинган табиат бойликларини жамисидир.
9. Моддий бўюмлашган бойлик-миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган ашёвий-бўюм қурмнишига эга бўлган қисми.
10. Табиий бойлик- миллий бойликнинг инсон меҳнатисиз табиат инъомларидан иборат бўлган, фойдаланишга жалб қилинган ишлаб чиқаришнинг шарт-шароитини ва инсон фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил қиладиган қисми.
11. Маънавий бойлик-ашёвий-бўюм қуринишига эга бўлмаган номоддий кийматлардан ва инсониятнинг интеллектуал салоҳияти натижаларидан иборат.

Асосий адабиётлар:

1. Қаримов. И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида . Т. «Ўзбекистон»1995 й.
2. Қаримов И. А. Бўюк келажак сари. Т. «Ўзбекистон» 1998 й.
3. Қаримов И. А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломқда. Т. «Ўзбекистон» 1999 й.
4. Улмасов А. , Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Меҳнат» 1995 й.
5. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т, «Молия» 2002 й.
6. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Уқитувчи» 2002 й.
7. Хошимов П. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси «Университет» нашриёти-2003 йил.

18-мавзу: МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ НИСБАТЛАРИ ВА МУВОЗАНАТИ.

Режа:

1. Мувозантилик ва унинг турлари.
2. Иқтисодий таркибининг шаклланиши.
3. Таркибий узгаришлар ва уни амалга оширишнинг асосий йуналишлари.
4. Таркибий ислохотларнинг асосий моделлари.
5. Ўзбекистонда иқтисодий таркибий тузилишини узгартиришдаги вазифалари.

Маълумки, мувозанат ва мувозантли таҳлил иқтисодий назариясининг энг муҳим тадқиқот қилиш усулидир. Чунки, мувозант бўлмаса халқ хужалиги тармоқларида номутаносиблик пайдо бўлади, иқтисодий инкирозга учрашиши мумкин.

Мувозанат иқтисодий назарияси ва иқтисодий сиёсатнинг асосий категорияси бўлиб, у иқтисодий жараёнларни мутаносиблигини, баланслашувини ифодалайди.

Мувозанатга эришиш учун макроиқтисодий нисбатлар ва уларнинг мутаносиблигини таъминламок лозим.

Масалан: Ишлаб чиқариш ва истеъмол, ишлаб чиқариш натижаси, талаб ва таклиф ва ҳақозалар.

Мувозанат 2 турлидир.

1. Идеал (назарий).
2. Реал мувозанат.

Идеал турида бозорларда истеъмол қилинадиган товарлар ва хизматлар етарли бўлиши ва улар сотилиши керак.

Реал турида-айрим объектив ва субъектив сабабларга қура таъминотда бузилишлар содир бўлади. (кризислар ва унинг циклик характери, инфекция, ишлаб чиқаришдаги узилишлар ва ҳақозолар).

Иқтисодий мувозант деб иқтисодий жараёнлар, ходисаларнинг икки ёки бир неча томонининг бир-бирига тенг келаётган ҳолатига айтилади.

Иқтисодчилар мувозанатни хусусий ва умумий мувозанатга ажратиб таҳлил қиладилар.

Хусусий мувозантлик-бу иккита узаро боғлиқ бўлган иқтисодий микдорлар ёки иқтисодий томонларининг микдоран тенг келишидир.

Масалан: Ишлаб чиқариш ва истеъмол, аҳолининг харид қилиши қурби ва товарлар таклифи, бюджет даромадлари ва харакатлари ва ҳақозо.

И. Каримов курсатганидек, «Ички бозорда талаб билан таклиф уртасида муносабатликка эришиш, яъни чиқарилган пул микдори билан унга сотиб олиннадиган моллар салмоғи уртасида тугри нисбатни таъминлаш гоят ката роль уйнайди» (Каримов И. А Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. »Ўзбекистон», 1999й, 384-бет).

Умумиқтисодий мувозантлик жамият барча эҳтиёжлари ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг узаро тенг келишини билдиради.

Масалан: Ялпи талаб ва ялпи таклифнинг тенг келишида қуринади. Яъни истеъмолчилик неъматларига билан чегараланиб қолмайди, балки ишлаб чиқариш воситаларига, ишчи кучига ҳамда барча иқтисодий фаолият натижаларига умумий талаб ва таклифнинг мувофиқ келишида ифодаланади. Бу мувозантлик бир қатор шарт-шароитларни тақозо қилади:

1. Ижтимоий мақсадлар ва иқтисодий имкониятларни мос келиши;
2. Барча иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланадиган хужалик механизмини тақозо қилади;
3. Ишлаб чиқаришнинг умумий таркибий тузилиши истеъмолнинг таркибий тузилишига мос келишини тақозо қилади;
4. Мавжуд бўлган барча бозорларда (товарлар, ресурслар, ишчи кучи ва ҳақозоларда) талаб ва таклифни мувозанатга эриштиришда хизмат қилиши керак.

Иқтисодий реал ҳаётда доимо (мувозанатда бўлади) ҳаракатда бўлади. Бу ҳаракат макро даражада умумий иқтисодий мувозанатликни мамлакат миқёсида иқтисодий мутаносиблигини таъминлаши керак.

Иқтисодий мувозантлик даражасини аниқлашда икки усулдан фойдаланилади:

1. Ялпи сарфлар ва ишлаб чиқариш хажмини таккослаш.
2. Жамгарма ва инвестицияларни таккослаш

Тулик бандлик шароитида сарфлар СММ хажми билан мос келмаслиги мумкин. Бу мос келмаслик рецессион ёки инфекцион фарқда ифодаланади.

Ялпи сарфларнинг СММ хажмидан кам булган миқдори рецессион, ялпи сарфларининг СММ хажмидан ортиқча булган миқдори инфляцион фарқ дейилади.

МД-дан жамгарма ва ундан инвестицияга йуналган қисмидан келадиган натижалар таҳлил қиланади, яъни даромадлими ёки аксинча ҳолат бўлди.

Инвестиция сарфларини қупайиши, ишлаб чиқариш хажми ва даромад даражасининг ўсишига олиб қилиши керак. Бундай натижа мултификатор самараси дейилади, яъни:

Реал СММдаги ўзгариш

Мултификатор самараси = -----

Инвестиция сарфларидаги ўзгариш.

СММ даги ўзгариш Мултификаторни инвестициялардаги ўзгаришга қупайтмасидан иборат бўлади.

Мисол, Инвестицион сарфларни 5 млрд сумга қупайиши, СММ нинг 20 млрд. сумга ортишига олиб келса, мултификатор самараси (20:5) 4 млрд. сумга тенг бўлади, СММ даги ўзгариш 20 млрд. сумга (4X5) тенг бўлади

Маълумки, ишлаб чиқариш учун ер, трактор, қишлоқ хўжалиги машиналари, минерал ўғит, уруғликлар маълум нисбатда керак бўлади.

Ўзбекистонда турли тармоқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги ўсиши.

Тармоқлар	2000 йил
Саноат	13, 8
Қишлоқ хўжалиги	30, 4
Транспорт ва алоқа	8,1
Қурилиш	6,1
Савдо ва умумий оўқатланиш	9,5
Бошқа хизматлар	19,4
Соф солиқлар	12,7

Агарда реал миллий даромад мутаносиб ўсиши таъминланса унда иқтисодиётда иқтисодий ўсиш бўлади.

Бозор иқтисодиёти турли мулкчиликка асосланиб иқтисодиётни баланслаштиришда бозор механизм қўлланилади. Уни ҳаракатга келтиришда тармоқлараро ва тармоқ ичида рақобатдан фойдаланилади. Иқтисодиётни мувозанатга келтириш жараёни доимий ва унинг чёки йук. Иқтисодиётдаги мутаносибликлар турлича бўлади.

1. Ишлаб чиқариш хажми ва ассортименти бўйича;
2. Ишлаб чиқариш ва самарадорлик бўйича;
3. Регионал ҳудудий мутаносиблик - хўжалик алоқаларини маълум ҳудуддаги мослашувини ифодалайди.
4. Такрор ишлаб чиқаришдаги мутаносиблик.
5. Хўжалик юритиш шаклларида мутаносиблик.
6. Умум иқтисодий характердаги нисбат

Мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлаб борса, аҳоли даромадлари ва жамғармалари шаклланиб боради, жамғарилган пулларни инвестицияга йуналтиради, миллий даромадда жамғариш улушини ўсишига эришиш

мумкин булади ривожланган мамлакатларда реал капитал сифатида жамгариш улуши 15-20% атрофида, японияда-30% гача етади.

Иқтисодий мутаносиблик ва унинг турлари.

1. Умумий иқтисодий хусусиятдаги мутаносиблик.
2. Тармоқлараро мутаносиблик;
3. Тармоқ ичидаги мутаносиблик;
4. Худудий (территориал) мутаносиблик;
5. Давлатлараро мутаносиблик.

Иқтисодиётдаги таркибий узгариш-бу миллий иқтисодиётдаги тармоқлар хиссасининг узгаришидир. Ёки иқтисодиётдаги техник иқтисодий модернизацияни ифодалайди.

Таркибий узгаришлар икки йул билан амалга оширилади.

1. Иқтисодиётнинг табиий ривожланиши оқибатида;
2. Давлат томонидан содир булади.

Табиий ривожланиши узок даврларни талаб килади. Давлат таркибий узгаришларни сруктура сиёсати оркали амалга оширилади.

Таркибий узгаришлар сиёсати-бу узгаришларни амалга ошириш учун белгиланган чора тадбирлар тушунилади.

Таркибий узгаришлар килишга 2 хил ёндашув мавжуд:

1. Кенсча ёндашув - бозор ресурсларининг оптимал ишлашини кафолатламайди, баркарор ушшни таъминлайди. Давлат иқтисодиётга аралашуви зарур деб каралади.

2. Неолиберал ёндашув-бунда давлат иқтисодиётга аралашса-ресурсларни таксимлаш ва инвестионал фаолиятини самарасизликка махкум килади. Уни эса бозор механизми бошқариши керак.

Бизнинг фикримизча хаётдаги реал воқеаликдан келиб чикиб хар иккаласидан ҳам фойдаланмок зарур.

Таркибий узгаришлар учун моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар кайта таксимланиши зарур булади. Бу масалани хал килишда давлатни аралашуви зарур булади:

Иқтисодиётда таркибий узгаришлар тармоқлар буйича:

1. Саноат таркибий тузилишини узгартириш;
2. Иқтисодиётнинг худудий таркибини ташкиллаштириш;
3. Асосий капитални янгилаш;
4. ФТТ ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий килиш;
5. Мутахасис кадрлар таёрлашга (инсоний капитал) инвестицияларни купайтириш;
6. Ишлаб чиқариш ва бозор инфрақурулушини такомиллаштириш;
7. Иқтисодий ушшни рақбатлантирувчи механизми яратиш ва уни такомиллаштириш;
8. Бозор ва давлат механизми бир-бирини тулдириб боришини таъминлайди.

Бу тадбирларни амалга ошириш учун маблағ зарур. Бу маблағни манбалари:

1. Хусусий жамгарма ва инвестициялар;
2. Давлат жамгармаси ва инвестициялар;
3. Чет эллардан куйилган инвестициялар;
4. Четдан куйилган портфель инвестициялари ва ташки карзлар хисобидан.

Таркибий узгаришларда билвосита дастаклар, солиқлар, посилина, пул-кредитдан фойдаланиш мумкин.

- Хомашё ва экспорт килишда товарларнинг харид нархларини пасайтириш (харид нархлари билан бозор нархлари уртасидаги фарк инвестицияларни молиялаштиришга ишлатилади);

- Турли валюта курсларини тадбик килиш;
- Протекционистик (барьерлар) тусиқлар куйиш;

- Тижорат банклари активларидан устун йуналиш (тармоқлар)ни молиялаштиришда фойдаланиш;

Кишлоқ хужалиги ва ундирма саноатда қайта ишловчи тармоқлари ривожлантириши қуйилса давлат мажбурий жамғариш сиёсатини юритади, даромад ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришни чеклайди, аҳоли маблағларини давлат банкларида саклашга ҳаракат қилади.

Таркибий ислохатларнинг асосий моделлари сифатида истеъмолга йуналтирилган, экспортга йуналтирилган курунишида бўлиши мумкин.

1. Истеъмолга йуналтирилган модел иккига бўлинади, паст даромадли мамлакатлар учун ҳамда юқори даражада ривожланган мамлакатлар.

а) Паст даромадли мамлакатлар учун истеъмол йуналтирилган моделнинг мақсади аҳолини реал даромадларини қупайтиришга қаратилган бўлади. Агар аҳоли даромадлари ушиб борса, аҳолини сонини усишига олиб келади, иқтисодий усишдаги ҳаракат пасаяди; Жамғаришнинг паст даражаси, аҳолининг даромади пастлиги туфайли жамғаришни қупайтириш қийин бўлади. Коррупциянинг ривожланиши иқтисодий усишга тусиклик қилади.

б) Юқори даражада ривожланган мамлакатлар учун истеъмолга йуналтирилган моделдан фойдаланиш-мамлакатларда ялпи истеъмолга асосланган жамият яратишга олиб келади. Бунга давлатларнинг таркибий сиёсатини амалга ошириш туфайли эришилади. Бунда хизмат курсатиш соҳаларини ривожлантириш ва узок муддат фойдаланиладиган маиший товарлар ишлаб чиқаришга эришиш лозим. Бундай шароит яратилса, жамият таянчи бўлагн урта синф вужудга келтирилади.

2. Экспортга йуналтирилган тармоқларни ривожлантиришга мулжалланган моделлар.

а) Қайта ишловчи саноатни ривожлантиришни кузда тутган модел.

Бу моделлар ички бозори ривожланмаган, аҳоли даромадлари ва талаби паст бўлган мамлакатларда ишлаб чиқаришни экспорт ҳисобидан кенгайтириш ва ривожлантириш мумкин бўлади. Яъни четга хомашё, иш қучини экспорт қилади. Бу моделни узини 2 га бўлиш мумкин.

а) Қайта ишловчи саноатни ривожлантириш;

б) Ундирма саноатни ривожлантиришни кузда тутадиган моделларга бўлиш мумкин.

Бу моделларнинг камчилиги қуйидагилардан иборат.

1. 80-90 йиллардан бошлаб жаҳон бозорида рақобат янада ривожланиб кетиши жаҳон бозоридан урин олишни қийинлаштиради;

2. Гарб мамлакатлари технологиясига боғлиқни қучайиши;

3. Иқтисодиётнибир томонлама ривожланиши;

4. Бозор конъюктурасининг тез узғариши;

5. Меҳнат, материал тежовчи технологияси қуллаш;

6. Қупгина хомашё товарларига нархнинг тушиб кетиши.

3. Иқтисодиётнинг тармоқ ва технологик таркибини такомиллаштирувчи модел. Давлат иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида иқтисодиётни технологик қайта қуришни амалга оширади. Буни амалга оширишда жамғаришдаги такчиллик ҳалакит бериши мумкин. Уни ички реал ҳаётда курсатиб утилган моделлар биргалиқда қулланилади.

Ўзбекистонда иқтисодиёт бир томонлама, яъни хом ашё маҳсулотлари ва оралик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган эди. Энди бўлса уни узғартириш лозим бўлмоқда, яъни миллий иқтисодиётни тармоқ тузилишини узғартириш, уни модернизация қилиш иқтисодий ислохатларни марказида туради.

Таркибий узғартиришдан қутиладиган мақсад:

1. Иқтисодиётдаги хомашёга асосланган бир ёкламалikka чек қуиш;

2. Оралик маҳсулот ишлаб чиқаришдан пировард маҳсулот ишлаб чиқаришга утиш;

3. Импорт урнини босадиган товарлар ишлаб чиқариш;

4. Экспорт салохиятини оширишга эришиш;
5. Меҳнат ресурсларини опитимал бандлигини таъминлаш;
6. Миллий урф-одатларга хос сохаларни ривожлантириш.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг узак тармоклари нефт маҳсулотлари, табиий газ, кумир ва бошқа энергия ресурслари ишлаб чиқарувчи сохалар, тоғ-кон, металлургия комплекси, кимё, машинасозлик, самолётсозлик ва автомобилсозлик саноатини ривожлантириш учун имкониятлар яратиш.

Таркибий узгаришларни амалга ошириш йули билан ёнилги ресурсларига булган эҳтиёж кондирилди. 1990 йилда ёнилги энергетика ресурслар билан таъминлаш 70-75 %, нефть маҳсулотлари билан таъминланиш 30-35% эди. Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиёт ривожланиши учун мувозанатга эришиши, иқтисодий жараёнларнинг мутаносиблиги, баланслашуви лозимдир.

Республикада макроиқтисодий барқарорлик сиёсатида 1997 йилда бурилиш булди, яъни Яим ни усиши – 105,2%, аҳоли сонининг усишидан (101,8)% дан юкори булди. ¹

2001 йилда Яим-4,5 %, хужалик маҳсулотлари –4,5 % га купайди. 2003 йилда Яим – сурункасига 4 % купайиб борган.

Маълумки, Ўзбекистон бозор иқтисодиёти йули билан ривожланиб борар экан, иқтисодиётни қайта ислох қилишда бир қатор муаммолар ва тангликлар, номуносибликлар келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун иқтисодий ривожланишда бир қатор чора-тадбирлар қулланадики, уни амалга оширилиши иқтисодиётни барқарорлаштириш, усишни таъминлаш маҳсулотлар ишлаб чиқаришни даставвал миқдор қурсатқичларини таъминлаш қонуний жараёнга айланади.

Мамлакатда иқтисодий ислохатлар туфайли дастлаб макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришни кескин қамайиб кетишини олдини олиш оммавий ишсизликнинг келиб чиқишига йул қуймаслик асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу сабабли 1990 йилларда макроиқтисодий ҳаётда ишлаб чиқариш суръатларини пасайишини олдини олишда ижобий силжишлар булди ва айрим қурсатқичлар буйича эса усишга эришилди. Иқтисодиётнинг иккита етакчи тармоғи саноат ва қишлоқ хужалигида утқазилган иқтисодий ислохатлар туфайли, саноатда 1995 йилда, қишлоқ хужалигида 1997 йилда ишлаб чиқаришда барқарорлашувга эришилди.

Макроиқтисодий барқарорликка эришилганлиги туфайли 1997 йилда ялпи ички маҳсулотнинг усиши 105,2 фоиз, аҳоли сонини купайиши 101,8 фоизни ташкил қилди. Ялпи ички маҳсулот 2001 йилда – 4,5 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми – 8,1 фоиз, қишлоқ хужалик маҳсулотлари 4,5 фоизга купайди, 2002-2004 йилларда Ялпи ички маҳсулотни йиллик усиши қарийб 6 фоизга қадар усишга эришилди.

Нақтпул эмиссияси 6,5 фоизни ташкил этди. Жами пул массаси белгиланган даражада, яъни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,4 фоиздан ошмаган.

Иқтисодиётда таркибий қайта қуришларни амалга ошириш зарур, бунда асосий эътиборни иқтисодиётнинг тармок тузилиши, ҳудудларни таркибий тузилишини қайта қуриш лозим булди.

Ҳудудларда таркибий тузилмаларни узгартириш борасида одамлар турмуш даражасини яхшилашга ва унга хизмат қиладиган сохаларни ташкил этиш ва ривожлантириш (сув, газ, электр энергия таъминоти ва бошқа инфратузилмалар)ни биринчи даражали вазифалар даражасига қутариш лозим булмокда. Мамлакат миқёсида четдан маҳсулот олиб қилишни қискартириш, халқ хужалигининг хомашё етиштиришга қаратилган бир томонлама йуналишини бартараф этиш, тайёр товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришга утиш, экспортни купайтириш, ички бозорни истеъмол товарлари билан туйинтириш бош масаладир. Бунинг учун энергетика ва озик-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни янада ривожлантириш лозим.

ва статистика департаменти маълумотлари.

Республикада 2004 йилда 5530 минг дон етиштирилди, 5 млн т. нефть қайта ишлаб чиқарилди, 3. 600 минг тонна пахта етиштирилди. Вилоятда 608 минг тонна дон етиштирилди, 467 минг тонна пахта етиштирилди. Етиштирилган пахтанинг 70 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тугри келди ва олинган даромад 124,3 млрд сумни ташкил этди, олинган соф фойда 37,8 млрд сум бўлди.

Ҳозирги вақтда биринчи навбатда узак тармоқлар нефть ва газ саноатини, энергетикани, рағли металлургия саноатини машинасозлик мажмуасини, кишлоқ хўжалиги ва агросаноат мажмуасини ривожлантиришга устунлик берилмоқда.

Таркибий узғаришларни амалга ошириш, бой табиий захираларимиз, минерал ва хомашё, меҳнат ресурслари, интеллектуал ҳамда илмий-техникавий имкониятлардан тулик фойдаланишни талаб қилади.

Бу имкониятларни ишга тушириш, янги иш уринларини очиш, иқтисодий, табиий, меҳнат, молиявий ресурслардан тежаб фойдаланиш, ишлаб чиқариш кам харажатлар қилиш, умумий сарфларни борган сари камайтириб боришга эришиш – мамлакатни иқтисодий потенциалини қупайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Асосий таянч тушунчалар.

1. Иқтисодий мувозанат – иқтисодий жараёнлар, ходисаларнинг икки ёки бир неча томоннинг бир-бирига тенг келиши ҳолати.

2. Хусусий мувозанатлик (жамият эҳтиёжлари билан мавжуд иқтисодий)- иккита узаро боғлиқ бўлган иқтисодий микдорлар ёки иқтисодиёт томонларининг микдоран тенг келиши.

3. Умум иқтисодий мувозанатлик жамият эҳтиёжлари билан мавжуд иқтисодий ресурслар ва ишлаб чиқариш ҳажмининг узаро мос келиши.

4. Рецессион фарқ ялпи сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан кам бўлган микдори.

5. Инфляциян фарқ ялпи сарфларнинг соф миллий маҳсулот ҳажмидан ортиқча бўлган микдори.

6. Мультипликатор самараси бу соф миллий маҳсулотдаги (смм) узғаришнинг инвестицион сарфлардаги узғаришга нисбати.

7. Иқтисодий мутаносиблик иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари уртасида микдор ҳамда сифат ўлчамларининг мос келишлик даражаси.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йулида. Т. «Ўзбекистон»-1995 йил.

2. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. , «Ўзбекистон», 2000 йил. 15-бет.

3. Каримов И. А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йулимиз. «Халқ сузи» газетаси 15. 02. 2002 йил.

4. Улмасов А. Шарифхўжаев М. иқтисодиёт назарияси дарслик. Т. «меҳнат» 1995 йил.

5. Шодмонов Ш, Р. Алимов, Т. Жураев иқтисодиёт назарияси. ўқув қўлланма. Т. «молия» 2002 й.

6. Хошимов П. ва бошқалар иқтисодиёт назарияси ўқув қўлланма. Т. , «Университет» 2003 й.

19-мавзу: ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЦИКЛИГИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК.

Режа:

1. Макроиктисодий бекарорлик ва иқтисодиётнинг циклиги. Иқтисодий инкирозлар.
2. Таркибий инкирозлар. Аграр инкирозлар ва унинг хусусиятлари.
3. Иқтисодий цикл назариялари. Циклнинг иқтисодиётни алоҳида соҳаларига таъсири.

Ушбу мавзуда иқтисодий цикл, ишлаб чиқариш, бандлик ва нарх даражасининг узгариб туришига тушунча берамиз. Ундан кейин иқтисодий цикл фазалари, уларни даврий тебраниш сабабларини тушунтирамиз. Шундай кейин аграр инкирозлар ва унинг узига хос хусусиятларини таҳлил қиламиз.

Маълумки, мамлакатларни ривожланиши ҳар хил бўлади, унинг объектив ва субъектив сабаблари таъсирида ҳар хил иқтисодий жараёнлар содир бўлиб туради. Лекин давлатлар доимо иқтисодий ўсишга, аҳолини иш билан тулик банд қилишга, нархларни барқарор бўлишга ҳаракат қилади.

Аммо иқтисодий ўсиш бир тўқисда ва узлуксиз бормайди, иқтисодий ўзилишлар ва бекарорлик ҳолатлари билан ўзилиб туради, яъни тармоқларда номуносивблик содир бўлиб туради. Бундай Ҳолатлар иқтисодий цикл билан характерланади.


Иқтисодиёт ривожланишининг бир ҳолатдан кейинги бир неча фазаларини босиб ўтиб, ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиб келишигача бўлган даврни иқтисодий цикл деб аталади.

Цикл инкироз, тургунлик, жонланиш, юксалиш фазаларидан тақил топади.

Инкироз (кризис-танназул) иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқаришни пасайиб кетишида намоён бўлади. Инкироз даврида асосий капитални ортиқча жамғарилиши ва унинг функционал шаклларида намоён бўлади.

Инкироздан кейин тургунлик келади. Маълум даврдан кейин иқтисодиётда жонланиш учун шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилади.

Ишга яроқли бўлган кишиларни иш билан таъминланиш ва уни даражасини ортиши, олиндиған фойда миқдорини қупайиб бориши натижасида жонланиш фазаси-юксалиш фазасига ўтади.



Ушбу чизмада циклнинг юкори нуктасида иқтисодиётда тулик бандлилик қузатилади ва ишлаб чиқариш тулик қувват билан ишлайди. Нарх даражаси ўсиш тамойилига эга бўлади. Иқтисодий фаолиятни ўсиши тухтайди.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин тушиб кетиши иқтисодий инкироз деб аталади.

Инкирознинг сабаби, жамиятда ишлаб чиқарилган товарлар массаси туловга қобил талабга мос келмай (ундан ошиб кетади ёки кам бўлади) қолади. Натижада ишлаб чиқаришни бир қисми тухтайди.

Товарлар ишлаб чиқариш қамаяди, ишлаб чиқаришни ўсиш даври уни тушқунлиги билан алмашинади.

Инфляция қучайса ва нарх даражаси ўзгариши билан иқтисодий ўсиши орқага кета бошлайди.

Инкирозларнинг асосий сабаби-такрор ишлаб чиқаришдаги бекарорлик ва номуносивбликдир.

Қупчилик иқтисодчилар иқтисодий циклларни объектив эканлигини тан олади, бу ҳодисани унга таъсир қурсатувчи ички ва ташқи омилларни урганиш ва таҳлил қилиш орқали асослаб бермоқдалар. Ташқи омилларга: - урушлар, инқилобий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий ларзалар; - олтин, уран, нефт қабим қимматли ресурслар, йирик қонларининг очилиши;

- Янги ҳудудларни очилиши, аҳоли миграцияси, ер шарим аҳолисини ўзгариб туриши;

- Ижтимоий ишлаб чиқариш тарқибини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган технология, татқиқотлар ва инновациялардаги қудратли ўзгаришлар.

Иқтисодий циклларни ташқи омилларнинг мавжудлиги билан тушунтирувчи назарияни, экстернал назария деб қабул қилинған.

Иқтисодий циклларни ички омиллар таъсирида содир бўлиши- интернал назария деб юртилади.

Улар қуйидагилардан иборат:

- Шахсий истеъмолчининг ўзгариши (қисқариши ёки қенгайиши);

- Инвестициялар-ишлаб чиқаришни қенгайтириш, уни янгилаш ва янги иш жойларини вужудга қелтиришга йуналтириладиган маблағлар ҳажми;

- Ишлаб чиқариш, талаб ва тақлиф ҳажмига таъсир қурсатишга қаратилған давлатнинг иқтисодий сиёсатининг ўзгариши.

Иқтисодиётдаги инкирозлардан бир қуринишини ёки унинг бир тури таркибий инкирозлардир.

Бу инкироз ишлаб чиқаришнинг айрим соҳалари билан тармоқлар ривожланиши уртасидаги қуқур номуносивбликлар қелтириб чиқаради. Иқтисодий фаоллик иқтисодиётдаги ўзқ муддатли тамойилларга, ўзқ муддатли давр, масалан, 25, 50 ёки 100 йил давомида иқтисодий фаолликни ортиши ёки пасайишига боғлиқ.

Қишлоқ ҳужалигидаги иқтисодий инкирозлар аграр инкирозлар деб аталади ва қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

1. Кишлоқ хужалик махсулотларининг нисбий ортикча ишлаб чиқариши, унинг сотилмай қолган жуда катта захираларини тупланиши;
2. Нархларнинг пасайиши, даромадлар фойданинг камайиши;
3. Фермерларнинг оммавий равишда хонавайрон булиши ва улар қарзларини ортиши;
4. Кишлоқ аҳолиси уртасида ишсизларни қупайиб кетиши.

Биринчи аграр инкироз утган асрнинг 70- йилларидан бошланиб, ҳар хил шаларда 90- йиллар уртасигача давом этган эди.

Биринчи жаҳон урушидан кейин аҳолининг харид қобилияти жуда пасайиб кетганлиги натижасида 1920 йилда кескин аграр инкироз бошланиб, иккинчи жаҳон уруши бошланишига қадар давом этди.

Учинчи аграр инкироз 1948 йилда бошланиб 80 йилларгача давом этди. Аграр инкрозлар жуда узок муддатга чузилади, унинг сабаблари қуйидагиларидан иборат:

1. Ерга хусусий мулк монополияси шаройида, у кишлоқ хужалик ишлаб чиқаришнинг ривожланишида саноатга нисбатан орқада қолишини тақоза этади.
2. Ер режасининг мавжуд булиши ва унинг узлуксиз суръатда ушиб бориши;
3. Қуплаб майда дехқон хужаликларининг мавжуд булиши.

Аграр инкрозлар циклли хусусиятга эга эмас. Кишлоқ хужалик махсулотларини ортикча ишлаб чиқариш абсалют хусусиятга эмас, балки нисбий хусусиятга эгадир, чунки инкироз руй берган мамлакатларда миллион-миллион кишилар доимий суръатда очликда яшайди.

Иқтисодиёт фанида иқтисодий цикл ва циклли ривожланишга мингдан ортик қарашлар мавжудлиги қуратиб утилган.

Китчин цикли - захиралар цикли деб аталади. Бунда китчин (1926 йил) молиявий ҳисоблар ва товар захиралари ҳаракатида сотиш нархларини таҳлил қилиш асосида 2 йилдан 4 йилгача давр давомида қиска тулқинларни тадқиқ қилишга узининг эътиборини қаратган эди.

Жуглар цикли - бизнес- цикл, саноат цикли, уртача цикл ва катта цикл қаби номлар билан аталади.

Саноат цикли XIX асрда 10-12 йилни ташқил қилган бўлса, XIX асрда 7-9 йилни ташқил этди.

Кузнец цикли - қуп ҳолларда «қурилиш цикли» деб номланиб, 20 йилгача бўлган иқтисодий тебранишлари билан аниқланади.

Кузнец узининг «Миллий даромад» (1946й) номли китобида миллий даромад, истеъмолчилик сарфлари, шлаб чиқариш мақсадидаги усқуналар ҳамда бино ва иншоотларга ялпи инвестиция қуратқичларида 20 йиллик узаро боғлиқ тебранишлар мавжуд булишини аниқлайди.

Кондратьев цикли - «узок тулқинлар» цикли деб аталади. Рус олими Н. Д. Кондратьев Англия, Франция ва АКШ, 100-150 йил давомидаги ривожланишини қамраб олган.

Кондратьевнинг фикрича катта иқтисодий циклларни ривожланишида 4 муҳим иқтисодий қонун урнатилишини топиш, уни билиб олиш имқонини берди.

1. Ҳар бир катта цикл тулқининг бошланишидан жамиятнинг ҳаётида қуқур узғаришлар содир бўлади. Бу узғаришлар қуп жихатдан техниканинг узғариши, жаҳон иқтисодий муносабатларга янги мамлакатлар жалб этиш, олтин қазиб олиш ва пул муомаласидаги узғаришларга боғлиқ.

2. Ҳар бир катта цикл тулқининг қутарилиш даврида жамиятда вужудга қелган энг қуп миқдорда социал ларзалар (уруш, революция) тугри қелади.

3. Ҳар бир катта цикл тулқининг тусиши пастланиш даври кишлоқ хужалигини узок ва айниқса қуқур депрессияга тушиши билан ифодаланади.

4. Катта цикл тулқининг қутарилиш даври урта цикллар турғунлигининг қиска, юқсалишнинг интенсив булиши билан характерланади.

Биринчи катта циклнинг юқсалишини Кондратьев Англияда саноат революцияси билан боғланган, иккинчисини темир йул саноатининг ривожланиши, учинчисини электроэнергия, телефон, радиони қириб қелиши билан, туртинчисини автомобилсозликнинг ривожланиши билан изохлаб берган. Бешинчи циклни Ҳозирги иқтисодчилар, электроника, ген инженерлиги, микро процессорларни ривожланиши билан боғлайди. Шу билан бирга катта циклларнинг даври аниқланади.

Биринчи тулқин 1772-1783 йиллардаги депрессиядан 1812-1825 йиллардаги беқарорлиқгача;

Иккинчи тулқин 1825-1838 йиллардаги депрессиядан 1866-1873 йиллардаги беқарорлиқгача;

Учинчи тулқин 1873-1929 йиллардаги беқарорлиқгача;

Туртинчи тулқин 1929-1938 йиллардаги депрессиядан 1966-1974 йиллардаги беқарорлиқгача;

Бешинчи тулқин 1974-1982 йиллардаги депрессиялардан бошланган.

Маълумки, биринчидан қризис бузғунчилик.

Бузилган нисбатларни тиклаш учун ортикча товарлар йуқ қилинади.

Иккинчидан, қризис бу соғломлаштириш, яратувчилик. Бу даврда нархларнинг пастлиги туфайли фойда олинмайди. Тадбирқорлар қаражатларни қамайтириш йулларини қидирадилар. Биринчи навбатда асосий капитал (унинг асосий қисми асқоб-усқуна, машина, механизм, меҳнат қуроллари) янгиланади. Ҳомашё энергияни тежаш йуллари топилади.

Қризиснинг бузғунчилик қувватини пасайтириш учун давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви лозим бўлади.

Маълумки, Республикада тушқунлик 1991 йилдан бошланди. Тақчил ишлаб чиқариш инкироzi бўлди. У энг аввало қенг истеъмол товарлар ишлаб чиқаришни қискаришида ифодаланди. Бундай аҳволни сабабларини қуйидагилар билан ифодалаш мумкин.

1. Собик иттифокда иқтисодиёт тула монополлашган эди. Истеъмол товарлари ва ақоли учун бошқа товарлар ишлаб чиқарадиган тармоқлар учун ишлаб чиқариш воситалари етқазиб бериш доимий тақчил бўлган.

2. Бутун миллий хужалик структураси чқур деформациялашган, бир ёклама ривожлантирилган.
3. Ишлаб чиқариш хажмини устириш асосан устун даражада экстенсив йулдан олиб борилган.
4. Республикамиз энергетика ресурсларига бой булишига карамай, ёнлиги энергия такчиллиги юз берди, чунки нефтни кайта ишлаш корхоналари сонига куввати паст эди.
5. Кишлок хужалигида тургунлик юз берган эди.
6. Нотугри иқтисодий сиёсат 80 йилларнинг охири 90 йиллар бошларида ишловчиларни моддий рағбатлантириш, аҳолига социал туловлар кучайтирилди. Аҳоли учун товарлари ишлаб чиқариш борган сари камайиб борди. Натижада муомлада пул хаддан ташқари купайиб кетди. Масалан, 1990 йили миллий даромад 4 фоиз камайгани ҳолда аҳолининг пул даромадлари 17 фоизга ортган. Бу номуносивлик, такчилликни купайтиради.

Республикада бошқа ҳам дустлик мамлакатларига караганда тушқунлик камрок булди. Ялпи ички маҳсулот 1991-1996 йиллар давомида 17 фоиз кискарди, Беларуссияда 35 фоиз Россияда 39 фоиз, Киргизистонда 42 фоиз, Козогистонда 44 фоиз, Украинада 53 фоизга кискарган эди. Жаҳон бозорида 1992 йилда пахта толаси нарҳини кескин (камайиб кетиши) тушиб кетиши туфайли Республика ялпи ички маҳсулоти аввалги йилига нисбатан 11,1 фоизга кискарди. Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва иқтисодиёт усишга давлат ва уни кучли иқтисодиёт сиёсатсиз эришиб булмайди. Давлат макроиқтисодиёт таркибий узгаришларини амалга оширади, четдан инвестицияларини жалб этишга алоҳида аҳамият беради. Кичик ва урта бизнесни ривожлантириш, кадам-бакадам мулкни давлат тасарруфидан чиқаришни амалга оширади. Республикада 1996 йилнинг урталарига келиб ишлаб чиқаришда тушқунлик тухтатилди. 1995 йилга нисбатан усишга эришилди, 2001 йилга келиб, 1991 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот 103 фоизни ташкил килди, 2004 йилда ялпи ички маҳсулотни усиши 7,7 фоизга этди. Республикада ялпи ички маҳсулотда саноатни улуши камайиши кузатилмоқда. Бунинг сабаби бир қатор омиллар булиши мумкин:

1. Иш кучи сифати даражаси.
2. Меҳнат қуникмаларини, малакасини йукотиши;
3. Иш кучи қобилиятини пасайиши;
4. Таълим даражаси усиш суръатларини пасайиши;
5. Техника таракқиётини пасайиши;
6. Инвестиция даражасининг пасайиши;
- жамғариш нормасининг пастлиги;
- чет эл товарларининг рақобатбардошлигини юқорилиги
- инфраструктурага харажатларнинг камайиши
7. Энергия манбалари (нефт, газ, электр энергияси) қабилар баҳосининг қутарилиши ва бошқалар.
8. Ишлаб чиқариш жараёнидаги меҳнат улушининг усишга тускин берувчи муносабатлар.

Демак, иқтисодий цикл, Ҳозирги назарияларга қура 4 босқичдан иборат:

1. Усиш чуккиси; 2. Пасайиш; 3. Тургунлик; 4. Жонланиш ва яна юксалиш босқичларида тебраниб туради ва бу босқичлар кетма-кет такрорланиб туради.

Иқтисодий инкирознинг асосий икки тури мавжуд.

1. Ортиқча ишлаб чиқариш;
2. Кам ишлаб чиқариш.

Ортиқча ишлаб чиқариш бозор иқтисодиётига хос. У XIX асрнинг бошлариданок бошланган эди.

Биринчи ортиқча ишлаб чиқариш инкирози 1825 йилда Англияда бошланган. Шундан буён инкирозларни мунтазамлилиги циклик қурилиши хар 10-11 йилда такрорланиб туради.

Кам ишлаб чиқариш инкирозида иштимой такрор ишлаб чиқариш тизимида ишлаб чиқариш билан аҳоли ихтиёжлари номувофлиги юзага келтирган нисбатлари бузилади. Туловга қодир талаб бозордаги товарлар таклифи хажмидан ошиб кетади. Бу эса бозор юксак даражада монопольлашган, рақобат механизмлари мавжуд булмаган маъмурий буйруқбозлик иқтисодиёти учук хосдир.

Асосий таянч тушунчалар.

1. Иқтисодий инкироз- ишлаб чиқариш суръатларини пасийиши ыа уни хажмини кискариши ишсизликнинг купайиши, ишлаб чиқариш қувватларини бушаб қолиши, бозорни қасотга учраишини билдиради.

2. Иқтисодий цикл- иқтисодиётни ривожланиш жараёнидаги қутарилиш ва пасайиш ҳолаларини уз ичига олади, иқтисодиёт тебраниб туради.

3. Тургунлик (депрессия)- ишлаб чиқаришнинг депсиниб туришини билдиради. Иқтисодиёт бир ҳолатда қалқиниб туради.

4. Жонланиш-бу фазада ишлаб чиқаришда узгариш ва силжиш руй беради. Янгилиниш пайдо булади, ишлаб чиқариш техникаси янгиланади, харидорғир товарлар ишлаб чиқарила бошланади.

5. Юксалиш босқичи- ишлаб чиқариш суръатлари ошади, тула иш билан банд булиш амалга оширилади, ишлаб чиқариш тула қувват билан ишлайди, маҳсулот қуп яратилсада сотилиб кетади, лёкин инвестиция фаолияти кучли булмайди, туловга лаёқатли талабнинг қенгайиши пайдо булади.

6. Таркибий инкироз- хомашё товарларнинг кескин етишмаслиги, турли тармоқларда ривожланишда номуносивлик вужудга келади, кейинчалик бутун иқтисодиётда ишлаб чиқариш хажмининг кескин камайиб кетишидир.

7. Аграр инкирозлар- кишлок хужалигида руй берадиган иқтисодиё инкирозлар булиб, бу инкироз узук вақт давоқ этади. Хулоса қилиб айтганда ортиқча ишлаб чиқариш тангликларининг асосий сабаби, иқтисодиётнинг товар турига унинг рақобатли бозор механизмларига хос булган қидиқларнинг бутун бир мажмуига қориб такалади. Кам

ишлаб чиқариш тизимида ишлаб чиқариш билан аҳоли эҳтиёжлари мувофиқлигини юзага келтириш нисбатлари бузилади, туловга кодир талаб бозордаги товарлар таклифи хажмидан ошиб кетади.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Т. «Ўзбекистон» 1995 йил.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. «Ўзбекистон» 1998 йил.
3. Камаев. Д. Б. (Экономическая теория) учебник М. Гуманитар изд. Центр Владос, 1998 йил.
4. Шодмонов Ш, Ганихужаев Ф. Бозор иқтисодиётига утиш шароитида ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш ўқув кулланма Т. 1993 йил.
5. Улмасов А. Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т. «Меҳнат» -1995 йил.
6. Шодмонов Ш. Алиев Р. Жураев Т. иқтисодиёт назарияси. Ўқув кулланма. Т. «Молия» 2002 йил.
7. Хошимов П. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув кулланма. Университет. 2003 й.
8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув кулланма. Т. «Шарк» 2003 й.

20-мавзу: ЯЛПИ ИШЧИ КУЧИ ВА УНИНГ БАНДЛИГИ, ИШСИЗЛИК.

Режа:

1. Ишчи кучи ва унинг миқдори.
2. Ишчи кучини тақрор ҳосил қилиш.
3. Ишсизлик ва унинг турлари, ишсизлик даражасини аниқлаш.
4. Ишсизликнинг иқтисодий ва соиал оқибатлари.
5. Иш билан таъминлаш ва меҳнат биржалари.
6. Филлипс эгри чизиги.
7. Ўзбекистонда бандлик муаммоси ва ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш.

Иш кучи бу инсоннинг маълум мақсадлар йулидаги жисмоний ва ақлий қобилиятининг биргаликдаги фаолиятидир. У амалиётда меҳнат ёки иш деб аталади. Иш кучини инсон организмидан ажратиб бўлмайди, моддий қуринишга эга эмас, инсондаги қобилиятдир. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда катнашадиган асосий омиллардан бири иш кучидир. Бошқа нарсаларнинг миқдори ва улчами бўлганидек, иш кучини ҳам миқдори ва сифат улчами бор.

Иш кучининг миқдори – меҳнатга лаёқатли бўлган кишилар сонидир. Меҳнатга, ишга қобилиятли бўлган кишиларини – меҳнат ресурслари деб юритилади.

Меҳнат ресурслари таркибига қуйидагилар киради:

1. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишилар.
 - 16 ёшдан 55 ёшгача аёллар;
 - 16 ёшдан 60 ёшгача эркаклар.
 - Меҳнатга лаёқатли ёшдан (55-60 ёш) катта ёшдаги ишловчилар (пенсиядаги ишловчилар)
 - Ишловчи усмирлар (16 ёшгача бўлган ёшлар)

Иқтисодиётда фаол аҳоли тушунчаси кенг ишлатилади. Фаол аҳоли таркибига миллий ҳужаликда банд бўлган барча кишилар билан бир қаторда иш қидираётган меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳам киради. Меҳнат ресурслари (иқтисодий фаол аҳоли) миқдорига икки омил таъсир қилади:

1. Аҳолининг табиий ўсиши;
2. Аҳолининг (иш кучи) миграцияси.

Аҳолининг табиий усиши суръатлари турли регионларда турлича. Унга катор омиллар таъсир этади. Республикада 1920 йилларда 4 млн дан ортик аҳоли яшаган булса, ҳозирда 25 млн 218 минг аҳоли яшамокда. Шу йиллар давомида катор саноат корхоналари барпо этилади. Яъни Чирчик, Олмалик, Ангрен, Навоий, Бекабод, Янгиер ва ҳакозо Нукус–Бухоро–Хоразм вилоятларини боғлайдиган Темирйул, Хозарасп ва Хоразм вилояти – Амударёда қурилган қурик, узунлиги 670 метр, 33,5 мерд. маблаг сарфланади.

Қарши, Гузор, Бойсун–Жарқургонни боғловчи Темир йул қурилмокда. 50% ни Қашқадарё вилояти қуради.

Иш қучи у ёки бу сабабларга қура силжийди, қучади, уни миграция деб қуритилади.

Унинг асосий сабаблари 2 та булиши мумкин.

а) Ишсизлик;

б) Иш ҳақи уртасидаги фарқ.

Ишчи қучи миграцияси икки хил булади.

1. Ички миграция; 2. Халқаро миграция.

Ички миграция бир мамлакат доирасида ва микёсида содир булади. Ички миграция, яъни меҳнат ресурсларининг қучиши:

Батамом, тебранувчи, сезонли (мавсумий) эпизод тарзда юз беради.

1. Ишчи қучининг батамом миграцияси шаклида аҳоли қучиб бориб доимий яшаш учун қолади.

2. Тебранувчи шаклида, эса қунлик, ҳафталик, ойлик тарзида иш билан доимий яшаш жойи уртасида қатнаб ишловчилар ташкил этади.

3. Сезонли (мавсумий) ишчи қучи миграцияси вақтинчалик қуй беради. Масалан, қишлоқ ҳужалиги ишларида, қорвачилик, овчилик, қурилиш соҳаларида булади.

4. Эпизодлик иш қучи миграцияси иш билан хизмат сафарига бориш, ишбилармонларни иш билан борди-қелди ҳаракати, вақти ва йуналиши қоҳида булиши билан ҳарактерланади.

Миграциянинг мақсади – талаб ва тақлифни мувозанатлаштириш, ишлаб қиқариш ва хизмат соҳаларини ривожлантириш, иқтисодиётни усишини таъминлаш, барқарорликка олиб қелиш ва ҳақозо.

Ижтимоий нуқтаи назардан қарайдиган булсақ, аҳолини турмуш даражасини қутариш, инсон бекор турмаслиги учун уни иш билан банд қилиш, яшаш учун имқониятлар яратишдан иборатдир.

Иш қучини жисмоний қуч билан қеклаб булмайд, уни билим, малақа, маҳорат ва иш тажриба ҳам инобатга олинади. Иш қучига булган талаб ва уни тақлифи меҳнат бозорида узғариб туради ва уч категорияга булинади:

а) Устун даражада жисмоний ишлар билан шугулланувчилар;

б) Турли хизмат қурсатиш билан шугулланувчилар;

в) Ақлий меҳнат билан шугулланувчи инженер-техник ҳодимлар.

XX асрнинг иккинчи ярида содир булган фан-техника революцияси меҳнат бозорида микдор ва сифат соҳаларида туб узғаришларга олиб қелади.

1. Умумий ишчилар тарқибада қам малақали ва малақасиз ишчилар хиссаси қамайди.

2. Инженер–техниклар, интелегенция, хизмат қурсатиш соҳаларида хизмат қилаётганлар сонини ошиб бориши;

3. Устун даражада жисмоний ҳамда ақлий меҳнат билан шугулланувчилар уртасидаги қатта фарқ қисқариб боради.

Ишлаб қиқаришда меҳнат жараёнида огирлик жисмоний меҳнатдан ақлий меҳнат томон қучиб боради. Қуп қасблар юқори интеллект, яқши тайёрғарлик, малақа, тажриба ва маҳоратни талаб қилади.

Иш қучи ва унинг бандлиги муаммосини урганишда Мальтуснинг таълимотига эътибор бермоғимиз лозим.

Меҳнат омилининг даромади, турмуш даражаси, унинг бандлиги, яратилган неъматлар микдори билан улчанади.

Аҳолининг табиий усиши ва эҳтиёжларини қондириш даражаси уртасидаги боғланишни статистик (қолат, талаб)

маълумотлар асосида урганган инглиз иктисодчиси (рухонийси) Томас Мальтус (1766-1834) «Нуфус конуни тугрисида тажриба» асарини ёзди.

Унинг фикрича аҳолининг узиши геометрик прогрессия (1, 2, 3, 4, 5, 6, 16, . . .) хар бир сон олдингисидан 2 баравар куп) тарзида юз беради. Аҳолининг яшаши учун зарур булган махсулотларнинг узиши эса арифметик прогрессия кетма-кетлиги (1, 2, 3, 4, 5, 6, 16, . . .) курунишида бўлади.

Шунга биноан Мальтус шундай хулоса чиқарган. Агар ер куллари аҳолиси сонининг узишини чекланмайдиган бўлса, одамлар очарчиликка дучор булади. Унинг фикрича инсоният манфаати назаридан улимнинг купайишига олиб келувчи барча омиллар эпидемия, очарчилик, киргин урушларни ижобий баҳолаш мумкин. Мальтус фан-техника тараккиёти ва унинг ишлаб чиқаришдаги аҳамиятини инкор этган.

Кейинги 100 йил давомида аҳолининг турмушида эришилган даража, бутун инсоният тарихи давомида эришилган натижадан купрок¹.

XIX аср бошидан планета 5 марта усди. Техника тараккиёти аҳоли жон бошига тугри келадиган даромад ундан ҳам купрок булди.

Ривожланган мамлакатларда аҳолининг купайишига булган мойиллик юкори эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири, ёш болалар улимнинг камайиши, куп болали булиш заруриятини йукотди.

Иккинчидан, купчилик зиёли аёллар уйда бола бокиб утиришдан кура, муайян мансабдаги ижтимоий иш билан шугулланишни афзал курадилар.

Учинчидан, урбанизациянинг кучайиши. Агар кишлокда бола ёшлигидан ёрдамчи хисобланса, шаҳарда эса уз тарбияси учун катта маблаг ва вақт сарфлашни талаб килувчи истеъмолчи хисобланади.

Мальтус назарияси гарчан асоссиз булсада, унинг келажаги йуклигига ишонч хосил килинган булса-да, кейинги пайтда унинг гоёлари яна фаоллашди. Бунга сабаб, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар уртасида фаркнинг катталигидир. Яъни 83 % жохон истеъмоли 20 % аҳолига тугри келади. 70 йилларда очарчиликдан кийналганлар 400 млн киши булган булса, 80 йилларда 500 млн. 90 йиллари эса 700 млн дан ортиб кетди. Бу ҳолат XX асрда ҳам камайгани йук. Шунинг учун иктисодий узишга эришиш ва иш билан бандлик муаммоси янада долзарб вазифа хисобланади.

Маълумки, ишлаб чиқариш туфайли хар йили ялпи миллий махсулот яратилади, у ишлаб чиқаришнинг моддий ашёвий ошёвий омили булиб колмасдан, ишлаб чиқаришни шахсий омили – ишчи кучи, жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳам такрор хосил килишга сарфланади.

Инсоннинг жисмоний ва аклий қобилиятларини узлуксиз кайта тиклаб ва таъминлаб туриш, янги ишчи авлодини тайёрлаш уларнинг меҳнат малакасини мутассил янгилаб ва ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражасининг узишини таъминлаш – иш кучини такрор хосил килиш деб аталади.

Иш кучини такрор ишлаб чиқариш 2 хилдир.

Биринчиси – мавжудларини жисмоний ва аклий қобилиятларини такроран тиклаб бориш;

Иккинчиси – аҳолисининг табиий узишини (купайиши)ни таъминлашдир.

Республикада (2000 йил) ишчи кучи ресурсларининг уртача йиллик сони 12,6 млн. киши булиб, бу мамлакат аҳолисининг 51,6 фоизини ташкил килади. иктисодиётда банд булган аҳолининг уртача йиллик сони 9,0 млн. киши булиб, иш кучи ресурсларининг таркибида 71,3 фоизини ташкил этади.

Республикада 1991-2000 йилларда аҳолининг табиий ҳаракатланиши 1000 киши хисобига куйидагича булган. ¹

Курсаткичлар	Йиллар
--------------	--------

¹ (Доклад о мировом развитии 2000-2001 года. М. вес. Мир. 2002г. стр. 51, стр 3).

¹ (Инсон тараккиёти тугрисида маъруза. Т. «Ўзбекстон» 2000й. Т. «Ўзбекстон», 2001 й. 13 бет. Социально экономическое положение Республики Ўзбекстон. Тошкент 2001 й. 82 бет).

	1991	199	1996	1997	1998	1999	2000
		5					
Тугилиш	34,5	29,	27,3	26	23	22,3	21,5
Улиш	6,2	3	6,2	5,9	5,8	5,3	5,5
Табиий усиш	28,3	6,4 23, 4	21,1	20,1	17,2	17,0	16,0

Иш кучини такрор хосил килиш, уларнинг тула ва самарали иш билан банд булиш муаммосини уз ичига олади.

Аҳолининг табиий усиши ва уни такрор ишлаб чиқариш хусусияти купгина ҳолатлар билан мамлакатнинг индустриал тараккиёти ва урбанизация даражаси, ижтимоий шарт-шароитлар, маданият ва маиший турмуш анъаналари билан белгиланади.

Демография омилини ҳисобга олган ҳолда уй-жой шароитларини яхшилаш, болаларга нафақа бериш, болалар муассасалари билан таъминлаш, хомиладорлик ва бола тугилгандан кейинги таътиллари узайтириш, оилани мустаҳкамлаш кабилар шарт-шароитлар ҳисобланади.

Иш кучи таклифининг унга булган талабдан ортиб кетиши ишсизликлар ёки иқтисодий фаол аҳолининг маълум қисмини иш билан таъминламаслик, яъни ишлашни хоҳлаганларни иш топа олмаслиги ишсизликдир.

Ишсизликни сабаби нимада деган саволни тугилиши табиийдир. !

Айрим классик назариялар буйича ишсизлик меҳнат баҳоси ва меҳнатга талабдан келиб чиқади дейилади. Англиялик иқтисодчи Артур Пигу «Ишсизлик назарияси» (1903 йил) китобида «Пигу эффекти» асосида ишсизликни изохлаб, бандлик қандай тарзда стихияли тартибга солинишини курсатиб берган. Турғунлик даврида бандлик, иш хаки, нархлар пасаяди. Демак ишсизликни камайтириш учун иш хакини пасайтириш керак дейди. А. Пигунинг фикрига муҳолиф тарзда Ж. М. Кейнс чиқади. Кейнс фикрича тула бандликка эришиш, яъни ишлашни хоҳлаганларни иш билан таъминланиши иш хаки даражаси билан боғлиқ эмас. Ишсизликнинг давоси сифатида у иш хакини камайтиришни рад этади. Кейнс назарияси буйича бандлик даражаси самарали талабнинг функциясидир. У уз ичига истеъмол учун қўйлаётган харажатларнинг плус инвестицияларнинг мувофиқ равишда тадбиркорларнинг иқтисодий жихатдан ҳулк-атворининг узини қандай тутишининг бошқача айтганда нимани танлаб, қандай қарор чиқаришини белнилаб беради.

Кейнс модели буйича меҳнат бозорида иш кучи ортиқчалиги сакланиб турган ҳолда меҳнатга булган талаб ва таклифнинг тенглашуви юз беради.

Классиклардан фарқли равишда, Кейнс фикрича, меҳнат резерви яъни ишсизларнинг иш хакини пасайтириш орқали иш билан таъминлаш самарали талаб билан чегараланган.

Иш топа олмасликнинг сабаблари турли-туман булиб, уларни асосан қуйидаги гуруҳларга болиш мумкин:

Фрикцион ишсизлик – иш кидириш ёки иш қутиш билан боғлиқлик яъни иш кидирувчи яқин муддатда иш топиши мумкин. Бунга қуйидагилар қиради.

- уз хохиши билан иш жойини узгартирувчилар;
- ишдан бушатирилганлиги сабабли янги иш жойи кидирувчилар;
- вақтинчалик, мавсумий ишини йукотмаганлар (хаво совук булганлиги туфайли ишни тухтатсин, автомобиль саноатида янги модел ишлаб чиқаришга утиш)
- биринчи марта ишга жойлашиш учун иш кидириб юрган ёшлар.

Таркибий (структуравий) ишсизлик– ишлаб чиқаришда янги техника ва технологияларни қўлланилиши натижасида иш кучига булган умумий талаб узгаради, айрим касб эгаларига булган талаб камаяди ёки бутунлай

йуколади. Бундай ишсизликни келиб чиқиш сабаби, иш кучи таркибини сёкин узгариши ва тула равишда янги иш жойлари структурасининг жавоб бермаслигидир.

Цикли ишсизлик – иқтисодийнинг цикли усиши билан боғлиқ. Иқтисодий циклнинг кризис - тушкунлик фазасида товарлар ва хизматларга булган талаб камаяди, бандлик кискаради, ишсизлик усади. АКШ да 1982 йилда кризис даврида ишсизлик даражаси 9,7 % га кутарилган. «Буюк депрессия» даври 1933 йилда эса цикли ишсизлик даражаси 25 % га етган.

Ихтиёрий ишсизлик – уз хохиши билан ишламаётганлар киради.

Яширин ишсизлик – ишлаб чиқаришда керагидан ортикча ишчини банд булишидир.

Мавсумий ишсизлик – аниқ тармоқларнинг ишлаб чиқаришдаги мавсумий тебранишлари билан боғлиқ. Масалан, курилиш, кишлоқ хужалиги.

Институцион ишсизлик – меҳнат бозорини самарали ташкил этилмагани натижасида келиб чиқади.

Ўзбекистонда ишсизлик даражасини куйидаги жадвал рақамлари ёрдамида куриш мумкин.

	1999 йил млн. киши
1. Аҳолининг умумий сони	24,2
2. Меҳнатга лаёқатли аҳоли Жумладан, ишлашни хохламайдиганлар (норасмий ва уй хужалигида банд булганлар)	11,9 3,05
3. Жами ишлашни хоҳлаганлар (иқтисодий фаол аҳоли)	8,85
4. Иқтисодийда банд булганлар	8,5
5. Руйхатдан утган ишсизлар	0,35

Ишсизлик даражасининг $0,35/8,85 \times 100\% = 0,395 = 0,4$;

Демак, ишсизлик ишлашни хоҳловчиларга яъни иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 0,4 %ни ташкил этар экан.

Республикада 2001 йилда ҳам ишсизлик даражаси 0,4 %ни ташкил этган.

АКШ ларида ишсизликнинг умумий индекси 6-7 % атрофида булса, олий маълумотлилар буйича 1,8 % Швецияда 2,8 % ва ,6 %, Германияда 8 % ва 3 % ни ташкил этади.

Куп мамлакатларда қабул килинган қонунга кура ишсиз деб, меҳнатга лаёқатли булиб, аммо иш топа олмай, меҳнат биржаларида руйхатда турган кишиларга айтилади.

Ишсизлик даражаси одатда ишсизларни ишлашни хоҳлаганларга нисбатан, ҳиссаси тарзида ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида мувофиқ 16 ёшдан бошлаб то пенсияга чиқиш ҳуқуқини олишгача булган ёшдаги ишга ва иш хақи (меҳнат даромади)га эга булмаган, ҳақиқатда иш кидираётган, меҳнат килишга, касб-кор утишга тайёр шахс сифатида, иш билан таъминлаш давлат хизматлари мақбул келадиган ишни тақлиф қилмаган, лекин меҳнатга лаёқатли шахслар ишсизлар деб юритилади.

Хаёт шуни курсатадики, ҳар қандай тизимда ҳам бозор туқинми ёки тақчилми катъи назар, бир томондан, маълум миқдорда ишсизлик, иккинчи томондан, айрим мутахассисликлар буйича иш кучи тақчиллиги мавжуд булади.

Умуман олганда, ишсизлик меҳнат баҳоси ва меҳнатга талабдан келиб чиқади. Иш ҳақининг пасайиши меҳнатга талабни стимуллади, демак бандлик ортади. Иш ҳақининг усиши меҳнат тақлифини купайтиради. Лекин меҳнатга талабни чеклайди.

Ишсизликни яна куйидаги турлари ҳам бор.

– технологик ва ҳудудий ишсизлик мажбурий ишсизлик турлари.

– технологик ишсизлик ишлаб чиқаришнинг амал килишида технологик усуллар бир-бирининг урнига кириб келиши билан бирга бўлади.

Уларнинг ичида асосийлари механизация, автоматлаштириш, роботлаштириш ва информацион технологияни куллаш ҳисобланади.

– ҳудудий ишсизлик тарихий, демографик, маданий, миллий ва ижтимоий-психологик хусусиятдаги бир қатор комплекс омиллар билан боғлиқ.

– тургун ишсизлик меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш жойини йукотган, ишсизлик бўйича нафақа олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ва фаол меҳнат фаолиятига ҳеч қандай қизиқиши бўлмаган қисмини қамраб олади.

Иш кучининг 96 % банд бўлганда тулик бандлиликка эришилиши тан олинган. Ҳозирги даврда иқтисодчилар ишсизликнинг «табiiй даражаси» тахминан 5-6 % га тенг деб ҳисоблайди.

Ишсизлик даражаси ишсизлар сонининг ишчи кучи умумий сонига фоизда нисбатидир.

$$\text{Ишсизлик даражасининг} = \frac{\text{Ишсизлар сони}}{\text{иш кучи сони}} \times (v0\%)$$

Республикада ишсизлик даражаси (1995-2000 йил)

	Курсаткичлар	йиллар					
		1995	1996	1997	1998	1999	2000
	Ишсизлар сони минг. киши	31,0	33,9	35,4	40,1	45,2	42,0
	Ишсизлик даражаси	0,4	0,4	0,4	0,5	0,5	0,4

«Иш кучи»га меҳнат қобилиятига эга бўлган, яъни ишлай оладиган ва ишлашни хоҳлаган барча кишилар қиради. Иш кучи – ишловчилар ва фаол иш изловчилардан иборат бўлади ёки банд бўлганлар ва ишсизлар ишчи кучининг умумий сонини ташкил қилади.

Маълумки бозор иқтисодиёти меҳнатга лаёқатли кишилар сонидан маълум даражада ишсизлик бўлишини, меҳнат резерв армиясининг мавжуд бўлишини тақозо этади. Сабаб, бозорда харидорни изми устун туради, у танлаб олади, ишчи кучи таклифи талабга қараганда қўп бўлса, танлаш мумкин бўлади. Ишсизлик иш ҳақини оширишини талаб қилишни чеклайди.

Фикримизча ишсизлик бозор иқтисодиётининг доимий йўлдоши бўлиши керак.

Иқтисодиётда таркибий узгаришлар юз бериб туради, бунинг натижасида ишчиларнинг бир қисмининг малакаси талабга жавоб бермай қолади, мутахассислигини узгартириш талаб қилинади. Янги касблар пайдо бўлади, эскилари йўқ бўлиб кетади. Иш жойларини узгартиришга кишилар мажбур бўладилар.

Бундан ташқари меҳнат бозоридаги резерв иқтисодий юксалиш даврида ишлаб чиқариш қувватини тезда устириш имконини беради. замонавий неоклассик иқтисодчиларнинг фикрича 4-5% ишсизлик «табiiй» ва у социал таълимот муаммоларини, қийинчиликларини тутдирмайди.

Ана шу маълум миқдордаги мавжуд ишсизлик табiiй ишсизлик деб аталади. Ишсизлик табiiй ишсизлик даражасидан ошмаса тула бандлик таъминланган ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқарилган Ямм потенциал Ямм даражасига тенг бўлади. Айрим иқтисодчилар бу даражани 3-5% атрофида бўлиши керак дейишади. Бу миқдор турли мамлакатларда объектив шароитдан қилиб чиқиб, бу курсаткичдан фарқ қилади.

Масалан, АКШ ларида 7 % сабаби АКШ да иш кучи сафарбарлиги юқори Японияда ишсизлик 1 % атрофида бўлса, тула бандлиликка эришилган деб ҳисобланади. Японияда бир умрлик шартнома асосида ишлаш кенг тарқалган, демак иш кучининг сафарбарлиги паст.

Қаерда: а) Ишсизлик нафақаси паст бўлса;

б) Ихтисослик малакасини узгартириш бўйича дастур ва бошқа ёрдам шакллари мавжуд бўлса;

в) Тадбиркорлар фаолиятларини, иш ҳақини координациялаш ва бошқалар амалга оширилса, шу ерда ишсизлик даражаси паст бўлади.

Ишсизлик буйича нафака одатда Швеция, Германия, Белгия, Францияда юкори, Италия, Канадада уртача, Англия, Испания, япония ва АКШда паст хисобланади.

Касб, ихтисосликни узгартириш учун йуналтирилган маблагларда давлатнинг хиссаси ЯММда Швецияда 0,5 %, Германияда 0,32 %, Канадада 0,2 %, Францияда 0,28 %, Италия ва Японияда бу харакатлар 0,1 % дан ошмайди.

Ёлланма ишчиларнинг Швецияда 79 % и, Германияда 45% и ва АКШ да 15 % дан купроги касаба уюшма аъзоларидир.

Ишсизлик катор иқтисодий ва социал йукотишларга олиб келади.

1. Ишсизлик даражаси табиий ишсизлик даражасидан юкори булса, маълум микдорда Ямм «йукотилади». Америкалик иқтисодчи Артур Оукен ишсизлик даражаси билан Ямм хажми уртасидаги боғланишини аниқлаб, ишсизликни хакикий даражаси табиий даражасидан 1 % га ортиши 2,5 % Ямм ни ҳам кам яратилишига олиб келишини, яъни хакикий Ямм потенциал Яммга нисбатан кам булишини курсатиб берди. Бу боғланиш унинг номи билан Оукен қонуни деб аталади. 2,5 раками эса Оукен коэффиценти деб аталади.

Масалан ишсизликнинг хакикий даражаси 9% булсин табиий ишсизлик 5 % дейлик, у холда улар уртасидаги фарк (9-5) 4% ни ташкил этади. Уни Оукен коэффицентиға купайтурсак $4 \times 2,5\% = 10\%$. Демак, яратилган хакикий махсулот потенциал Ямм дан 10 % кам булибди. Агарда ишсизлик даражаси табиий даражасидан ортик кетмаганда 10 % га куп Яммга яратилган булади. Ямм хажми 26 млрд. долларга тенг буларди. Ямм хажми 26 млрд. доллар десак, йукотиш $(26 \times 10) : 100 = 2,61$ млрд. долларлик махсулотни ташкил килади. Потенциал Ямм $26 + 2,61 = 28,61$ млрд. долл. Демак ишсизлик табиий даражадан ошмаганда Ямм хажми 28,61 млрд. долларга тенг буларди, хакикатда эса 26 млрд. долларлик булди.

2. Узок муддат давом этган ишсизлик оқибатида иш топа олмаётган ишчи уз малакасини йукота боради, ишчи ишга урнашса уни меҳнат унумдорлигига эришиши учун камида ярим йил вақт керак.

3. Ишсизликнинг усиши кишининг психик-рухий ҳолатига салбий таъсир курсатади, соғлигини йукотади.

4. Ишсизликни купайиши жиноятни усиши учун қулай шароитни вужудга келтиради.

5. Ишсизлик жамиятни қуйидаги йукотишларга олиб келади.

- Харид қуввати пасаяди;
- Жамғариш камаяди;
- Инвестицион талаблар камаяди;
- Таклиф қисқаради;
- Ишлаб чиқариш қисқаради, иқтисодий бекарорлик кучаяди.

Бу каби ҳолатлар аҳоли турмуш даражасини пасайиб кетишига олиб келади. Социал соҳада сурункали ишсизлик ҳавфлидир. (40 ва ундан ортик ҳафта).

Хуллас, иш хакини пасайтириш ва усишини ушлаб туриш йулидан борсак, у холда истеъмол саватининг умумий қисқариши юз беради.

Бунинг натижасида ишлаб ва бандликнинг усиши имкониятларига ҳам таъсир курсатади. Иккинчи томондан, самарали талаб, иш хакини ошириш, инфляцияни кучайтиради, реал иш хаки ва бандликни қисқартиради.

Бозор иқтисодиёти йули билан ривожланаётган иқтисодиёга давлат социал дастурлари билан таъсир килади ва меҳнат бозорида воситачилик килади. Меҳнат бозорини тартибга солиб боришда меҳнат биржаси алоҳида урин тутади.

Меҳнат биржаси- ишчи, хизматчи ва корхона, фирма ташкилотлар уртасида иш кучини сотиш васотиб олиш буйича келишувни амалга оширишда доимий равишда воситачилик вазифасини бажарадиган махсус муассасадир ва у дастлаб XIX асрнинг биринчи ярмида ташкил этилган.

Меҳнат биржаларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Ишсиз қолганларни руйхатга олиш;
2. Ишини узгартирмокчи бўлганларни ишга жойлаштиришда воситачилик килади;

3. Ишчи кучига булган талаб ва таклифни урганади;
4. Кандай ихтисосликлар буйича ишчилар зарурлиги хакида ахборот беради;
5. Ёшларни касб, ихтисосликлар буйича йуналтиради ва хакозо.

Бозорни Ҳозирги замон талабларига мослашувни кутариш - Флекцибилизация килиш дейилади. Меҳнат бозорининг мослашувчанлиги муҳим урин эгаллаши, иқтисодий адабиётларда меҳнат бозорининг «Флекцибилизацияси» деган янги термин пайдо булди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда меҳнат ресурслари аҳолининг 49 % ини ташкил этади. 2005 йилга бориб ҳисоб-китобларига кура меҳнат ресурслари йилига 200 минг кишига купаяди десак, 16 млн. га етиш мумкин. Бу купайиш бир томондан ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш соҳаларини ривожлантиришга қушимча омил ҳисобланса, иккинчи томондан катор муаммоларни келтириб чиқарамиз.

1. Ишлаб чиқаришни таркибий (струкавий) силжишини амалга оширади. Натижада тармоқлар уртасида иш кучини (кайта) таксимооти тубдан узгаради, ишсизлик купаяди.

2. ФТТ ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этилиши, ишлаб чиқариш, омиллари уртасидаги нисбатни узгаришига олиб келади. Хусусан, инсондан юксак билим малака талаб килади, бу эса иш кучини бир қисмини ортикча килиб қуяди.

3. Ишлаб чиқариш омилларини микдори ва сифати жихатидан мос булмаслиги купаяди.

Ўзбекистонда:

- а) бир томондан ишчи уринлари буш, айнан зарур мутахассислар етишмайди, иккинчи томондан ишсизлар мавжуд. (42,5 минг кишини ташкил килади).


- б) умуман банд булганлар уртасида кул меҳнати билан банд булганлар куп. (Айниқса кишлок хужалигида)

- в) функционал саводсизлик юкори.

Республикада «ёлланма ишчилар бозори» ва марказий Осиёда бу бозор мавжуд булиб, ошкора холда эмас. Уни легаллаштириш муаммоси турибди.

Кейнс тарафдорлари ва издошлари ишсизлик масаласи буйича филлипс эгри чизигига таянадилар. Инглиз иқтисодчиси Олбан Филлипс ишсизлик даражаси билан иш хаки ставкалари уртасидаги боғлиқлари умумлаштирувчи монографиясида Буюк Британияда 100 йил (XX асрнинг 60 йилларигача) давомида маълумотларини урганиб чикиб, иш хаки билан бандлик (икки узгарувчи) уртасидаги боғланиш тескари пропорционал характерга эга эканлигини аниқлайди ва классикларининг копиепциясини бузувчи хулосага келади.

Маълумки, классикларнинг фикрича иш хаки юкори булса унга талаб шунча кам, натижада бандлик ҳам мувофик равишда паст булади. Аксинча иш хаки паст булса унга талаб куп булиб, бандлик ортади.



0 2 4 6 8 10 12 ишсизлик даражаси % ҳисобида

Филлипс эса Англияда ишсизликка 2,5-3 % дан ортиши нархлар ва иш ҳакининг узишени кескин сёкинлашувига олиб келишини аниқлайди.

Графикдан куришиб турибдики, номинал иш ҳакининг узиш суръати паст булганда ишсизлик юкори ва иш ҳакининг узишига караб ишсизлик пасаяди. Ундан шундай хулоса чиқариш мумкин, ишсизликни инфляция суръатини тезлаштириш эвазига пасайтириш мумкин.

Ишчиларнинг реал иш ҳакини оширишга булган талаблари фойданинг камайишига олиб келади. Тадбиркорлар меҳнатга талабни кискартиришга мажбур булишади.

Инфляциянинг бандликни таъминлашни устириш омили сифатидаги роли нолга тенг булади.

Тадбиркор уйлайди: – инфляция узиш прогнозида ишлаб чиқаришни кенгайтириш керакми? Ишчи узидан сурайди: – номинал (узиш) иш ҳакининг узиши нархлардан орқада коладиган шароитда ишлашга куникиши керакми? Уларнинг ҳаммаси иш билан бандлик даражасига таъсир курсатади. 0

Кейинчалик америкалик иктисодчилар П. П Самуэльсон ва Р. Солоу Филиппс эгри чизигини моделлаштириб, иш ҳаки ставкасини товарларини нархларини узиш суръатига алмаштиришди.

Демак, жамиятда доимо ишчи кучи шакллари билан талаби уртасида мувозанат бузилиши сабабли ишсизлик мавжуд булади.

Маълумки, бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида ва ундан кейин ҳам давлатнинг ижтимоий сиёсати факат одамларни ижтимоий химоя килиш билан чегараланиб колмасдан, уларни иш билан таъминлашни ҳам уз таркибига олади. Республикада бу соҳада бир катор ишлар амалга оширилиб бориши режалаштирилган.

Биринчидан, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш; Кишлоқ хужалигидаги хом-ашёни кайта ишлаш, халк истеъмол молларини, маҳаллик хом-ашёдан курилиш материаллари тайёрловчи хусусий кичик корхоналарнинг фаол ривожлантиришни рағбатлантириш.

И. Каримов таъкидлаб утганидек, «... кичик, урта ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот (ЯММ) ишлаб чиқаришда нафакат хал килувчи мавке эгаллаши, айнаи вақтда унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айланишига эришмоғимиз лозим»¹

Республикада тадбиркорлар сони 3,5 млн. дан ортик иш билан банд булганларнинг умумий сониди кичик ва урта бизнесда машғул булганларнинг улуши 46,7 фоизга тенг булиб, уларнинг 1,8 фоизи урта, 5,8 фоизи кичик ва 39,1 фоизи хусусий корхоналар ҳиссасига тугри келади. Давлат дастури буйича 2005 йилда кушимча 1215 минг киши ишга жалб килинади.

¹ (Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, Эркин ва фаровон ҳаёт–пировард мақсадимиз. Т. «Ўзбекистон» 2000, 17 бет)

Иккинчидан, хизмат соҳасини ривожлантириш, яъни ижтимоий-маиший хизмат курсатиш соҳаларини янада ривожлантириш, хусусан кишлок жойларига алохида эътибор қаратиш.

Учинчидан, кишлокда кенг тармокли ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфра тузилмасини яратиш, янги ишлаб чиқариш ва янги иш уринларини яратиш.

Бу вазифани бажариш учун Республикада кишлок ижтимоий инфра тузилмасини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш бўйича ишлар бажарилмоқда. Кишлок жойларида 6971,7 минг кв. км хажмда уй-жойлар, 17,0 минг ўқувчи уринли умумтаълим мактаблари, 74,8 минг кв. км савдо объектлари қурилиб ишга туширилди.

Туртинчидан, ишдан бушаган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни ташкил этишни тубдан узгартириш.

Бешинчидан, вақтинча ишга жойлаштириш имкони бўлмаган меҳнатга ярокли аҳолини давлат томонидан ишончли равишда ижтимоий ҳимоялаш.

Демак, айтилган фикрлардан қурилиб турибдики, бу муаммоли вазифалар қўй қирралидир, унинг ечими давлат ва бозор механизмларини вужудга келтириш, янги соҳаларни очиш, янги иш уринларини яратиш, талабни урганиб таклиф қилиш, зарур бўлганда иқтисодиёт тармоқларида ва соҳаларида иш қучини қайта тақсимлашни талаб қилади.

Асосий таянч тушунчалар.

1. Иш қучини тақрор ҳосил қилиш – инсонни жисмоний ва маънавий (ақлий) аҳамиятларини маълум мақсадга йўналтирилишидир.
2. Иш қучини бандлиги – тармок ва соҳаларда иш билан таъминланганларнинг умумий ишчи қучи сонидagi улуши.
3. Ишсизлик – меҳнатга лаёқатли бўлиб, ишлашни хоҳлаган, лекин иш билан таъминланмаган меҳнат биржасидан рўйхатдан утган иш қучидир.
4. Фрикцион ишсизлик – ишдан бушаб қолиб, малакасига мос иш қидираётган ва иш уринларини бушашини қутаётган ходимларни сонини билдиради.
5. Таркибий ишсизлик – ишлаб чиқариш ва ялпи талаб таркибидagi узғаришлар натижасида вужудга келадиган ишсизлик.
6. Циклик ишсизлик – иқтисодий циклнинг инқироз фазаси билан боғлиқ равишда вужудга келадиган ишсизлик.
7. Ишсизлик даражаси – ишсизлик сонининг иш қучи умумий сонидagi нисбатини фоиздаги ифодасидир.
8. Оуқен қонуни – ишсизлик даражаси ва ЯММ ҳажмининг орқада қолиши уртасидagi нисбатининг математик ифодасидир.

Асосий адабиётлар:

1. Абдурахмонов К. , Мамарасулов Ф. Меҳнат иқтисоди. Ўқув қўлланма. Т. ТДИУ, 1996 йил.
2. Абдурахмонов К. , Муртазаев Б. Меҳнат бозори. Ўқув қўлланма. Т. ТДИУ, 1999 йил.
3. Меҳнат иқтисодиёти ва социология, Абдурахмонов К. умумий таҳрири остида Т. , «Ўқитувчи» 2001 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т. «Адолат» 1999 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тугрисидаги» қонунига шарҳлар Т. «Шарк» 2000 йил.
6. Плакся В. И. Безработница М. , изд-во Рагс. 2004 г.
7. Шодмонов Ш, Аминов Р, Жураев Т. иқтисодиёт назарияси. Т. «Молия» 2002 йил.
8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма Т. «Шарк» нашриёти 2003 йил.

Режа:

1. Молия муносабатлари ва унинг моҳияти.
2. Молия тизими: « Микро ва макро микёсда молия»
3. Сугурта ва унинг молия тизимидаги урни.
4. Молия бозори ва унинг Ўзбекистонда шаклланиши.
5. Солиқлар ва уларнинг вазифалари.
6. Давлат бюджети ва бюджет тақчиллиги.

Маълумки, мамлакат иқтисодийётини шаклланиши, ривожланиши, аҳоли фаровонлигини таъминланиши молия ва молиявий сиёсатга боғлиқдир.

Ушбу мавзуда молия, молиявий муносабатлар, молия тизими, молия бажарадиган вазифаларни урганамиз. Молия тизимида бевосита алоқадор булган молиявий сиёсат, сугурта ва солиқларни иқтисодийётда тутган урни, молия бозори ва унда қимматбаҳо қозғалар бозори, унинг молиявий ресурсларни ташкил этишдаги роли, давлат бюджети , бюджетни шаклланиши ва ундан фойдаланиш каби масалаларни қуриб чиқамиз.

Бозор иқтисодийётида пул маблағлари билан боғлиқ муносабат булганлиги сабабли, молия ва молиявий ресурслар муҳим урин эгаллайди. Чунки. бозор иқтисодийётининг асосини товар-пул муносабатлари ташкил этганлиги туфайли. Молия уларга ҳос тушунчадир.

Халқаро микёсда «финанс» тушунчаси ишлатилади, у лотинча “finansiya” сузидан олинган булиб, тулов, даромад деган маънони билдиради. Дастлаб бу ибора “ пул тулови” маъносида XIII-XIV асрларда Италияда ишлатила бошлаган эди. Ўзбек тилида “finansiya” сузига мос суз молия сузи (ҳазина) қулланилмоқда. Молия иқтисодий муносабатлари таркибида фаолият қурсатади ва ўч сифатни мужассамлаштиради.

Биринчидан, кенгайтирилган тақдор ишлаб чиқаришни амалга ошириш ўчун ишлаб чиқариш воситалари , табиий ва меҳнат ресурслари пулга сотиб олинади, яъни натурал шаклдаги иқтисодий ресурслар, дастлаб пулда ифодаланади. Шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқариш ва истеъмол ресурсларини пул шаклидаги ифодаси- молия ресурслари деб аталади, лекин молияни таърифлаганда уни пул ресурслари сифатида талқин қилиш ўнча тўғри эмас. Чунки унда молия тушунчаси ўрнига давлат, қорхона, аҳолининг пул маблағлари деган тушунчани ишлатиш бир мўнча тўғри бўлади.

Иккинчидан, молия эҳтиёжларини қондириш ўчун зарур булган пул оқими йўналишини бошқариш йўли билан уни маблағ билан таъминловчи дастак сифатида намоён бўлади.

Ўчинчидан, Молия пул маблағларини тақсимлаш муносабати ифодалайди. Мисол Новвойхонада 1000 донан ишлаб чиқаради, ҳар бирини нархи 100 сумдан бўлса, уни сотиб олиш ўчун 100000 сум қерак бўлади. 100000 сумлик тушум қорхона, фирма, тадбирқорлик фаолияти, давлат уртасида тақсимлаш муносабатлари амалга оширилади.

Молия иқтисодий категория булиб, пул маблағларидан фойдаланиш ва уни ҳаракатини тартибга солиш билан боғлиқ булган муносабатлар тизимидир. Молия ёрдамида пул маблағлари-пул фондлари яратилади, кенгайтирилган тақдор ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида тақсимланади.

Демак, молия-бу пул маблағлари фойдаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан рўй берадиган муносабатларнинг назарий ифодасидир. Молиявий муносабатлар:

- Давлат ва юридик, жисмоний шахслар;
- Жисмоний ва юридик шахслар;
- Юридик шахслар;
- Алоҳида давлатлар уртасида юз беради.

Молиявий муносабатларнинг солиқлар, дататция, субсидия, бюджетдан ажратилган пул ва бошқа категориялар оқиб беради. Молиянинг зарурлиги давлатнинг мавжудлигидан қелиб чиқади. Молияни молия қиладиға умумий асос-яратилган маҳсулотларнинг тақсимланиши. Тақсимот юз бермаса, истеъмол бўлмади, жамият эҳтиёжлари қондирлмади.

Молия асосан иккита функцияни бажаради.

Биринчиси-тақсимлаш;

Иккинчиси-назорат қилиш;

Тақсимлаш функцияси орқали жамиятда яратилган ЯММ, унинг асосий қисми булган МД, ҳужалиқ субъектлари ичида сўнгра субъектлар уртасида тақсимланади. Ишлаб чиқаришни ўзида бўладиган тақсимотни бирламчи тақсимот дейилади, яни содир булган даромадлардан иш ҳақи, социал сугурталар ўчун ажратмалар, қоплаш фонди, амортизация фонди, фойда ва бошқалар. Масалан, 100000 сумлик маҳсулот ишлаб чиқариб, сотилган бўлса, унда 20000 сум иш ҳақи, 8000 суми социал сугуртаға, 6000 суми қоплаш фонди (ҳом аше, ёқилиги ва ҳоказо) жўмладан 20000 суми истеморл қилинган асосий капиталға амортизация фондига ажратилади, 18000 суми фойдани ташкил этади. Берилган иш ҳақи 20000 сумдан 3000 сум даромад солиғи туланади, 12000 сум фойданинг ярми турли солиқ туловлари шаклида давлатға теғади. Давлат уни мўдофаға, бошқариш ва ҳоказалар ўчун қайта тақсимлайди. Даромад қайта тақсимланганда молиявий алоқалар қайта ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш, турли қорхона, фирмалар, тармоқлар уртасида, улар билан давлат уртасида юз беради. Бўнда асосий ролни молиянинг асосий ўзағи булган бюджет ўлчайди. Бу жараён молиянинг муҳим вазифаси булган маблағ тўплаш (аккумуляция) жамғариш орқали намён

булади. Молия воситалари оркали давлат бюджет, регионал маҳаллий бюджет ва турли фондларга маблағлар йиғилади.

Молиянинг муҳим функцияси назорат қилиш мамлакатдаги қабул қилинган ҳуқуқий нормативлар асосида амалга ошади. Назорат қилиш молия, солиқ, божхона ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Корпоратив (гуруҳий) хусусий мулк, яъни акционерлик жамиятлари вужудга келиши мустақил ташки молиявий назорат институти аудитини вужудга келишига сабаб бўлди. Аудиторлик фирмалари ёрдамида бозор иқтисодиёти принципларига таянган ҳолда, мамлакатда амалдаги қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар асосида молиявий назорат урнатилди.

Фондларга маблағ йиғиш ва уларни ишлатиш назорат этилади. Бу назорат ҳам микромолия ҳам макромолия даражасида амалга оширилади. Бутун фаолиятни молиявий таҳлил этиш оркали пул маблағларини ташкил этиш, ишлатишдаги диспропорциялар аниқланади, ҳамда уларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар белгиланилади. Молиянинг яна бир қатор вазифалари ҳам мавжуд. Иқтисодчиларнинг баъзилари молиянинг функцияси билан вазифасини бир хил десалар, бошқалари унинг фарқи бор деган фикрни билдирадilar. Молиянинг функцияси унинг моҳиятини ифодаласа, вазифаси эса, бор ёки йўқлигидан қатъий назар унинг моҳиятини узгартира олмайди. Булар рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, иқтисодий ахборот бериш ва бошқа вазифалардир.

Молиянинг функцияси.

Таксимлаш – пул маблағларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишга мувофиқ равишда фондлар ташкил этиш; Корхона фондлари, ижтимоий сугурта фонди махсус фондлар давлат бюджети.

Нazorat қилиш- солиқлар, туловлар, йиғимларни амалдаги қонунлар бўйича тугри туланишини ташкил этилган фондларнинг маблағларини белгиланган мақсад бўйича ишлатилишини таъминлаш.

Молиянинг вазифалари.

Рағбатлантириш- фан техника тараққиётини таъминлаш, у ёки бу турдаги иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар бериш.

Ижтимоий ҳимоя- жамият аъзоларининг ёрдамга муҳтож қатламларини ҳимоя қилиш, турли ижтимоий муаммоларни ҳал этишни амалга ошириш.

Иқтисодий ахборот- турли ҳужалик субъектлари молиявий фондлар фаолияти бўйича ахборот тупланади.

Ҳужалик субъектларини олиб бораётган фаолиятини тартибга солиш ва уларни рағбатлантириб бориш молия оркали амалга оширилади. Иқтисодий рағбатлантириш солиқлар, туловлар, субвенциялар ва субсидиялар оркали амалга оширилади.

Субвенция- давлатнинг молиявий ёрдам шакли бўлиб, у маҳаллий ҳокимият органларига давлат маъқуллаган иқтисодий, ижтимоий-маданий дастурлар учун амалга оширилади.

Субсидия- давлатнинг корхона. Ташкилотларга ёрдам, қўллаб-қувватлашдир.

Молиявий воситалар билан аҳолини ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилади. (ногиронлар, қўп болали қамбағал оилалар, ишсиз қолганлар ва ҳақозо) Бу ёрдамни давлат ва корхоналар амалга оширади. Шундай соҳалар борки, ундан ҳамма кишилар манфаат олади. Соғлиқни сақлаш, маориф, таълим, маданият атроф- муҳитни соғломлаштириш, мудофаа қабил сарфлар ҳаммани фойдаланиши учун қилинади.

Ўзбекистонда аҳолига компенсация беришда, иш ҳақи оширилди. Молиявий дотацияланган нархлар ва таърифлар амал қилди, товарларни нархи пасайтирилиб сотилди, орадаги фарқ, давлат бюджети ҳисобидан қопланди.

Жамиятнинг ҳаддан ортиқ бойлар ва нихоятда қамбағалларга берилиб кетишига йўл қўймаслик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий вазифаларидан биридир. Жон бошига тугри қелади қанча даромадларнинг табақалашув коэффициентини турли мамлакатларда турлича. Бу курсаткич Германияда 6,8 Буюк Британияда 6,8, Швецияда 5,9, Францияда 12,4, Испанияда 11,9, АҚШда 15,9, Россияда 16, Қирғизистонда 10,6, Ўзбекистонда 6,2 ни ташкил қилади.

Аудиторлик хизмати- бу корхоналар, фирмалар, компаниялар ҳужалик фаолиятини таҳлил этиб, ҳисоботлар и экспертизасини ўтказиб, уларнинг молиявий аҳоли, алоҳида объектив информация беради.

Иқтисодий информация – ахборот вазифаси, бу ҳужалик субъектлари ва умуман жамият иқтисодий фаолиятининг турли фаолиятининг молиявий яқунлари ҳусусида маълумот ва ахборотлар бериб турилишни тушунилади.

Мамлакатда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш тармоқлари ва соҳалари бир-бирлари билан ўзвий боғлиқдир. Бу алоқалар турли туман бўлиб, улар орасида молиявий ресурслар билан алоқа қилишларидир. Бу алоқадорлик яхлит тизимни вужудга келтиради. Бунинг натижаси молия тизимини шакллантиради.

Молия тизими- бу жамиятдаги турли –туман молия муносабатларининг мажмуасидир. Бу мажмуани тугри бошқариш молиявий сиёсат дейилади. Сиёсат арабча «бошқариш» деган маънони билдиради. Давлатнинг ҳокимиятни бошқарув ва халқаро муносабатларда ўз мақсадига мувофиқ тутган йўлини ифодалайди.

Молиявий сиёсат давлатнинг иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади. Бу сиёсат молия стратегия ва тактикасида ифодаланади. Стратегия ўзқ муддатга мулжалланган асосий мақсадни амалга ошириш дастури. Молия тактикаси эса аниқ муддат давомида бажарилиши зарур чора тадбирларни амалга оширишни қўзда тутди. Молиянинг иқтисодга таъсири бир қатор воситалар ёрдамида амалга оширилади. Уларни биргаликда молия механизмининг ташкил этади. Молия механизми деганда, молиявий муносабатлар молиявий ресурсларни ўйлаштириш шакли, услуби тушунилади. Молия механизми, 2 микро ва макро даражада ташкил этилади. Ундан ташқари сугурта молия механизмининг алоҳида механизми тарзида амал қилади. Молиявий сиёсатни амалга ошириш учун ҳуқуқий норма, қонун, қарор ва бошқа молиявий алоқалар, муносабатлар таркиби, таркиби, қондалари белгиланади, ҳамда жамият, жамоа, фуқаролар манфаатини ҳимоя қилади.

Молия таксимлаш вазифаси қўйидагича.

1. Корхона, фирма, жамоа, фермер ҳужаликлари, муассаса, ташкилотлар молияси.

2. Сугурта тизими.
3. Давлат молияси.

Булардан ташкари уй хужалиги молияси мавжуд, у узига хос хусусиятларга эга. Уй хужалиги молияси деган хар бир оила аъзоларининг пул даромадлари (иш хаки, меҳнат хаки, нафака, дивиденд, фоиз, степендия, мулкдан келган, мулкдан олинган даромадлар, фоиз тадбиркорлик даромадларининг бир кисми товарлар ва хизматлар сотиб олишга сарфланса, иккинчи кисми тупланиб, пул жамгармасини хосил килади. Бу жамгарма молиявий ресурсларни ташкил этади.

Сугурта тизими ижтимоий сугурта, мулккий ва шахсий сугурта, маъсулият, тадбиркорлик каби сугурталарни уз ичига олади. Давлат молияси – бу миллий даромад ва миллий бойликнинг бир кисмини давлат ва унга қарашли корхона ташкилотларининг пул фондига айлантириб уларнинг иқтисодий усишини таъминлаши жамият аъзолари умумий эҳтиёжини қондириш мамлакатни идорм этиш учун тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан булган муносабатлардир.

Давлат молияси таркибига давлат бюджети бюджетдан ташкари ташкил этилган пул фоизлари давлат қридети ва давлат ижтимоий сугуртаси давлат корхоналари молиясидан иборат. Агар корхоналар давлатга қарашли булса, корхонада ташкил этилган молиявий ресурслар микромолия булади, бошқалари макромолияни ташкил этади. Давлат молияси даромадлари ва харажатлари ягона яхлит тизимни ташкил килади.

Молия тизими таркибий кисмлари.

1. Корхона муассаса ва ташкилот;
 - а) корхоналар молияси;
 - б) ноғижорат фаолият юритувчи муассаса ташкилотлар молияси;
 - в) жамоат ташкилотлари бирлашмалари молияси;
2. Давлат молияси;
 - а) солиқ тизими;
 - б) давлат бюджети, бюджетдан ташкари фондлар;
 - в) давлат қридети;
3. Сугурта молияси;
 - а) ижтимоий сугурта;
 - б) шахсий сугурта;
 - в) мол – мулк сугуртаси;
 - г) тиббий сугурта;
4. Карз эвазига молиялаштирилган тизим;
 - а) маъсулият сугуртаси;
 - б) банк тизими;
 - в) молия қредит (нобанк) муассасалари тизими.

Молия тизими таркиби.

Молияси	Фондлар
Давлат	Давлатнинг марказлашган пул маблаглари фонди. Давлатнинг эҳтиёжлари асосида харажат килади.
Корхона ва ташкилотлар	Пул фондлари. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва социал масалаларни ечиш учун ишлатилади.
Регионал вилоятлар	Территориал (худудий) фондлар регионлар вилоятларни ривожлантириш учун фойдаланилади.

Микромолия-бу айрим хужалик субъектлари-корхона фирма, компания ва уй хужалиги (оила) доирасидаги молия алоқаларидир.

Макромолия – давлат мамлакат микёсидаги молия алоқаларидан иборат.

Молия ресурслари икки турда булади. Микроресурслар макроресурслар ёки марказлашган ресурслар.

Молиявий ресурслар турли йуллар билан вужудга келтирилади: Булар, амортизация, фойда, кимматбаҳо қозғалар, дивиденд, солиқлар, туловлар, бож хаки, сугурта тулови, субсидия, дотация ва бошқалар.

Микромолия муносабатлари икки йуналишда амалга ошади:

1. Ички молия алоқалари. Бунда ҳосил булган молия (пул) ресурслари жамоа (корхона, фирма ва ҳақозо) доирасида тақсимланиб ишлатилади.

2. Ташки молиявий алоқалар. Бунда пул маблаг ҳусусидаги муносабатлар бошқа корхоналар, банк, биржа, маҳаллий ҳукумат унинг молиявий иборалари билан юз беради.

Молиявий ресурслар: 1. Иқтисодий усишни таъминлайди; 2. Иқтисодий ва ижтимоий узғаришлар амалга оширилади ва тартибга солинади.

3. Самарали хужалик фаолияти рағбатлантирилади. Молиявий ресурсларни ташкил этиш ва ишлатиш макро микёсда 3 усул билан амалга оширилади.

Биринчидан, хар бир давлат уз харажатларининг даромадлари билан қилиши қерак;

Иккинчидан, харажатларни қоплай олмаса аҳолидан ва чет мамлакатлардан халқаро ташкилотлардан қарз олади.

Учинчидан айрим жойларда халкаро ташкилотлар чет давлатлар иқтисодий-ижтимоий ёрдам тарикасида кайтариб олмаслик шарти маблаг ажратади.

Молиялаштириш уч манба хисобига амалга ошади;

1. Махаллий ва марказий бюджетдан ажратилган маблағлар;

2. Хайрия йули билан;

3. Хомийлар хисобидан;

4. Жамоа сиёсий ташкилотларга аъзо булиш учун аъзолик бадаллари хисобидан.

4. Молия тизимида сугурта уз урнига эга. У ижтимоий- иқтисодий категория сифатида узок даврлардан буён амал килиб келмоқда. Ижтимоий ишлаб чиқаришни йулдошига айланган.

Сугурталаш иқтисодий нуктаи назаридан уз капитали , меҳнати , хаётини кутилмаган ходисаларни муҳофаза килиш учун сугурта килувчи ташкилотлар билан сугурта килдирувчилар уртасида маълум тулов сугурта бадалларим эвазига махсус пул фондини ташкил этишдир.

Сугурталаш моддий ва бошқа зарарларни коплаш учун даромадларни таксимлаш ва жамғариш билангина боғлиқ булган иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Сугурталаш иқтисодий категория сифатида.

1. Сугурталашда пул оркали кайта таксимлаш муносабатлари юзага келади.

2. Сугурталашда унинг катнашчилари уртасида ёпик кайта таксимлаш муносабатларига хос.

3. Сугурта келтирилган зарарни территориал бирликлар ва вақт уртасида кайта таксимланишини кузда тутати.

4. Сугуртанинг муҳим характерли белгиси сугурта фондига жалб этилган сугурта туловларини кайтарилишидир.

Сугуртанинг вазифаси- келтирилган моддий зарарларни коплаш;

- оғохлантириш вазифаси.

- назорат вазифаси

Республикада барча сугурта муносабатлари 1993 йили қабул килинган, сугурта туғрисидаги махсус қонун ва бошқа ҳужжатлар билан тартибга солинади. 2002 йил апрелда «сугурта фаолияти туғрисида»ги Қонун қабул килинди. Сугурта туғайли маблағлар жамланади, илғор техника – технологияси жорий килинади, йирик иншоотлар қурилади, ялпи маҳсулот ҳажмини қупайтиради, иш билан бандлик даражасини, инфляцияни пасайтиришда катнашади. Бунинг учун имкониятлар мавжуд:

1. Сугурта учун олинган тарқок ҳолдаги бадаллар йиғилиб катта миқдорда фонд вужудга келади;

2. Сугурта туловлари тушган пайт билан сугурта товонини тулаш уртасида узок вақт утиши туғайли эркин ресурслар вужудга келади.

3. Макроиқтисодий даражадаги инвестиция фаолифти оркали даромад топади.

Республикада «мадад», «кафолат», «узагросугурта», «узбёкинвест» каби компаниялар иш юритмоқдалар.

Молк мулк сугуртасини ҳавф хатар турларига қура 4 звено (бугинга) булиш мумкин.

1. Ёнгин ва бошқа табиий хатарлардан бино , иншоот , маҳсулот, материал, уй жиҳозлари ва бошқаларнинг сугуртаси;

2. Кишлоқ ҳужалик экинларини қургокчилик ва бошқа табиий офатлардан сугурта килиш;

3. Чорва молларини улат ва ноилжликдан суйиб юбориш ҳолларини сугурта килиш ;

4. Транспорт воситаларини авария, угирлаб кетиш ва бошқа ҳавф хатарлардан сугурта килиш.

Ҳар қандай ишни бажариш учун ресурс ҳусусан молиявий ресурс керак. Молия бозори миллий ва халқаро ҳужалик доирасида пул маблағлари эркин ҳаракатининг махсус шаклидир.

Молия бозори –бу аввало пул фондлари ва пул ресурсларини ташкил этиш, улардан фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган муносабатлардир. Пул ресурслари сотиладиган ва сотиб олинладиган жой (фонд биржалари , аукцион , банк ва бошқалар).

Молия бозори уз ичига .

А) пул кредит бозори;

Б) валюта пул бозори;

В) капитал бозори ёки инвестиция бозори;

Г) кимматбаҳо қозғалар бозори .

Пул кредит бозорида «Бугунги» пуллар «эртағалик» пулларга алмаштирилади, сотилади ва сотиб олинади. Унинг сабаби, қорхона фирма ҳужалиқларининг уз ресурсларининг етишмаслигидир. Иқтисодиёт учун инвестиция талаб килинади. Иқтисодий усиш даражаси юқори булган мамлакатларнинг тажрибаси шуни қурсатадики , бир йилда 6% дан ортиқ иқтисодий усишини таъминлаш учун миллий жамғармалар ички маҳсулотни қамида 25 % ини инвестициялар эса 30 % ини ташкил этиши керак экан. Молия бозорининг асосий қисмини кимматбаҳо қозғалар бозори ташкил этади. Унга фонд бозорлари (қооператив кимматли қозғалар бозори), банк кимматли қозғалар бозори (банк депозит ва жамғарма сертификатлари банк вексиллари) ва ҳоказо. Кимматбаҳо қозғалар бозори ва жамғармаларини тезроқ инвестицияларга хизмат қилади.

Қарз пулининг узи икки мақсадда ишлатилиши мумкин.

А) Даромад топиш учун ишлатилса у капитал шаклига қиради.

Б) Шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилса, у оддий тулов харид воситаси шаклига қиради. Бозор иқтисодиёти шароитида банк капитали билан саноат капитали қушилиб, қирмашиб, молия капиталини ҳосил қилади. У даромад келтирувчи кимматли қозғалар – акция, аблигация, вексил, чек, депозит сертификатларни олди сотди қилинишим тарзда юзага келади.

Маълумки, акциялар дастлаб 17 аснинг бошларида Голландияда, Англияда вужудга келган.

Акция- хиссадорлик жамияти сармоясига кушилган улушга гувоҳлик килувчи, унинг эгасига улушига мувофиқ соф фойданинг бир қисмини олиш ва шу акциядорлик жамиятини бошқаришда катнашиш ҳуқуқини берадиган қимматбаҳо коғоз ҳисобланади. Акциядан олинадиган даромад дивиденд деб номланади.

Дивиденд

Акция курси= ----- * 100%
Бандлик фоизи

Германияда акция қиймати 50 марка, Францияда қиймати 100 франк, Японияда номинал қиймати 100 иена, Акшда 1 доллар, Англияда 1 фунт стерлинг Ўзбекистонда номинал қиймати 100 булиб муомалада катнашади.

Субъект : а) уз пулини банкка қуйиб, нисбатан барқарор депозит проценти олиши мумкин;

б) акция сотиб олиб, депозит процентига нисбатан катта суммада дивиденд олиши мумкин.

МИСОЛ. Номинал қиймати бўйича чиқарилган акция 40 доллардан дивиденд олиб келади, десак депозит проценти ставкаси 5 % бўлсин. У ҳолда акция курси = $40/5 \cdot 100\% = 800$ доллар бўлади. Шу микдордаги пул банкка қуйилса, 5% дан 40 долларлик дивиденд олиб келади.

Акция курсига таъсир этувчи омиллар.

1. Иқтисодий омиллар.

а) ишлаб чиқариш омиллари (корхона баланси, корхона қувватларидан фойдаланиш даражаси маҳсулотларни сотиш имкони менежменти);

б) бозорга ҳос омиллар (бозор контураси, нархни узгартириш, ҳам ашё нархи, валюта курси, тулов қобилияти ва бошқалар);

2. Рухий омиллар (инвесторлар қайфияти, қўйган мақсади ва бошқалар);

3. Сиёсий омиллар (давлатнинг ҳужалик, солиқ социал ва бошқалар).

Акциялар оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин. Имтиёзли акцияларнинг умумий номинал қиймати компания сармоясининг 10%дан ошмаслиги керак.

Бундан ташқари акциялар қўйидаги турларга бўлинади.

1. Очиқ турдаги жамият акциялари;

2. Ёпиқ турдаги хиссадорлик жамиятининг акциялари меҳнат жамоаси уртасида тарқатилади.

3. Номи ёзилган ва уни курсатган кишига мансублигини билдирувчи акциялар.

Акциялардан ташқари асосий қимматбаҳо коғозлар жумласига облигациялар ҳам қиради.

Облигация –қарз мажбурияти бўлиб унинг эгасига облигация ёзилган қийматиға фоиз тарзида йилига даромад туланади. Бу даромад ютуқлар тиражи шаклида утқазилиб унинг асомсида ютук тарзида ҳам туланиши мумкин.

Облигациялардан ташқари, бошқа қимматбаҳо коғозлар ҳам олди-сотди қилинади.

Қимматбаҳо коғозларни пайдо бўлиши натижасида капиталда иккиланиш содир бўлди. Бир томондан реал капитал (асосий фондлар) шаклида бўлса, иккинчи томондан унинг инъикоси сифатида қимматбаҳо коғозларда ифодаланади. Қимматбаҳо коғозлар реал капиталдан узининг бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади:

Қимматли коғозлар ҳақиқий активлардан ажралиб, бозорларда мустақил ҳаракат қилишга тушади. Уни назарий жиҳатдан қўйидагича изохлаш мумкин:

а) Ссуда муносабатлари туфайли пул капиталида мужассамлашган капитал мулк билан капитал-функция (тадбиркор қўлида ишлатилаётган) бир-биридан ажратилади.

б) Қимматбаҳо коғозга қўйилган капиталга эгалликни саклайди, шу билан бирга бу капитал фоиз ёки дивиденд ҳисобига қўпаяди;

в) Қимматбаҳо коғознинг бозори нархи узгариши билан, ҳақиқий актив қиймат уртасида кескин фарқ қилиши мумкин. Яъни фирма, корпорацияларнинг ишлаб чиқариш фондларига нисбатан бир неча марта қўп ёки кам бўлиши, ҳатто нольга тушиши мумкин.

Шунинг учун қимматбаҳо коғозларда ифодаланган капиталга фиктив (лотинча fictioma, ҳаёлий нарса) капитал ибораси қўлланилади.

Фиктив капитал

1. Акциялар

2. Корхоналар облигациялари

3. Давлат заёмлари облигациялари

4. Ипотека банкларининг гаров коғозлари

5. Бошқа турдаги қимматбаҳо коғозлар

Қимматбаҳо коғозлар бозори амалда фонд биржалари, аукционлар, банклар, брокерларконтораларини уз ичига олади.

Қимматбаҳо коғозлар бозорида қўйидаги субъеклар катнашадилар:

1. Эмитентлар-қимматбаҳо коғозларни эмиссия қилувчи ва улар юзасидан жавобгар юридик шахслар;

2. Инвесторлар-уз номидан ва ҳисобидан қимматбаҳо коғозларни сотиб олувчи юридик ва жисмоний шахсдир.

3. Инвестицион институтлар-инвестиция компаниялардаги молиявий воситачилар сифатида фаолият юритувчи юридик шахслар.

Қимматбаҳо коғозлар бозори бир неча асрлар бурун вужудга келган. 1542 йили биринчи марта маҳаллий биржада сотилган қимматбаҳо коғозлар рўйхатга олинган.

Молия бозоридаги операциялар махсус воситачилар: маклер, брокер, диллерлар орқали амалга ошади.

Маклер-битимлар тузиш имконияти бўйича партнёр (шерик)ларни учраштиради, лекин узи битим тузмайди. Сотувчидан ва харидордан ҳам уз хизмати учун ҳақ олади.

Брокер (шахс ёки фирма)-алохида кимматли коғозлар буйича тор доирадаги мутахассис. Устамонларни келишуви асосида шартнома тузишга имконият яратади.

Дилер- уз хисобига ва уз номига кимматбаҳо коғозларни сотиб олади, кейин уни сотади.

Бунда сотишдан келган тушум билан, олишга сарфланган харажат уртасидаги фарк унинг фойдаси бўлади.

Биржадаги операцияларнинг асосини фьючерс битимлари ташкил этади. МДХ республикаларида, жумладан, Ўзбекистонда кимматли коғозлар бозорини шаклланиши узига хос хусусиятларга эга.

1. Кимматли коғозлар бозори бозор иқтисодиёти талабларига хос равишда 1990йиллардан сунг шакллана бошлади ва у янги тармок хисобланади.

2. Давлат мулк монополиясини синдириб, давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнида бозорга нихоятда катта миқдорда кимматли коғозлар чиқарилмоқда.

3. Тадбиркорнинг муваффақиятли ёки аксинча танг ахволга тушиши, купинча акциялар сотиш суръатига боғлиқ бўлади.

Президент И. Каримовнинг 1995 йил 7 сентябрдаги, «Кимматли коғозлар бозорини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тугрисида» гифармонида кура кимматли коғозлар муамоласидан дивидендлар ва уларнинг киймати усиши харид нархи билан сотиш нархи уртасидаги фарк сифатида олинадиган даромадлар солигидан озод қилинди (1998 йилгача). Бозор иқтисодиётига утишнинг иккинчи босқичи (1994-1995йилларда) қарийб 12 минг кичик, урта ва йирик корхоналар хусусийлаштирилган эди. Хозир 200 минг КУБ корхоналари фаолият курсатмоқда. Уларни катта қисми очик турдаги акциядорлик компанияларига айлантирилди. Акцияларнинг қандай тартибда тақсимланиши қуйидагича белгиланди: 25 фоиз акциялар давлат тасарруфида қолди, 25 фоизга қадар корхона ходимларига, қолган акциялар эркин савдога чиқарилди. Бу акцияларни хорижий инвесторлар ҳам сотиб олишлари мумкин деган рухсат ҳам берилди. Давлат молияси таркибида солиқлар мавжуд. Солиқ марказлаштирилган пул маблағлари. Бюджет фондини шакллантиради. Республикада давлат бюджетини 90 фоизини солиқлар йиғиб беради. Солиқлар-бу корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар даромадларининг бир қисмини қонуний тартибда, белгиланган миқдор ва муддатларда бюджет фондини ташкил қилиш мақсадида давлат ихтиёрига олинадиган пул маблағларидир.

Солиқлар турли туловлар, йиғимлардан шуниси билан фарқ қиладики, у нозқвивалент тарзда ундирилади, яъни туланган солиқ эвазига ҳеч нима олинмайди. Солиқ ва солиқ тизими тушунчалари бир-бирига яқин, лекин узаро фарқ қилади. Солиқ тизими фақат солиқлар мажмуасидангина эмас, балки солиқларнинг ички тузулиши хисоблаш усуллари ва бошқа ҳуқуқий йуналишларини ҳам уз ичига олади.

Солиқлар тизими тушунчасига қуйидагилар қиради:

1. Солиқлар руйхати;
2. Солиқларни гуруҳларга ажратш;
3. Солиқ ҳуқуқи масалалари;
4. Солиқларни ундириш;
5. Солиқ ишларини бажариш.

Солиқ тизими қуйидаги тамойиллар асосида ташкил топади:

1. Умумийлик-ташқилий ҳуқуқий шаклидан қатъий назар ҳамма иқтисодий субъектлар даромадлардан солиқ тулаши керак.

2. Барқарорлик-маълум вақт мобайнида солиқ турлари ва солиқ ставкалари барқарор бўлиши керак.

3. Солиқ оғирлигининг тенглиги-ҳамма ухшаш солиқ туловчилардан даромад ва фойдасидан олинадиган солиқнинг умумий ставкаларининг тенглиги таъминланиши керак

Шарт ва мажбурийлик-солиқни қабул қилинган қонунлар асосида барча субъектлар тулаши шарт.

Социал адолат-ҳаммани деярли тенг шароитда қуядиган тарзда солиқ ставкалари ва солиқ имтиёзлари белгилайди. Кам даромад оладиган корхона аҳоли гуруҳларига солиқ шавқатли тарзда белгиланади.

Солиқларнинг хусусиятлари улар бажарадиган функцияларда ифодаланади. Функцияларни иқтисодчилар турлича белгилайдилар. Масалан: солиқлар 5 тавазифани бажаради:

1. Қайта тақсимлаш;
2. Ҳазина;
3. Рағбатлантириш;
4. Назорат;
5. Ахборот беришдан иборат.

Бошқа иқтисодчилар икки функцияни бажаради деган фикрни билдиради, яъни 1. Ҳазина ҳосил қилиш; 2. Иқтисодий функцияни бажаради.

Учинчи гуруҳ иқтисодчилар-3 хил функцияни бажаришни курсатганлар.

1. фискал-давлат бюджетига муҳим пул туриш;
2. ҳужалик фаолиятини рағбатлантириш;
3. аҳолининг айрим тоифаларини социал химоя қилиш;

Хуллас, солиқларни функцияларининг неча хил бўлишидан қатъий назар у энг аввало қайта тақсимлаш функцияси муҳим урин эгаллайди. Шунинг билан бир қаторда ишлаб чиқариш ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг рағбатлантириш вазифаси ҳам жуда муҳимдир. Яъни, солиқ тизими орқали давлат ишлаб ишлаб чиқаришни ривожлантиришга моддий, хомашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан тупланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир курсатади. Бевосита солиқлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация босқичида тадбик этилса, билвосита солиқлар қупрок тақсимот ва истеъмолни қамраб олади. Бу солиқни истеъмол солиқлари деб аталади.

Бевосита солиқларни – даромадларга солиқлар деб аталади, билвосита солиқларни – харажатларга солиқлар сифатида қаралади.

Билвосита солиқлар –Ўзбекистонда 1995 йилда умумий солиқларнинг 49,2%, кейинги йилларда 42-49%ни, Россияда –51% ни ташкил этади. Ҳозирги кунда мамлакатда қўлланилаётган (ККС) биринчи мартда 1954 йилда Францияда қўлланилган .

Билвосита солиқлардан бири акцизидир.

У товар нархи ва хизматлар таърифига тугридан тугри қўйилган устама бўлиб классик солиқ тури ҳисобланади.

Акциз солиғи Вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланади. Акциз ставкаси диапазони кенг 5% дан 90% гача бўлиб маълум муддатларда узғариши мумкин.

1998 йил 1 июлдан бошлаб четдан келтириладиган алкогольли ичимликлар ва сигареталарга акциз солиғи 90% қилиб белгиланган.

Акциз солиқлар ёрдамида бир томондан бюджетнинг даромад базаси мустаҳкамланади, иккинчи томондан истеъмолчиларни ва ишлаб чиқарувчиларнинг манфаати ҳимоя қилинади учинчидан республикада ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга қўмақлашади. Солиқ ставкаларининг камайтирилиши дастлаб давлат бюджетига туладиган солиқлар ҳажмининг кам бўлишига олиб келса иккинчи томондан ишлаб чиқариш ҳажмини ортишига олиб келади.

Солиқлар қўйидаги гуруҳларга бўлинади.

- Солиққа тортиш характери, махсулот нархига қай тарзда қўйилишига қўра.
- Бевосита тугри ва билвосита эгри солиқлар.
- Бошқариш бюджет даромадларини ташкил этиш даражасига қўра федерал, регионал маҳаллий солиқлар.
- Солиққа тортиш субъектларига қўра юридик ва жисмоний шахслар тулайдиган солиқлар.
- Солиққа тортиш объектларига қўра товар ва хизматларга даромад, фойда ,мол- мулк, ресурсларга солинадиган солиқлар .

- Солиқларни мақсадли ишлатилишига қўра умумий ва махсус солиқлар;
- Белгиланган солиқ ставкаларига қўра;
- Пропорционал, прогрессив регрессив катъий узгармайдиган солиқларга бўлинади.
- Солиқлар тури ва солиққа тортиш тартиби 1997 йилда қабул қилинган ва 1998 йилдан амалда қўлланилаётган «солиқ кодекси» асосида олиб борилади.

- Бевосита солиқлар таркибида даромадга (фойдага) солиқ ресурсларга солиқ мулкка солиқ муҳим роль ўйнайди.

- Билвосита (эгри) солиқларга қўйилган қиймат солиғи (ККС), акциз, бож тулови қиради.

- Сабаб биринчидан, бевосита тугри солиқлар билан бюджет даромадларини шакллантириш учун етарли эмас, иккинчидан бевосита солиқларни қўпайиши харажатларни ҳаддан зиёд қўпайиб кетишига олиб келади.

- Буюк иқтисодчи Адам Смит иқтисодиётнинг ривожланиши учун давлат уч нарсани амалга оширса этади, яъни бири юртнинг тинчлигини сақлаш, иккинчиси – адолатли суд қилишни таъминлаш, учинчиси – миёрида солиқлар белгилаш, қолганини бозорнинг ўзи ҳал қилади деган экан. Қўпгина иқтисодчиларнинг фикрича меёрдаги солиқлар ялпи даромаднинг 35-45% ини ташкил этса мақбул бўлар экан.

- Профессор Артур Лаффер бошчилигидаги иқтисодчилар тадқиқоти ҳам шуни қўрсатади. Америкалик иқтисодчилар солиқ суммаси билан солиқ ставкаси ўртасидаги боғланишини ўрганиб чиқиб солиқ ставкасининг 35-45 % даражада эканлигини асослаб берди.

- Республикада биринчи босқичда солиқнинг ҳазинани тулдириши вазифасига алоҳида аҳамият берилган эди. Иккинчи босқичда халқ ҳўжалигини иқтисодий барқарорлаштириш ва таркибий жихатдан қайта қўришга солиқ тизимини мослаштириш объектив зарур бўлиб қолди.

- Айрим солиқлар юки камайтирилди, яъни ККС- 18% туширилди, фойдадан олинадиган солиқлар 22-24%га туширилди ва бошқалар.

- Давлатнинг молия тизими арқасида бюджет туради. Бюджет (сўмқа, ҳалта), давлат, ташкилот, муассаса оила ёки айрим шахснинг маълум муддат учун белгиланган даромад ва харажатларибаланси деган маънода ишлатилади.

- Давлат бюджети бу давлатнинг даромадлари ва харажатларининг балансидир.

- Давлат бюджети –бу давлатнинг ўз функциялари ва вазифаларини бажариши молиявий таъминлаш мақсадида қўл маблағларини тўплаш ва сарфлашнинг балансидир.

- Унитар давлатлар бюджети давлат маҳаллий бюджетлардан иборат бўлса, федератив мамлакатларда мувофик равишда оралик бугин қўшилиб штатлар (АҚШ), административ тузилмалар (ГФР), Республикалар (Россия) бугиндан иборат бўлади.

- 2000 йил Ўзбекистон давлат бюджетининг харажатлари таркиби мақсадли фондларсиз қўйидагича.

- 1. Ижтимоий маданий тадбирлар- 40,4;
- 2. Аҳолини социал ҳимоя қилиш-10,4;
- 3. Халқ ҳўжалиги ва марказлаштирилган инвестиция харажатлари-31,0;
- 4. Бошқарув харажатлари-2,3;
- 5. Бошқа харажатлар-15,9 %;
- Бюджетни харажатлари икки хоссаси билан ажралиб туради
- 1. Аниқ мақсадга қаратилади.
- 2. Сарфлангач қайтиб келмайди.
- Бюджет икки қисмдан иборат бўлади.
- 1. Даромадлар қисмини ташкил этади.
- 2. Харажатлар қисмини ташкил этади.

Асосий таянч тушунчалар.

1. Молия- пул маблағларининг ҳаракатидан иборат бўлиб , ялпи ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида ташкил топадиган иқтисодий муносабатлар мажмуасидир.
2. Молия тизими –молиявий муносабатлар ва уларни амалга оширишга хизмат килувчи турли даражадаги молиявий муассасалардир.
3. Давлат бюджети –умум жамият микёсида марказлашган ва давлат иштирокида шакллантириладиган ва тақсимланадиган молиявий ресурслардир.
4. Маҳаллий бюджет- маҳаллий ҳокимият тасарруфида бўлган хужалик субъектларининг даромад ва харажатларини уз ичига олади.
5. Дотация-бу иқтисодиётга бюджет орқали таъсир воситаларидан бири бўлиб, қайтариб бермаслик учун бериладиган ёрдамдир.
6. Субсидия –бу умумий дотация бўлиб, у маҳаллий бюджетларга давлат бюджетидан ажратилади.
7. Субвенция –бу мақсадли дотация бўлиб, у маҳаллий бюджетларга давлат бюджетидан ажратилади.
8. Давлат молияси-даромадлар ва харажатлар бирлигидан иборат.
9. Давлат даромадлари- бу миллий даромадни ва бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг давлатга теккан қисмидир.
10. Давлат қарзлари –бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида давлат томонидан ички ва ташқи маблағлардан қарзга жалб қилинган молиявий ресурслардир.
11. Солиқлар- давлатнинг Марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ҳукукий ва жисмоний шахслар даромадинингбир қисмини бюджетга жалб қилиш йулидир.
12. Солиқ ставкаси- солиқ суммасининг солиқ олиннадиган суммасига нисбатининг фоиздаги ифодасидир.
13. Солиқ мейёри-ундирилган солиқ суммасининг солиқ объектига нисбатан ҳажмидир. Солиқ меёри даромад суммаси мол-мулк қиймати ёки унинг моддий микдорига қараб белгиланади.
14. Солиқ имтиёзлари-солиқдан озод этиш солиқ микдорини камайтириш солиқ тулаш шартини енгиллиштиришдан иборат.
15. Давлат заёмлари-давлатнинг аҳоли қорхона фирма ва ташкилотлардан қарз олиши ҳисобига уз молия ресурсини ҳосил этиш воситасидир.
16. Эмиссия-давлат томонидан қушимча қозғалдиқ пулларни муомалага чиқариш ва қушимча кредитни амалга оширишдир.
17. Лоффер эгри қизиги-давлат бюджети даромадлари ва солиқ ставкаси ўртасидаги боғлиқликнинг графикда тасвирланишидир.

Асосий адабиётлар:

1. И. А. Каримов Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг узига хос йули. Т. , Ўзбекистон 1993 йил.
2. И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳларни чуқурлаштириш йулида. Т. , Ўзбекистон 1995 йил.
3. Банклар ва банк фаолияти тугрисида Ўзбекистон республикаси қонуни 15 феврал 1991йил.
4. Қимматбаҳо қозғалдиқ бозори тугрисида Ўз Рес қонуни 3 сентябр 1993 йил.
5. Улмасов А. , Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси. 13-18 боблар Т. «Мехнат» 1995 йил.
6. Шодмонов Ш. , Алимов Р. , Жураев Т. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Молия» – 2002 йил
7. Халилов П ва бошқалар иқтисодиёт назарияси. Т. , Университет нашриёти 2003 йил .
8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси ўқув қўлланма. Т. , «Шарк» 2003 йил.

22-мавзу: ПУЛ-КРЕДИТ ТИЗИМИ.

23-мавзу: БАНКЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДАГИ РОЛИ.

Режа:

1. Пулмуомласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари.
2. Инфляция. Инфляция турлари ва унинг Бартараф этилиши.
3. Кредитнинг моҳияти, манбалари ва вазифалари.
4. Банк тизими, Марказий ва тижорат банклар ҳамда уларнинг вазифалари.
5. Валюта муносабати. Ўзбекистонда миллий валютани барқарорлаштириш вазифалари.

Ушбу мавзуда бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган ва унинг ҳаракатга келтирувчи воситалар, пул, пул муомласи, инфляция, кредит, банклар, валюта муносабатлари ва Ўзбекистонда миллий валютани мустаҳкамлаш ҳақида назарий фикр ва мулоҳазалар юритамиз маълумки, бозор иқтисодиёти бу товар-пул ёки пул-товар алоқаларидан иборат бўлган муносабатлардир. Пул иқтисодий дастак сифатида доимо ҳаракатда бўлиб товар ва хизматларни айирбошлаш қилишда воситачилик қилади. Пул ёрдамида ресурслар сотиб олинади, иш ҳақи туланади ва бошқа иқтисодий алоқалар йўлга қўйилади. Пул муомласи нақд ва кредит пуллар ёрдамида амалга оширилади.

Накд пул муомласига банк билетлари ва метал тангалар (пул белгилари) хизмат килади. Накд пулсиз ҳисобларда кредит пуллар муомласи-чеклар, кредит карточкалари векселлар, аккредитивлар, тулов талбномалари ёрдамида амалга оширилади. Булларни ҳаммаси пул агрегати деб юритилади.

Муомилада булган пул массаси уларни (накд ва кредит пуллари) кушиш йули билан аникланади.

Пул такрор ишлаб чиқаришда хизмат килади у доимо оборотда (харакатда) булади. Жамиятдаги пул обороти моддий оборотни, яъни яратилган махсулотлар ва хизматлар харакатини билдиради.

$$ПМ \times ПО = Н \times ММ (1).$$

Буни $ПМ \times ПО = Н \times ММ (1)$ деб ифодалаш мумкин. Бунда ПМ- пул массаси, ПО-пул обороти тезлиги; Н- нарх даражаси, яратилган махсулот миқдори - ММ.

Масалан: $ПМ=10$ млрд. Сум, $ПО=5$ марта. $Н=2,5$ сум, $ММ=20$ млрд. дона, 10 млрд. $\times 5=2,5 \times 20$. 10 млрд. $Сум \times 5$ марта $= 2,5 \times 20$

Демак 50 млрд. сум $= 50$ млрд. сум.

Пулни иқтисодиётдаги аҳамияти у бажарадиган вазифалари билан белгиланади: Пул 5 та вазифани бажаради:

1. Киймат улчови;
2. Муомала воситаси;
3. Тулов воситаси;
4. Жамғариш воситаси;
5. Жаҳон пуллари.

Ҳозирги назарияда уларни 3 таси тан олинади.

1. Киймат улчови;
2. Муомала воситаси;
3. Жамғариш воситаси;

Пул умумий эквивалент була оладиган товардир. У узига меҳнатни мужассамлаштиради. Шу сабабли товарларни кийматини улчай олади. Пулда ифодаланган киймат нарх дейилади. Улчов бирлиги нарх масштаби дейилади.

Бирлик килиб, Ўзбекистонда сум, Россияда рубль, Акшда-доллар, Европа иттифоқи давлатларида -Евро ва хоказолар қабул қилинган.

Маълумки, Молия, Пул, Кредит, Банк каби иқтисодий категориялар бозор иқтисодиётига хос булган механизмлар булиб, ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш ва истеъмол жараёнларида фаол иштирок этади.

Масалан, Пул молиявий ресурс сифатида бутун иқтисодиётни ривожланишини таъминлаб беради ишлаб чиқариш қувватларидан тулик фойдаланишга имкон тугдиради, иш билан бандликка эришишни таъминлайди.

Аксинча, пул бекарор булса, ишлаб чиқариш бандлик ва нарх даражасининг кескин тебранишига асосий сабаб булиб, иқтисодий ривожланишга тусик булиши табиий шунинг учун ҳам иқтисодиётда пул, пул муомласи, пул тизимлари, кредит, банк фаолиятлари, муҳим рол уйнаганлиги сабабли, улар чуқур урганилади, таҳлил қилинади ва улар иқтисодиёт назариясининг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Халқ ҳужалигини барча тармоқларида иш юритишда пул маблағларидан фойдаланилади. Пул товарлар ва хизматлар айрибош қилиш жараёнида ресурслар учун туловларни амалга оширишда, иш ҳақи ҳамда бошқа мажбурятларни тулашда воситачилик қилиб, қулдан қулга утиб айланиб туради.

Пулни иқтисодий жараёнлардаги тухтовсиз айланма харакати пул муомласи дейилади. Пул муомласи накд ва кредит пуллар ёрдамида амалга оширилади.

Накд пул муомаласига банк билетлари ва металл (пул белгилари) хизмат килади. Накд пулсиз ҳисоблар, яъни кредит пуллар муомласи чеклар, кредит карточкалари, векселлар, аккредитивлар, тулов талабномалари қабилар ёрдамида амалга оширилади. Накд пуллар ва накд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ҳаммаси пул агрегати деб юритилади. Муомлада булган пул массаси уларни (накд ва кредит пуллари) кушиш йули билан аникланади.

Пул муомаласи узига хос булган қонунлар билан харакат килади ва аникланади. Бу қонунда энг муҳим муомла учун зарур булган пул миқдорини аниклаш ва шунга мувофиқ пул чиқаришдир ва қуйидаги формула билан ифода қилинади.

$$Пм = \frac{Тб - Хк + Хт}{Ат} (1) \text{ бунда}$$

Пм-муайян даврда муомла учун зарур булган пул миқдори,

Тб-сотилиши лозим булган товарлар суммаси, (товарлар миқдори*нархи)

Хк-кредитга сотилган товарлар суммаси,

Хт-тулаш муддати келган товарлар ва хизматлар ҳамда бошқа туловлар суммаси;

Ат-пулнинг айланиш тезлиги.

Муомлани таъминлаш учун зарур булган пул миқдори қуйидаги омиллар билан ифодаланади:

1. Маълум даврда сотилиши ва сотиб олиши лозим булган товарлар суммаси. (одатда бир йил қабул қилинган);
2. Пулнинг айланиш тезлигига;
3. Кредитнинг ривожланишига.

Мисол. Сотилган товарлар суммаси 100млн. сум булиб, шундан 20 млн суми муддати келган қарзлар ва бошқа туловлар 40 млн сумни ташкил қилса, муомала учун зарур булган пул миқдори 20 млн сумга тенг булади. Яъни $ПМ=100-20+40=20$ млн сум.

Пул операциялари купинча нақд пулсиз чеклар ва унга тенглаштирилган молиявий активлар ёрдамида амалга оширилади. Шу сабабли муомалада булган пул миқдорини ҳисоблаш учун $M \dots MO$ пул агрегатлари ёки таркибий қисми тушунчасидан фойдаланилади

Ўзбекистон республикасида умумий пул миқдори қуйидаги таркиблар асосида ҳисобланади.

MO -нақд пуллар;

$M1 = MO +$ тегишли ҳисоб варақаларидаги пул қолдиқлари маҳаллий бюджетлар маблағлари, бюджет. Жамоат ва бошқа ташкилот маблағлари;

$M2 = M1 +$ халқ (жамғарма) банкларидаги муддатли омонатлар;

$M3 = M2 +$ чиқарилаётган сертификатлар + аниқ мақсадли заём облигациялари + хазина мажбуриятлари.

Барча пул агрегатлари йиғиндиси ялпи пул массаси ёки ялпи пул таклифини ташкил қилади. Нақд пуллар ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида умумий пул массасининг 9-10 фоизини, бозор иқтисодиётига утаётган мустақил ҳамдустлик давлатларида 35-40 фоизни ташкил қилади.

Пулга талаб – бу айрбошлаш учун (Π) ва активлар томонидан пулга талабни (Π) уз ичига олади. Корхоналарга иш хақи тулаш материал ёқилги сотиб олишлари, аҳоли қундалиқ эҳтиёжлари учун уларда нақд пул булиши лозим. Демак барча мақсадлар учун зарур булган пул айирбошлаш учун пулга талаб дейилади.

Айрбошлаш учун зарур булган пул миқдори номинал ялпи миллий маҳсулот ҳажми билан аникланади яъни у номинал ЯММга мутаносиб равишда узгаради.

Нархлар усганда ва ишлаб чиқариш ҳажмлари кенгайганда пулга талаб ортиб боради. Фоиз ставкалари юқори булса пулга талаб камаяди ва аксинча булади.

Инфляция пулнинг қадрсизланишидир ва макроиқтисодий барқарорликнинг қуринишларидан биридир. Инфляция тушунчаси биринчи марта гарбий америкада ишлатила бошлаган ва қатор пул муомаласининг қупайиб кетиши жараёнини билдирган. Иқтисодий адабиётларда инфляция тушунчаси XX асрда, биринчи жаҳон урушидан кейин кенг тарқалди. Пул қадрсизланса, табиий товар нархлари усади.

Инфляция нарх индекси ёрдамида базис даврга нисбатан аникланади. Масалан истеъмолчилик товарларига нарх индекси 1998 йил 113,6, 1999 йил 118,3 га тенг булса, инфляция суръати қуйидагича булади.

$$\text{Инфляция индекси} = \frac{118,3 - 113,6}{113,6} \times 100 \%$$

Инфляция тушунчаси биринчи марта Гарбий Америкада (1861-1865 йиллардаги) фуқаролар уруши даврида ишлатила бошлаган ва қозғол пул муомиласининг қупайиб кетиши жараёнини билдирган.

Инфляциянинг бир қанча турлари мавжуд.

1. Талаб инфляцияси – иқтисодиётда ишлаб чиқариш соҳаси маҳсулотни реал ҳажмини қупайтириб ортикча талабни қидира олмайди. Ортикча талаб нархни ошишини келтириб чиқаради.

2. Таклиф инфляцияси – ишлаб чиқариш ҳаражатларини ортиб бориши билан товарлар ва хизматлар таклифи камаяди, нарх ошади. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари номинал иш хақи, хомашё ва энергия нархларининг усиши ҳисобига ортиб боради.

Инфляциянинг а) мейёрдаги; б) урмалаб қорувчи; в) гиперинфляция қаб турлари мавжуд. Инфляциянинг биринчи турида баҳолар йилига 10 фоизгача, иккинчисида 20 дан 200 фоизгача, учинчисида жуда қатта миқдорда усиши қурсатилади.

Инфляцияни қамайтириш ва уни бутунлай бартараф қилиш учун ишлаб чиқаришни юқсак суръатлар билан ривожлантириш ва хизмат қурсатиш соҳаларини кенгайтириш орқали эришиш мумкин булади.

Маълумки иқтисодий тараккиётга эришиш ишлаб чиқаришни ривожлантиришга боғлиқ ишлаб чиқариш учун зарур булган ресурслардан бири пул ресурслари булиб, у ҳаракатини кредит бериш шаклида амалга ошириб боради.

Кредит вақтинча буш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида тушлаш ва уларни пулга муҳтож булиб турган ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга ишлаб чиқариш ва бошқа эҳтиёжлар учун маълум муддатга фоиз туловлари билан қайтариш шароитида қарзга бериш жараёнини ифодалайди.

Пул шаклидаги капитал ссуда қаптали дейилса, унинг ҳаракати кредитнинг мазмунини ташкил этади.

Кредит субъектлари инсонлар булиб иккита субъект уртасида, пул эғаси яъни қарз қорувчи ва қарз олувчи уртасида юзага келади.

Жамиятда тақрор ишлаб чиқариш жараёнида товарлар, иқтисодий ресурслар ва пул маблағларининг доиравий айланиши кредит муносабатларининг мавжуд булишини тақозо қилади ва кредит муносабатларининг объекти жамиятда вақтинча буш турган пул маблағларидир ва у кредит маблағларининг манбаини ташкил қилади.

Кредит ресурсларининг асосий манбалари қуйидагилардан иборат булиши мумкин.

1. Корхоналарнинг банқдаги ҳисобларидаги амортизация ажратмалари;
2. Маҳсулот сотишдан олинган пул тушумлари;
3. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш фан ва техникани ривожлантириш фондлари моддий рағбатлантириш фондлари;

4. Корхоналар фойдаси;

5. Банқдаги бюджет муносабатлари, қасаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий ташкилотларнинг жорий пул ресурслари;

6. Иш хақи ва меҳнат хақиға ажратилган пул ресурслари;

7. Хом ашё ёқилги ва бошқа туловларға ажратилган пуллар;

8. Аҳолининг буш пул маблағлари.

Кредит куйидаги вазифаларни бажаради.

1. Кайта таксимлаш – корхоналар давлат ва аҳолининг буш пул маблағлари ссуда фонди шаклида тупланиб, кейин бу маблағлар кредит механизми орқали ҳам хужалик тармоклари эҳтиёжларини ҳисобга олиб кайта таксимланади. Шу орқали кредит ишлаб чиқариш жараёнининг узликсизлигини таъминлашга хизмат килади.

2. Кредит пулга тенглаштирилган тулов воситаларини (вексель, чек, сертификат ва х. к) юзага чиқариб уларни хужалик амалиётига жорий этиш вазифасини бажаради.

3. Кредит нақд пуллар урнига кредит пулларни ривожлантириш ва пул муомиласини жадаллаштириш билан муомала харажатларни тежаш вазифасини бажаради.

4. Кредит алоҳида корхоналарни ҳиссадорлик жамиятига айланиши, яъни фирмаларнинг вужудга келиши ва транс миллий компаниялар (ТМК) ташкил топишининг омилларидан бири сифатида чиқади.

5. Кредит ссуда фоизининг ҳаракати (қарз бериш ва қарзни учиратиш) орқали иқтисодиёт устишини рағбатлантириш вазифасини бажаради.

6. Кредит уз муассалари орқали иқтисодиёт объектларини фаолияти устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

Кредит икки шаклда пул ва товар шаклида берилади. Ҳозирги вақтда мамлака ички айланмасида пул кредитидан купрок фойдаланиб у банк тижорат давлат истеъмолчилик ва халқаро кредит шакллари олади.

Банк кредити кредитнинг асосий шакли бўлиб у пул эгалари банклар ва махсус кредит муассалари томонидан қарз олувчиларга (тадбиркорлар давлат уй хужалиги сектори) пул ссудалари шаклида берилади.

Тижорат кредити бу корхоналар, бирлашмалар ва бошқа хужалик юритувчи субъектларнинг бир-бирига берадиган кредитларидир. Тижорат кредити аввало туловни кечиктириш йули билан товар шаклида берилади.

Ипотека кредити – қучмас мулклар (ер, бино) ҳисобига узок муддатли ссудалар шаклида берилади.

Истеъмол кредити хусусий шахсларга узок муддатли фойдаланадиган Истеъмолчилик товарлари(мебель, автомобиль, телевизор ва х. к.) сотиб олиш учун маълум муддатга берилади.

Давлат кредити – Кредит муассасаларининг узига хос шакли бўлиб бунда давлат пул маблағлари қарздори аҳоли ва хусусий бизнес эса кредиторлари бўлиб чиқади. Бунда давлат қарз облигациялари хизмат килади ва давлат бюджети қамомадини қоплаш учун фойдаланилади.

Халқаро кредит ссуда капиталининг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги ҳаракатини намойиш килади. Халқаро кредит пул ёки товар шаклида берилади унинг истеъмолчилари (кредитор ва қарз олувчилар) банклар хусусий фирмалар давлат халқаро ва минтақавий ташкилотлар бўлиши мумкин.

Кредит бериш бир қатор таъмойилларга асосланади:

1. Ссуда беришининг мақсадли хусусияти.
2. Кредитнинг расмийлаштириладиган муддатда қайтарилиши .
3. Ссуданинг моддий таъминланганлиги ва гаровлилиги:

Қарзга (ссудага) берилган пул ҳисобига олинадиган даромад фоизсиз ёки фоизли даромад дейилади. Шу даромад (фоиз) нинг қарзга берилган пул суммасига нисбатининг фоизда ифодаланиши фоиз ставкаси ёки фоиз нормасини ташкил килади.

$$R1 = \frac{R}{K_{\text{ссуда}}} \times 100 \%$$

Бунда R1 фоиз нормаси;

R фоиз суммаси;

K ссуда қарзга берилган пул суммаси.

Мисол: Агар 100 минг сум йилига 20 минг ссуда фоиз тулаш шарти билан қарзга берилган бўлса ссуда фоиз нормаси 20 фоиз бўлади. Малакатдаги пул массаси ҳаракати бозор иқтисодиётини таъминловчи банк туфайли бошқарилади. Банклар пул маблағларини туплайди, жойлаштиради уларни ҳаракатини тартибга солиб турувчи иқтисодий ташкилотдир. Банклар кредитни берилишига хизмат килади ва у икки босқичли бўлиб уз ичига марказий (эмиссион) банк ва тижорат (депозитли) банкларни тармок отга шохобчаларини олади. Давлат банки Марказий банк ҳисобланади. Бунинг маъноси шундан иборатки, биринчидан қупчилик мамлакатларида давлат банки ягона Марказий банкдан иборат бўлиб у утказадига сиёсат тартиблари юқори давлат органлари томонидан урганилади. Иккинчидан Марказий банк тижорат банклари ва жамғарма муассасаларидан маблағларни қабул қилиб уларга кредит беради. Хусусан шу сабабга қура Марказий банк «Банкирлар банки» деб юритилади. Учунчидан Марказий банк фақат фойда олишга интилиб фаолият қилмайди. Давлатнинг бутун иқтисодий ҳолатини яхшилаш сиёсатини амалга оширади ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишга қумаклашади.

Марказий банк куйидаги хилма хил вазифаларни бажаради:

1. Бошқа банк муассасаларининг мажбурий эҳтиёжларини сақлайди. Мамлакатнинг расмий олтин валюта эҳтиёжларини сақлайди.

2. Чекларни қайд қилиш механизмининг таъминлайди ва банклараро ҳисоб китобларни амалга оширади уларга кредит беради.

3. Давлатнинг мониторинг сиёсатини амалга оширади.

4. Барча банклар фаолиятини уйғунлаштиради ва улар уртасида назоратни амалга оширади.

5. Халқаро валюта бозорида миллий валютани айри бошлади.

6. Пул таклифи устидан назорат килиш маъсулятини олади. Муомлага миллий валютани чикаради.

Тижорат банклари акционерлик турдаги муассаса хисобланади. Бу унинг хужалик мавкеи хисобланади. Хукукий мовкега кура фаолиятининг бирор бир турига хизмат курсатувчи ихтисослашган ёки миллий банк булиши мумкин. Тижорат банкларининг асосий мақсади фойда чиқариб олишни кузда тутати, уларнинг даромадларининг манбаи мижозларнинг банк хизмати учун тулови ва активлардан заём кредит кимматли коғозлардан олиндиған фоиз хисобланади.

Тижорат банклари тизимида тор ихтисослашиши буйича инвестицион ва ипотека банклари ҳам амал килади. Инвестицион банклар махсус кредит муассасалари булиб облигация ҳамда қарз мажбуриятлари чиқариш йули билан узок муддатли ссуда капитални жалб килади ва уларнинг мижозларга беради.

Ипотека банклари бу қучмас мулк (ер ва иншоат) хисобига узок муддатли ссуда беришга ихтисослашган кредит муассасалари булиб бундан уй жой иншоатлар қуриш қорхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини қенгайтириш учун фойдаланилади. Бу банк ҳам облигация чикаради. Бугунги кунда республикада 30 дан зиёд тижорат ихтисослашган банклар ва уларнинг 3,7 мингдан қурак филиалари бор. Шундан 3 таси (Ташки иқтисодий фаолият миллий банки, Халқ банки ва Асака банк) давлат тасаруфиди турибди. Улардан 22 банк (73%) акционерлик жамияти, 8 таси (27%) маъсуляти чекланган жамият шаклидадир.

Мамлакатда миллий валюта сум 1994 йил июлдан этиборан муомлага чиқарилди ва муомлага ҳаракат қилмоқда. Иқтисодиётнинг бош вазифаси сумнинг харид қийматини ошириб бориш унинг барқарорлиги таъминлашга қаратилган. Бунга эришиш учун рақобат бардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва истеъмол бозорини иложи борица қенгайтириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари қорхоналар рақобат бардош товарлар ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш орқали валюта захирасини ҳосил қилиши лозим ва харқандай валюта эркин алмашилиши учун етарли валюта захираси булиш лозим. Инфляцияга қарши аниқ уйланган сиёсат утқазииш миллий валютани мустанкамлашнинг муҳим шартидир. Сумнинг барқарорлигини таъминлашда нақд пул эмиссиясининг усишига аҳоли қулиди, пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йул қуймаслик қерак. Бунда муомлага қикан пул миқдорининг уз вақтида қайтарилишига эришиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминланмаган қорхоналарга кредит берилишига йул қуймаслик қерак. Мамлакатда 2001 йилда пул эмиссияси даражаси 9 фоиз прогноз қилинган эди, у 6,5 фоизни ташқил қилди, 2001 йилда пул массасининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан усиши 17,1 фоиздан 16,4 фоизга қисқарди. Миллий валютанинг қадрини ошириш барқарорлигини таъминлаш йулидаги қурилаётган қоралар ва тадбирлар И. Қаримов қурсатиб утганидек. «... Миллий валютамининг жорий операциялар буйича эркин алмашилувини яъни конвертациясини таъминлаш учун барча зарурий қоралар яратиш» алоҳида аҳамиятга эга. И. Қаримов «Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт қурад мақсадимиз». Т. «Ўзбекистон» 2000 йил 18 бет.

Хулоса қилиб айтганда мамлакат иқтисодиётида миллий валюта қадрини ошириш унинг барқарорлини таъминлаш ЯММ, ЯИМ ишлаб чиқаришни қупайтириш суратини яхшилаш харидорларни тулов қобилиятини таъминлаш лозим.

Асосий таянч тушунчалар.

1. Пул муомласи пулнинг уз вазифаларини бажариш жараёнидаги туҳтовсиз ҳаракати учун туҳтовсиз айланиб туришидир.
2. Пул тизими тарихан тарқиб топган ва миллий мамлакатда пул муомласини ташқил қилишда ҳаракат қилувчи нақд ва кредит пуллар.
3. Инфляция қоғоз пул бирлигининг қадрсизланиши.
4. Кредит буш турган пул маблағларини ссуда фойда шаклида тушлаш ва уларни тақрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қарзга бериш.
5. Фоиз нормаси (ставкаси) фоиз ёки фоизли даромаднинг қарзга берилган пул суммасига нисбатини фоизда ифодаланиши.
6. Банклар пул маблағларини тушлаш жойлаштириш ва уларни ҳаракатини тартибга солиш билан шугулланувчи иқтисодий муассаса.
7. Банк операциялари маблағларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш буйича амалга оширадиган операциялар.
8. Банк фойдаси (маржа) олинган ва туланган фоиз суммалари уртасидаги фарқ.
9. Банк фойда нормаси банк соф фойдасининг унинг уз капиталига нисбатини фоиздаги ифодасидаир.

Асосий адабиётлар.

1. Қаримов И. А. Ўзбекистон бозор муносабатларга утишнинг узига ҳос йули. Т. , Ўзбекистон 1993 йил
2. Қаримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни қуқулаштириш йулида. Т. , Ўзбекистон 1995 йил.
3. Банклар ва банк фаолияти турғисида Ўзбекистон Республикаси қонуни 15 феврал 1995 йил.
4. Қимматбаҳо қоғозлар бозори турғисида. Ўзбекистон Республикаси қонуни 3-сентябр 1993 йил.
5. Улмасов А. , Шарифхуҷаев М. Иқтисодиёт назарияси. 13-18 боблар. Т. , Меҳнат. 1995 йил.
6. Шодмонов Ш. , Алимов Р. , Жураев Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қуланма. Т. , Молия 2002 йил.
7. Хошимов П, ва бошқалар Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қуланма. Т. , Университети 2003 йил.

24-мавзу: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ ИУТИСОДИЙ РОЛИ.

Режа:

1. Давлатнинг бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги роли ва вазифалари ҳақидаги назария ва қарашлар.
2. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, унинг мақсади ва вазифалари.
3. Давлатнинг иқтисодиётга таъсир қилиш усуллари ва воситалари.

Маълумки кишилик жамиятидаги барча ишлаб чиқариш формацияларида давлат иқтисодиётни ташкил қилиш, бошқариш ва уни тартибга солиш ишларига ташкилотчилик қилган ва иқтисодиётга фаол иштирок этиб келмоқда.

Дунёдаги мавжуд бўлган мамлакатларда давлатни иқтисодиётга аралашуви ва уни тартибга солиши бир хил бўлмаган. Бозор иқтисодиётида у кескин фарқ қилади.

Бир давлат иқтисодий тизимга купрок таъсир этса, иккинчиси бозор тизими орқали тартиблаштиради.

Ушбу мавзуда давлатни бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги фаолияти қараб чиқилади.

Хар бир давлатни иқтисодиёти миллий иқтисодиёт бўлиб, унинг самарадорлиги купгина курсаткичларга боғлиқдир. Унинг курсаткичларини даражаси давлатни ёки бозор тизимининг иқтисодиётдаги ролига боғлиқ бўлади.

Юқори самарадорликка эришиш: Биринчидан, бозорнинг тартибга солиш усуллари орқали. Иккинчидан, иқтисодиётни фақатгина ягона марказдан онгли равишда марказлашган бошқариш йули билан, учинчидан, иқтисодий жараёнда давлатнинг аралашуви ва бозор механизмларини уйғунлаштириш орқали эришилади; туртинчидан фуқароларнинг фаолиятига боғлиқ.

Иқтисодиёт тарихидан маълумки, давлатни иқтисодиётидаги ролини чеклаш ва уни тартиблашда бозор механизмдан фойдаланиш масаласи А. Смит томонидан илмий асосдан қараб чиқилган эди. Унинг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабабларини тадқиқ қилиш ҳақида» (1776 йил) деган китобида бозор усуллари орқали иқтисодиётнинг уз узини тартибга солишнинг зарурлиги курсатиб утилган. А. Смитни курсатиб утиши буйича хусусий товар ишлаб чиқарувчилар бозори давлат назоратидан тулик озод бўлиши зарур. Демак ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар талабига мос равишда бозор воситасида тартибга солиш, ҳар қандай четдан аралаштирилмасиз ишлаб чиқарувчиларни бутун жамият манфаатлари учун ҳаракат қилишга мажбур қилади.

А. Смитнинг «гинч қуйиш» назарияси, 1923-33 йилларда бозор иқтисодиётига асосланган деярли барча мамлакатларни қамраб олган иқтисодий инқироз даврида танқидга учрайди, демак бундай шароитда иқтисодий таназзул ва оммавий ишсизлик давлатнинг иқтисодий жараёнларига аралашувини кучайтиришни тақозо қилди.

Давлатни иқтисодиётдаги ролини ошириш масаласи Джон М. Кейнснинг «Иш билан бандлилик, процент ва пулнинг умумий назариялари» номли китобида уз аксини топди (1936 йил).

Бу китобда муаллиф давлат фискал (ҳазинавий) ва кредитли тартибга солиш воситаларидан фойдаланиб, жамиятнинг ялпи талабини рағбатлантиришни ва аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш зарурлигини исботлайди. Бу назарияга биноан давлат кризисни бартараф этиш, иқтисодий инқирозларни салбий оқибатларини тугатиш лозимлиги курсатилади. Иқтисодий кризислар даврида бу назариядан АКШда купрок фойдаланилган эди.

Давлатни иқтисодиётга аралашувини нималар белгилаб беради?

Биринчидан, шундай муаммолар мавжудки уни бозор бажара олмайди ва тартибга солишга лаёқатли эмас. Масалан, мудофани таъминлаш, мамлакатни ички тартибни сақлаш, аҳолининг кам таъминланган қисmini ижтимоий ҳимоялаш қабилар.

Иккинчидан, хусусий ишлаб чиқариш ва истеъмол бир қатор ижобий ва салбий оқибатларни тугдиради.

Учинчидан, Индивидуал истеъмолчилар ҳамма вақт у ёки бу товарни истеъмол қилишнинг оқибатларини натижасини аниқ баҳолай олмайди ва зарарли товарларни истеъмол қилишни чеклаш вазифасини уз зиммасига олади. Масалан, тамаки маҳсулотларига юқори акциз (эгри) солигини урнатади.

Хуллас, давлат иқтисодий узишнинг барқарор бўлишини доимо рағбатлантириб боради ва бу йулда иқтисодиётни тартибга солиб боришнинг чора тартибларини ишлаб чиқади.

Иқтисодиётни турли тизимларида, давлат иқтисодиётини тартибга солиш учун: қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилиш усулларида изчиллик билан фойдаланилади.

ИДТТСнинг асосий мақсади иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мамлакат ичида ва халқаро майдонда мавжуд тизимни мустаҳкамлашдан иборат. Бунинг учун: иқтисодий циклни барқарорлаштириш, миллий хужаликларнинг тармок ва минтақавий тузилишини такомиллаштириш; атроф-муҳит ҳолатини яхшиламок зарур.

Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга оширмок лозим:

1. Бозор тизимининг самарали амал қилишига имконият тугдирувчи ҳуқуқий асос ва ижтимоий муҳитни таъминлаш;

2. Рақобатни ҳимоя қилиш.

Иқтисодиётни тартибга солиш юзасидан қуйидаги вазифаларни ҳам бажаради:

1. Даромад ва бойликни қайта тақсимлаш;

2. Ресурсларни қайта тақсимлаш;

3. Иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни иқтисодий тебранишлар вужудга келтирадиган Инфляция ва бандлик даражаси узишдан назорат қилиш ҳамда иқтисодий узишни рағбатлантириб бориш.

Рақобат бозор иқтисодиётида асосий тартибга солувчи механизм сифатида хизмат қилади. Рақобат шароитида харидор-бу хужайин, бозор уларнинг гумаштаси, қорхона эса уларнинг хизматқори ҳисобланади.

Давлат бир катор йуллар билан ресурсларнинг номутаносиб таксимланишини келтириб чиқарадиган оқибатларни юмшатиб боради.

Биринчидан, истеъмолчиларнинг аниқ товар ва хизматларни харид қилиш қобилиятини ошириш йули билан уларнинг талаби кенгайтирилади. Масалан, Республикамизда ислохотларнинг дастлабки даврида озик-овкат маҳсулотларига талон тизими жорий этилди. Бу эса паст даромадли оилаларнинг озик-овкат маҳсулотларига булган талабни оширади ва шу орқали ресурсларнинг номутаносиб таксимланишини бартараф қилади.

Иккинчидан, давлат таклифни ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни субсидиялаши мумкин.

Учинчидан, давлат айрим товарлар ва ижтимоий неъматларни ишлаб чиқарувчи сифатида чиқади. Бундай тармоқлар давлат мулкчилигига асосланади ва давлат томонидан бевосита бошқарилади ёки уларни молиялаштиришни давлат уз зиммасига олади.

Булар фан, таълим, соғлиқни сақлаш, миллий муҳофаа, фавқулодда, руй берадиган табиий ҳодисаларга қарши кураш, ички тартибни сақлаш ва бошқалар.

Давлат, мамлакат, миллий маҳсулот таркибида муҳим узгаришларни амалга ошириш мақсадида ресурсларни қайта таксимлайди. Иқтисодиётни барқарорлаштиради, иқтисодиётда тулик бойликни таъминлашни амалга ошириб боради.

Давлат миллий иқтисодиётни тартибга солишда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Бевосита таъсир қилиш усуллари;
2. Билвосита таъсир қилиш усуллари;
3. Ташқи иқтисодий усуллар.

Агар иқтисодий марказдан бошқаришга асосланган бўлса, давлат иқтисодиётга бевосита аралашади. Бозор иқтисодиётига асосланган тузумда давлат иқтисодиётга билвосита аралашиб уни тартибга солади.

Мамлакатларда давлат сектори мавжуд, хилма-хилдаги капиталга эгалик қилади, кредитлар беради, корхоналарга мулкдор ҳисобланади.

Давлат иқтисодиётни бевосита тартибга солишда маъмурий воситалардан фойдаланади. Маъмурий воситалар давлат ҳокимияти қучига таянади ва таъқиблаш, руҳсат бериш ва мажбур қилиш каби тадбирларни уз ичига олади.

Айниқса таназзул жараёнларида давлатни маъмурий усуллардан фойдаланишга устунлик берилади, яъни:

а) Иқтисодиётнинг айрим бугинлари-транспорт, алоқа, атом ва электр-энергетика, коммунал хизматларни бевосита бошқаради.

б) Нархлар ва иш ҳақини қушиб қуйиш сиёсати; Бу иқтисодиётга аралашининг тадбирлари ҳисобланиб, инфляцияни юмшатишига қаратилади.

в) Иш билан бандлилик хизмати фаолияти (меҳнат биржалари)ни ташкил қилиш;

г) Иқтисодий соҳани тартибга солишни кузда тутувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш (монополияга қарши қонунчилик, тадбиркорлик тугрисидаги, банк соҳалари, қимматли қозғалар бозорининг фаолиятини тартибга солишни кузда тутувчи қонунлар).

Давлат узининг бюджет сиёсати орқали иқтисодиётни тартибга солиб боради. Бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмини узгартариб боради. Давлат харажатларини қоплаш учун молиявий маблағларнинг жалб қилишнинг энг асосий қалдаги солиқлардан фойдаланади.

Солиқлар ёрдамида давлат томонидан тартибга солиш танланган солиқ тизимига, солиқ ставкаси даражасига ҳамда солиқ турлари ва солиқ тулашда бериладиган имтиёзларга боғлиқ бўлади.

Давлат иқтисодиётни тартибга солиш воситаси сифатида бюджет харажатларидан фойдаланади. Яъни, давлат кредитлари, субсидиялари ва қаролатлари ҳамда ҳусусий сектордан товарларни сотиб олишга қилинадиган сарфлар ҳисобланади.

Иқтисодиётни тартибга солишда давлат капитал қуйилмалари ҳам муҳим роль уйнайди.

ИДТТСнинг олий шакли давлат иқтисодий дастурлари ҳисобланади. Унинг вазифаси тартибга солишнинг барча усули ва воситалари қомплекс фойдаланишдан иборат. Иқтисодий дастурлар урта муддатли, фавқулодди ва мақсадли бўлиши мумкин.

ИДТТС ташқи иқтисодий усуллар ёрдамида ҳам амаалга оширилади. Бунда маҳсус восита ва дастаклар орқали мамлакатнинг ташқи дунё билан амалга ошириладиган ҳужалик алоқаларига бевосита таъсир қурсатади.

Ҳуллас, товарлар, хизматлар; капитал ва фан-техника ютуқлари экспортини рағбатлантириш тадбирлари, экспортни кредитлаш, чет эллардан инвестициялар ва экспорт кредитларини қаролатлаш, ташқи иқтисодий алоқаларга чеклашлар қиритиш ёки бекор қилиш, ташқи савдода бож туловларини узгартариш, мамлакат иқтисодиётига чет эл қариталини жалб қилиш ёки чеклаш бўйича тадбирлар, мамлакатга четдан ишчи қучини жалб қилиш, халқаро иқтисодий ташқилотларда ва давлатлараро уюшмаларда қатнашиш мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солишнинг асосий воситалари ҳисобланади.

Асосий таянч тушунчалар.

1. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш (ИДТТС) мақсади-иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий тизимни мустаҳкамлаш;

2. Давлатнинг иқтисодий вазифалари-иқтисодий тизимнинг амал қилишига шарт-шароит яратиш ва иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда иқтисодий ушшини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлардан иборат.

3. ИДТТСнинг усуллари- тартибга солишнинг маъмурий ва иқтисодий воситалар бирлиги.

4. Бевосита усуллар-иқтисодиётни тартибга солишни таъқиблаш, руҳсат бериш ва мажбур қилиш ҳусусиятидаги маъмурий воситалари.

5. Билвосита усуллар-иқтисодиётни тартибга солишнинг иқтисодий восита ва шакллари.

Асосий адабиётлар.

1. Каримов И. А. Ўзбекистон бозор муносабатларига утишнинг узига хос йули. Т. , «Ўзбекистон» 1993 йил.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Т. , «Ўзбекистон» 1995 йил.
3. Радаев В. В, Бузгина А. В. Экономика переходного периода. М. , 1995 йил.
4. Шишкин А. Ф. Экономическая теория. М. , 1996 год.
5. Улмасов А. Шарифхужаев. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т. , «Меҳнат» 1995 йил.
6. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув кулланма. Т. , «Молия» 2002 йил.
7. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув кулланма. Т. , «Шарк» 2003 йил.

25-мавзу: АХОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОЙ СИЁСАТИ.

Режа:

1. Аҳоли даромадлари ва унинг таркиби, турмуш даражасининг курсаткичлари
2. Даромадлар тенгсизлиги ва унинг даражасини аниклаш. |
3. Давлатнинг ижтимоий сиёсати. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг асосий йуналишлари.

Ушбу мавзуда ишлаб чиқариш натижаси миллий даромаддан аҳолининг оладиган улуши, иш хаки ва бошқа даромадларининг иқтисодий мазмуни, бозор иқтисодиёти шароитида даромадларнинг тенгсизлиги ва унинг асосий сабаблари таҳлил қилинади.

Аҳоли даромадлари макроиқтисодий курсаткичлардан бири бўлиб, муайян вақтда, яъни бир йилда топган пул даромадлари ва махсулотлар йигиндисидан иборат бўлади.

Аҳолининг истеъмол даражаси бевосита унинг даромадлари билан белгиланади. Турмуш даражасини белгилайди ва унинг баҳолаш мезони ҳисобланади.

Аҳоли даромадлари манбаи қуйидаги омиллардан ташкил топади:

1. Иш хаки;
2. Меҳнат хаки;
3. Тадбиркорлик даромадларидан олинадиган даромад;
4. Нафақа;
5. Пенсия;
6. Стипендия;
7. Капиталдан фоиз;
8. Дивиденд;
9. Рента шаклида оладиган даромадлари;
10. Қимматли қозғалар;
11. Қучмас мулкдан қеладиған даромад;
12. Мулкдан;
13. Қишлоқ хужалиқ махсулотлари;
14. Хунармандчилик буюмларини сотишдан;
15. Ижарадан;
16. Турли қил қизматлар қурсатишдан ва бошқалар.

Иш хаки пул шаклида ва натура (махсулот, буюм) қуринишда қерилиши мумкин. Натура меҳнат хаки ҳисобиға қериладиған ва уй хужалиқларида шахсий истеъмолчи учун ишлаб қикариладиған махсулотларидан иборат бўлади.

Аҳоли даромадлари ҳисобидан қундалиқ шахсий истеъмолчи учун зарур бўлған сарф-қаражатлар қопланади, қералаштирилған мақсадларига сарф қилинади ва истикболдаги қиятлари учун қамқарилиб қорилади.

Аҳоли даромадлари даражасига баҳо беришда номинал ва субъектив ихтиёрида булган ва реал даромадлар асос килиб олинади.

Номинал даромад аҳоли томонидан маълум вақт оралигида олинган пул даромадлари миқдори ҳисобланади. Реал даромад-аҳоли номинал даромадларининг товар ва хизматларни сотиб олиш лаёқати ҳисобланади. Реал даромадга номинал даромад суммасидан ташқари нарх даражаси, солиқлар ва бошқа омиллар таъсир қилади.

Ўзбекистонда аҳоли даромадларининг таркиби ва унинг узғариши (2000 йил).

Пул даромадлари	2000 йил		1999 йилга нис-батан хисобида %
	Млрд. Сум	%	
Барча пул даромадлари шу жумладан иш хаки	2373,4	100	157,7
Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан ол инган даромадлар	670,9	28,3	139,3
Ижтимоий трансферитлар	619,7	26,1	158,9
Мулкдан, тадбиркорликдан олинган даромад ва бошқа	353,7	14,9	170,8
Даромадлар	729,1	30,7	170,9

1

йиллар	саналар	Кишлок хужалиги	транспорт	курилиш	маориф	Банк соҳаси
1994	148,2	85,4	126,6	153,6	60,9	189,4
1996	139,2	54,2	136,0	166,7	70,4	184,9
1998	155,3	46,1	152,8	152,3	68,2	210,7
1999	165,2	51,6	143,3	162,3	57,2	227,6
2000	189,6	60,9	174,0	164,4	71,3	257,1

Даромадлар, шу жумладан, иш хаки даражасида катта фарқлар мавжуд бўлишининг асосий сабаби бозор тизимида асосланган иқтисодийнинг уз хусусиятларидан келиб чиқади.

Даромадлар тенгсизлиги камайишининг тахминан 80 фоизини асосан транспорт туловлари такоза қилади. Давлат транспорт туловлари энг паст даромад олувчи кишилар гуруҳи даромаднинг асосий қисми (70-75 фоиз)ни ташкил қилади ва қашшоқликни камайишининг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Давлатни ижтимоий сиёсати тегишли марказлашган даромадларни табакалашган солиқ йули билан шакллантириш ва уни бюджет орқали аҳоли турли гуруҳлари уртасида қайта тақсимлашдан иборат.

Ижтимоий туловлар- кам таъминланганларга пул ёки натура ёрдам курсатишдан иборат. Нарх даражасини олиншини ҳисобга олиб, даромадларни индексация қилиб боради. Номинал даромадларни ошириб боради. Аҳолини камбағаллик даражасини аниқлашда унинг даромад даражаси, шахсий мол-мулк микдори, оилавий аҳоли ҳисобга олинади.

Ижтимоий сиёсат-бу давлатнинг даромадлар тақсимлашдаги тенгсизликни камайишига ва бозор иқтисодиёти катнашчилари уртасидаги зиддиятларни бартараф қилишга йўналтирилган сиёсатдир.

Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатни амалга ошириб бориш И. Каримовнинг «Ўзбекистон ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» (1995 йил) китобида тулик баён қилиб берилган.

Бозор иқтисодиётида нархлар эркинлашади, пулни кадрсизланиш даражаси ортиб бориши билан даромадларнинг энг кам ва уртача даражасини мунтазам ошириб бориш амалга оширилади. Масалан, иш хаки, нафақа, пенсия, стипендиялар оширилиб бормоқда. Аҳолининг банкларидаги омонатларни фоизлари ҳам қайта қуриб чиқилади ва оширилиб борилади.

2003 йил 1 мартдан бошлаб иш хаки ва бошқа туловлар 0,20 микдорида ёки 20 % га қўйилилади. 2005 йилда 1,2 мартага, энг кам иш хаки 7835 сумга қўйилиди.

Даромадлар нисбатини ўзгартиришда 1993 йилда жорий этилган янги ягона таъриф сеткаси катта аҳамиятга эга бўлди. Яъни 22 та разряд белгиланди, таъриф коэффициентларга қараб иш хаки белгиланди.

Ички истеъмол бозорини химоя қилиш ҳамда озик-овқат маҳсулотлари ва ноозик овқат моллари асосий турлари истеъмолчини муайян даражада сақлаб туриш бўлди.

Аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий химоялаш ва қўллаб қувватлаш борасида турли чора-тадбирлар ўтказилди. Пенсиялар, ногиронлар, қўл болалар ва кам даромадли оилалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар турли хил йўллар билан химоя қилиб борилади.

Ижтимоий химояни янги тизимга ўтказди. Ёрдам тизимида факат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нисбатан қўлланилиб, шу мақсад учун давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, турли ташкилот ҳамда жамғармаларининг маблағларидан ҳам фойдаланилди. Бу имкониятлар факат маҳалла орқали етказиб берилади. Маҳаллада бюджет ҳисобидан, қорхона, ташкилотлар, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий ўтказган маблағлари ҳосил қилинади. Шундай қилиб, давлатнинг бу соҳадаги ижтимоий сиёсати борган сари такомиллашиб, аҳолини ижтимоий химоя қилиш қучайиб боради.

Асосий таянч тушунчалар.

1. Аҳоли даромадлари - аҳолини маълум вақт давомида пул ва натура шаклида олган даромадлар микдорининг жамидир.
2. Номинал даромад - аҳоли томонидан пул шаклида олинган даромадлар суммаси.
3. Реал даромад- аҳолининг номинал даромадлари суммасининг товар ва хизматлари сотиб олиш лаёқатидир.
4. Лоренц эгри чизиги- даромадлар тенгсизлиги даражасини микдорий аниқлашнинг график усули.
5. Ижтимоий туловлар- кам таъминланганларга пул ёки натура шаклида ёрдам курсатишга қаратилган чора-тадбирлар тизими.
6. Ижтимоий сиёсат- бу давлатнинг даромадлар тақсимотидаги тенгсизликни иқтисодиёт катнашчилари уртасидаги зиддиятларни бартараф қилиш.

Асосий адабиётлар.

1. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Т. , «Ўзбекистон» 1995 йил.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида. Хавфизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қўлланмалари. Т. , «Ўзбекистон» 1997 йил.
3. Камаев Д. Экономическая теория. Учебник. 1998 йил.
4. Бекнозов Н. ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси. Т. , Университет. 1993 йил.

5. Эркаев Б. А, Каримова Г. Абдулкосимов Х. П. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари. Т. , «Шарк» 1996 й.
6. Улмаев А. , Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т., «Меҳнат» 1995 йил.
7. Шодмонов Ш ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўллама Т., «Молия» 2002 йил.
8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т. , «Шарк» 2003 йил.
9. Хошимов П. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т., «Университет» 2003 йил.

IV-булим. ЖАХОН ХУЖАЛИГИ.

26-мавзу. ЖАХОН ХУЖАЛИГИ ВА УНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ.

Режа:

1. Иқтисодий ривожланишнинг умумжаҳон тамойиллари ва ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви.
2. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг шакллари. Жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши.
3. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти , шакллари ва объектив асослари. Киёсий устунлик назарияси.
4. Жаҳон хужалиги алоқаларини халқаро тартибга солиш.
5. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши ва ташки иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари.

Маълумки, жаҳонда мавжуд бўлган мамлакатлар ижтимоий меҳнат тақсимотга асосланиб узаро алоқалар урнатадилар. Алоқалар турли туман бўлиши мумкин. Хусусан узаро иқтисодий алоқаларни урнатилиши. Уларни бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишларига асосланади ва шу борада жаҳон хужалиги ташкил топади.

Ҳозирги даврда улар уртасидаги узаро иқтисодий алоқа ва ҳамкорлик жаҳон бозорлари орқали боғланган бўлиб, бу алоқалар миллий хужаликларни байналмилаллашуви тамойилларига асосланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳам мустақиллик йилларидан эътиборан жаҳон хужалигига кириб борди, алоқалар урнатди. Бу алоқалар иккала ва куп томонлама кенгайиб ва ривожланиб бормоқда ва бу алоқалар томонлар учун иқтисодий ва сиёсий жихатдан фойдали ҳисобланади.

Дунё бир-бирларидан мақсадлари амал қилиш механизми билан фаркланувчи турли хил ижтимоий-иқтисодий тузумлар ва халқаро гуруҳларга бўлинган. Ҳозирга қадар капитализм, социализм ва учинчи дунё мамлакатлари тушунчасига қараб дунё мамлакатлари туркумланар эди. Бу туркумланишга умумий асосда ёндашиб, уларни хужалик тизимларининг хусусиятларига мос равишда ривожланган, бозор иқтисодиётида ривожланаётган ва бозор иқтисодиёти мавжуд бўлмаган мамлакатлар деб аталади. Ривожланганлик даражаси бўйича ҳам урта гуруҳга бўлинади. Кам, уртача ва юқори ривожланган мамлакатлар. Шимолий –Шарқий Осиё ва Лотин Америкасидаги янги индустриал мамлакатлар (ЯИМ), юқори даромадли нефть экспорт қилувчи мамлакатлар (Саудия Арабистони, Кувайт ва бошқалар) энг кам ривожланган мамлакатлар (ЭКВИ), шу жумладан энг камбағал мамлакатлар (Чад, Баянгладеш, Эфиопия) каби гуруҳларга ажратилади.

Жаҳон хужалиги алоқалари қўпаяди ва тез ушиб боради. Бу эса ишлаб чиқариш омиллари ҳаракати тезлашади, капитал миллий чегарадан ушиб чиқади, ишчи кучи миграцияси қўпаяди, халқаро меҳнат тақсимотининг шаклланиши тезлашади.

Халқаро меҳнат тақсимоти (ХМТ) алоҳида мамлакатларнинг товар ва хизматларнинг маълум турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувини ифода қилади.

Товарлар мамлакатлар уртасида жаҳон нархлари асосида айирбошланади. Улар байналмилал қийматга асосланади, яъни ижтимоий зарурий байналмилал меҳнат сарфлари жаҳон бозорида эътироф қилинади.

Ҳозирги даврда хужалик алоқалари интеграцияси (миллий хужаликларнинг яқинлашуви, узаро мослашуви орқали) ва трансмиллий (халқаро ишлаб чиқариш мажмуасининг тузилиши орқали) шаклларида намоён бўлмоқда.

Халқаро меҳнат тақсимоти ва халқаро иқтисодий муносабатлар улар уртасидаги хужалик алоқаларини асосини ташкил этади.

ХИМ қуйидаги шаклларда амал қилади:

1. Товар ва хизматлар билан халқаро савдо;
2. Капитал ва чет эл инвестицияларининг ҳаракати;
3. Ишчи кучининг миграцияси;
4. Ишлаб чиқаришни давлатлараро кооперацияси;
5. Фан ва техника соҳасидаги айирбошлаш;
6. Валюта-кредит муносабатлари.

Ана шу жараёнлардаги узаро ҳамкорлик ва айирбошлаш туфайли жаҳон бозори ташкил топади.

Капитални халқаро ҳаракати – бу капиталнинг чет элда жойлаштирилиши ва фаолият қилиши бўлиб, у қуйидаги шаклларда чиқарилади:

1. Хусусий ёки давлат капитали шаклида;
2. Пул ва товар шаклида;
3. Киска ва узок муддатли кредитлар шаклида;
4. Ссуда ва тадбиркорлик капитали шаклида;

Ссуда курунишида капитал чикарилса фоиз туланади, тадбиркорлик капитали курунишда булса, фойда келтиради.

Ишчи кучининг халқаро миграцияси-бу ишчи кучи ресурсларининг анча қулай шароитда иш билан таъминлаш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кочириб олиниши бўлади. Ва у эмиграция ва миграция курунишида бўлади. Эмиграция- бир мамлакатдан бошқа мамлакатга доимий яшаш учун чиқиб кетиши, иммиграция- айнан олинган мамлакатга доимий яшаш учун кириб келишини билдиради.

Ишчи кучи миграцияси факатгина яшаш жойини узгартириб, кириб юришни эмас, шу билан бирга яшаш жойини узгартирмай бирор мамлакатга бориб ишлаб келиши йўли билан ҳам содир бўлиши мумкин. товарлар. ишчи кучи, молиявий воситалар. Тарнспорт тизими (денгиз, дарё, ҳаво, темирйўл, транспорти) ва ахборот коммуникациялар тармоғи ва бошқалар жаҳон инфратузилмасини ривожланишида муҳим рол уйнайди.

Халқаро иқтисодий интеграция-миллий ҳужаликлар уртасидаги меҳнат тақсимоли асосида уларни узаро алоқаларини ривожланиши, ҳужалик алоқаларини мослашуви, яқинлашуви орқали ҳужалик алоқаларининг бирлашиб бориш жараёнидир.

Халқаро интеграциянинг асосий шакллари қуйидагилар ҳисобланади:

-Эркин савдо зоналари. Бу интеграциянинг оддий шакли бўлиб, савдода чеклашлар бўлмайди. Бунга Европа эркин савдоси ва МДХ мамлакатлари уртасидаги узаро битим мисол бўла олади:

-Бож иттифоқи –бу ягона ташки савдо таърифлари урнатишни ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташки савдо сиёсати юритишни такоза қилади. Европа иттифоқи (ЕИ) бунга мисол бўлади.

-Тулов иттифоқи-унинг катнашчилари эркин узаро савдо ва ягона ташки савдо таърифи билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати ҳамда узаро келишилган иқтисодий сиёсат таъминланади. бунга Европа иқтисодий иттифоқи ёки Европа умумий бозорини курсатиш мумкин.

-Иқтисодий ва валюта иттифоқи-давлатлараро иқтисодий интеграциянинг энг олий шакли ҳисобланади. Бунда иқтисодий интеграциянинг барча шакллари умумиқтисодий ва валюта молиявий сиёсат утказиш билан бирга уйғунлашади. Улар бир қатор омилларни такоза қилади, яъни: ҳужалик алоқаларнинг байналмилаллашуви; Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви; умумжаҳон фан ва техника революцияси; миллий иқтисодиёт очиклигининг кучайиши.

Киёсий устунлик назарияси-бу иқтисодий ривожланишнинг миллий андозасидан жаҳон андозасига утиш ва халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши мамлакатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларда катнашиши миллий иқтисодий манфаатларга қандай даражада жавоб беради?-деган саволни қўяди. Бу саволга А. Смит халқаро меҳнат тақсимоли масаласини таҳлил қилиб, қандай товарларни экспорт қилиш ва қайсыларини импорт қилиш қулайлиги тугрисидаги уз қарашларни баён қилиш асосида «мутлоқ устунлик» назариясини илғари сурган. Д. Рикардо узаро фойдали савдо ва халқаро ихтисослашувининг анча умумий тамойилларини шакллантириб. «Киёсий устунлик» назариясини ишлаб чиққан.

Булardan ташқари XX асрда халқаро ихтисослашувнинг қонуниятларини бир қатор иқтисодчилар, жумладан, С. Хекшер, Б. Олин, Дж. Кейнс, В. Леонтьевлар томонидан тадқиқ қилинган.

Жаҳон ҳужалиғи алоқалари риволаниб борган сари, бир қатор муамола ҳам содир бўлади. Улар ечимини топиш ва ривожланишни тартибга солиш зарурияти ҳам келиб чиқади.

Масалан, Молия, валюта ва кредит соҳаларида халқаро валюта фонди (ХВФ-МВФ), халқаро таъмирлаш ва ривожланиш банки (ХТРБ-МБПР), жаҳон савдоси соҳасида –таърифлар ва савдо буйича бош келишув (ТСБК-ГАТТ) ни курсатиш мумкин.

Ҳужалик ҳаётининг байналмилаллашув жараёни дастлаб миллий давлатлар фаолиятини халқаро уйғунлаштиришга, кейин эса давлатлараро ва халқаро ташкилотлар тузилишига олиб келади.

Биринчи халқаро ташкилотлар 20 - йилларда тузилган бўлсада (миллатлар лигаси-1919 йил, халқаро ҳисоб-китоблар банки 1929 йил), халқаро тузилмалар иккинчи жаҳон урушидан кейин шаклланади.

Халқаро муносабатлар –валюта –молия соҳаларида амал қилади. Халқаро молиявий муносабатларни уйғунлаштириш ХВФ (МВФ) ХТРБ (МБПР), иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРО-ОЭСР), халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ-МАР), Халқаро молиявий корпорация (ХМК-МФК) доирасида амалга оширилади.

Европа иттифоқининг ижроия органи:

-Европа ҳамжамияти комиссияси (ЕХК)дир.

Унинг аъзоларини миллий ҳукуматлар тайинлайди. Лекин улар уз фаолиятларида мутлақо мустақилдир. Иттифокнинг қарорлар қабул қилиш органи – вазирлар кенгаши ҳисобланади. Унинг таркибида ички ишлар, молия, таъминот, кишлук ҳужалиғи каби Вазирлар Кенгаши мавжуд.

Европа иттифоқи 1999 йилдан бошлаб ягона пул-кредит сиёсати утказа бошлади. Шу муносабати билан ягона валюта -ЕВРО жорий этилди ва янги муассаса-Европа марказий банки тузилди.

Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейин жаҳон ҳамжамиятига қўшилди. Республика ташки иқтисодий мажмуани бошқаришни узига хос тизимини шакллантирди, ташки алоқаларни йўлга қиритди ва уни тамойилларини ишлаб чиқди. ташки иқтисодий алоқалар тамойили тенг ҳуқуқлилик, узаро манфаатдорлик бўлиб, унинг қоидалари икки томонлама ва қўп томонлама шартнома муносабатларида уз ифодасини топади.

Ўзбекистон 80 дан ортиқ давлат билан дипломатия муносабатларини урнатди, дунёнинг 20 дан ортиқ давлатларида дипломатия элчихоналарини очди, БМТга аъзо бўлди (1992 йил). Жаҳон банки, халқаро банк, Халқаро валюта фонди, Халқаро молия корпорацияси, иқтисодий тараққиётга қўмақлашувчи ташкилотга аъзодир.

Ўзбекистонда ташки иқтисодий вазирлиғи, ташки иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизматини ташкил этиди.

Республика худудиди хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар сони 3445тадан ошди (фаолият курсатаётганлари 1795 та) уларнинг экспорт ҳажми мамлакат умумий экспортининг 13,8 фоизини ташкил қилади (2000 йил). Саноат тармоқларида 50,1 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш (29.9 фоиз) ни ташкил қилади.

Мамлакатларда 2000 йилда ташки савдо айланмаси 6212,1 млн. АКШ долларини ташкил этди, шундан 37,0 фоизи МДХ мамлакатлари, 63,0 фоизи узок хорижий мамлакатлар ҳиссасига тугри келди. Экспорт ҳажми 3264,7 млн долларни ташкил қилди.

Мамлакатга 2000 йилда 810 млн. АКШ доллари микдоридаги сармоя киритилди. Асосий капитални қупайтиришга киритилган чет эл инвестициялари ва кредитлар ҳажмининг 150,8 млрд. суми узлаштирилди. 1996 йилда Европа иттифоқи билан Шериклик ва ҳамкорлик тугрисидаги битим имзоланди-бу битим ташки иқтисодий фаолиятнинг устувор йуналишидир. Кореядан Лицей ва коллежларни ўқув-лобаратория қуроллари, таълимнинг техник воситалари, машина ва механизмлар билан жиҳозлаш учун Осиё тараққиёт банкининг қиятлари жалб этилди. Шу мақсадлар учун 2000 йилда 150 млн. АКШ доллари микдорида инвестиция киритиди.

Ўзбекистон узининг ташки иқтисодий фаолиятида Кимё ва нефт кимёси, машинасозлик, енгил саноат, озик-овқат саоти, транспорт, алоқа ва бошқа тамоклар ривожлантириш буйича қупгина ишларни хорижлик шериклар билан амалга оширмоқда. 2001 йилда мамлакатнинг барча минтақаларида чет эл сармояси иштирокида 90 та янги корхона ташкил этилди.

Жаҳон банк ташкилотлари –ҳалқаро таъмирлаш ва ривожланиш банки (ХТРБ), халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ), халқаро молия корпорацияси (ХМК) ва инвестицияларни қафолатлаш халқаро агентлиги (ИКХА) билан ташки иқтисодий алоқалар стратегияси амалга оширилмоқда.

Европа таъмирлаш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан умумий қиймати 536 млн. долларга тенг 9 та лойиха тузилди ва унда ЕТТБнинг умумий 253,1 млн долларни ташкил этди.

Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий ва савдо фаолиятида Осиё ривожланиш банки (ОРБ) ҳамда жаҳон савдо ташкилотлари (ЖСТ) билан ҳамкорлиги истикболли йуналишларидан биридир. Бундай алоқалар пировард натижасида миллий иқтисодиётни байналмилаллашувини кучайтиради ҳамда иқтисодиётни тараққиётга кенг йул очиб беради.

Асосий таянч тушунчалар.

1. Халқаро меҳнат тақсимооти-алоҳида мамлакатнинг товар ва хизматларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашув.

2. Халқаро иқтисодий интеграция-жаҳон мамлакатлари узаро иқтисодий алоқаларининг чуқурлаштириш ва барқарор ривожланиши ҳамда миллий хужаликлар уртасидаги меҳнат тақсимооти асосида улар хужалик алоқаларининг бирлашиб бориш жараёнидир.

3. Ишчи кучининг халқаро миграцияси-меҳнат ресурсларининг анча қулай шароитда иш билан таъминланиш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кириб утиши.

4. Эмиграция-ишчи кучининг бир мамлакатдан доимий яшаш учун бошқа мамлакатга чиқиб кириши.

5. Иммиграция-ишчи кучининг айнан шу мамлакатга доимий яшаш учун кириб келиши.

6. Эркин савдо зоналари-иқтисодий интеграциянинг энг оддий шакли бўлиб унинг доирасида савф чеклашлари бекор қилинади.

7. Бож иттифоқи-ягона ташки савдо таърифлари урнатишни ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташки савдо сиёсати юритишни тақозо қилади.

8. Тулов иттифоқи- миллий валюталарнинг узаро алмашинуви ва хизмат китобда сиёсат утказиш билан бирга уйғунлашади.

ХВФ (МВФ)-Халқаро валюта фонди.

ХТРБ (МБРР)-Халқаро таъмирлаш ва ривожлантириш банки.

ТСКБ (ГАТТ) – Тармоқлар ва савдо буйича бош келишув.

ИМУК (КоКоМ)- Натонинг иқтисодий масалалар уйғунлаштирувчи комитети.

ХРИ (ОЭСР)-итисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти.

ХРУ (МАР)-Халқаро ривожланиш уюшмаси.

ХМК (МФК)-халқаро молиявий корпорация. .

Асосий адабиётлар.

1. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бусагасида: ҳавфсизликка таҳдид. Барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т. «Ўзбекистон» 1997 йил.

2. Авдоқушан Е. Ф. Международные экономические отношения. М., 1996 год.

3. Ломакин В.К. Мировая экономика. М., 1998 год.

4. Хасбулатов Р. И. Мировая экономика. М. 1994 год.

5. улмасов А. шарифхужаев М. Иқтисодий назарияси. Дарслик. Т. «Меҳнат» 1995 йил.

6. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси ўқув қуланма. Т., «Молия» 2002 йил.

7. Хошимов П. ва бошқалар иқтисодиёт назарияси. Т. Университет 2003 йил.

8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Шарк» 2003 йил.

9. Умаров К.Ю. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т. Университет-1998 йил.

27-мавзу. ЖАХОН БОЗОРИ. ХАЛКАРО ВАЛЮТА ВА КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ.

Режа:

1. Халкаро савдонинг мазмуни, тузилиши ва хусусиятлари.
2. Тулов баланси, унинг тузилиши ва такчилиги.
3. Халкаро валюта – кредит муносабатлари ва валюта тизимлари.

Ушбу бобда миллий иқтисодиётнинг жахон мамлакатлари билан мураккаб жараён боғлаш ишлари уни боғлаб турувчи савдо муносабатлари қараб чиқилади. Ундан кейин савдони муносабатларни шаклланиши ва уни таракқиёти билан узвий боғлиқ булган молиявий ёки валюта масалалари, валюта курси, валюта сиёсати, мамлакатни тулов баланси қуриб чиқилади, урганилади ва таҳлил қилинади, тегишли ҳулосалар чиқарилади.

Маълумки, жаҳонда мавжуд булган мамлакатлар узларининг миллий иқти-содиётларини шакллантириш, ривожлантириш ва уни барқарорлигини таъминлаш мақсадида фаолият қурсатиб келмоқдалар. Аммо бу мураккаб муаммолар давлатларни бир – бирлари билан алоқада булишларини объектив заруриятга айлантирмоқда. Бу алоқалар халкаро иқтисодий муносабатларни вужудга келтиради ва жаҳон савдоси, ташки савдо айланмаси, экспорт ва импортни шаклланишига олиб келад ва улар асосий қурсаткич ҳисобланади.

Экспорт бир мамлакат ва бир неча мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларни эҳтиёж тугилганда бошқа давлатларга чиқариб сотилишини, импорт эса мамлакатга бошқа давлатдан товарларни олиб кетиб сотилишини билдиради. Демак мамлакат четга товар чиқарса «экспорт», четдан товар киритса «импорт» номини билдиради.

Жаҳон савдосида товарларни экспорт таркиби фан – техника революцияси ва халкаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви таъсирида узғариб боради. Экспорт таркибида қайта ишловчи саноат маҳсулотлари етакчи уринга эга бўлиб, унинг ҳиссасига жаҳон товар айирбошлашнинг $\frac{3}{4}$ қисми туғри келмоқда, озик – овқат, хомашё ва ёкилги улуши фақат $\frac{1}{4}$ қисмини ташкил этади.

Хизматлар экспорти - бу чет эл валюталари ҳисобига чет эллик истеъмолчиларга хизмат қурсатади. Бу хизматнинг бир қисми миллий чегарада амалга оширилади. Масалан, чет эл кампанияси вакилларига почта, телеграф хизмати қурсатиш, чет эл фуқароларига сайёҳлик хизмати қурсатилади. Бу хизматлар экспорти товарлар экспортидан фарқ қилади.

Хорижий ва МДХ давлатларининг Республика ташки савдосидаги салмоғи, фоиз ҳисобида!

	Ташки савдо айланмаси.			Шу жумладан					
				Экспорт.			Импорт.		
	1998	1999	2000	1998	1999	2000	1998	1999	2000
МДХ давлатлари	26,9	28,2	37,0	26,0	30,4	35,9	27,8	26,0	38,2
Бошқа хорижий давлатлар	73,1	71,8	63,0	74,0	69,6	64,1	72,2	74,0	61,8

Республикамизнинг асосий экспорт маҳсулотларига жаҳон бозорида ноқулай нарх конъюктураси вужудга келганига қарамай, 2001 йил якунлари бўйича ҳам, ташки савдо айланмасининг 3,1% га ўсишини таъминлайди. Ташки савдо операцияларда 128 млн. АКШ доллари миқдоридаги ижобий савдога эришилади, ошган валюта захираларимиз аввалги даражада сақлаб қолинди.

1. Макроиқтисодий ва статистика вазирлиги статистика департаменти маълумотлари.
2. Миллий истиклол гоёси: асосий тушунча ва таомиллар. Т. «Янги аср авлоди» 2001 й. 63 – бет.

Капитал экспорт қилиш ҳам мавжуд бўлиб, узиға хос хусусиятларига эға. Капитал экспорти кредит бериш ёки чет эл қорхоналари акцияларини сотиб олишға мақсадли қуйилмалар шаклида амалға оширилиши мумкин.

Товарлар экспорти ва импорти суммаси ташки савдо айланмаси ёки товарлар айланмаси дейилади. Бирон бир мамлакат товар ишлаб чиқарувчи мамлакатдан товарни уз истеъмоли учун эмас, балки учинчи мамлакатға қайта сотиш учун олган тақдирда рээкспорт руй беради. Рээкспорт билан реимпорт узвий боғлиқ.

Реимпорт истеъмолчи мамлакатдан рээкспорт товарни сотиб олишни билдиради.

Импорт экспортдан фарқ қилиб, чет эллик миқозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатға келтиришни билдиради.

Ўзбекистонда ташки савдо айланмаси ва унинг таркиби (фоиз ҳисобида).

Қурсаткичлар	1998	2000
Ташки савдо айланмаси	100,0	100,0
Экспорт	51,8	52,5
Импорт	48,2	47,5
Экспорт жами:	100,0	100,0

Шу жумладан		
Товарлар	91,2	86,3
Хизматлар	8,8	13,7
Импорт жами:	100,0	100,0
Шу жумладан		
Товарлар	95,0	91,5
Хизматлар	5,0	8,5

Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, статистика департаменти маълумотлари.

Халқаро савдо бир канча хусусиятларга эга:

1. Иқтисодий ресурсларнинг ҳаракатчанлиги мамлакатлар уртасида, мамлакат ичидагига караганда анча паст бўлади. Масалан, ишчилар мамлакат ичида, вилоятда, ҳудудларда эркин утиши мумкин, мамлакатлар уртасида тил ва маданий тусиклар, иммиграцион қонунлар ишчи кучининг мамлакатлар уртасидаги миграциясига каттик чеклашлар қуюди. Соликлар ҳам капитални миллий чегарадан миграциясини чеклайди.

2. Ҳар бир мамлакатни узини валютаси мавжуд бўлиб, халқаро савдони амалга оширишда кийинчиликлар тугдиради.

3. Халқаро савдо сиёсат аралашув ва назоратга маҳкум бўлиб, бу ички савдога нисбатан кулланиладиган тадбирлардан сезиларли фаркланади.

Протекционизм, яъни эркин савдо йулидаги тусиклар халқаро ихтисослашувдан олинадиган нархни камайтиради. Масалан, улар қуйидагилардан иборат:

Бож туловлари – импорт товарларга акциз соликлари ҳисобланади, у даромад олиш мақсадида ёки химоя учун киритилиши мумкин.

-Импорт квоталари ёрдамида маълум бир вақт оралигида импорт қилиниши мумкин бўлган товарларнинг максимал ҳажми урнатилади.

-Таърифсиз тусиклар дейилганда лицензиялаш тизими, маҳсулот сифатига стандартлар қуйиш ёки оддий маълумот тақиклашлар тушинилади.

-Экспортни ихтиёрий чеклашлар савдо тусикларининг нисбатан Янги шакли ҳисоб-ланади.

Тулов баланси – мамлакат резидентлари (уй ҳужаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет эликлар уртасида маълум вақт оралигида амалга оширилган барча иқтисодий қелишувлар натижасининг тартибга солинган ёзуви.

Харкандай қелишув икки томонига эга бўлади ва шу сабабли тулов балансида икки томонлама ёзув тартибига риоя қилинади. Битта қелишув тулов балансининг ҳам дебит ва ҳам кредит қисмларида уз ифодасини топади.

Тулов балансининг кредит қисмида қийматнинг мамлакатдан чиқиб кетиши ва унинг ҳисобига мазкур мамлакат резидентлари чет эл валюталари туловлар олиши акс этади.

Дебит қисмида – қийматнинг мазкур мамлакатга кириб қелиши ва унинг ҳисобига резидентлар чет эл валюталари сарфлаши қурсатилади. Тулов балансида кредитлар умумий суммаси дебитларнинг умумий суммасига тенг бўлиши зарур.

Тулов балансидаги барча қелишувлар уз ичига жорий капитал билан операцияларни олиши сабабли у учта таркибий қисмдан иборат бўлади:

1. Жорий операциялар ҳисоби;
2. Капитал ҳаракати ҳисоби;
3. Расмий захираларнинг узгариши.

Тулов балансининг тузилиши

I. Жорий операциялар ҳисоби.	
1. Товар экспорти	2. Товар импорти
Ташки савдо баланси қолдиги.	
3. Хизматлар экспорти (чет эл туризмида даромадлар ва х.к. Кредитли хизматлар.)	4. хизматлар импорти (туризм учун чет эл-га туловлар в ах.к. Кредитли хизматлар.)
5. Инвестициялардан соф даромадлар (кредитли хизматлардан соф даромадлар.)	
6. Соф трансфертлар.	
Жорий операциялар бўйича баланси қолдиги.	
II. Капитал ҳаракат ҳисоби.	
7. Капитал Кириши	8. Капитал оқиб чиқиши
Капитал ҳаракати баланс қолдиги.	
Жорий операциялар ва капитал ҳаракати баланси қолдиги.	
III. Расмий захираларнинг узгариши.	

Мамлакатнинг ташки савдо баланси (тулов баланси) мазкур давлатнинг чет эллик шериклари билан халқаро иқтисодий муносабатларнинг ҳолатини ифодалаб, унинг кредит – пул, валюта, бюджет, солиқ, ташки савдо сиёсатини амалга ошириш ва давлат қарзларини тартибга солиши учун индикатор бўлиб хизмат қилади.

Жорий операциялар хизмати уз ичига товар ва хизматлар экспорти (« + » белгиси билан), импорт (« - » белгиси билан), инвестициялардан соф даромад ва соф транс-фертларни олади, товарлар экспорти ва импорти уртасидаги фарк савдо балансини ташкил килади. Товар экспорти кредит сифатида чикиб, миллий банкда чет эл валюталари захираларини вужудга келтиради. Импорт эса («Дебит» графасида «-» белгиси билан) мамлакатдаги чет эл валюталари захирасини кискартиради.

Инвестициялардан олинadиган соф даромад, у чет элларга куйилган миллий пул капитали хисобига келади, яъни кредитли хизматлардан олинadиган соф даромаддир.

Макроиктисодий моделда жорий операциялар хисоби колдиги куйидагича ифодаланади:

$$X - M = X_n = Y - (C + I + G)$$

Экспорт, импорт, соф экспорт, Яим, абсорбация.

Абсорбация – Яим нинг мазкур мамлакатдаги уй хужаликлари, корхоналар ва давлатга реализация килинадиган қисми.

Импортга туловлар экспорт даромадидан ортикча булса, бу мамлакатнинг жорий операциялар буйича баланси тақчил булади ва аксинча.

Капитал ҳаракати баланси активлар сотишдан тушумлар – четдан активлар сотиб олишга сарфлар.

Тулов балансининг тақчиллиги Марказий банк (МБ) расмий захираларини кискартириш хисобига молиялаштирилиши мумкин. Расмий захираларнинг асосийлари куйидагилар:

- чет эл валюталари
- олтин
- мамлакатнинг ХВФ даги кредит умуми
- қарз олишнинг махсу ҳуқуқи (SDR) ва х.к.

Жаҳондаги халқаро иқтисодий муносабатлар (ташки савдо, ишчи кучи ва капитал миграцияси, даромадлар, қарзлар ва субсидиялар оқими, фан – техника айирбошлаш, туризм ва х.к.) хизмат қилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар халқаро валюта – кредит муносабатлари дейилади. Бу муносабатлар пулнинг халқаро тулов муносабатида амал қилиш жараёнида вужудга келади.

Валюта - бу мамлакатлар пул бирлиги (масалан, сум, доллар ва х.к.) миллий валюта тизими – валюта муносабатларининг миллий қонунчилик билан белгиланadиган, мазкур мамлакатда ташкил қилиниш шаклини ифодалайди. Унинг таркибий элементлари куйидагилар хисобланади: асосий халқаро тулов воситалари (миллий валюталар, олтин, халқаро валюта бирликлари – СДР, Евро), валюта курсларини белгилаш ва ушлаб туриш механизми, халқаро туловларни баланслаштириш тартиби, валютанинг қайтарувчанлик шароити, халқаро валюта бозори ва олтин бозори тартиби, валюта муносабатларининг тартибга солувчи давлатлараро муассасалар тизими.

Жаҳон валюта тизими узининг ривожланишида ўрта босқичдан ўтди. Биринчи босқич 1879-1934 йиллар даврини ўз ичига олиб, бунда олтин андоза сифатидаги пул тизими ўстунликка эга булган. Иккинчи жаҳон ўруши охири (1944 йилдан) 1971 йилгача олтин – девизли тизим ўстунликка эга булган. Ҳозирги жаҳон валюта тизими 1971 йилда ташкил топган бўлиб, бу тизим бошқариладиган сузиб турувчи валюта тизими номини олди.

Олтин андоза тизими қайд қилинган валюта курсининг мавжуд бўлишини кузда тутди. Мамлакат ўрта шартни бажарса олтин андоза қабул қилинган деб хисобланган:

- а) ўз пул бирлигининг маълум олтин мазмунини ўрнатади;
- б) узининг олтин захираси ва пулнинг ичкитақлиф ўртасидаги каттик нисбатни ўшлаб туради;
- в) олтиннинг эркин экспорт ва импортига тўсқинлик қилмайди.

Янги жаҳон валюта тизими асосларини ишлаб чиқиш мақсадида, 1944 йил Бреттон – Вудск (АҚШ) иштирокчи давлатларнинг халқаро конференцияси чақирилди. Бу конференцияда ўзаро боғлиқ валюта курсларини тартибга солиш тизимини яратиш ҳақидаги қелишувга эришилди ва бу қўпича Бреттон – Вудск тизими деб аталади. Мазкур тизим олдинги олтин андозадан қескин фарқ қилмайди. Унинг асосида олтин – валюта андоза (АҚШ доллари) ўтади ва бу ерда резервлар сифатида олтин ва доллар чиқади.

Хар қандай валюта тизимининг энг муҳим таркиби қисмларидан бири валюта курси хисобланади. Валюта курси бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасидаги баҳосидир.

Валюта курсларига бевосита таъсир курсатувчи омиллар ичидан куйидагиларни ажратиб курсатиш мумкин:

- миллий даромад ва ишлаб чиқариш ҳаражатлари даражаси;
- миллий истеъмолчиларнинг реал харид қилиш қўқати ва мамлакатдаги инфляция даражаси;
- тулов баланси ҳолати;
- мамлакатдаги қўиз ставкаси даражаси;
- валютага жаҳон бозоридаги ишонч ва х.к.

Долларнинг олтинга алмашилиши расман тўхтагандан қичик, валютанинг қайд қилинган курси, сузиб юрувчи курсига ўрин бушатади. Халқаро валюта тизимидаги бу ўзгариш 1976 йил Ямайкадаги қелишувга биноан ҳуқуқий жихатдан мустаҳкамланади. Қогоз пул тизимига ўтиши билан қогоз пуллар олтинга алмаштирилмайди. Беқарор курслар шароитида валюта курси ҳам хар қандай бошқа баҳо қаби талаб ва тақлифнинг бозор курслари билан белгиланади.

Назарий жихатдан валюта курсларининг тебранишини тушунтириш, харид қилиш қўқатининг паритет (турли мамлакатлар пул бирликлари қийматининг бир – бирига нисбати) назарияси ўрдамида берилади. Бу назарияга қўра, курсларнинг бошқаришни аниқлаш ўчун икки мамлакат истеъмолчилик таварлари «Совати» нархларини таққослаш талаб қилинади. Масалан, агар Ўзбекистонда бундай «соват», айтайлик

25 минг сум, АҚШ да эса 100\$ турса,

25 мингга 100 га (25000:100) бўлиб, 1 долларни баҳосини ҳосил қиламиз, бу 250 сумга тенг булади.

Асосий таянч тушунчалар.

1. Экспорт – товарларни чет эллик мижозларга сотиш булиб, бунда мазкур мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар мамлакатдан ташқарига чиқарилади.
2. Импорт – чет эллик мижозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга киритиш.
3. Товарларни уз истеъмоли учун эмас, балки бошқа мамлакатга қайта сотиш учун сотиб олишдир.
4. Реимпорт – истеъмолчи мамлакатдан реэкспорт товарларни сотиб олиш.
5. Халқаро валюта тизими – халқаро валюта муносабатларида давлатларaro битимларда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган ва халқаро ҳисоб – китобларни амалга оширишда қўлланиладиган қоида ва тартиблар.
6. Валюта курси – бир мамлакат валютасининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланган баҳоси.
7. Иқтисодий битимлар – қийматнинг ҳар қандай айирбошланиши, яъни товарлар қўрсатилган хизматлар ёки активларга мулкчилик ҳуқуқининг бир давлат резидентларидан бошқа давлат резидентларига ўтиши бўйича қилинувлар.
8. Тулов баланси – мамлакат резидентлари (уй ҳужаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет эллик жисмоний ва ҳуқуқий шахслар ўртасида маълум вақт оралиғида (одатда бир йилда) амалга оширилган барча иқтисодий фаолиятлар ва қилинувлар натижасида валюта тушумлари ва валюта чиқимларининг нисбати.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, «Ўзбекистон» 1993 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон» 1995 йил.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон» 1998 йил.
4. Ҳақимова М. Халқаро иқтисодий ташкилотлар. Иқтисод ва ҳисобот. 1995 йил 4- сон.
5. Алиев А. Ўзбекистонда ташқи савдо. «Иқтисод ва ҳисобот». 7 – сон 1999 й.
6. Улмасов А. Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик Т. «Меҳнат» 1995 йил.
7. Шодмонов Ш. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Т. «Молия» 2002 й.
8. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси Т. «Шарк» 2003 йил.
9. Хошимов П. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Университет» 2003 йил.
10. Умаров К.Ю. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Т. «Университет» 2002 йил.